



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ
(масъул секретарь),
Худойберди ТҲХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Ўткир ҲОШИМОВ.

(30)

1984

ЙИЛ

ИЮНЬ



ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Еш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

НАСР

Ғаффор ҲОТАМОВ. Қудуқ тепасидаги ой. Қисса . . . 30

НАЗМ

Шавкат РАҲМОН. 28
Муҳаммад ЮСУФ 65
Сирожиддин САИДОВ. 57
Азиз АБДУРАЗЗОҚ 73

ҚАЛДИРҒОЧ

Абдурасул МАМАДАЛИЕВ. Шеърлар 7
Муножат ИМОМОВА. Шеърлар 8

«ЕШЛИК» ЙҮҚЛАМАСИ

Тоҳир ШАМСИБОВ. Изланишлар йўлида 12
Роза ШОКИРОВА, Абдулла АБДУЖАЛИЛОВ, Гули
НИГОР 13
Маҳмуд ХУДОЙБЕРДИЕВ, Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Хайрулла ҚОСИМОВ, Еқубжон АҲМАДЖОНОВ 14
Эргаш ЕНДОШ, Довудхон АББОСОВ 15

«ЕШЛИК» САҲНАСИ

ШУКРУЛЛО. Жанжал. Комедия 17

ПУБЛИЦИСТИКА

Малик ҚАЮМОВ. Буюк бир жасорат 3
Уктам УСМОНОВ. Ўзбекистон дея аталур 9
Тўра СУЛАЙМОН, Нурани ҚОБУЛ. Маслак ва матлаб 53
Нусрат РАҲМАТОВ. Кашфиёт пиллапояларида 59
Абдуваҳоб АБДУМАННОПОВ. Мукофот 63

МУТОЛАА

Неъмат АМИНОВ. Оламшумул қаҳқаҳа 66
Аҳмад АЪЗАМ. Ҳикоянинг ҳиссий кўлами 67

АДАБИЙ ДҮСТЛИК — АБАДИЙ ДҮСТЛИК

Жамол Иижия. Шеърлар 52

АДАБИЙ ТАНҚИД

Шухрат РИЗАЕВ. Маҳорат етишмағач 70

АДАБИЙ МЕРОС

Эркин АҲМАДХУЖАЕВ. Мавлоно Лутфий ғазалиёти-
дан 74

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

Оиладан муқаддас нима бор 76

«ЕШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

Охунжон ҲАКИМОВ. Қора бало 78



«Баҳор» ансамблининг таланти раққосаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Фозилжонова.

В. ДУБРОВСКИЙ фотоси

МУҚОВАДА:

Биринчи, иккинчи ва тўртинчи бетлар: «Бо-
лалигим — олтин чоғ...»

Б. МИЗРОХИН фотолари

Учинчи бет: «Раққоса хиром айлар...»

В. ГОТОВ фотоси



Узбекистон ССР ва УзКомпартиянинг 60 йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. 60 йил... Бу йилларнинг ҳар бири бамисоли катта бир китоб. Унинг зарварақларига эса халқимиз жасорати ва фидойилиги битилган.

Уттизинчи йилларда бунёд этилган улкан sanoat корхоналари, колхоз-совхозлар, қирқинчи йиллардаги канал қурилишлари, асрий Мирзачўлга, Қарши даштларига юриш, Тошкент zilzilasидан сўнг бутун совет халқининг дўстона ёрдами билан қайта тикланган гўзал пойтахтимиз... Буларнинг ҳаммаси халқ жасоратига ҳайкал бўлишга арзигулик воқеалардир.

Авлодларимизнинг фидойилиги ва матонатини, республикамизнинг бугунги камолини кўрсатиш мақсадида «Узбекистоннома» рубрикасини очдик.


Шу сондан бошлаб ана шу оламшумул ишлар, бу ишларнинг бунёдкорлари ва солномачилари ҳақида ҳикоя қилиб боришни лозим топдик.

Дастлабки учрашувимизга республикамизда содир бўлган жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди ва солномачиси, ҳужжатли кино устаси, машҳур режиссёр, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Малик Қаюмовни таклиф этдик.

Малик
Қаюмов

Буюк бир жасорат

Катта Фарғона канали
бунёдкорлари ва солномачилари



Шоир Абдулла Орипов:

Малик ака каби яшасанг, хуллас
Малик ака каби бахтли бўлсанг.

дея хавас билан шеър битгани бежиз эмас. Малик Қаюмов республикамизнинг тирик тарихи, жаҳонга гашта, қалби дарё, дилкаш одам. Етмишдан ошганига қарамай кексаликка ён бермаган. Қадамлари дадил, кўзларида ўт, кулганда йигитлардай шарақлаб кулади.

Олдин телефонда гаплашиб, қачон учрашишни келишиб олгандик. Биринчи саволимиз шундай бўлди:

— Малик ака, Сиз республикамиз ҳаётига даҳлдор жуда кўп унутилмас воқеаларнинг шоҳиди бўлган одамсиз. Халқимиз ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларидан бўлган Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этгансиз, ўша тарихий кунларни лентага олгансиз. Ижозат берсангиз шу ҳақда гаплашсак.

У бир зум хаёлга толди ва шу захоти юзлари ёришиб жавоб килди:

— Албатта, меҳнат жасорати тарихида бундан ўтадигани йўқдир-ов... Келинг, яхшиси аввал ўша вақтда суратга олинган «Буюк оқим» фильмининг кўрайлик-да, бир йўла суҳбатни ҳам давом эттираверайлик. Майлими?

Узкинохрониканинг кичик зали. Осойишталик.

— Биласизми, бу фильмни суратга олишни ким таклиф этган? — дея сўрайди Малик ака юмшоқ ўриндиқларга ўтирарканмиз.

— Йўқ.

— Дунёга машҳур киноҳужжатчи Леонид Васильевич Варламов таклиф этган. У Давлат мукофотини бир эмас, олти марта олган. Жуда жўшқин, кувнок, ҳаётни севувчи киши эди. Ўзи жуда яхши кўшиқ айтар, ўрни келса ўйинга ҳам тушиб кетаверарди. Биз бу одам билан 1937 йилда Москвада танишганмиз. Катта Фарғона канали қурилиши бошланган кунларда қутилмаганда Леонид Васильевич телефон қилиб: «Канал ҳақидаги фильмни биргаликда оламиз», деб қолди. Майли дедим. Шу гапнинг эртасига Л. В. Варламов бошлик Борис Нибелицкий, Михаил Орлов, оператор Володя Комаровларни Тошкентда кутиб олдим. Ҳар бир дам ганимат эди. Шу кунгек Фарғонага жўнадик. У ерда бизни Усмон Юсуповнинг ўзи қабул қилди. Узок суҳбатлашдик.

— Усмон Юсупов ўшанда нималар ҳақида гапирган эди, эслай оласизми?

— Ушанда... Усмон ака каналнинг аҳамияти ҳақида гапирганди. Агар канал битса водий қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади, қанчадан-қанча қакрок ерларимиз гулистонга, боғу бўстонга айланади. Ана ўшанда Фарғона водийсининг ўзи 1 миллион тонна пахта беради. 1 миллион-а! — тўлкинланиб сўзларди Марказком секретари.

— Қаранг-а, энди Фарғона водийси 1 миллион тонна эмас, 1,5 миллион тоннага етказиб пахта беряпти. Бунга шарбатги тўла боғларимизни, мева-чеваларимизни қўйсак, оталаримизнинг ўша жасорати бутун бўй-баста билан кўринади-қолади.

— Тўғри... Усмон ака ўшанда, сизлар ана шундай тарихий воқеани кинога оласизлар, сизларнинг меҳнатингиз ҳам каналчилар меҳнатидан кам бўлмайди. Сизлар оладиган фильм узоқ авлодларга бу улуг халқ ҳаракатидан, қаҳрамонлигидан ҳикоя қилади. Иш жараёнида бизнинг қандай ёрдамимиз керак бўлса тортинманглар. Илтимос, бирор-бир участка, бирор-бир одам эътиборларингиздан четда қолмасин, деган эди. — Қани бошладик.

Малик аканинг ишораси билан хона қоронғилашиб, экранга нур таралди. «Буюк оқим»:

Сахро. Кета-кетгунча, тўлкин-тўлкин баланд-пастиликлар. Чўл кўёшга тўш бериб ётади. Унда-бунда учрайдиган юлғунлар, дашт гиёҳлари ҳам сўлғин, бедаво. Юлғун тагидан чиқиб келган чипор эчкиэмар сахродаги ўзга шарпани сезгандай оғзини катта очганча кун чикши тарафга тикилади. Чўлнинг ўртасида кўринган қора нуқта тобора яқинлашиб келади. Кўп ўтмай кўз олдимизда от етаклаган нуруний қария пайдо бўлади. Чўзиқ, қорамағиз юзларида қат-қат ажин. Оппок соқоли кўксини қоплаган, кўп ҳаёт заҳматларини тотган меҳнатқаш дехқон. У қадок кўлларини кўзига соябон қилиб узоқ-узоқларга ўйчан тикилади. Сўнг паства энгашади-да кум аралаш қуруқ тупроқни қафтлари орасига олиб эзгилайди: «Агар сув бўлса сен ўз бағрингда олтин ундиришга қодирсан, она тупроқ!» Бирок, қани ўша сув? Қум тўлкинлари янгигина қазилган ариқдан далаларга ошиқка-ётган сув тўлкинларига ўхшаб кетади. Қариянинг кўз олдида чўл бир зумга бағрида осмон акс этган тип-тиник кўлга айланади. Бирок бу сароб. Яна кимсасиз, хувиллаб ётган чўл. Қария руҳсиз, бошини қуйи эгганича бир-бир босиб боради. Қовурғалари саналиб ётган от эринчоқдик билан туёқларини судраб босади.

Вайрона кулбалар, бағрини қушлар ҳам тарк этган, хувиллаган ховлилар, қуриган дарахтлар...

Бирдан қарнай-сурнайларнинг нағраси кўкка ўрлаб ажиб бир шодёнадан дарак беради. Экранда «1939 йилнинг 1 августи. Халқ Катта Фарғона каналини қуришга отланди», деган ёзув. Қишлоқ кўчаларига одам сизмайди. Оқ яқтак кийган, бошига дўпписини ўхшатиб кўндирган ялангтўш йигитлар елкасида кетмон, офтобда куйган чехраларида бир олам қувонч билан раста-раста бўлиб кўчадан ўтиб боришади. Улар кўтариб олган шнорларда «Қанални қиска муддатда қуриб битказамиз», «Водийни боғу бўстонга айлантирамиз!» деган ёзувлар. Йўлнинг икки қирғоғида каналчиларни қузатгани чикқан чол-кампирлар, ёш-яланглар, хотин-қизлар. Қошларда ўсма, кўзаларда сурма, дурралар дол, юзлар гулгун. Бугун улар ҳамқишлоқларини улуг ишга қузатишяпти. Ширмой юзли бир қиз олдинда бораётган йигитларнинг биринга тарвуз отди. Йигит ҳам чакқонлик билан тарвузини илиб олди: «раҳмат сенга, яхши қиз!» Илик табассумлар, ширин сўзлар, ҳазил-мутойибалар.

Халқ ишга эмас тўйга отлангандай.

Одамлар, от-аравалар дарё бўлиб оқди.

Канал ўрни. Ҳар қайси тўп бир қолхоз. Активлар югуриб-елиб ажратилган ерга байроқ тикиб боришяпти. Улар ортидан кетмонлар, белкураклар, чўкичлар ишга тушади. Замбил кўтарган йигитлар занжирдек оркама-кетин ер қазитган шерикларини оралаб ўтишаверади. Кетмончилар ҳар замбилга бир кетмондан тупроқ ташлаб қолишга зўрға улгуришади. Канал четига чиққунча замбил тўлиб, оғирла-

шиб қолади. Лекин бу йигитлар учун чўт эмас. Канал чуқурлашиб боради...

— Биласизми, сув учун юриш халқимизнинг асрий орзуси эди, — дейди Малик ака, — ахир ўзбек халқи бир умр сувга ташна эди. Одамлар сувсизликдан қишлоқларини ташлаб кетардилар. Фарғонадаки бир гўзал водийда қанча ерни сап-сарик дашт — Марказий Фарғона чўллари эгаллаб ётар, Сирдарёдек азим бир дарё эса, чўлни чеккалаб беҳуда оқиб ётар эди.

Одамлар сувни қора тортиб дарё қирғоқларига ўрнашарди. Дарё бўлса бир терак бўйи паства этак тутқазмай оқарди. Ўтмишдаги ўша «ариклар тўла сув, ташнаи зорим болам» кўшиғи бекорга айтилмаган-да.

Ана шу ер бўлса, сув бўлса, дур ундиришга қодир халқ канал овозасини эшитганда Норин сувини водийга келтириш учун ёппасига кўтарилгани бежиз эмас. У ўз-ўзидан умумхалқ ҳашарига, Ленин орзу қилган буюк оммавий қаҳрамонликка айланиб кетди. Каттаю кичик каналга худди сайилга чиққандек отланганди. Ушанда икки юз етмиш километрлик канал трассасига одам сизмай кетганди.

«Советский Союз» журналининг махсус муҳбири Эль-Регистон бу ҳашар ҳақида «Учқўрғондан бошланган урра садоси Қуйғанёр, Қува, Марғилон, Риштон, Бағдод, Бешариқ оша Қонибодомгача етиб бориб, яна орқага қайтдики, мен Иттифоқимизнинг қанча буюк қурилишларида бўлиб бундай юксак меҳнат кўтаринкилигини ҳеч ерда кўрмаган эдим», деб ёзган эди. Бу ҳақиқат эди. Буни ўша фильмдан ҳам яққол кўришимиз мумкин. — У шундай дея ортига ўгирилиб киномеханик йигитга ишора қилди. — Давом этдик!

Яна экран ёришади.

Канал трассаларида одам қайнайди. Республика раҳбарлари Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбоевлар ҳали у участкада, ҳали бу участкада пайдо бўлишади. Инженерлар, гидро-техниклар, лойиҳачилар, участка бошлиқлари билан бевоқиф иш бошида суҳбатлашишади. Штаб ҳам канал ёқасида. Ҳозир бу ер гажум. Қурилиш бошлиғи Тешабой Мирзаев Усмон Юсуповга ахборот беряпти.

Усмон Юсуповнинг кенг бўғриққан юзларидан тер қуйилади. У силқиб қилиб киртишланган бошини рўмолчаси билан тез-тез артиб қўяди. Ахборот берувчига синчков қарайди. Ен дафтарига нималарнидир қайд қилади.

Бир томонда каналчилар тушлик қилишяпти. Атласу шохи кўрпачалар, охорли оппок дастурхонлар тузоғлик. Кабобпазлар кабоб елпийди. Ошпаз қозон тўла гуруччи бир химариб олади-да, дамтовогини босади. Пионерлар, ёш комсомол қизлар аввалдан ювиб, қаржлаб қўйилган олма, узум, қовун-тарвузларни пайдар-пай ташиб туришибди. Бақлар биқирлайди, чойлар тайёр. Навоний, Фузулий, Бобур шеърлари билан айтилаётган классик кўшиқлар кўнгиллари сел қилади.

Канал трассаси. Кетмонлар, белкураклар ерга санчилганча турибди. Замбиллар ҳам ўрни-ўрнида қолган.

Тушлик тугайди. Ҳамма яна ишга ёпирилади. Кетмонлар жаранги бир зум борлиқни тутиб кетади. Оқ китель, оқ шим кийиб бошига шапкасини бостириб олган Усмон Юсупов канал бўйлаб шитоб билан борапти.

У пастиқдан роппа-роса бир қанор тупроқни кўтариб чиқаятган йигит қаршисида бир зум тўхтаб гап қотади:

— Отангизга раҳмат, Дўнан полвон!

Бу орада тепаликка чиқиб қолган Дўнанбой Марказком секретарига ялт этиб қаради-ю, елкасидаги қанорни силқитиб ташлади. У тўққан тупроқдан кичикроқ бир тепача ҳосил бўлди. Қанорни кўлтигига уриб югурганича яна паства тушиб кетди. Усмон Юсупов новчадан қулган, микти гавдали бу полвон йигитга яна нимадир демоқчи эди-ю улгуролмади.

Экранда «қолхозчи Дўнан Дўсматов қунлик нормасини 800 процент бажармоқда» деган ёзув пайдо бўлади.

Бейхитёр Малик акани саволга тутамиз:

— Малик ака, сиз ўзингиз Дўнан ака билан қўришиб гаплашганмисиз. У қандай одам эди?

— Албатта-да. Канал халкимизнинг нималарга қодирлигини кўрсатди. Кўплаб юрт ишига тайёр кишиларни элга танитди, номини машҳур қилди. Дўнан Дўсमतов ана шулардан бири эди. Дўнанбой билан кўп ҳамсухбат бўлганман.

Дўсमतов каналга биринчилардан бўлиб келганди. У полвон номини кураш тушибмас, ер қазиб, тупрок елкалаб олганди. Кетмониям буюртма — нақ катта баркашдай келарди. У жуда камтар, камсуқум одам эди. Полвон кийфаси ҳам йўқ эди. Лекин жуда меҳнатқаш одам экан. Ишлаб чарчамасди. Мухбирлар ундан гап ололмай жуда қийналишар эди. Гафур Гуломдай одам ҳам у ҳақда очерк ёзмокчи бўлиб, тузук гапиртиролмай — сани онанг ишга тукканакан, деб қўл силтаб кетган. Биз киночиларни-ку қўяверасиз — хормангов! — деб борсак — бор бўлинг, тагин қийнайсизларми? — деб индамай ишини қилаверарди.

— Канал қаҳрамонларидан яна қимлар эсингизда қолган?

— Жуда кўпини эслайман... Клавдий Николаевич Синявский деган инженер бўларди. У кўп йиллар Ўзбекистондаги сув иншоотларида ишлаган, ўзбек тилини раво гапирадиган, урф-одатларимизни ҳам битта ўзбекчалик биладиган, ажойиб киши эди.

Клавдий Николаевич 1912 йилдаёқ Катта Фарғона каналига ўхшаш канал лойиҳасини чор ҳукуматига топширган экан. Унинг бу ишига эътибор беришмаган. Клавдий Николаевич Совет даврида ўз орзулари рўёбга қавқанидан жудаям хурсанд эди. Ҳозир кўрасиз у каналнинг 5-участкасини бошқарган...

Ўрта бўйли, тўладан келган, оппоқ сочларини чуқ дўпписи билан бостириб олган, чўкки сокол чол. Туриш-турмушида ажиб бир дўлворлик. Қўлида карта, атрофини ўраб олган мутахассисларга нималарнидир вазминлик билан тушунтиряпти.

— Шу киши Синявский, — шипшиб тушунтиради Малик ака.

Кетмон, чўкич шағалга тегиб акс-садо беради. Офтобда обдон қорайиб кетган йигитлар вужудидан тер куйилиб шағалли ерни қазийдилар.

Экранда ёзув: «каналнинг энг оғир, масъулиятли участкасида беш мингдан зиёд комсомоллар жонбозлик кўрсатишди».

Дала йўли. Тупрок кечиб бир нуруний қария келяпти. Афтидан у зোক юрган. Яланг оёқ. Бир елкасида кетмон, яна бир елкасида белкурак, белкуракка қандайдир тугун осиглик. Қария ҳеч қайққа қарамайди, илдам боради. Кат-кат ажин босган юзларида қатъият.

Нихоят у канал бўйига етиб келди. Қирғоқда бир зум туриб қолди. Ҳамма ўзи иши билан. Қария кўп иззатталаб эмас экан. Белкурак билан тугунни канал бўйида қолдириб, кетмонни елкалаганча пастликка тушиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб у ер қазийтган йигитларга қўшилиб кетди... Малик ака шарақлаб кулади:

— Тожимат Хидиров. Ғалати чол эди-да. Биринчи марта учратганимизда унча қайфияти йўқ экан. Нима гап, отахон, дедим. Нима дейди денг. Кексайиб қолдингиз, ота, дамингизни олаверинг деб каналга олишмабди. Шунга хафа экан. — Гапнинг тузсизлигини қаранг-а, ўғлим, кексайиб қолган эмишман. 74 ёш нима деган гап. Ҳа, майли, каналга пиёда келганим учун ўзлари уялишсин, дейди. Қўнглини кўтардим.

— *Ўзиям фильмга жуда яхши тушган экан. Қалай, кейин ишлаб кетдимми?*

— Ҳа, бақувват экан, чоли тушмагур. Ешлар билан басма-басига ишлаб юрди.

Каналда Тожимат Хидировга ўхшаган каналга олишмаганидан ўпқаланиб юрган, қолхоз раҳбарларининг кўзини шамғалат қилиб «қочиб» келганлар ҳам кўп эди. Катта-ю кичик бу оламшумул ишга ҳисса қўшиб қолсам дерди-да...

Оқшом. Куйганёр. «Яшил кўприк». Барчанинг нигоҳи кўкда. Бир терак бўйи тепада дор ўйини. Оёқларига патнис боғлаган, кўзлари ҳам боғлоғлик йигит қилдек аркон устидан югуриб боради. Даврадагилар ёқа ушлайди: ёпирай!

Дордан сал наридаги сахнага шеъринг мухлислари йиғилишган. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Гулом, Чустийлар бирин-кетин чиқиб шеър ўқишади. Мухлислар сезимли шоирларини гулдурос қарсақлар билан олқишлашади.

Сахнада Ҳалима Носирова:

Меҳнат аҳли, қилди обод,
Гулистон бўлди саҳролар!

Давра бир чайқалиб олади. Овоз кудратидан юраклар жунбушга келади. Кишилар кўз ўнгида бепоеи далалар, шарқираб оқайтган анхорлар, тоғдек пахта ширмонлари пайдо бўлади.

Ҳалимаҳонимдан кейин ўртага Муқаррамаҳоним чиқади. Тамараҳоним бўлса тайёрланиб турибди. У дам-бадам ойнага қараб қўяди. Муқаррамаҳоним бекасам тўнда, оқ харир кўйлақда. Ох, унинг қадам олишлари, нозли боқишлари. Бу севги нидоси, бу дардли қалб, бу ишқ. Ҳамманинг нигоҳи раққосада. «Тановар» шўх рақсга улашиб кетади. Давра жонланади. Одамлар ўртасида чордона куриб Усмон Юсупов ўтирибди. Муқаррамаҳоним олдинги қаторда соқолларини силаб, санъат сеҳридан тебраниб ўтирган Тожимат бува олдига чўкқалади-да ғамза қила кетди. Содда, дўлвор чол кўзларини қаерга яширишни билмай қолди. Шунда унинг жонига Усмон Юсупов оро кирди.

— Дўст деворинг ота, дўст деворинг!

— Дўст! — деди кўлини кўксига қўйиб Тожимат бува ҳам.

Даврада шўх кулги, қийкирик...

Экранда: «республикамизнинг икки мингдан зиёд санъаткорлари каналчилар хизматида бўлишди», — деган ёзув.

— Номи чиққан санъаткор борки каналга келганди, — дейди Малик ака, — санъатнинг ростакам кучини ўшанда кўрганман. Усмон ака иш сал сулайсан жойга келса, ҳормабор бўлдан кейин — агар бугун нормани бажарсанглар Ҳалимаҳонимни олиб келаемиз, деярди. Ишонсангиз ўша захоти ишда ўзгаринг бўларди. Нормаям ошиб кетарди. Усмон акаям сўзида турғувчи эди. Кечкурун Ҳалимаҳонимнинг ўзига хос ёқимли овози ҳаммаёқни тутиб кетарди.

Ҳозир кўрганингиз ўша «Яшил кўприк»да Навоий номли опера-балет театри ҳар куни томоша кўрсатарди. Ўзиям «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»га ўхшаган асарларни кўярди.

Гафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжонлар участкама-участка юришарди. Шеър ўқиб, вақти келса аския айтишиб, одамлар руҳини кўтариб ўтишарди.

Москвдан келган машҳур кинорежиссёр Сергей Эйзенштейн, ёзувчи Петр Павленко, оператор Э. Тисселарни айтмайсизми? Канал кезиб, ҳормабор бўл қилиб чарчашмасди. Яратадиган фильмларига эпизод излашар эди... Сергей Эйзенштейн канал ҳақида тўла метражли бадний фильм олмақчи эди. Бу ердаги сафарбарлик, уюшқоқлик машҳур режиссёрни лол қолдирганди. — Канал ҳақида ҳеч нарсани ўйлаб чиқаришга ҳожат йўқ, ҳаётнинг ўзи ҳар қандай уйдирмадан, бежама сўзлардан минг қарра устун, дерди у. У фильм воқеаларини Амир Темур давридан бошламоқчи эди. Фарҳод, Ширинлар сиймосини кўрсатмоқчи эди. Бу ишга қаттиқ бел боғлаганди. Фильмнинг кўп қисми олингандиям...

— *Кейин нима бўлди Малик ака, қолиб кетдимми?*

— Ҳа, охирига етмай қолди-да. Госкинодаги ўртоқлар рози бўлишмади. Каналга арзийдиган фильм бўларди-да ўзиям. Қаранг, суратга олиш учун уч юзта фил керак бўларкан. Жуда ўйлаганиди-да Эйзенштейн. Билишимча, шу... Эйзенштейн ленталари йўқ бўлиб кетмаган экан. Москва киноархивида экан. Агар «Ўзбекфильм»даги ўртоқлар шу ленталар билан қизи-

киб, ўша чала ишни охирига етказишса савоб иш бўларди.

— *Ҳа, зўр бўларди.*

— Қани сўнгги қисмини кўрамизми?

Бош тўғон. Карнай садолари борлиқни тутган. Тантана. Тик турган одамларнинг адоғи йўқ. Хаммининг чехрасида қувонч. Минбарда республика раҳбарлари. Усмон Юсупов нутқ сўзламоқда.

Ўзбекистон президенти Йўлдош Охунбобоев канал қахрамонларига мукофотларни топширади.

Усмон Юсупов лентани қирқади. Каналга сув очилади. Сув пишгириб, кўпириб, ўзанига сиғмай, ўйноқлаб оқади. Пионерлар канал газетасининг сўнгги сонини тарқатиб юришибди.

Вертолёт учиб боради. Унинг ойнасидан пастдаги адоғи йўқ боғлар кўринади.

Боғлар, боғлар, боғлар...

Фильм тугади. Аммо ҳамон унинг таъсирида эдик. Малик ака ҳам ўз ўйлари билан ўтирарди.

— *Биласизми, канал қурилишининг бош жонқуяри ким эканлигини? — тўсатдан сўраб қолди у.*

Бу саволини кутмаганимданми нима дейишимни билмадим. Малик ака бўлса мени ниҳоятдан қутқарди.

— Усмон Юсупов. Республикада сув учун кураш бир инқилобдай гап эди-да. Усмон ака халқнинг юрагидагини сезиб юраркан. Катта Фарғона каналидан олдинроқ попликлар Чодак ариғини қазиб Гурумсарой даштларига сув чиқаришди. Орадан сал ўтмай фарғоналиклар Лоғон каналини қазиди. Энди каттароқ ишларни бошласа бўларди, айни вақти эди. Халқнинг хоҳишим шу эди. Усмон ака буни вақтида пайқаб Москвага — партия Марказий Комитетига Катта Фарғона канали қурилиши масаласини қўйди. Эшитганман, буни Усмон аканинг ўзи айтиб берганди, у кишининг бу таклифи марказда анчайин бахс — мунозара қўзғатган. Катта-катта сув мутахассислари Юсуповнинг бу таклифига бетараф қараганлар. Айримлари «бундай таваккалчилик кетмайди, каналдан оққан дастлабки бўтана сув бутун трассани лой билан тўлдиради, меҳнат чиппақка чиқади, ҳали техникамиз ҳам унчалик эмас» дейишган. Юсупов канални ҳашар усули билан асосан қўлда қавланишини айтганда эса «ёпирай, лоф ҳам эви билан-да, ўртоқ Юсупов» деганлар бўлган.

Аммо-лекин Усмон Юсупов сўзида собит турди. Канал қурилиши бошланди. Халқдан зўр, халқдан қудратли куч бўлмас экан. Ўзингиз ўйланг-а, 270 километрлик канал 160 минг киши билан роса қирқ беш кунда қурилди. Бу ҳали тарихда рўй бермаган бир оламшумул иш эди. Бу бир буюк жасорат эди. Шуни айтиб қўяй, шунча вақт эл кезиб, юрт кезиб бу қадар уюшқоқликни, бу қадар тўқин-сочинликни мен ҳали ҳеч қайси ерда кўрмаганман. Қаерга борсангиз қўй гўштига кавоб, ёғли сомсалар, жиззали нонлар, столлар худди тўйдагидек безатилган бўларди.

Бу канал халқимизнинг иродаси нималарга қодирлигини кўрсатди. Шундан кейин республикамизда сув учун кураш оммавийлашиб кетди. Катта Фарғонадан кейин худди ўшандай шитоб билан Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона каналлари, Улуғ Ватан уруши қизиб турган пайтда Фарход ГЭСи қурилди.

— *Ҳа, Малик ака, эзулик йўлида, келажак йўлида ўзини аямайдиган мардона халқимиз бор...*

Малик ака қўлини нягига тираганича шоирона кайфиятда ўтирибди. У ҳамон ўша канал хотиралари билан. Гап қўшмаймиз. Анчайин жимликдан кейин сўраймиз:

— *Айтинчи, Малик ака, мана Сиз жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бўлагансиз, Катта Фарғона канали қурилишини дунёнинг қайси қурилишига қиёсласа бўлади?*

— Мен уни Сувайш каналига қиёслайман. Фарқи французлар бу канални етти йилда қазиди, биз эса 45 кунда қазидик.

— *Катта Фарғона каналида халқимиз оммавий қахрамонлик намуналарини кўрсатишган. Сиз ҳозирги ёшларимизда шу қахрамонликнинг қайси қирраларини кўрасиз?*

— Ҳар бир даврнинг ўз қахрамонлари бўлади. Мана ҳозир ҳам юзлаб, минглаб ёшларимиз БАМда, Нокоратупрок ерларни ўзлаштиришда ҳормай-толмай меҳнат қиляптилар. Лекин, яшириб нима қиламиз, ёшларимиз орасида бугунги ҳаётимиз нималар эвазига, кимларнинг меҳнати билан бунчалик фаровон бўлганлигини билмайдиган, билишни ҳам истамайдиган, тўқликка шўхлик қилиб юрганлари ҳам бор.

Тўғриси, ўша каналчилар орасида бирортаям иғвогар, олифталар йўғиди. Иғвогарлик, ноахиллик, майдагап бекорчиликдан келиб чиқади шекилли-да.

Ҳозирги ёшларимизга телевидения орқали 20—30 йиллардаги халқимиз ҳаётини акс эттирувчи бадиий, ҳужжатли фильмларни кўпроқ кўрсатиш керак. Бу уларнинг тарбиясида катта роль ўйнайди.

— *Малик ака, мана фильмизни кўриб, суҳбатингизни тинглаб биз ҳам худди Катта Фарғона канали қурилишида қатнашгандай, канал қахрамонлари билан учрашгандай бўлдик. Бунинг учун катта раҳмат. Аммо, Малик ака, Сиз камтарлик қилиб айтмадингиз, «Буюк оқим» фильми ўз пайтида катта шов-шув бўлганлигидан хабардоримиз. Ҳатто «Правда» газетаси ҳам бу ҳақида «...фильм бошидан охиригача зўр қизиқиш билан кўрилади. Халқнинг буюк жасорати содда ва ҳаққоний акс этган» деб ёзганди. Канал бунёдкорлари қатори унинг солномачилари, яъни Сиз билан Борис Нибулицкий «Хурмат белгиси» ордени ҳамда «Катта Фарғона канали қатнашчиси» фахрий нишони билан тақдирланганингизни биламиз.*

Малик ака «шундай бўлганди» дегандек бош ирғайди. Қўлидаги кўзойнакка бир зум тикилиб қолади. Сўнг одатича сочларини силаб жилмайиб боқади.

— Оталар жасорати, энг яхши ишлари, ажойиб анъаналари давом этипти, — дейди у кўтаринки руҳда, — буни биз Мирзачўл, Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштирилиши, Андижон, Туямўйин сингари сув омборлари, қанчадан-қанча магистрал каналлар қурилиши мисолида кўрдик ва кўряпмиз. Юз минглаб фидокор ёшларимиз беш йилликнинг қайноқ меҳнат жабҳаларига юрак амри билан бормоқдалар. Асризмизнинг БАМ, Тюмень, Атоммаш сингари буюк қурилишларида, Нокоратупрок ерларни ўзлаштиришда оталари жасоратини давом эттирмоқдалар. Уларнинг меҳнат жасоратлари ҳам ленталарга кўчяпти, худди ўша «Буюк оқим»дек давр солномасига айланяпти.

Суҳбатни О. НОМОЗОВ олиб борди.

Бир қанча авлод педагогларининг меҳнати билан қўлга киритилган, совет мактаби ва педагогика фани эришган барча қимматли ютуқлар, замон синовидан ўтган жамики илғор нарсалар авайлаб асралиши ва актив равишда фойдаланилиши керак.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан».



Не бахтки, шеърятимизда сохта дабдабозликлар, мадҳиябозликлар даври ўтиб кетди. Фикрлардаги ички зиддиятлар, руҳий безовталиқ — шеърят нафас олаётган ҳаво ана шундай.

Қўшни Тожикистоннинг Ленинобод областида яшовчи Абдурасул Мамадалиев шеърларини ўқиб, хаёлимдан яна бир қарра шу ўйлар кечди.

Куюнчақлигингиз, ойдин бедорлигингиз бор бўлсин, Абдурасул!

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Абдурасул Мамадалиев

Пахта

Пахта нима асли биз учун?
Кеча, бугун ва эрта демас.
Шунинг учун пахтани тушун,
Лозим уни экмагу термас.

Кеча бизлар бор эдик дуркун,
Бугун яна соғ-омон бормиз.
Эртада ҳам бор бўлмақ учун,
Пахтазорда шаймиз, тайёрмиз.

Насиҳат

Насиҳатим сенга шул эрур:
Уғлим, тани кексани, ёшни.
Ибтидомиз асли тупроқ, нур,
Тани ерни, тани қуёшни.

Уғлим, балки тубсиз коинот
Сайргоҳинг бўлиб қолар-ку.
Саёҳату парвоздан бот-бот
Руҳинг сенинг ҳориб, толар-ку.

Шунда ерга қайтмоқчи эрсанг,
Титиб юрма чексиз осмонни.
Соғ-саломат қўнайин десанг,
Таниб олгин Ўзбекистонни.

Пабло Неруда

(1973 йил, 23 сентябрь)

Шеърятдир энди Ватаним...
Яшагайман шу ҳур маъвода.
Етолмагай бу ерга ганим,
Бу ер юсак арши ағлодан.

Шеърятдир энди Ватаним...
Қуёш унинг дўсти бўлади.
Гар Қуёшни сўндирса ганим,
Шеър ўлади, Пабло ўлади.

Етар бошга, оҳ, балки бошга,
Лекин етмас қилич Қуёшга!

Оталар ва болалар

(Бобомнинг шеъри)

Тезоб эрур замона, умр эса муваққат,
Юзга кирган чоғда ҳам юракда ҳавас қолур.
Табиат сахий эрур, ҳам эрур у бешафқат,
Гоҳида бирни бериб, ўрнига ўрни олур.

Не бўлса ҳам ушбу гап ҳалолдир, ҳақиқатдир:
Доим ота чирогин ёқиб қолади фарзанд.
Уша нурдан бу дунё чароғон бир хилқатдир,
Офтоб фалак тахтида турган бўлса ҳам
гарчанд.

Фарзанд-ку ўксиниб, дилга чўкиб аламлар,
Кўтаради бегумон оғир дардларнинг юкин,
Замин ҳам кўтаролмай титилиб кетар шу кун!

* * *

Болалар ўйнашиб сувни лойлатса,
Катталар койишар, бу — ёмон иш, деб.
Улар-ку улгайиб, вояга етса,
Бу ишни кўрмайди ўзларига эп.

Аммо ҳаёт наҳри ўзга бир ўзан,
Кўтармас беҳуда сўзни, шов-шувни.
Болани койиган катталар баъзан
Ўзлари лойлатиб юришар сувни...



Дуэль майдонида

Маъшук тоғларида саросима руҳ,
Шамол тўзиб юрар девонасифат.
Эвоҳ, бу майдонда ажиб бир шукуҳ
Ғариб бир мунг билан қуради суҳбат.

Булоқдан таралган хуш оҳангларга
Бойўғли қичқириб ташлар киноя
Гулзорда товланган дилбар рангларга
Лоқайд қараб турар қоп-қора қоя.

Атроф тантанавор сўзлайди тинмай:
Лермонтов ҳеч қачон ўлмайди, дея.
Атроф мотамсаро бўзлайди тинмай:
У қайтиб дунёга келмайди, дея...

Кўксимга жиз этиб бир ўт қадалар,
Бирдан кўзларимдан оқади дардим.
Пасткаш мартиновлар ҳамон бўлса гар,
Сўзсиз, шу майдонга мен ҳам
тушардим!

Ибтидоий одам

Қадимий жон, қадимий суврат,
Қадимий шон, қадимий шуҳрат,
Қадимий онг, қадимий ҳайрат —
Ибтидоий одамга раҳмат.

Қавми унинг маймун бўлса ҳам,
Сал хушёр, сал мажнун бўлса ҳам,
Ўзин билди қай кун бўлса ҳам,
Ибтидоий одамга раҳмат.

Ҳайвонга у бегона бўлди,
Ўзига дўст, дугона бўлди,
Ҳам кўрқди, ҳам мардона бўлди,
Ибтидоий одамга раҳмат.

Танҳо эмас, у зич оломон,
Ҳар ғанимга бўлди беомон,
Ўз наслини асради чунон,
Ибтидоий одамга раҳмат.

Неки топса ўртада еди,
Ҳамма азиз, ҳамма тенг эди,
Феъли шундоқ тоза, кенг эди,
Ибтидоий одамга раҳмат.

Аслида у мўғтабар аждод,
Олис, аммо шуғлавор аждод,
Буюкликдан хушхабар аждод —
Ибтидоий одамга раҳмат.

Не бўлса ҳам, у илк одамдир,
Менинг онам, менинг отамдир
Қонимдаги тўйдир, мотамдир,
Ибтидоий одамга раҳмат!

* * *

Кечиринг, энтикиб сева олмадим,
Ҳисларим оқмади тошиб, кўпириб.
Сизнингмас, йўқ экан менинг омадим.
Нима ҳам қилардим энди гапириб.

Муҳаббат бобида бу не муаммо?
Ечимин тополмай ёнади бағир.
Севилмаи яшаш-ку оғирдир, аммо
Сева олмаслик ҳам бахтсизлик ахир...



**Муножот
Имомова**

Саратонда

Енгоқ бўлар ўжар саратон,
Қизлар баттар куйлайди қўшиқ.
«Ёр танамдан чиқар бўлди жон,
Сочларимга бўлибсан ошиқ...»
Қиздиради сочни саратон,
Куйдираман, йўқ қиламан, дер.
Томирларда кўпиради қон,
Роҳатларга айланади тер.
Чиқа бошлар қизлар даладан,
Кетмонларин елкага ташлаб.
Енгдим, дейди қувонаб саратон,
Ва бармоғин қолади тишлаб.
Чўмилади бир ариқ қизлар,
Бўйинларга ўралади соч.
Қулгулардан очилар юзлар,
Тўлқинларга қовушар қувонч.
Еллар қўниб олган қирғоққа,
Улар бундан кетмаслар ойлаб.
Ушлаганча саратон ёқа,
Кўйлакларни ўлтирар пойлаб.



Уктам
Усмонов,

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар
Союзи правлениясининг
секретари

Ўзбекистон дея аталур...



Олтиндан қиммат нима бор! — Дўстлик! Пўлатдан мустаҳкам нима бор! — Дўстлик! Тўфондан кучли нима бор! — Дўстлик! Халқимизнинг қадимий эътиқоди бу! Ардоқли Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйи олтидан мен бир ёзувчи сифатида мана шу энг бебаҳо инсоний фазилат — Дўстлик ҳақида сўз юритмоқчи бўлдим. Чунки айни шу дўстлик тўғрисида ўзбек халқи қардош халқлар ягона оиласида, ўзаро дўстона ёрдам ва хайрихоҳлик туйғуларига таянган ҳолда ҳозирги буюк натижаларга эришди.

Ўзбекистонимиз қисқа вақт ичида саводсизликни тўғатиш нурларидан атом ядросини парчалоувчи ва металллик лазер нурларида эритувчи илмий институтларга, бармоқда санашлардан замонавий компьютерли ҳисоблаш марказлари, чала қувватли электр дизель ускуналаридан миллион киловатт қувватли энергоблоқларга, омоч-бўйинтуруқдан замонавий тракторлар ва пахта териш машиналарига бўлган йўлни босиб ўтди. Бундай мисоллар сон-саноксиз.

Бир марта кўзда Мирзачўлни айлаиб чиқмоқчи бўлдим. Бутун водий то уфқларга оппоқ чойшаб билан ўралгандай эди. Йўқ, бу эртароқ ёққан қор эмасди, учидан толиққан ва нафас ростлаш учун қўнган оқ капталларнинг улкан галаси ҳам эмасди. Бизнинг олдимизда миллионлаб чаноқларида қумшў толалар кўпирган, адоғини кўз илғамас пахтазор ястаниб ётар эди.

Ҳа, бу ернинг саҳоватли тупроғи деҳқонларни мўл ҳосил билан сийлайди. Утган сайёҳлардан бири инженер Н. Ульянов қуйидаги гапларини айни шу ер ҳақида ёзганга энди ишониб ҳам қийин: «Агар сиз узоқда шошилиб кетаётган карвонни кўриб қолгудай бўлсангиз, билингки, у бу ерларда ҳамма нарсадан азизроқ бир қултум сувни сўраб қолмасин, дея сиздан хавфсизраб, тезроқ кўздан яшириниб учун ошиқайтир. Сафар пайтида йўлдан адашиб ёхуд олиб кетаётган сувингизни тўкиб қўйишдан худо асрасин — унда нажот йўқлигига амин бўлаверинг. Бунга май ойларидаёқ соя жойдаги 40 градуслик иссиқини, қуёшнинг кўзларга найзадай қадалувчи оташ нурларини, уззуқун лоҳаслиқини ва ниҳоят қоқ ерда чивиллар таловидаги «хузурбахш» тунни ҳам қўшсангиз — сиз Мирзачўлдаги яшаш шароити ҳақида лоақал тахминий тасаввурга эга бўласиз».

Мана шундай жижғана, яйдоқ ер биргина авлоднинг кўз ўнгига гуллаган воҳага, дунёнинг саккизинчи мўъжизасига айланди. У социалистик тўзумнинг ҳайратомуз асарини ва бу ноёб ижод намунаси СССР деб аталмиш улкан байналминвал уйнинг хўжайинлари бўлиб қолган барча халқларнинг буюк дўстлиги шарофати билан яратилгандир.

Қардош халқларнинг ёрдамсиз бу қақроқ ерни обод этишга йўл бўлсин эди. Бундай ёрдамни биз ёшгина Советлар давлати дунёга келган дастлабки ойлардаёқ ола бошлагандик. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин 1918 йилнинг 17 майдаёқ Туркистондаги сўғориш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги декретга имзо чеккан эди. Ишга амалий раҳбарлик қилиш учун алоҳида ташкилот тузилди, мамлакатимизнинг марказидан олис ўлкамизга мутахассислар ва ускуналардан иборат эшелонлар жўнатилди. Чет эл интервенцияси ва Ғарб мамлакатларининг уни қўллаб-қувватлашлари сабабли бошланган граждандар уруши ўшанда тузилган режаларни тўла рўёбга чиқариш имконини бермади. Бу ишга кейинроқ яна қайтилди. Охир-оқибат Владимир Ильич Лениннинг: — Чўлни ўзлаштириш барча ишлардан зарур ва у социализмга ўтишни тезлаштиради, деган башорати тўла рўёбга чиқди.

Дарҳақиқат, оби ҳаёт асрий кўриққа жон ато қилди, заминдан мўл ҳосил олиш имконини берди. Мирзачўлнинг ўзигина ҳозирда ярим миллион тоннадан ортиқ пахта беради. Бунга дон, сабзавот, мева, полиз ва бошқа ноз-неъматларни кўшинг! Деҳқонлар турмуши ҳам таниб бўлмас даражада яхшиланди. Бугунги кунда улар шаҳар билан бўйлашадиган, барча қўлайликларга эга бўлган обод посёлкаларда яшамокдалар.

Чўлни ўзлаштириш, пахтачиликни ривожлантириш ва деҳқонларга ёрдам қўлини чўзишдаги кўпгина ташаббуслар Ленин номи билан боғлиқдир. Масалан, 1922 йилда бизнинг ўлкамизга қиймати олтин ҳисобида 233 минг сўмлик қишлоқ хўжалик ускуналари жўнатилган эди. Уша йилнинг ўзида хўжаликларни тиклаш ва пахтакорларга моддий ёрдам бериш мақсадида бир ярим миллион сўмлик [бу ҳам олтин ҳисобида] узоқ мuddатли кредит очилган эди. Ленин қақирғига биноан Россия ишчилари пахтакорлар учун минглаб плуглар ва бошқа қишлоқ хўжалик ускуналари етказиб берган эдилар.

Кўп миллатли Ватанимиз халқларининг ўзаро қардошларча ҳамкорлиги шу тариқа туғилди ва мустаҳкамланди. Бу ёрдам тўғрисида меҳнаткаш деҳқонлар биринчи жаҳон ва граждандар уруши йиллари мобайнида издан чиқа бошлаган пахтачилик хўжалигини қайта тикладилар, муваффақиятли равишда ривожлантира бошладилар. Кейинроқ Ўзбекистон далаларига Ленинград, Волгоград, Харьков заводларида тайёрланган тракторлар ва бошқа замонавий техника намуналари кириб келди... Республикаимиз деҳқонлари ўз далаларида минерал ўғитлардан фойдаланишни ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб кенг йўлга қўйдилар. Бу ҳам пахтачиликни ривожлантириш ишига қардош халқларнинг ҳиссаси эди ва бу иш, дарҳақиқат, мислсиз самаралар берди. Натигада 30-йилларнинг бошларидаёқ Советлар мамлакатини чет эл пахтасини сотиб олишдан батамом халос бўлди. 1935 йилда фақатгина бизнинг республикаимизда — пахтачилик мамлакатимизнинг бошқа жанубий районларида ҳам тез тараққий этмоқда эди — бир миллион тоннадан ортиқроқ пахта ҳосили олинди. Ва бу революцияга қадар бизда етиштирилган пахтадан икки барабар кўп эди. Ҳозир СССРда ишлаб чиқарилаётган пахтадан учдан икки қисмини бераётган Ўзбекистон тўқимачилик саноатини йилга камида олти миллион тонналик ниҳоятда қимматли хомашё билан таъминламоқда. Пахтачилик республикада саноатнинг кўпгина тармоқларини ривожлантириш учун ишончли база, меҳнат аҳли турмуш фаровонлигини яхшилашнинг энг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Шуниси ибратлики, бизда тайёрланаётган пахтадан учдан бир қисми кўриқ ва бўз ерларда етиштирилади. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ Владимир Ильич Лениннинг янги ерларни ўзлаштиришга шу қадар катта эътибор бергани бежиз эмаслиги яққол кўриниб турибди.

Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари ҳозирда асосан тугалланган. Аммо республиканинг имкониятлари, табиийки, шу билан тугаб қолгани йўқ. Амударёнинг қуйи соҳилларида, Жиззах чўлларида, Сурхон-Шеробод даштида кўрик ерларни ўзлаштириш авж олдирилмоқда... Биргина Қарши чўлида қарийб миллион гектарлик майдон ўзлаштирилмоқда. Бу ернинг

табий шароити пахтанинг энг қимматли нави — ингичка толали пахтани етиштиришга имкон беради. Чўлга сув Амударёдан келди. Аммо ўзи келмади, албатта. Сувни бу ерга бутун чўл бўйлаб қазилган каналга ўрнатилган улкан насослар етказиб беради. Тоққа қараб ўрлаётган бу сувний дарёда олти насос станциялари ишлаб турибди. Улар сувни Амударё сатхидан 132 метр баландликка олиб чиқадилар. Бундай мураккаб гидротехник вазифани ҳал қилишда Ўзбекистонга Уралнинг, Россия Федерациясидаги индустриал бастионларнинг ишчилари ва инженерлари ёрдам бердилар. Республика-мизнинг махсус буюртмасига мувофиқ ана ўша томонларда ноёб насос агрегатлари мамлакатимизда биринчи бор лойиҳа-лаштирилди ва тайёрланди. Уларнинг ҳар бири секундига қирқ кубометр сувни юқорига сўриб чиқара олади! Яққолроқ тасаввур қилишингиз учун шундай бир мисол келтирмоқчи-манки, ичиде сув тоққа ўрлаётган қувурлардан каттакон юк ташиш машинаси бемалол юриб ўта олади. Илгари бутун чор Россиясида қанча электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, Қарши каналдаги фақатгина насослар истеъмолни учун худди шунча энергия керак бўлади.

Бошқа соҳалар-чи! Машинасозлик ва электроника, рангли ва қора металлургия, кўмир қазиб чиқариш ва электротехника, газ ва нефть конларини ишга тушириш, пластмасса ва сувний тола олиш, цемент ва кўп минг тонналик минерал ўғитлар ишлаб чиқариш... Индустриямиз маҳсулотларининг лоақал энг муҳим турларини ҳам санаб тугатиш қийин: унинг миқёси сувний олмосларни синтезлашдан тортиб то самолётсозликка қадар етиб боради. Буларнинг барчасига тарихан қисқа муддатда — Совет ҳокимияти йилларида эришилди. Ўзбекистонни индустриал ўлкага айлантиришда эса бизга барча Иттифоқдош республикалар ёрдам бердилар. Халқимиз айниқса қардош рус халқидан бағоят миннатдорки, шунинг учун ҳам уни ўзига чинакам «оға» деб билади.

Зеро рус халқи, рус ишчилар синфи биз ўзбекларга ҳам биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди, бу билан социалистик тузум шароитида турли миллат вакиллари ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатди. Яна шунга таъкидлаш керакки, бизга илк бор ёрдам қўлини чўзганда рус ишчилар синфининг ўзи оғир иқтисодий тангликни бошидан кечираётган эди. Бу ёрдам азбаройи тўқин-сочинлик ва фаровонлик сабабли кўрсатилган эмасди. Йўқ! Чет эл интервенцияси, Гражданлар уруши, урушдан кейинги вайронгарчиликлар, сўнгра Улуғ Ватан уруши ва халқ ҳўжалигини қайта тиклаш... йилларини бир эслайлик. Россия меҳнаткашлари миллий ўлкалар, жумладан, Урта Осиё билан бугўдой ва саноат товарларини, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва оддий михин... ўртада баҳам кўрдилар. Табийки, кўп миллатли советлар мамлакатининг бошқа халқлари ҳам қараб турмадилар, улар ҳам ўз навбатида рус оғаларига қўлдан келган ёрдамларини аямасдилар. Масалан, Владимир Ильич Ленин Россия марказидаги оч-юпун одамларга ёрдам кўрсатишга даъват этиб, «Ишчи ўртоқларга. Орол денгизи балиқчиларига» мурожаат қилганида, доҳимизнинг бу қақирғини бизнинг меҳнаткашларимиз гоят қизғин қўллаб-қувватладилар. Ильич топшириғи шараф билан бажарилди. Лениннинг «Сизлар бир-бирларидан гоят олис ўлкалардаги пролетариатнинг кенг миқёсдаги ўзаро ҳамкорлиги негизига қурилган совет ишчилар давлатининг букиямас қудратини ҳали бутун дунёга, энг аввало барча меҳнат аҳлига кўрсатиб қўясизлар», деган доҳиёна сўзлари ҳаётий ҳақиқатга айланди.

Бизнинг вақт синовларидан шараф билан ўтган қардошлигимиз мана шундай тугилди, ўзаро ёрдамга асосланган янги социалистик аънааналар қарор топди.

Яна Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши масалаларига қайтайлик. Бундан 52 йил муқаддам, 1932 йилнинг 6 майида ўша пайтдаги Тошкентнинг чекка жойларидан бирга одамлар қуюни бетиним оқиб кела бошлади. Уларни Урта Осиё тарихида мисли кўрилмаган миқёсдаги гигант корхонанинг қурилиши ҳақидаги хушхабар бу ерга етаклаб келмоқда эди. Митинг бўлди. Ўзбекистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг раиси, собиқ чорикор, босмачи галалари-ю, инглиз интервентларига қарши фаол курашчи Йўлдош Охунбоев нутқ сўзлади.

— Бу сайхонликда, азиз ўртоқлар, — деди у, — мамлакатимиздаги энг йирик тўқимачилик комбинатларидан бири қад кўтаради!

Бир гуруҳ митинг қатнашчилари комбинатга тамал тоши қўйилганлиги ҳақидаги актга имзо чеқдилар. Металл қувурчага солинган ва келгуси авлодларга хотира бўлсин учун пойдевор тагига кўмилган ушбу актда, жумладан, шундай сўзлар ёзилган эди: «Бугун бу ерда... тўқимачилик саноатининг Урта Осиёдаги биринчи гиганти пойдеворига дастлабки ғишт қўйилди. Бу ўтмишда хору зор миллатларнинг иқтисодий ва маданий қолюқлигини тугатишга қаратилган ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, партиянинг мамлакатни индустрлашга йўналтирилган бош йўлини амалга татиққ этишининг яққол далилидир...»

Тошкент тўқимачилик комбинати республика саноатининг яловбардори бўлса, ҳозир газлама тўқиб чиқариш бўйича йирик корхоналар Бухоро, Наманган, Марғилон шаҳарларида ҳам ишлаб турибди, Андижонда, Нукусда эса янги гигантлар бунёд этилмоқда...

Уттизинчи йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати каби улкан корхонани барпо этиш нақадар машаққатли эди. Коммунистик партия қадим рус тўқимачилик маркасларининг ишчиларига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бунга жавобан Москва, Ленинград, Иваново, Орехово-Зуево, Владимирова, Серпуховодаги ўз ишининг тажрибали усталари Ўзбекистондаги тўқимачилик саноатининг илк қалдирғочига оталиқ ёрдамни кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Даставвал юксак малакали қувурчилар ва монтажчиларнинг катта бир группаси Тошкентга келди. Ўз навбатида ўзбекистонлик ташаббускорларнинг бир гуруҳи тажрибали рус тўқувчилари мураббийлигида йигириш ва тўқиш ишларини ўрганиш, маҳорат сирларини ўзлаштириш мақсадида мамлакатимизнинг марказий районларига йўл олдилар. Тажрибаларни ўртоқлашни Тошкентда ҳам давом этди. Корхонани ишга тушириш олдида бу ерга ана ўша рус йигирувчилари ва тўқувчилари келдилар. Улардан кўпчилиги Ўзбекистон билан қон-қардош тутиниб, шу ерда бир умрга яшаб қолдилар, маҳаллий кадрларнинг бир неча авлодига мураббийлик қилдилар. Бу ўринда ана шунга таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозир Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона, аҳил оила бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар.

Бундан ярим аср муқаддам қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводи — ҳозирда пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик корхоналардан бирининг қандай қурилгани ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилишим мумкин эди. Аммо баъзи бир тафсилотларни эслатиш билан кифояланмоқчиман: бу завод ишлаб чиқараётган агрегатларнинг ҳар бири юзга яқин теримчининг ўрнини боса олади, уларни толиқтирувчи оғир қўл меҳнатида озод қилади. Ҳозирги Ўзбекистонда бундай замонавий машинасозлик заводларидан юздан ортиғи ишлаб турибди!

Қандай қилиб Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида Бекобод шаҳридаги металлургия заводи қурилгани, кечаги деҳонлар рус, украин ишчилари ва мутахассислари мураббийлигида олий малакали пўлат эритувчилар, пўлат қуювчилар бўлиб етишгани ҳақида ҳам ҳикоя қилишни истардим. Бугун биз ўзбек металлургияларининг — Нуриддиновлар, Ганиевларининг... бутун бошли сулоалари ҳақида гапирга оламиз. Уларнинг ҳаёти, қаҳрамонлиги йирик-йирик асарларга мавзу бўла олади. Дарвоқе, изохли луғатлар маълумот берадиларки, сулола — наслу насаби ягона ҳўқмдорларнинг тарихий авлоди демакдир. Совет воқелиги бу сўзга янги мазмун бахш этди. Бизнинг сулоаларимиз ота-боболарининг тожу тахтини эмас, балки касбу корини мерос қилиб оладилар. Фақат касбу корининга эмас, у билан бирга инқилобий ва меҳнат аънааналари, янги социалистик тузумнинг руҳи ва негизлари ҳам қабул қилиб олинади.

Ҳа, биз кўп ишлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қила оламиз, кўп нарсалардан фахрлана оламиз. Аммо ўзбек халқининг кўп миллатли советлар Ватанининг барча халқлари билан ҳамкорликда мустақамланган қардошлик муносабатлари айниқса бизни манашун қилади. Барчамиз ягона оила бўлиб муштарак мақсадлар билан яшамоқдамиз. Дўстлар ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиз, қўшнимиз, қардошимиз бошига тушган ғам — бизнинг ҳам ғамимиз.

Бу улғувор туйғу Улуғ Ватан уруши йиллари яққол кўринди. Уша дамлар Ўзбекистон мамлакатимизнинг ғарбий районларидан келган юз мингдан ортиқ етим болаларга иссиқ бошпана вазифасини ўтади. Халқимизнинг асл фарзандлари эса бошқа

қардош халқларнинг ўғил-қизлари билан бир қаторда ягона Ватанимизни немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишга отландилар. Ленинград ҳимоячиларидан бири, ўзбекистонлик жангчи Қаюм Раҳмонов ўзининг васият-мактубида, мана, нима деб ёзади: «Ҳаёт — бу Ватан. Ватан — бу менинг оилам, она қишлоғим, бутун Советлар мамлакатим. Ёна-Ватанимнинг бир қарич ерини эгаллаганида вужудимнинг бир парчасини кесиб олгандай бўлади. Мен қуёш нури, бўлиқ ер, кон, пахта, узумлари мўл, далалари сурвуларга тўла, бахтли ҳаёт наҳдасини суроятган ўлкадан келганман, фашистлар Совет Иттифоқига бостириб кирганларида Фарғона водийсининг ҳам қанчалик ларзага тушганини кўрганман. Ушанда ҳар бир соф виждонли киши қалбида «Олга юр, ёвни тўхтат, ўз уйингни, ўз ерингни ҳимоя қил!» деган бир нидо тўғилди. Ва мен Ленинградга келдим. Москвадан, Ленинграддан, Совет Россиясиз озод Ўзбекистон йўқ... Мен Советлар ҳокимияти туфайли биз ўзбеклар эришган ютуқларни ҳимоя қилиш учун жонимни ҳам аямайман».

Уйлайманки, ҳар бир совет республикасининг вакили ҳам бу сатрлар остига бажонидил кўл кўяр эди. Қудратимиз, енгил-маслигимизнинг сири ҳам мана шунда. Бу сири немис-фашист босқинчилари англаб етмадилар. Бу сири бузғунчи радиостанцияларнинг эшиттиришлари орқали совет халқлари ўртасига нифоқ солиб, уларни бир-бирларига қарши қўйишга уринувчи ҳозирги ғарб сиёсатдонлари ва тарғиботчилари ҳам билолмайдилар.

Совет воқелигининг ҳар бир кўни бизнинг кўпмиллатли оиламизда олижаноб ва қардошларча муносабатларнинг рад қилиб бўлмас тиссолларини дунёга намойиш қилаётган бир пайтда, наҳотки, менинг юртдошларим уммонлар ортидан турли-туман чўпчакларни шипшўтган аллақандай овозларга ишонса! Лоақал 1966 йилдаги Ўзбекистон пойтахти бошига тушган табиий офат — кучли zilзала кунларини эслайлик. Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбар арбоблари зарурий ёрдам кўрсатиш масалаларини офат рўй берган жойнинг ўзида батафсил ўрганиш мақсадида ўша куннинг ўзидаёқ Тошкентга етиб келдилар. Советлар юртида яшаётган ҳеч бир халқ бошимизга беҳос тушган бахтсизликка лоқайд қараб турмади. Тошкентга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан қурувчилар ва қурилиш материаллари оқиб кела бошлади. Қисқа муддатда шаҳарда шундай кўп қаватли кўркем ва мустаҳкам бинолар қад кўтардики, уларга энди ҳар қандай zilzilалар ҳам писанд эмас. Тошкент вайроналар ўрнида тикланди, қайта қурилды. Ушандан бери рус, украин, арман, қозоқ, белорус, грузин, қирғиз, эстон, озарбойжон, латиш, молдован, литва, туркман, тожик қардошлар бунёд этган кварталлар ҳамда уйлар уларга берилган номларда мангүликка муҳрланиб қолди.

Эндиги Тошкентни таниб бўлмайди, у гўзал ва улкан бир шаҳар. Унинг аҳолиси мана яқинда икки миллиондан ошди. Бу катталигига кўра мамлакатимиздаги тўртинчи шаҳар деган сўз. Маълумки, марказ аҳолисининг кўпайиши доимо транспорт муаммоларини келтириб чиқаради. Бизда ҳам шундай бўлди. Мана, энди Ўзбекистон пойтахтида метрополитен ишлаб турибди, унинг янги навбатлари ишга туширилмоқда ва лойиҳалаштирилмоқда. Шаҳар эса кун сайин ўсмоқда, чирой очмоқда.

Мен совет халқлари орасида иқтисодий соҳада қарор топган қардошлик муносабатлари ҳақида ҳикоя қилдим. Бундай тиссолларни фан ва маданият соҳаларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Лоақал Тошкент Давлат университетининг ташкил топиш тарихини олайлик. Бу мамлакатимизда ҳали граждандар уруши давом этаётган 1920 йилда бўлган эди. Владимир Ильич Ленин ташаббусига жавобан рус профессорлари ва ўқитувчилари тушган, бой илмий кутубхона, лаборатория жиҳозлари, ўқув қўлланмаларидан таркиб топган эшелонлар Тошкент сари йўл олди. Бугун эса бизда бир неча ўнлаб олий ўқув юртлири, шу жумладан, учта университет ва кўплаб илмий муассасаларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республика Фанлар академияси ишлаб турибди. 33 минг нафар киши илмий ва илмий-педагогик фаолият билан машғул. Урни келганда айтмоқчиманки, ниқилбга қадар ўзбеклар ичда олимлар у ёқда турсин, саводхон кишиларнинг ўзи атиги икки фонизи ташкил этар эди, холос. Бугун эса илмий тадқиқотлар олиб бориш учун бутун-бутун шаҳарчалар бунёд этилган. Уларнинг номи ҳам ўзига монанд — Академия

шаҳарчаси, Олий ўқув юртлири шаҳарчаси... Медиклар шаҳарчаси... Тошкент яқинидаги она қишлоғим Байтўрғоннинг шундоққина биқинида Улуғбек шаҳарчаси қад кўтарган. У ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг илмий ходимлари яшайдилар ва ишлайдилар. Бу советлар шарқиде биринчи ядро реактори эди. Шунини мамуният билан қайд этиш керакки, реакторни бошқараётган смена инженерлари орасида хотин-қизлар ҳам анчагина...

Ҳаётимиз мана шундай ҳайратомуз сурбат билан ўзгармоқда. Республикамизга ташриф буюрган таниқли ҳинд публицисти С. П. Сингхнинг этирофига диққат қилинг: «Мен Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги ютуқлари ҳақида кўп эшитган эдим. Аммо бу совет республикаси бўйича сафарим менда қутилганидан бир неча баравар кучлироқ таассурот қолдирди. Мен ўзбек, рус, украин ва бошқа халқлар ва бошқа халқларнинг меҳнати туфайли, бутун Советлар Иттифоқининг қардошларча хайрихоҳона ёрдамлари туфайли чўлларнинг нақ марказида бунёд этилган, гуллаб-яшнаб турган бу ўлкани бутун умр хотирамда сақлаб қоламан».

Бугун биз шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимиз соҳасидаги ютуқларимиз билан ҳам фахрланамиз. Бизнинг бадиий коллективларимиз, масалан, «Баҳор» рақс ансамбли жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида доврўқ қозонган. Чет эллик меҳмонлар республикамизда бўлишаркан, ўзбек операси, балети, драматургияси... таҳсинлар ўқийдилар. Сайёҳлар минглаб километрлик олислардан бизнинг қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хивага кўҳна меъморилик обидаларини кўриш учун келадилар. Улардан ҳайратга тушадилар...

Ҳамза, Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Яшин, Уйғун, Н. Сафаров, Зулфия, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Ҳ. Ғулом, Р. Божожон, Асқад Мухто, Одил Ёқубов ва бошқа ижодкорларимиз чет элларда ҳам ўз китобхон ва томошабинларига эга. Республикамиз ижодкорлари яратган асарлар йилдан йилга янада кўпроқ чет эл тилларига таржима этилмоқда.

Вақт бетиним кечмоқда. Биз янада мустаҳкамроқ оёққа турмоқдамиз ва тобора мураккаброқ муаммоларни ҳал қилишга қатий ҳамда дадил киришмоқдамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг XXVI съезди ўз ҳужжатларида: «Сибирь дарёларини Урта Осиё ва Қозоғистонга олиб келиш юзасидан қилинаётган илмий ҳамда лойиҳалаш ишларини давом эттириш» зарур деб белгилаб берди. Қурраимизда мисли кўрилмаган 2200 километрлик канал қурилишини илмий асослаш мақсадида асримизнинг энг улкан лойиҳаси устида 150 та илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти иш олиб бормоқдалар. Канал қурилиши совет халқларининг йилномасидаги яна бир ёрқин зарварақ бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Халқимизнинг яна бир фазилати — ўзбекистонлик ишчи ва мутахассисларнинг Россиядаги ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришдаги ҳамкорлигидир. Тупроқ таркибининг яхшилаш, сўғормиш ва дренаж системаларини қуриш борасидаги республикамиз тўплаган тажрибалар рус қишлоғи ҳаётида ҳам кўл келмоқда. Иваново ишчилари ва Россия тўқимачилик саноатининг бошқа қадимий марказлари қачонлардир Ўзбекистонга оталиқ қилган эдилар. Энди эса Иваново, Новгород ва Владимир областлари бизнинг оталигимиздаги жойлар бўлиб қолди. Бу ерларда ўзбекистонлик соҳибкорлар юз минг гектарлик далаларни серҳосиз экин майдонларига айлантормоқдалар. Биз — собиқ шоғирдлар мана шундай улғайиб қолдик. Ва бунга совет халқларининг қардошларча оиласи, дўстлигимиз туфайли эриша олдик.

Республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда кўлга киритган барча ютуқлари миллий сиёсатнинг ленинча принципларини оғишмай ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқдир. Совет Ўзбекистонии ССРдаги барча қардош халқлар билан ёнма-ён, бузиlmас бир сафда одим ташлагани сабабли ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланди.

Халқнинг асрий донишмандлиги айниқса мақолларда муҳассамлашган. Ҳар бир давр сон-саноксиз мақоллар хазинасидан ўз табиатига энг мувофиқларини таллаб олади. «Қуш қаноти, инсон дўстлиги билан кучли» деган нақл бугунги кунимизга ҳар жиҳатдан ҳамоҳангдир. Дарҳақиқат, ўзбек халқи, Ўзбекистонимиз шу ленинча дўстлик туфайли дунёга донг таратди.



Тоҳир
Шамсубоев,

Наманган область комсомол
комитетининг биринчи секретари

ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

...Ёнаркан ёндирмоқ учун ҳар сафар,
Дермидик, шериклар бир-бир кул бўлсин.
Англаб етмасангиз бу сирни агар,
Унда шоирликка, шеърга йўл бўлсин?!

Бу сатрлар кўриқ Задарё районида яшаб ижод этаётган ёш шоир Маҳмуд Худойбердиевнинг «Гугурт доналари» шеърдан. Янглишмасам, Маҳмуджон бу шеърини бундан икки йил муқаддам область комсомол комитети ва Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи область бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган «Ёшлар мушоираси»да ўқиган эди. Ушанда ҳаваскор шоирнинг оддий гугурт донаси ҳақида шеър ёзиб, ундан муҳим фалсафий хулоса чиқара олгани барчанинг эътиборини тортганди.

Мушоирадан кейин Маҳмуджон билан танишдик. У 1974 йилда Наманган Давлат педагогика институтини битиргач, Совет Армияси сафида хизмат қилибди, сўнг қишлоғидаги ўрта мактабда ишлабди. Ҳозирда район «Коммунизм йўли» газетаси редакциясида хизмат қилаётган экан. У кўндан бери шеърлар машқ қилар экану, аммо область, республика газета, журналларига юборишга журъат этмас экан.

Шундан кейин Ёзувчилар Союзи область бўлими тавсияси билан Маҳмуд Худойбердиевнинг шеъри илк бора «Ешлик» журналининг ўтган йилги 2-сонида эълон қилинди. Бундан рўҳланган Маҳмуджоннинг ўзига ишончи орди, ўқиб, ўрганиб, изланиб янада яхши шеърлар ёза бошлади.

Маҳмуд Худойбердиев шу йилнинг бошларида бўлиб ўтган республика ёш ижодкорларининг семинарида ҳам иштирок этди. Унинг шеърлари семинарда яхши баҳо олди. Илк тўплами нашр этиш учун тавсия этилди.

Область комсомол комитети ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, мана шу ташкилотларга уюшган ёшлар билан ҳам мунтазам иш олиб бормоқда. Айни пайтда улар ҳам комсомол ташкилотлари олиб бораётган ишларда амалий ёрдам бермоқдалар.

Область комсомол комитети қошида ишлаб турган «Нафосат» ижодкор ёшлар клуби ўз атрофига ўнлаб ёш адиблар, рассомлар, бастакорлар, актёрлар, архитекторларни бирлаштирган. Бу клуб машғулоти ёшларнинг ўзига хос ижодий мактаби бўлмоқда. Улар бу ерда ўз асарларини муҳокама қиладилар, тажрибали санъаткорларнинг суҳбатларидан ва маслаҳатларидан баҳраманд бўладилар. Клуб иштирокчилари агитгруппалар, агитпоездлар составида тез-тез колхоз ва совхоз далаларида, қурилиш майдончаларида бўлишиб, ўз тенгдошлари билан учрашмоқдалар, уларнинг меҳнатдаги муваффақиятларини ўз асарларида тараннум этмоқдалар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи область бўлими ёш қаламкашларни тарбиялаш ва маҳоратини оширишга катта эътибор бермоқда. Ёзувчилар Союзи область ташкилоти қошидаги ёш ижодкорлар семинари, ўн бир район ва иккита кўп тиражли газеталар редакциялари, олий ўқув юртлари ҳузуридаги адабий — ижодий уюшмаларга адабиётга ихлос қўйган кўплаб ёшлар қатнашмоқда. Ана шу семинар ва уюшмаларнинг қатнашчиларидан Ёқубжон Аҳмаджонов, Абдулла Жабборов, Муножот Имомова, Иброҳим Мусаев, Аҳмад Турсунов, Роза Шокирова, Раҳима Исҳоқова ва бошқалар ўз асарлари билан область ва республика матбуотида фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг айримлари икки-учтадан тўпламларининг муаллифларидир.

Ўтган йили май ойида областимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениеси секретариатининг кўчма мажлисида наманганлик ижодкорлардан 10 киши СССР Ёзувчилар Союзи аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги қувончлидир.

Наманганлик ёш рассомлар Пўлат Жалилов, Эркин Азизов, Тўравой Ашуровларнинг асарлари ўз мавзуларининг актуаллиги, ижро маҳорати билан мўйқалам ишқибозларининг эътиборини тортмоқда. Область комсомол комитетининг ташаббуси билан бир неча бор уларнинг кўргазмалари ташкил этилди.

Алишер Навоий номидаги музикали драма ва комедия театри ижодий коллективининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рустам Ҳамроқулов, ёш режиссёрлар Илём Мамбеталиев, Нуриддин Қосимов, актёрлардан Мавлуда Йўлдошева, Носир Зокиров, Муҳаммаджон Нуриддинов ва бошқаларнинг ижодий маҳорати ўсиб бормоқда.

Ёшларни эстетик тарбиялашда бадий ҳаваскорлик коллективларининг аҳамияти каттадир. Облаstda 313 бадий ҳаваскорлик коллективлари фаолият кўрсатмоқда. Бу коллективлар санъатга иштиёқманд ёшларни танлаб, тарбиялашда катта ишларни амалга оширмоқда.

Область комсомол комитети ёш ижодкорлар фаолиятини йўналтиришга, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳаракат қилиб 1974 йилда область Ленин комсомоли мукофотини тасвир этган эди. Ҳозирга қадар ёш ёзувчилар, журналистлар, театр ходимлари, рассомлар, бастакорлар, архитекторлардан 28 киши, бадий ҳаваскорлик коллективларидан 14 таси ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Шубҳа йўқи, наманганлик ёш ижодкор зиёлилар совет воқелигини ёрқинроқ акс эттирувчи асарлар яратиш, шу йўл билан ёшларни маънавий баркамол, коммунизм ишига садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш соҳасида партия ташкилотлари олиб бораётган ишларга муносиб ҳисса қўшаверадилар.



Ўз КП
Ўз ССР

60



**Роза
Шокирова**

Илк очилган пахтага

Момиққинам, бугун илк бор кўрдинг ёруғ
дунёни,
Уйчан кўсак дарчасидан мўраладинг оҳиста.
Шу дамдаёқ бўлдинг мафтун, севиб қолдинг
зиёни,
Теваракка солдинг назар ёниб-ёниб бир ҳисдан

Чақалоққа ўхшайсан сен, эндигина кўз очган,
Зебо юртим дийдорини илк бор кўрган гўдакка.
Иқболингни тез англайсан ҳали ақли
тўлмасдан,
Табассумдан чаман очиб тушажаксан этакка.

Ҳали нени кўрибсан сен, ҳали бари олдинда,
Лекин минг-минг умидли кўз сендалигин
сезасан.
Офтоб оппоқ нурларини тўшаётир йўлингга,
Йўлларинг оқ ўзинг каби, йўлларинг оқ
ўзингдан.

Момиққинам, бугун илк бор кўрдинг ёруғ
дунёни...

Абдулла Абдужалилов

Ўзбекистонга

Умрим тугаб бир кун, агарда ўлсам,
Майли, шамолинга айланиб қолсам,
Эй, Ўзбекистон.

Кўзимга бир нафас инмайин уйқу.
Кезиб юрар эдим бағрингда мангу
Эй, Ўзбекистон.

Салқин саҳарларда ел бўлиб майин,
Юрардим ҳеч сендан ажралмайин
Эй, Ўзбекистон.

Душман қадам қўйса сенга ногаҳон,
Кўзин кўр қилардим, бўлиб чанг, тўзон
Эй, Ўзбекистон...

Гули Нигор

* * *

Мен сени шеър билан қарши оламан,
Шеър билан қўйман кейин кузатиб.
Ортингдан жимгина қараб қоламан,
Сўнгсиз мисраларнинг бағрида қотиб.

Ҳазаллар ўқийман қаршингда титраб,
Калбим ҳаяжондан тушгуси терга.
Ўзингга аталган шеърларим тинглаб,
Ўзинг ҳам айланиб кетасан шеърга.



**Мақмурд
Худойбердийев**

*Инсон, ўз умрингни қил ҳисоб-китоб
Дунёга нима бахш эта оласан?!
Гар бунга дунёвий тополсанг жавоб
Сен ҳам битта дунё бўлиб қоласан.*



**Хайрулла
Қосимов**

Гугурт доналари

*Агар бошимиздан оёққа қараб
Силжиб тушар экан пирпираб олов,
Кўйлак кияётган гўзалга менгзаб,
Бизни хижолатда қолдирманг дарров.
Ёзинг,*

*қутимизда терилган кезде
Аяб ўтирмасдан жон-танзимизни,
Сал чўғ тегизсалар бир донамизга
«Пов» этиб баравар ёнганимизни.
Ёзинг,*

*митти байроқ каби чулганиб,
Қарши турганимиз аёзга, тунга.
Таъзим қилганимиз ҳатто чўғланиб,
Айланиб борсақда қора кукунга.
Ёнаркан ёндирмоқ учун ҳар сафар,
Дермидик, шериклар бир-бир кул бўлсин.
Англаб етмасангиз бу сирни агар,
Унда шоирликка, шеърга йўл бўлсин?!*

Зиёвиддин Мансуров

Ҳисобли дунё бу...

*Ҳисобли дунё бу —
Ҳисобли дунё,
Ҳар бир қадамингни чўтга солади.
Сенга кўп нарсани беради, аммо
Бир кун ҳаммасини қайтиб олади.*

*Ҳисобли дунё бу —
Ҳисобли дунё,
Ҳеч бир нарсани у ёзмас ошириб
Мурувват кутмагин ундан мутлақо
Нима эксанг шуни оларсан ўриб.*

Пискарёв қабристон

*Мовий осмон кўксига оқ каптарлар — оқ булут,
Қанотига қуёшнинг шуғллари қўнарлар.
Оналарнинг фиғони, ҳасратидан чиқар дуд,
Шаҳидларнинг руҳлари олов бўлиб ёнарлар.
Бунда асл ўғлонлар уйқулари абаддир,
Юлдуз мисол чақнайди тош лавҳалар ўнгири.
Пискарёв мазорида сукунатли фурсатдир,
Сукунатнинг қаърида бомбаларнинг гумбури.
470 минг инсон!
470 минг орзу!
470 минг йилдан ортиб қолгулик фиғон!..*

Ёқубжон Аҳмаджонов

Мубошир бахшининг етти дуоси

I

*«Ким элини мағлуб кўриб қувонса,
Ким ўзи туғилган кулбадан тонса
Уни боссин ўзга кулбанинг томи —
Омин!»*

II

*«Кимки онасига кўтарса қўлин
Кўзидан қолсин-у, йўқотсин йўлин,
Лаънатга қоришсин бир умр номи —
Омин!»*

III

*«Ким ўзганинг қизин маломат қилса,
Покиза аёлдан «бузуқ» деб кулса
Ўз қизин фарзанди бўлсин ҳароми —
Омин!»*

«Ким биров дилини айласа вайрон,
Уйдирма хат ёзса, тўқиса бўҳтон
Ёруғ кунларидан кўп бўлсин шони —
Омин!»

«Ким терс боқса лафзу, эътиқодига,
Нопоклик юқтирса одам зотига
Унга тақдир бўлсин маймун мақоми —
Омин!»

«Ниҳблсиз Бог — эртаси йўқ — чордевор,
Гўдаксиз уй — эртаси йўқ — бир мозор...
Омин, юртни ғам эгаллаб олмасин —
Бог ниҳолсиз, уй гўдаксиз қолмасин!»

«Нопок ўғли ўғри бўлса — уч-тўрт уйни босади,
Нопок ўғли ҳоким бўлса — бутун юрт қон қусади.
Омин юртлар омон бўлсин, қувончлари ўлмасин —
Нопок ўғли ўғри бўлсин — фақат ҳоким бўлмасин!»



**Эргаш
Ёндош**

Расул Ғамзатов билан мулоқот

— Азоб ҳисси юзда лим-лим,
Расул оға, бу ҳол недан?
— Ҳузуриمنى шимур шегрим,
Азоб эса ўзимга тан.

— Қийналмаслик йўли беркми,
Яйраб юрса жону танлар?
— Берк, укажон шоирликни
Чидаганга чиқарганлар.

**Довудхон
Аббосов**

Пентагон ақобирларига

Бу жаҳондир кўҳна мерос ҳазрати инсон учун,
Жойи эрмаски бу майдон фитнаю ёлгон учун.

Етти иқлим гулшанин ободлиги эл бахтидир,
Дўстлигу тинчлик керак соф она ер, осмон учун.

Мунча ханжар санчмасангиз она ерни кўксига,
Ўз онасин қатл этур ким мансабу унвон учун.

Дўстини дўстига қайраб боласини отага,
Миллатин миллатга айларсиз ғаним лубнон учун.

Жар солиб оламга тинчликдин уриб боз наъралар
Кори шайтонлик этурсиз сизда йўқ виждон учун.


Атому нейтрон қуролин тангри деб лек ўйламанг,
Бу жаҳонда бор ҳақиқат доимо қалқон учун.

Бизда дўстлик бир бутун тинчлик шиоримиз азал,
Мингта қашқир нописанд, эй Довудо, арслон учун



Не наф берур

Не наф берур ким сенга ёлгонни гапирмак,
кўзуга тупурмак.
Боз лочин атаб пашшани номини лоф урмак,
Хаддидин ошурмак.
Ҳар лаҳза дамнинг билки ғанимат назар этсанг,
гар қадрига етсанг.
Нодонлиғ эмасму ахир эй дўстни қочурмак,
гавҳарни совурмак.
Карвон ўтадир орқама-орқа гузар айлаб,
азму сафар айлаб.
Хушёр кишига лозим эмас тонгда оҳ урмак,
беҳуда ўкурмак,
Офтобни кўриб гул очилур боғу чаманда,
ол лаблари ханда,
Ушшоқ элини матлаба ёр ҳолини сўрмак,
чин аҳдида турмак.
Довуд, демаким, бўйла ҳаётда шарарим йўқ,
соҳиб назарим йўқ,
Не наф берур ким сенга ёлгонни гапирмак,
Кўзуга тупурмак.



Шукрулло,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

Жанжал

ИККИ ПАРДА, УЧ ҚҰРИНИШЛИ КОМЕДИЯ

И Ш Т И Р О К Э Т У В Ч И Л А Р :

ШОҒУЛОМ — район ташкилотларидан бирининг раҳбари

ЖАҲОНГИР — Шоғуломнинг ўғли

ТОЖИХОН — Шоғуломнинг хотини

МИРЗО ҒАНИ — заргарлик дўконининг бошлиғи

ИСАБЕК — трест бошлиғи

САИД ҚАРИМ — чойхоначи

ҚУЧҚОР — аптекачи

ДЕҲҚОНАЛИ — оддий ишчи, боғбон

ЗАМОН — Жаҳонгирнинг ҳамкурси, юрист

Биринчи кўриниш

Шоғуломнинг ҳовлиси. Ҳовлида беш-ўн одамга мўлжаллаб стол ясалтирилган. Ўғли креслога суяниб китоб ўқиб ўтирибди. Эр-хотин ўтирган жойида хаёлга толган.

ТОЖИХОН (*ўзича*). Тавба!
ШОҒУЛОМ. Бўлди, бу ёғини ўйлама! (*Ўрнидан туриб, сигарета чекиб ўйланади.*)

ТОЖИХОН. Бу гаплар кимдан чиққанига ақлим етмайди.
ШОҒУЛОМ. Хой, хотин, ўғри ичингдан чиқмаса, ташқаридан чиқмайди. (*Дастурхонни кўздан кечириб*) Мана бу коғоз салфеткаларни йўкот.

ТОЖИХОН. Шу билан тинчиса, шойидан ҳам кўяман-у.
ШОҒУЛОМ. Ўзинг ўйла, хозир ўртамизда бўлган гапларни сендан бошқа ҳеч ким билмайди, тўғрими? Ҳа балли, демак, бу ташқарига чиқса, ё сендан, ё мендан бўлади. Мана, энди ҳаммаси очди бўлади.

ТОЖИХОН. Юзи чидаб келармикан?
ШОҒУЛОМ. Келади, ҳаммаси келади! Сув очадиган ҳам кўйиб кўй. Бу калла футболчининг коптогига ўхшаган нарса, уддалаб тенса гол бўлади, тепмасанг, жойида тураберади! Ҳа, каллани ишлата билиш керак!

ТОЖИХОН. Бу гапингиз тўғри, лекин ёмон футболчи ўзининг дарбозасига ҳам тепаберади.

ШОҒУЛОМ. Менга кара, кеча гаплашдик, бошидан бошлама, чалкаштира! Улар келмасдан айтиб кўяй, гуноҳкор мана бунисимикан, унисимикан дегандек ҳеч қайсисига олазарақ қарама, ҳеч гап ўтмагандек очик чехра билан гаплаш, ёмон табибдек олдиндан ниш уриб кўйма, яраининг ўзи ёрилгани маъқул, ана шунда... (*Радио қўйган ўғлига*) Хой, хозир ашулани кўятур!

ТОЖИХОН. Бир гап эсимга келиб қолди.

ШОҒУЛОМ. Хозир гапни кўятур.

ТОЖИХОН. Ахир, эшитинг!

ШОҒУЛОМ (*соатига қарайди*). Вакт бўлди, хозир гапни пайтмас, бу гап деган нарса юмалоқланган корга ўхшайди. Мана шу ердан муштдагини юмалатсанг, ҳов анави ерга боргунча кучоқ сиғмас бўлади. Хозир гап бунинг кимдан чиққанини аниқлашда. Шу хол бўлса... Ҳа, бу ҳам очилади. Мана шу дастурхон, мана қараб тургин, ҳамма бало-қазони даф қилади.

ЖАХОНГИР. Ада!

ШОҒУЛОМ. Ҳа!

ЖАХОНГИР. Биласизми?

ШОҒУЛОМ. Гапиравер!

ЖАХОНГИР. Битта-яримта билан орангизда бирор гап ўтмаганими?

ШОҒУЛОМ. Шу вақтда бунинг сенга нима зарури бор?

ЖАХОНГИР. Нима гуноҳингиз бўлиши мумкин?

ШОҒУЛОМ. Гуноҳимни ҳам, сени ҳам падарингга даъват!

ЖАХОНГИР. Жаҳлингиз чиқмасин-у, энг яқин оғайнилар ҳам баъзан, биласиз...

ТОЖИХОН. Сен аралашма, ўғлим, бор, ишингни қилабер. Менга қаранг, маслаҳатлик тўй таркамас. Анави, оти ҳам курсин, ёлгондан куладиган оғайнингиз бор-ку?

ШОҒУЛОМ. Хой, хой, ҳамма менинг оғайним, биласанми, бутун дунё оғайним! Ростдан куладиган, ёлгондан куладиган... кўри қайси, шоли қайси... Шу вақтда...

ТОЖИХОН. Охиригача эшитинг!

ШОҒУЛОМ. Менга кара! Агар ўғлинг билан сен ҳамма нарсани биладиган бўлсаларинг, мана бу дастурхонни йиғиштир! (*Дастурхонни айқаш-уйқаш қилиб юборади.*)

ТОЖИХОН. Вой-вой, хой-хой! Ўзингизни босинг, гапирмай ўлай!

ШОҒУЛОМ. Эй, билангич бўлган сенларнинг... Мен нима дардаю... (*Пиёлани отади. Тожихон дастурхонни тўғри-лаб, синиқларни йиғиштига бошлайди. Шоғулом ўзига ароқ қўйиб, ичмоқчи бўлади. Тожихон тортиб олади.*)

ТОЖИХОН. Хозир сиз ичманг, хушёр бўлишингиз керак! Улар ичсин!

ШОҒУЛОМ. Уларни ҳам падарига, сенларни ҳам... Ахир... (*Эшикдан Мирзо Фани кўришиб, тўхтади.*)

МИРЗО ФАНИ (*соатига қараб*). Тонг, тонг, тонг, тонг, тонг, тонг! (*Олти марта санайди*). Хой, мумкинми?

ШОҒУЛОМ (*хотинига*). Сир бой берма, синиқларни йўкот. (*Ҳеч нарса ўтмагандек*) Келаберинг! Эй, Мирзожон! МИРЗО ФАНИ. Заргармиз-да, заргар! Минут-минутига, айтган вақтингиз — олтига етиб келди!

ТОЖИХОН (*пиёла синиқларини қўйлағига беркитиб*). Келинг-келинг, мен хозир... (*Кетади.*)

ШОҒУЛОМ. Мирзо Фани, қани-қани, хўп келдингиз-да... (*Иккови кўришади. Утириб фотиҳа очадилар.*)

МИРЗО ФАНИ. Саломатмисиз, акажон, тинчмисиз?

ШОҒУЛОМ. Саломат бўлинг, Мирзожон, раҳмат, раҳмат! (*Мирзо Фани зимдан, сочилиб кетган вазадаги олмалар, ердаги пиёла синиқларини кўздан кечиради.*)

МИРЗО ФАНИ. Уй ичлар, набиралар тинчми? (*Дастурхон ва пиёла синиғига ишора қилади.*)

ШОҒУЛОМ. Сиздек кадрдонларни келганига пиёла эмас, хари синдирсак арзийди.

МИРЗО ФАНИ. Мен сизга қойилман-да, акажон, қойил қолиб келганман ҳам.

ШОҒУЛОМ. Мақтаб юбордингиз!

МИРЗО ФАНИ. Хой, ака, дунёда тўрт оёкли от ҳам қоқилади. Беайб парвардигор, ҳаммадан ҳато ўтади. (*Тожихон эҳтиёткорлик билан қулоқ солади.*) Аммо, сиздака кечиримли, феъли кенг, унча-мунчага парво қилмайдиган... Ҳа, бунақа одамлар кам бўлади. Ҳа, кам бўлади!.. Мардсиз, мард, ирода зўр сизда! (*Тожихон эрига, шунда бир гап бор, дегандек қараш қилади.*)

ШОҒУЛОМ. Раҳмат, Мирзожон, раҳмат!

ТОЖИХОН. Набиралар тушмагур шўх, шўх!

МИРЗО ФАНИ. Болалик уй бозор, деган-ку!

ТОЖИХОН. Айниқса, кичкинам жуда шўх!

МИРЗО ФАНИ. Шўхи очиккўнгил бўлади, писмиғидан асрасин!

ТОЖИХОН. Мен хозир, сизлар бемалол... (*Кетади.*)

МИРЗО ФАНИ. Бир оғиз сўзингиз, кел девдингиз, мана, югуриб келидик-да!

ШОҒУЛОМ. Раҳмат, раҳмат. Кадрдонмиз-да, Мирзожон, кадрдон!

МИРЗО ФАНИ. Кадрдонлик ҳам гапми, туғишгандан афзалмиз, денг!

ШОҒУЛОМ. Нима десангиз ярашади.

МИРЗО ФАНИ. Бу, сизнинг гапларингизга борман-да, акажон. Хўш, тинчликми?

ШОҒУЛОМ. Албатта, раҳмат.

МИРЗО ФАНИ. Бу, дастурхон катта?..

ШОҒУЛОМ. Бир кўнгил тортиб қолди-да! Кадрдонлар кўришиб турмасак...

МИРЗО ФАНИ. Албатта, албатта. Тўрт кунлик ганимат дунё. Қимлар келмоқчи?

ШОҒУЛОМ. Қимлар бўларди... Қайсинисдан куяй, Мирзо?

МИРЗО ФАНИ (*ўйлашиб*). Лаббай, ичамизми?..

ШОҒУЛОМ. Нимасини ўйлайсиз?

МИРЗО ФАНИ. Сизни гапингизни ҳеч вақт икки қилган эмасмиз, юр, деганингизда юрганмиз, тур, деганингизда турганмиз.

ШОҒУЛОМ. Қобил бўлсангиз айланай, Мирзожон! Шахмат донаси бўлиб кетинг-эй! Қани, олинг!

МИРЗО ФАНИ. Сизни менга қилган яхшиликларингизни отамиз ҳам қилган эмас, акажон. Саломатлигингизга!

(*Ичадилар.*) Келишдан олдин ҳам киттай қилган эдим, яна мехмонлар келгунча «яллама ёрим»га ўйнайдиган бўлиб қолмайлик. Нима гап? Қимлар келмоқчи?

ШОҒУЛОМ. Қимлар бўларди? Ўзимизнинг кадрдонлар.

МИРЗО ФАНИ. Жуда жойида! (*Ўйлашиб*). Мен танийди-ганларми?

ШОҒУЛОМ. Албатта, албатта!

МИРЗО ФАНИ. Қимлар?.. Нима гап ўзи?

ШОҒУЛОМ. Эй, нима гап бўларди? Тожихон, чой олиб кел!

МИРЗО ФАНИ (*ўйлашиб*). Энди, ака, сиз билан биз кадрдон одамимиз. Кўнглингизга олмангу... бевақт келиб қолмадиммикан?

ШОҒУЛОМ. Нега, Мирзожон, нега?
МИРЗО ҒАНИ. Энди, хайронман. *(Үйланиб қолади.)*
ШОҒУЛОМ. Сизга бир гап бўлдим, нимани ўйлаб қолдингиз? *(Тожиҳон тўхтаб, гапга қулоқ солади.)*
МИРЗО ҒАНИ. Мен сизни қиёматли акам деганман. Қўнглингиз қоладиган бир иш қилган бўлсак...
ШОҒУЛОМ. Мирзожон, бирор гап ўтдим?
МИРЗО ҒАНИ. Мендан сир яширганнингизга хайронман!
ШОҒУЛОМ. Қанака сир? *(Тожиҳон чой олиб келади.)*
МИРЗО ҒАНИ. Келиной, бу акамдек феъли кенг одамлар дунёда кам топилди, тўғрими?
ТОЖИХОН. Яхшилик яхши, раҳмат!
МИРЗО ҒАНИ. Бу акамни яхшиликларини кўп кўрган-миз, ҳамма ҳам бировдан гина қилабермайди.
ТОЖИХОН. Нима гап, гиналашиб қолдингларми?
МИРЗО ҒАНИ. Дўст ачитиб гапирар дегандек, биздан бирор хато ўтган бўлса...
ШОҒУЛОМ. Бирор гап бўлди сизга, Мирзо?
МИРЗО ҒАНИ. Мени сизлардан яширадиган сирим бўлган эмас, келиной, эшитмаган бўлсангиз эшитиб кўйинг. Хаттоки, одамлар, Мирзо олтинга жез аралаштирибди, деб гап қилганида ҳам кутқарган сиз-ку, акажон!
ШОҒУЛОМ. Эй, бунара ўтган гаплар, Мирзожон.
МИРЗО ҒАНИ. Йўқ, ундай деманг. Яхшиликларингизни айтаберсам, ҳа, сизни оёғингизни тавоф қилсак арзийди. Акажон, унақа яхшиликларни унутадиганлардан эмасман. Биздан хафа бўлган жойингиз бўлса... Яширманг, айтаберинг!
ШОҒУЛОМ. Хой, тавба! Нимани яшираман, нимани айтаман?!
МИРЗО ҒАНИ. Сиз билан биз сирдошмиз. Ахир, ким келади десам ҳам, нима гап десам ҳам... Тавба, тушунолмай қолдим. Ўзи нима гап?
ТОЖИХОН. Хой, бўлсангиз, айтақолинг!
ШОҒУЛОМ. Ўйлаб гапирсанг-чи... нимани айтаман!
ТОЖИХОН. Тўғри-да, билмасалар нимани айтадилар?
МИРЗО ҒАНИ. Мен сизга қимман? Мени хафа қилманг.
Йўқ, йўқ, майли-майли, агар ортиқчалик қилган бўлсак...
ШОҒУЛОМ. Нима гап? Нима гап? Мунча суриштираберасиз. Бирор шубхангиз бўлса, айтинг, Мирзо? Тавба!
МИРЗО ҒАНИ. Ахир, акажон!
ТОЖИХОН. Жанжаллашманглар!
МИРЗО ҒАНИ. Йўқ, ака, бошингизга бирор ташвиш тушган бўлса, жонимизни беришга тайёرمىз, қўлимиздан ҳар нарса келади.
ШОҒУЛОМ. Нимани яширдим?
МИРЗО ҒАНИ. Мана, ўзим кўриб турибман, дастурхонлар ҳаммаси айқаш-уйқаш, келинойимнинг кўзида ёш, сиз тажанг, пиёлалар синган... Бу — невараларингизнинг иши эмас!
ШОҒУЛОМ. Хой, оилада жанжал бўлмайди, Мирзо! *(Шу пайт эшикдан Исабек кириб келади.)*
ИСАБЕК. Мумкинми?
ШОҒУЛОМ. *(Мирзога қулиб)* — Эй Мирзожон, Мирзожон!.. *(Хотиница)* Кўк чой дамла! Қелинг, Исабек, келинг, келаберинг.
МИРЗО ҒАНИ. Келинг, *(зўраки қули билан)* келинг.
ИСАБЕК. *(Мирзога)* — Бу, тинчликми?
МИРЗО ҒАНИ. Тинчлик!
ИСАБЕК. Ҳа, ишқилиб тинчлик бўлсин.
ШОҒУЛОМ. Албатта, албатта!
ИСАБЕК. Саломатлик бўлсин. Ваъда — худонинг амри, дейдилар, бир оғиз сўзингиз, оёқни қўлга олиб, чопиб келабердик!
ШОҒУЛОМ. Исабек полвон, чопганингизда ҳам куш бўлиб кетасизда! Эпчилсиз, эпчил! Тўғрими, Мирзожон!
МИРЗО ҒАНИ. Лаббай? Албатта! *(Тожиҳон чой олиб келади.)*
ИСАБЕК. Ахир, сиз менга отадек меҳрибон одамсиз, сизларни сўзларингизни икки қилиб бўладими, акам айланай, сизни қилган яхшиликларингизни...
ШОҒУЛОМ. Офарин, Исабек, офарин!
ТОЖИХОН. Эй, нима яхшилик қилибдилар? Қилсалар, кадрдонсизлар. *(Эрига кўз қисади.)*
ИСАБЕК. Саломат бўлинг, Шоғулом ака, саломат бўлинг.

МИРЗО ҒАНИ. Сиз ўзингизга қилганларини айтасиз, бизларга қилганларини гапираберсам...
ТОЖИХОН. Жуда мактаб юбординглар, нима қила-қолган эканлар?
ИСАБЕК. Акамни менга қилган яхшиликларини, Мирзожон... Маккага яёв опичиб олиб бориб келсам ҳам қайтариб бўлмайди.
МИРЗО ҒАНИ. Яхшиликларини билмаган кўр бўлади, деяверинг.
ИСАБЕК. Мана шундай очилиб ўтиринг, Мирзожон!
МИРЗО ҒАНИ. Очилиб ўтирмай, Исабек ака!..
ИСАБЕК. Бу акамнинг яхшилигини билмаган басир бўлади, денг, басир бўлади!
ШОҒУЛОМ. Буни кўяберинглар. Саломатлик бўлсин!
ИСАБЕК. Ундай деманг, акажон, ҳаммадан кўра менга...
МИРЗО ҒАНИ. И-я, менга-чи? *(Ўғли қулоқ солади.)*
ИСАБЕК. Акажон, ахир, баъзи одамлар полвон бутун трестни ўмарибди деб иғво қилиб, газетгага уриладиган вақтимда сиз бўлмасангиз... Ҳамма офатлардан сақлангансиз.
ТОЖИХОН. Қилган бўлсалар энди... *(Үйланиб қолади.)*
МИРЗО ҒАНИ. Мени болаларимни ҳаммасини ўқинишга жойлаган, қайси бирини айтаман... Бу акамдака одам!..
ШОҒУЛОМ. Энди, ошиз-огайнинггарчилик қилмаса бўлмайди, қонунни ҳам бузганмиз! *(Хотиница)* Овкатга қаранг. *(Имо қилиб)* Тезлатаберинг. *(Хотини кета бошлади.)*
ИСАБЕК. Бу кишини менга қилгани... вой-бў! Сиз бўлмасангиз, кўша-кўша участка ҳам қилолмасдик.
МИРЗО ҒАНИ. Сиз буни айтасиз...
ШОҒУЛОМ. Шунақа ишлар ҳам қилган эканманми?
МИРЗО ҒАНИ. Худо сизга юракдан берган-да! *(Жаҳонгир ҳаммасини эътибор билан эшитади.)*
ШОҒУЛОМ. Ичим бўлиб кетгансизлар, ичимсизлар! Қайсинисдан қуяй!
ИСАБЕК. Қайсинисдан? Қизиқ бўлди-ку, сиз қайсинисдан олсангиз, биз ҳам ўшандан, сиз билан миждозимиз бир, акам айланай!
ШОҒУЛОМ. Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун...
ИСАБЕК. Кел, дедингиз, акажон, мана келдик, ўзи нима гап, тинчликми?
ШОҒУЛОМ. Нима гап бўларди? Тинчлик, тинчлик!
ИСАБЕК. Тинчлик бўлсин, тинчлик бўлсин. Дастурхон катта?
МИРЗО ҒАНИ. Бу уйда доим шу! Акам сахийлар, сахий!
ИСАБЕК. Мирзожон, бу акамни энди кўраётганимиз йўқ. Бу уйда доим обрўли одамлар бўлади, яна кўп ичиб алжиб қолмайлик! Қим келади, акажон?
ШОҒУЛОМ. Сиздан азиз ким бўларди, Исабек полвон!
ИСАБЕК. Танийимизми? *(Телефон жиринглайди. Жаҳонгир уйга кириб кетади.)*
ШОҒУЛОМ. Албатта, албатта! Таниганда ҳам...
ИСАБЕК. Сир эмасми?
ШОҒУЛОМ. И-я, ня! Қанака сир! *(Уйдан ўғли Жаҳонгир чиқади.)*
ЖАҲОНГИР. Дада, сизни телефонга!
ШОҒУЛОМ. *(Ўтирганларни дастурхонга таклиф қилиб),* Сизлар бемалол, мен ҳозир... *(Кетади.)*
ИСАБЕК. Хўш, Мирзожон, ўзи нима гап? Тинчликми?
МИРЗО ҒАНИ. Тинчлик, тинчлик!
ИСАБЕК. Тинчлик дейсиз-у, Мирзожон, сиз билан биз кадрдонмиз, энди сир яширадиган бўлиб қолдингизми?
МИРЗО ҒАНИ. Қанака сир?
ИСАБЕК. Хўш, менга қаранг, мени бола қилманг!
МИРЗО ҒАНИ. Тушунолмай қолдим сизга!
ИСАБЕК. Ҳозир иккалангизни, ахир, ўз кўзим билан кўрдим-кў!
МИРЗО ҒАНИ. Нимани кўрасиз? Нахот, менга ишонмай-сиз, мен ҳам хайронман!
ИСАБЕК. Бунақа бўладиган бўлса, Мирзожон...
МИРЗО ҒАНИ. Қанака бўладиган бўлса?.. *(Уйдан ошхонага ўтаётган Тожиҳон тўхтаб, гапга қулоқ солади. Айвондаги ўғлига имо қилади. Иккови тинглайди.)*
ИСАБЕК. Бирор гуноҳ қилган бўлсак, яширманган айтаберинг!

МИРЗО ҒАНИ. Хой, нима деяпсиз?
 ИСАБЕК. Бекордан-бекорга жанжаллашдингларми?
 МИРЗО ҒАНИ. Нима гаплигига мен ҳам хайронман!
 ИСАБЕК. Менинг гийбатимни қилаётганмидинглар?
 МИРЗО ҒАНИ. Хой, хой, оғзингизга қараб гапиринг.
 ИСАБЕК. Айбим бўлса, ўзимга айтаберинг! *(Тожихон гапга қулоқ солиб, ўглига ишора қилади.)*
 ТОЖИХОН. Мана шунисида гап бор.
 ЖАХОНГИР. Мен айтаганим ҳали келгани йўқ.
 ТОЖИХОН. Секинрок.
(Уйдан Шоғуллом чиқади.)
 МИРЗО ҒАНИ. Ўзингизни босинг!
 ИСАБЕК. Бўлди, бўлди!
 ШОҒУЛОМ. Ха, нима гап бўлди?
 МИРЗО ҒАНИ. Иса полвон чап ёнлари билан турибдилар.
 ИСАБЕК. Менга пичинг қилманг, Мирзо!
 МИРЗО ҒАНИ. Эй, тавба!
 ИСАБЕК. Агар бевакт келиб қолган бўлсам...
 ШОҒУЛОМ. Хой, жўжахўрозлар нима гап ўтди?
 МИРЗО ҒАНИ. Нима гаплигини мана бундан сўранг!
 ШОҒУЛОМ *(Исабекка)*. Нима гап?
 МИРЗО ҒАНИ. Нима гаплигини билсам, худо урсин.
 ИСАБЕК. Елгон!
 ШОҒУЛОМ. Хеч нарса билмасанглар, нимани жанжални қиялпсизлар? Мендан сир сакляпсизларми?
 МИРЗО ҒАНИ. Иккаламиз тил бириктирганмишимиз!
 ШОҒУЛОМ. Ия-ия!
 ИСАБЕК. Айбни бу кишига тўнкаманг!
 МИРЗО ҒАНИ. Бу акамни энди кўряпсизми? Сиз билан мендан бир хато ўтган бўлса... *(Шоғулломга)* Тўғрим, акажон, ҳамиша...
 ИСАБЕК. Юзга шартта айтадиган, демоқчимисиз?
 МИРЗО ҒАНИ *(Шоғулломга)*. Нима сирлигини, ака, тушунтиринг!
 ИСАБЕК. Бу кишини биладиган битта сиз эмас, сиздан яхшироқ биламиз. Сиздан кадрдонроқмиз, лекин сизга ўхшаб, орқадан бижғиб юрмайдилар.
 МИРЗО ҒАНИ. Қим гийбатчи?
 ШОҒУЛОМ. Қанақа гийбат?
 МИРЗО ҒАНИ. Ўзинг гийбатчи!
 ИСАБЕК. Мен?
 МИРЗО ҒАНИ. Ха, сен?
 ИСАБЕК. Мен нима қилибман?
 ШОҒУЛОМ. Очигини айтаберинглар.
 ИСАБЕК. Акажон, мен сизни қиёматли акам деганман. Сиздан яширадиган гапим йўқ. Мирзо Ғанини ҳаммаёғи қибла бўлиб ётибди-ку, яна мендан сир яширармиш! Гийбат бўлмаса...
 МИРЗО ҒАНИ. Мени қанақа сирим бор экан?
 ИСАБЕК. Ия! Анави жононниқига бораман деганимда, қўлимга узук бериб, совға қилиб боринг, лекин узук қолманг, эрталабгача айниб қолади, деган сиз эмасмисиз, Мирзожон?
 МИРЗО ҒАНИ. Гап шунга келдим?
 ИСАБЕК. Энди мендан гап яширадиган бўлиб қолдингизми?
 МИРЗО ҒАНИ. Агар бир-биримиздан айб излайдиган бўлсак, Шоғуллом ака, сизга худого ишонгандек ишонаман. *(Исабекка)* Шундоқ айбларингизни биламанки...
 ИСАБЕК *(Шоғулломга)*. Мен буни шунақа, орқадан сир йиғиб юришини билардим...
 МИРЗО ҒАНИ. Оғзингга қараб гапир! Нима сир?
 ШОҒУЛОМ. Мени хурмат қилсанглар, мундоқ ўтиринглар.
 ИСАБЕК. Сизни сўзингизни икки қилган эмасман!
 МИРЗО ҒАНИ. Сизни гапингизни йўқ деган номард!
 ШОҒУЛОМ. Хўп-хўп. Мана энди очди-очди қиламиз.
 ИСАБЕК. Агар Мирзони сизга айтадиган гапи бўлиб, биз ортикчалик қилган бўлсак... *(Кетмоқчи бўлади.)*
 ШОҒУЛОМ. Боламисизлар, боламисизлар?
 МИРЗО ҒАНИ. Қетса, кетаберсин.
 ИСАБЕК. Мен?! Йўқ, сен кетасан!
 МИРЗО ҒАНИ. Мен?!
 ШОҒУЛОМ. Тўхтаманглар, тўхтаманглар. *(Бир бурчакдан қузатиб турган Тожихон гапга аралашади.)*

ТОЖИХОН. Хой, хой, уят, уят бўлар.
 ШОҒУЛОМ. Сен аралашма, овқатингга қара! *(Жанжал устига Саид Карим қиради.)*
 САИД КАРИМ. Хой-хой, оғайнилар, нима гап бўлди, нима гап?
 ШОҒУЛОМ. Ия-ия, ия! Келинг, келинг, Саид Карим!
 САИД КАРИМ. Бу, ўзи тинчликми?
 ШОҒУЛОМ. Албатта тинчлик, албатта! Қани, ўтиринглар! *(Саид Каримдан бошқа ҳамма ўтиради.)*
 САИД КАРИМ. Ха, Мирзо Ғани!
 МИРЗО ҒАНИ. Тинчлик, тинчлик!
 САИД КАРИМ. Иса полвон?
 ИСАБЕК. Тинчлик, тинчлик!
 САИД КАРИМ. Тинчлик, тинчлик дейсизлар, мендан сир яширяпсизларми? Шоғуллом ака, мени жанжалга чақирганмидингиз?
 ШОҒУЛОМ. Хой, хой, азизим, сизни-я! Қани, саломатлик бўлсин! *(Фотиҳа қиладилар.)*
 САИД КАРИМ. Ўзи нима гап?
 ШОҒУЛОМ. Нима гап бўларди?
 МИРЗО ҒАНИ. Хеч гап йўқ. *(Саид Карим Исабекка қарайди.)*
 ИСАБЕК. Хеч гапмас!
 САИД КАРИМ. Оғим Саид Карим бўлса ҳам тажангроқман, вақтида юрганмиз ҳам, кимор ҳам ўйнаганмиз. Ютқизсак, этагимизни қоқиб чиқиб кетаберганмиз.
 ШОҒУЛОМ. Сизни энди кўрибмизми?
 САИД КАРИМ. Бировдан тўрт таंगा қарзим йўқ. Бировдан олдин, бировдан кейин... Булар бойвачча бўлиб, агар биз...
 МИРЗО ҒАНИ. Тушунмасдан гапираберманг!
 ИСАБЕК. Бизлар ҳам қўчада қолганимиз йўқ.
 ШОҒУЛОМ. Мундоқ ўтиринг!
 САИД КАРИМ. Мен сизни гапингизни икки қилган эмасман. Лекин, ошна-оғайнигарчилик, *(ёнидагиларни кўрсатиб)* бунақа бўладиган бўлса...
 ИСАБЕК. Нима гуноҳ қилдик?
 МИРЗО ҒАНИ. Тавба!
 САИД КАРИМ. Қўриб турибман, жанжаллашиб турган одамлар мен келишим билан...
 МИРЗО ҒАНИ *(Шоғулломни кўрсатиб)*. Хеч гап йўқ, акамдан сўранг, акамдан!
 ИСАБЕК. Худо ҳақки, ўзини ҳам нимага чақирилганимни билмайман.
 МИРЗО ҒАНИ *(Исабекка)*. Мен ҳам билмайман.
 ШОҒУЛОМ. Ўтиринглар, дўстлар, ўтиринглар.
 САИД КАРИМ. Қасални яширсанг, иситмаси ошқор қилади.
 ИСАБЕК. Қанақа қасалимиз бор экан?
 САИД КАРИМ. Мени билмайди дейсанларми?
 МИРЗО ҒАНИ. Билсангиз айтинг!
 ШОҒУЛОМ. Бир очди қилиб олинглар. *(Ўғли бир чеккада қузатади.)*
 САИД КАРИМ. Мен бировни орқасидан гапирган ҳам, ёмонлаган ҳам эмасман. Мени гийбатимни қилаётган бўлсаларинг, қилаберларинг!
 ШОҒУЛОМ. Қанақа иғво?
 САИД КАРИМ. Мана булардан сўранг! *(Кетади.)*
 МИРЗО ҒАНИ. Тўхта, тўхта!
 ИСАБЕК. Аблах, ифлос! *(Саид Карим кетади.)*
 МИРЗО ҒАНИ. *(Шоғулломга)*. Мени жанжалга чақирдингизми?
 ИСАБЕК. Ака, худо хайрингизни берсин, тушунтиринг, нимага келдик!
 ШОҒУЛОМ. Аридек таламаларинг, ўзларинг нимага жанжаллашайсанлар, мен қаёқдан билай?
 МИРЗО ҒАНИ. Ё олло!
 ИСАБЕК. Эй, тавба!
 ШОҒУЛОМ. Тавба, дейди-я! Ўзларинг билмайсанларми?
 ИСАБЕК. Мен?!
 МИРЗО ҒАНИ. Менми?!
 ШОҒУЛОМ. Бўлди-ей! *(Эшикдан Саид Карим қайтиб кириб, қолган дўстларини олади.)* Тўхтаманг, Саид Карим!
 САИД КАРИМ. Яхшиликларингизга рози бўлинг!
 ИСАБЕК. Хой, очди қилиб кет!
 МИРЗО ҒАНИ. Қалавани чувалаштирма.

ШОҒУЛОМ. Саид Карим, тўхтанг! Сиз кимникига келгансиз? Буларни қўяберинг, ўтиринг!
САИД КАРИМ. Ахир, ака!..
ШОҒУЛОМ. Ўзингизни босинг, гап нимада эканини биласиз, булар майда гаплар.
САИД КАРИМ. Мен сизни биламан. Сизни даврингизда ялло қилиб юрган одамман..
ИСАБЕК. Хой, бизлар-чи!
МИРЗО ҒАНИ. Битта сиз эмас!
САИД КАРИМ (*Шоғуломга*). Мен битта кичкина одамман, сиздақалар районимизда эмас, шаҳарда кам топилади.
ИСАБЕК. Шаҳарда деявер!
САИД КАРИМ. Сиз ўзингизга ҳам, бошқага ҳам... Мана бунақалар бўлса..
МИРЗО ҒАНИ. Баъзилар ҳам қилади-ю, аммо димоғидан курт ёғилади!
ИСАБЕК. Қўнглимдагини айтдингиз, бу кишини башарасидан нур ёғилади.
САИД КАРИМ. Бунақа камтаринни, бунақа очикқўнглини кўрмаганман, бўлмаса бизлар ким бўлибмиз?
МИРЗО ҒАНИ. Мана бу гапингизга қойилман!
ШОҒУЛОМ. Бўлди, бўлди, ялавординглар!
ИСАБЕК. Йўк, акажон, сиздака мард, сиздака..
(*Эшикдан кайф билан Қўчқор киради.*)
ШОҒУЛОМ. Келинг, Қўчқорвой, қўз оғриғини дориси, келинг.
ҚўЧҚОР. Бир қошиқ конимдан кечасиз, кечикканим учун узр, акажон! Бир ажойиб хўжайиннинг кўлига тушиб қолганман, оладиганини вақтида олиб бориб бермасангиз... Бўшатишга буйруқни тийиб туради, лаънати! Қўлимиздан нима келади, тирикчилик! (*Столни кўздан кечириб*), Бу шишалар кўломлаб ташланганми, очилмапти-ку!
ШОҒУЛОМ. Хозир-да, хозир. (*Очиқ коньякдан қуяди. Исабек ҳам, Мирзо Ғани ҳам рад этади.*)
МИРЗО ҒАНИ. Менга қуйманг!
ИСАБЕК. Менга қуйманг!
САИД КАРИМ. Буларни қўябер!
ҚўЧҚОР. Рўза тутганмисизлар, хой, тинчликми?
ШОҒУЛОМ. Қани олинг!
МИРЗО ҒАНИ. Олаверинг, тинчлик.
ИСАБЕК. Акам айтдиларми, тинчлик!
ҚўЧҚОР. Бу зўр гап. Акамнинг гаплари қонун. Лекин, тинч ўтиришни ўзи тинчликка қўшилмайди. Хотиржамлик ҳам керак, лаббай, акажон?
ШОҒУЛОМ. Албатта!
ҚўЧҚОР. Бизлар одамга шундай қараганда, нима дори кераклигини биламиз. (*Мирзо билан Исабекка*) Қўзларинг бежо, (*коньяк қуйиб*) мана бу шундай хотиржам қиладики, дарё тошса, тўпингизга чикмайди!
ШОҒУЛОМ. О, офарин!
МИРЗО ҒАНИ. Қўчқорвой, кўп жавраманг!
ИСАБЕК. Ўзингиз олаберинг.
САИД КАРИМ. Гапни кавламай, олабер!
ҚўЧҚОР. Тавба, акажонимни соғингиз! (*Ичади.*) Хўш, акажон, бизга хизмат? (*Дастурхонни кўздан кечириб.*) Бу тўйми, маслаҳат ошимни, нима гап?
ШОҒУЛОМ. Сизни соғиндик-да, соғиндик!
ҚўЧҚОР. Ўша нега соғинганингизни билмоқчиман-да, акажон! (*Енидагиларга қараб*) Гапимиз сизларга ёкмадими?
ШОҒУЛОМ. Мундоқ нафасни ростланг!
ҚўЧҚОР. Акажон, мен сизни деб келдим, буларни ҳаммасини биламан!
МИРЗО ҒАНИ. Хой, Қўчқорвой, нимани биласиз?!
ҚўЧҚОР (*Исабекка*). Сиз ҳам менга ола қараманг, ака.
ИСАБЕК. Бу нима деганингиз?
ҚўЧҚОР. Мен-чи, ерни тагида илон кимирласа биламан. Мени содда деманг! (*Шоғуломга*) А, акажон?
ИСАБЕК. Эй, тавба!
ШОҒУЛОМ. Бир коп ёнғоксиз, Қўчқорвой, қўнглингиз очик!
ҚўЧҚОР. Мен буларга ўхшаб, ичимдан пишган эмасман. Қани, олинг, ака!
ШОҒУЛОМ. Булар нима қилибди?
ИСАБЕК. Ҳақорат қилманг, Қўчқорвой.

МИРЗО ҒАНИ. Биладиганингни айтавер, яширма!
ҚўЧҚОР. Мен бировга ишим тушганда оёғини ўпиб, бошкани олдида гердаядиганлардан эмасман!
МИРЗО ҒАНИ. Пичинг қилмасдан гапирабер!
ҚўЧҚОР (*Шоғуломга*). Хой, акажон, мен сизни ширин гапингизни қулиман, тамаъим йўк. Бир бурда нонимни ҳалол қилиб есам бўлди. Мен буларга ўхшаб..
ИСАБЕК. Оғзим бор деб, алжийберма!
МИРЗО ҒАНИ. Ичган коньянгиндан ўргилдим!
ШОҒУЛОМ (*уларга, сабр қилинглар, дегандек имо қилади*). Хой, хой, майли тўлиб келибди, ёзилиб олсин!
ҚўЧҚОР. Бугун ўламанми, эрта ўламанми, сенларга ўхшаб, етти пуштимини гамини еб, давлат йиғмайман.
МИРЗО ҒАНИ. Қасалларнинг насибасидан юлиб бозорга чиқарган дориларинг нафси ўликлингиданми?
ИСАБЕК. Гунохимизни айт!
ҚўЧҚОР. Гапирадиган бўлсам-чи!..
МИРЗО ҒАНИ. Билганингни гапир!
ҚўЧҚОР. Менга дўк қилма!
ИСАБЕК. Хой, номерд!
ҚўЧҚОР. Ким?
МИРЗО ҒАНИ. Сен, сен! (*Ёқасидан олади*). Гапир, гапирадиганингни!
ҚўЧҚОР (*хушёр тортиб, Шоғуломга*). Мени буларга талатгани чақирганмисиз?
ШОҒУЛОМ. Енгилтаклик қилманглар, билганини гапирсин.
МИРЗО ҒАНИ. Гапир!
ИСАБЕК. Бизда нима билганинг бор?
ШОҒУЛОМ. Бас қилинглар, бас қилинглар. Сув лойқаланмасдан тинмайди, бундай ўтиринглар!
МИРЗО ҒАНИ. Ака бизни уриштиргани йиғдингизми?
ИСАБЕК. Мақсадингизни айтинг!
ҚўЧҚОР. Мени нимага таклиф қилдингиз, шуларга талатганими?
ШОҒУЛОМ. Эй, мастлик қилманг!
ҚўЧҚОР. Нима?
ШОҒУЛОМ. Жанжални ўзинглар бошладинглар-ку, менда нима гунох?
ҚўЧҚОР. Менга айтяспизми?
ИСАБЕК. Бўлмаса мен бошладимми?
ҚўЧҚОР. Хали айбдор менми?
ИСАБЕК. Айбдор қилаётганим йўк, мен ўзим Мирзо билан икковларингни жанжаллашиб турганларингизда чикдим.
МИРЗО ҒАНИ. Хой, жанжални сен бошладинг, демокчимисиз?
ИСАБЕК. Бўлмаса, менми?
МИРЗО ҒАНИ. Хой, Исабек, Исабек! Мен ўзим келиб жанжални устидан чиқиб қолдим.
ШОҒУЛОМ. Бутун айбни менга қўймоқчимисизлар?
ҚўЧҚОР. Хой, жон ака, ўзингиз кўрдингиз, мен ҳаммадан кейин келдим. Келсам, орадан нима гап ўтган, Саид Карим акам, тўнни тескари кийиб кетаётганда хой-хой деб ўзингиз йўлдан кайтардингиз. Саид Карим ака, гапирсангиз-чи!
САИД КАРИМ. Мен келсам, булар учалови қўчқорга ўхшаб бир-бирига ташлашиб турган экан..
ҚўЧҚОР. Мен, Қўчқор булардан кейин келдим-ку?
САИД КАРИМ. Сен — Қўчқорни эмас, хайвонни айтяпман, қўй-қўчқорни айтяпман!
ИСАБЕК. Жанжални мен эмас, булар бошлади, демокчимисан?
САИД КАРИМ. Ахир, мен (*Мирзо Ғани билан Исабекни кўрсатиб*) икковларинг ёка бўғишиб, нима талашганларинг билмайман. (*Шоғуломни кўрсатиб*) Акам хой-хойлаб ажраштирганини устига келиб қолмадимми?
ШОҒУЛОМ. Тўхтанглар. Тушунинглар!
САИД КАРИМ. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич. Мени сирли гапга, фиски-фужурга токатим йўк. Сиркам сув кўтармайди.
ИСАБЕК. Мен ҳам худди сенга ўхшаб, Мирзо билан икковларини жанжали устидан чикдим. Жанжални бошлаган — булар!
МИРЗО ҒАНИ. Айб менда эмас, мен ҳам, сенга ўхшаб келсам..

ШОҒУЛОМ. Хой, Мирзо, Мирзо!

КЎЧКОР. Очди бўлгани яхши! (Ароқ қуйиб ичади.)

ИСАБЕК (Мирзо Ғанига). Ўзингизни окламанг, хикилдоғимга келтирманг. Мен келсам, жанжаллашиб турган одамлар сир яшириб, тулкига ўхшаб ликиллай бошлади. Қадрдон оғайнилармиз, ахир, бунга хафа бўлмайсанми? Бўласан, бутун жанжалга шулар сабаб! Мирзодан сўранг! КЎЧКОР. Мана, гап қаёқда! Ҳаммаси Мирзо Ғанидан чиккан.

МИРЗО ҒАНИ. Худо ҳақки, қасам ичаман, мен келсам...

(Дастурхонни кўрсатиб) Очигини айттай!

ИСАБЕК. Гапиринг!

ШОҒУЛОМ. Кани, гапирсин, гапирсин!

МИРЗО ҒАНИ. Мана бу дастурхонлар айқаш-уйқаш, пиёлалар синган, келиноним йиғлаган...

ШОҒУЛОМ. Хой, Мирзо!

МИРЗО ҒАНИ. Оғайнилар, мен сизлардан сир яширсам...

САИД КАРИМ. Кани, очди килиб олайлик!

ИСАБЕК. Гапни бўлмаглар!

МИРЗО ҒАНИ. Чакирганлари учун, бир яхшилик эканми деб келдим, тинчликми десам, мендан яширадилар, нима гап десам, айтмайдилар, кетай десам — қўймайдилар. Сенларга ўхшаб, нима гапга келганимни ҳам, жанжалнинг сабабини ҳам билмайман, сенлардан сир яширсам... (Шоғуломни кўрсатиб) Мана, акам ўзлари айтсинлар. (Тоғулхонни қақчириб) Хой келинойи, сиз гувоҳ бўлинг!

ШОҒУЛОМ. Нима гап эканлигини билмоқчи бўлсанглар, мен гапирай.

МИРЗО ҒАНИ. Айтинг, акажон!

ИСАБЕК. Ўлиб бўлди-ку!

САИД КАРИМ. Резинка бўлмаларинг!

ШОҒУЛОМ. Жанжални ўзларинг бошладинглар. (Ҳамма бир-бирига қарайди, ҳайратланади. Жимлик.) Жанжалсиз оила йўқ. Пиёла синган бўлса, дастурхон сочилган бўлса, буни сенларга ҳеч алоқаси йўқ. Мирзо ўзидан-ўзи гумон килиб, жигимга тегиб суриштираберди. Уни устига бу келди, буни устига у келди, бир-бирингдан гумонсираб, ўз айбларингизни ўзларинг очиб, жанжаллашган сенлар-ку! Тўхтанглар. Мен жанжал билан эмас, тинчлик билан, очикчасига ҳаммангизни ўрталарингизга масалани ҳал қилмоқчи эдим. (Жимлик.) Ҳаммаларингиз менга сирдош эканларингизни айтдинглар, тўғрими? Сизларни чакирганнинг сабаби шуки, устимдан арз тушган! (Ҳамма ҳайрон, бир-бирига қарайди.) Мени ўрним кимгадир керак бўлиб қолибди. Лавозимдан кетмоқчиман.

МИРЗО ҒАНИ. Тавба!

ИСАБЕК. Кимга керак бўлиб қолибди?

САИД КАРИМ. Бу кимдан чикди?

КЎЧКОР. У қайси аблах?

ШОҒУЛОМ. Шошилманглар, биласизлар, ҳеч вақт ўғри ичингдан чикмаса, ташқаридан келмайди. (Жимлик.)

МИРЗО ҒАНИ. Хой, ака!

ШОҒУЛОМ. Ўғри ичимизда, узокдан келмайди!

ПАРДА

Иккинчи кўриниш

Биринчи пардадаги кўриниш. Кечкурун. Чироклар ёқилган. Ўша дастурхон. Дастурхон атрофидагилар ҳам ўшалар. Ҳамма ўйга толган. Жимлик.

ШОҒУЛОМ. Хой, хотин, чой олиб кел!

МИРЗО ҒАНИ. Ҳах, одамлар, одамлар-а!..

ИСАБЕК. Бу иғволар қачон тугайди?

КЎЧКОР. Аблах, аблах!

САИД КАРИМ. Ифлослик! (Яна ҳамма жим.)

КЎЧКОР. Тавба! (Кўчқор ўрнидан туриб асабий юра бошлайди.)

МИРЗО ҒАНИ (жаҳл билан). Эй, атрофимда пашшадек айланаберма! Ўтир!

КЎЧКОР. Эй, захрингизни менга сочманг!

ИСАБЕК. Оғирроқ бўл, оғирроқ! Қийшиқ ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам очилади.

МИРЗО ҒАНИ. Соат ҳам тўққиз бўлди, ўйга телефон қилиб кўяй! (Телефонда гаплашади) Ҳа, ўша ердаман. Нима? Битта жанжални ўзи етади. Жанжалли гапни кўятур, бўлди, дедим, бўлди! (Трубкани илади. Келиб ўтиради. Жимлик.) Ҳамма ҳам энди, бир нарсалик бўлай, дейди!

КЎЧКОР. Шикоят ёзиб, осмонга қараб ётганинг билан оғзинга тушадими?!

САИД КАРИМ. Ахир, ҳаммамиз ҳам йўлни қилиб, бир-биримизни қуруқ қўяётганимиз йўқ-ку!

ИСАБЕК. Бу гапда жон бор, Шоғулом ака, битта-яримтага бирор нарса ваъда қилиб, яна бермай қолмаганмидингиз?

САИД КАРИМ. Ўйлаб гапирсангиз-чи! Ким бу кишига ботиниб нарса сўрайди?

МИРЗО ҒАНИ. Бошлиқнинг бошлиғи йўқ деясизми?

КЎЧКОР. Бор, бор! Буларнинг бошлиғига район планини бажарса бўлди-да. Буларни юзи ёруғ, қулоғи тинч. Аммо, планини бажарувчи — сиз билан биз. Ахир, уни бажариш осонми? Бир кун аптекада битта дори бўлмай қолсин, ҳаммаёқни шикоят босиб кетади. Уни қаердан оласан? Завага борсанг, қўзини лўқ қилиб, йўқ, дейди. Дефицит, дейди. Қўлига узатмай кўр-чи! Бошлиқлар, ишини удалолмади деб, қавушингизни тўғрилаб қўяди. Чор-ночор сўраганини берасан. Хўш, ўрнини қаердан қоплайсан? Олувчига сен ҳам йўқ дейсан, дефицит, дейсан! Дефицитни ўзимиз чиқарамиз. Шундай қилмасанг, ўрнини қоплаёлмайсан. Йўлни топасан... Ўша шикоят ёзганлар бир кун ўрнимга келиб ўтирса, ана шунда мени тушунарди.

САИД КАРИМ. Сен буни гапирасан-а, меники оддий чойхона, санинспектор келиб, халатимдаги битта доғни бахона қилди радио чойхонани ёпади-кепади. На чой сотоласан, на овқат. Бир кун планини бажарма, тамом!.. Мен ҳам унинг қўлига бераман, бермай кўр-чи! Уни қаердан ундирасан? Ана энди харидорлардан шикоят бошланади. (Шоғуломни кўрсатиб) Шоғулом акамга ўхшаганлар жонимизга оро «риб, бизга тегишли, деб бир оғиз айтиб қўймасалар, ўша кунни биз ҳам ишдан кетдик-да!

ИСАБЕК. Одамларга ҳайронман, ҳайронман! Бу дунёда бировга қилган нарсанг ҳеч бировда қолмайди. Яқинда биттасига бир илтимос билан кирсам, йўқ, деди. Қўлига беришни иложини қилолмай, «Золотой руно»ни ичига юзталикдан жойлаб, мазорбосди деб ташлаб кетдим. Кетимдан, сигаретангиз қолибди, ишингизни битириб қўйдим, деб телефон қилди. Буни қарангки, бир ой ўтмай, ўша пул ўзимга қайтиб келди. У унга берган, бу мунисига бериб, иш битирган. Охири биттаси менга ташлаб кетди. Хотинга берсам, ўзимизни пул-ку, дейди. Қаёқдан билдинг, десам, қомпо тўкилган эди, дейди... Бировники бировда қоладими! Одамлар бесабр, бесабр. Шикоят ёзгандан кўра сабр қилса-ку, ахир уларга ҳам... Сизни устингиздан ҳам бирор бесабр ёзган... (Жимлик.)

ШОҒУЛОМ. Мени билмаган мени устимдан ёзадими?!

КЎЧКОР. Бу ҳам тўғри!

ШОҒУЛОМ. Сирдош бўлмаганини мен билан нима иш бор?

МИРЗО ҒАНИ. Тўғри!

ИСАБЕК. Ким бўлди экан?

САИД КАРИМ. Тавба! (Жимлик.)

МИРЗО ҒАНИ. Акажон, мени қимлигим сизга маълум, мен сиз билан амал талашадиганлардан эмасман.

САИД КАРИМ. Мен ҳам амал орттириб, ўлганимдан кейин жасадимни асыасо дабаба билан Чиғатойга қўйсин, дейдиганлардан эмасман, Хўжақаландар бува ҳам бўлаверди бизларга!

ИСАБЕК. Ўлганимдан кейин барибир эмасми? Ўшанда ҳам биров яхши дейди, биров — ёмон. Беш кунлигингизни ўйнаб-қулиб ўтказишни ўйласанг-чи!

КЎЧКОР. Эй, албатта!.. Оч бўлсанг, нон ўғирласанг тўсан-у, аммо шухратга ишқибоз бўлсанг, ўла-ўлгунча тўймайсан! Ахир, Абдулатифлар ҳам, подшонинг ўғлиман, деб керилиб юрабермади. Огамнинг тахти керак, деб Улуғбекдай одамни қалласини ўз қўли билан олди-я! Амалпарастлик ёмон, оғайнилар, ошна-оғайнигарчилиқни танимайди!

ШОҒУЛОМ. Балли, балли! (Ҳамма жим.)

ИСАБЕК. Бу — кадрдонликмас!
МИРЗО ҒАНИ. Инсонга меҳр ҳам керак.
ШОҒУЛОМ. Меҳр, меҳр!..

САИД ҚАРИМ. Нимани ўйлаб қолдингиз?
ШОҒУЛОМ. Меҳрда ҳам меҳр бор! Тулкида ҳам, бўрида ҳам, энг йирткич арслонда ҳам меҳр бор. Корни тўкида билади, аммо, ўлжага келганда эркаги урғочисини, отаси боласини гажийди!.. Бир-бирини аямайди. Бизларнинг ҳам бир-биримизга меҳримиз йўқ эмас... (Яна ўртада жимлик.)
САИД ҚАРИМ. Хой, айтаберинг!
ШОҒУЛОМ. Ҳамма гапни ўзинглар айтдинглар, ўзинглардан қоладиган гап йўқ. Лекин, бунга тан бераману...
ҚУЧҚОР. Албатта, акажон, бизларни ичимизда сизни ўринингизни талашадиган йўқ. Аммо, Исабек акам бир вақтлари амалдор бўлган, яна кўмсаб қолмаган бўлсалар...
ИСАБЕК. Овозингни ўчир, нафасинг курсин!
САИД ҚАРИМ. Мен бўлсам — оддий чойхоначи!..
Қўчқорда ҳам илм бор!

ҚУЧҚОР. Хазилни қўйинг!
МИРЗО ҒАНИ. Худо кўрсатмасин, бизларни бировга ёмонлигимиз йўқ.

ШОҒУЛОМ. Бировга ёмонликларинг йўқ, йўқ, бу тўғри... Ёмонлик қилмаймиз, шунинг учун қилмаймизки, ўз манфаатимизга зиён етиб қолишдан кўркамиз. Ўз фойдамизни химоя қиламиз. Мен ёмон одаммасман, деймиз-у, аммо жон куйдириб бировни ённи олганмизми? Унинг ёнига кириб, ҳақиқатни айтганмизми? Йўқ! Ўз обрўйимизни, фойдамизни ўйлаганми?!.. Мана, Мирзо, жиянингиз яқинда бошлик бўлди-я! Тўғрими?

МИРЗО ҒАНИ. Мени жиянимми?
ШОҒУЛОМ. Ҳа, сизни!
МИРЗО ҒАНИ. Хой, ака! Бўлди... бўлди...
ИСАБЕК. Гапни бўлмаг!
ҚУЧҚОР (Шоғуломга). Ака, гапираберинг!
МИРЗО ҒАНИ. Ундан турмонингиз борми?
САИД ҚАРИМ. Жим туроласизми, йўқми?
ШОҒУЛОМ (Мирзо Ғанига). Кимни ўрнини эгаллади?
МИРЗО ҒАНИ. Хой, ака, мени ўлдирманг! Сўрамасдан гапираберинг!

ИСАБЕК. Билмасанг, тўхта!
ШОҒУЛОМ. Бирга ишлаб келган оғайнисининг ўрнини эмасми? Тўхтанг! (Ҳамма жим қолади.) Устидан арз тушиб, уни ўрнига жиянингиз қўйилган-да. Йўқ, бу мендан кўра иш бажаришга фахмли, шунга кўмаклашиб юраберай, мени қўйинглар, дедими? Демади! Жон-жон деб ўрнини эгаллади! Оғайнилармиз деймиз-у, аммо сизлар оладиган мукофотни мен оладиган бўлсам, мендан олдинроқ олмагунча тинчимайсизлар!..

МИРЗО ҒАНИ. Гумонингиз кимдан, жиянимданми?
ИСАБЕК. Жиян тоғага тортади-да!
САИД ҚАРИМ. Сопи ўзидан чиқиб қолди...
МИРЗО ҒАНИ. Бу хазил қиладиган гапмас, Саид Қарим?
ШОҒУЛОМ. Мен сизларни хазилга чакирганим йўқ.
Хазил қилиб бўлди!
МИРЗО ҒАНИ. Хой, ака, мен касал одамман-а!
ИСАБЕК. Мирзо, оғайнилармиз, гап шу ерда қолади, ҳаммамизни ёмонотлик қилиб, қийнамасдан очинга кўчаберинг!
МИРЗО ҒАНИ. Нима деб валдираясиз?!
ҚУЧҚОР. Ҳаммадан олдин келиб жанжални бошлаган ҳам сиз эмасмисиз?!
МИРЗО ҒАНИ. Мени ўзимни қон босимим бор, хозир бир гап бўлса...

ИСАБЕК. Бизларда йўқми?
ШОҒУЛОМ. Тўхтанглар, бу ерда талашадиган гап йўқ.
САИД ҚАРИМ. Агар сотқин ичимиздан чиқса... (Жимлик.)

МИРЗО ҒАНИ (Мирзо сўз қўйиб ичади.) Қасам ичаман, агар сизга бирор ёмонликни ўйлаган бўлсам...
ИСАБЕК. Шармандалик, шармандалик!
ҚУЧҚОР. Садкаи дўст кет-эй!
МИРЗО ҒАНИ. Менга ёпишмаларинг! Менга ёпишмаларинг, менда ҳеч қанака гуноҳ йўқ. (Жанжалнинг устига Тожихон ош кўтариб киради.)
ТОЖИХОН. Вой тавба! Вой тавба! Уят, уят!
МИРЗО ҒАНИ. Келинойижон, худо ҳақки...

ИСАБЕК. Қасам урсин!
САИД ҚАРИМ. Нахот шундан чиккан?
ҚУЧҚОР. Туф денглар, хайданглар, лаънат бўлсин сенга!
ШОҒУЛОМ. Ҳали сиз шошилманг, Қўчқорвой, шошилманг! Мен сизларни бекорга йиққанам йўқ. Гуноҳ кимда экани очилади. Ҳа, айбдор шу ерда! (Бир дам жимлик.) Кани, ошга қаранглар! (Мирзо Ғанига) Кани, овқатга, насиба! (Ҳамма жим. Эшикдан кайф билан Дехқонали кириб қолади.)
ДЕХҚОНАЛИ. Ох, жамоат жам экан-ку, ҳамма кадрдонлар шу ерда экан-у! (Ашула айтиб, ўйинга туша бошлайди.)

О, қаргалар, о,
хо қаргалар, хо...

ШОҒУЛОМ. Ия-ия! Нима гап? Ичадиган одатингиз йўқ эди-ку?!
ДЕХҚОНАЛИ (Шоғуломга). Бугун мени, акажон, туғилган куним, кайнонам суйган-да! Тайёр ошнинг устидан...

О қаргалар, о,
хо қаргалар, хо...

(Ўзига ичкилик қўяди.) Бизлар кичкина одамлармиз. Сизларнинг соғлигингизга... (ҳамма жим) ўзимиз ичамизда! (Ичади, томоқ, қоринни ушлаб) Ох-ох, ох-ох, томоғимдан тинчгина ўтди, худога шукр, маза қилиб сингвотди, сингвотди! Ох-х! Танинг соғ, бола-чака олдингда! бировдан олдин, бировдан кейин, бировдан қарзим йўқ, таъма қилиб обдаста жўмрагидек энгашмайман... Бундан мазаси борми? Хой, сизлар ҳам олмайсизларми? (Лағандаги ошга қараб) Кани, Дехқонали, бугун туғилган кунингиз, олаберинг! Кўрдингми ош, кўтармагин бош! (Тўкиб-сочиб ош ея бошлайди.) О қаргалар...

ШОҒУЛОМ. Олаберинг, олаберинг! (Ўтирганларга ҳам) Олинглар. Дехқонали ўзимизники, кайф қилибди. (Дехқоналига) Олаберинг!

ДЕХҚОНАЛИ (Шоғуломга). Битта ошатайми?
ШОҒУЛОМ. Ўзим оламан. Сиз олаберинг!
ДЕХҚОНАЛИ (ҳаммага ош тўтиб). Сизга!.. Сиз-чи, акажон?.. Сиз ҳам олмайсизми? (Ўзига) Ўн бешинчи лампашишадек қилиб олаберинг, Дехқонали! Ўзингизга қуйинг, Дехқонали! (Қўяди.) Булар — тўйган кўзининг боласи (ҳиқичоқ тўтиб), лаббай, бир нарс дедингизми? (Яна ҳиқичоқ тўтади. Ўзига ўзи) Гул хидланг, Дехқонали, богбонсиз, гул қонни юриштиради! (Қўлини артиб, гандиракларга ўридан туради.)

МИРЗО ҒАНИ (ўтирган жойида ҳўнераб йиғлайди. Ҳамма ҳайрон). Жон ака, нима деб арз ёзибман? Жуда бўлмаса, учини чиқаринг, бўйнимга олмасам хотиним талок бўлсин!

ШОҒУЛОМ. Қайси бирини чиқараман? Мени сирларини билмайсизми?
МИРЗО ҒАНИ. Қанака сир?
ШОҒУЛОМ. Мени гуноҳларимни билмайсизми?
МИРЗО ҒАНИ. Қанака гуноҳ?
ШОҒУЛОМ. Учини чиқарингмиш, учини чиқаринг! Ҳаммасини ўзингиз чиқариб бўлдингиз-ку!
МИРЗО ҒАНИ. Тушунолмай қолдим, айбим бўлса — аяманг!

ШОҒУЛОМ. Олтину дур билан қўлга тушганингизда саклаб қолганим, болаларингизни мен ўқишга жойлаб қўйганимни кимга арз қилдингиз?
МИРЗО ҒАНИ. Мен?!
ШОҒУЛОМ. Токайгача сенларни шалтоғингни ёпаман?! Битта ишингизни қилиб бермасам, мени сиримни очмоқчи бўлдингизми?!

МИРЗО ҒАНИ. Хой, ака, хой акажон!.. Кимга айтаман, фақатгина хурсанд бўлганимдан, қилган яхшиликларингизни ўзингизга айтдим, агар бошқа айбим бўлса...

ШОҒУЛОМ. Арз қилганингиз йўқми?
МИРЗО ҒАНИ. Мени жон томирим сизни қўлингизда-ку! Мен олтину дур билан иш қиладиган одамман. Мен сирларимни сизга ишонганимни билмайсизми? Агар бунинг очғудек бўлсангиз, мен отилмайманми? Шу ишни мен қиламанми?

САИД ҚАРИМ. Бизлар сизга кимлигимизни биласиз-ку? Нима деб тухмат қилади?

МИРЗО ҒАНИ (*йўглаб*). Сизга ёмонликни ўйлаган кўр бўлсин, шол бўлсин! Мен қилган ҳамма гуноҳларни ўзингиз биласиз-ку, ахир! Нахот мендан гумон қилсангиз?!

ШОҒУЛОМ. Ишонаман, ишонаман!.. Лекин... (*Дехқонали қўлида гул дасталаб, «Гулолим»ни айтиб ўйинга тушиб кетади.*)

Хой, хой, Гулолим...

САИД ҚАРИМ. Гулолимнингдан ўргилай!

ИСАБЕК. Хей, ичган арагиндан!..

ҚУЧҚОР. Туғилган кунинг ҳаммани жинни қиласанми?

ДЕХҚОНАЛИ. Хўп-хўп!..

МИРЗО ҒАНИ. Айтиб қўяй, мен сизнинг устингиздан арз-дод қилган бўлсам, ўша эшитгани, билганини айтинг, сиз учун бошимни бермасам номардман! Гап шу! (*Дехқоналига*) Утиринг, менга ҳам қўйинг!

ДЕХҚОНАЛИ. Мен-чи?

ИСАБЕК. Хой, ака, Мирзо тўғри гапни айтди. Бизлардан-чи?..

ДЕХҚОНАЛИ. Мен сенларни биламан. Ҳамманг мутта-хамсанлар! Менга ўқрайманг. Сенлар садқан гул! Сенларга гул эмас, пул керак!

Ох, Гулолим...

ИСАБЕК. Оғзингни юм!

МИРЗО ҒАНИ (*Дехқоналига*). Менга ҳам қўйинг, олинг ашулани! (*Ўзига қўйиб*) Шу акамга ёмонликни ўйлаганлар барака топмасин! (*Шоғуломга*) Сизни бахтингизни тилаган одамман. (*Дехқонали билан қўқшириб ичади.*) Олинг ашулани!

ДЕХҚОНАЛИ. Мени етти отамдан давлат қолган эмас, кўлим қадок, меҳнатим билан, хунарим билан топиб яшайман. Кимдан камман? Мен сендақалар билан ичмайман. Ор қиламан! Халқнинг насибасига пашша бўлиб кўнган — сенлар!

ҚУЧҚОР. Хой-хой!

ШОҒУЛОМ. Кайфи бор, хафа қилманг! (*Дехқоналига*) Ичинг, яйраб олинг, Дехқонали, юз йил яшанг!

ДЕХҚОНАЛИ. Минг йил деи! Мен етти пуштимга ўғирлик қилиб бисот қолдирганимдан, одам бўлиб ўтганим афзал! Булар ҳаммаси порахўр, ҳаммаси хушомадгўй!

САИД ҚАРИМ. Мастлик қилманг!

ДЕХҚОНАЛИ. Нима?

ШОҒУЛОМ. Хўп-хўп!

МИРЗО ҒАНИ. Олаберинг, овқат ўтганига шукр!

ДЕХҚОНАЛИ. Олинг! (*Ичади.*) Сен билан бир товоқдан емайман! О қарғалар... (*Бирпасдан кейин «Гулолим»ни айтиб ўйинга тушади.*)

О, Гулолим!..

ИСАБЕК. Бўлди, жиниликни бас қил! (*Олдидаги ароқни тортиб олади.*)

ДЕХҚОНАЛИ. Бас қил? (*Ўзича қотиб-қотиб кулади.*) Бас қилинглар! Хўп-хўп, сиздан кўркдик. Хой, менга қара! Бир-бирингни гўштингни еган сенлар, менга яхшилик қиларминдиглар!

ИСАБЕК. Гижимлаб ташлайман.

САИД ҚАРИМ. Утир! (*Дехқонали бир оз ҳушёр тортиб, бошини ушлаб ҳаёлга толади, атрофга қарайди.*)

ҚУЧҚОР. Мирзакам тўғри айтди, сизни устингиздан арз қилиш — сирни очиш, бу — ўзимизни оёғимизга болта уриш!

САИД ҚАРИМ. Албатта, хой, акажон!

ИСАБЕК. Кўп жаврама! Сабр қилларинг. (*Шоғуломга*) Мирзо тўғри айтди, ҳаммамизни жиловимиз қўлингизда. Сичконни ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади. Бизлардан гумон қилишингиз хато!

ҚУЧҚОР. Мени қимлигимни билмайсизми?

ИСАБЕК. Сабр қил! Бизларни сиздан яширадиган сиримиз йўк! Мен гўшт комбинатига директор бўлиб ишлаганимда, қолбасага қоғоз солиб, қўлга тушганимда, босди-босди қилиб юборган ким?.. Мен сизни устингиздан арз қиламанми?! Йўк, ака! Мендан гумон қилсангиз хато қиласиз? (*Ўзига ароқ қўйиб ичади, овқатга ўтиради.*)

Келиноий, ошдан олиб келинг!

ҚУЧҚОР. Анави билан дон олишиб, устимдан арз қилиб, шарманда бўлай деганимда шикоятини сефингизга солиб

қўйиб, шарманда бўлишдан сақлаб қолган ким? Агар ўша иш хали ҳам очилса... Бу гап бизлардан чикмайди! Йўк, акажон, бизлардан гумон қилманг! (*Лағанда товуқ кўтариб келган Тожиҳон лаганни қўлидан тушуриб юборади.*)

ТОЖИХОН (*жаҳл билан Қўчқорга ёпишади*). Мени эримни хотинбоз, бузук деган ҳам сенлар, сенлардан чиккан!

ҚУЧҚОР. Хой, хой, келиноий, оғзингизга қараб гапиринг!

ТОЖИХОН. Мени эримни кечалари машинага солиб, ўзи билан алакаёқларга олиб кетадиган, мени эримни бузган — Шоғулом, деган гапни хотинингизни оғзидан чиккани ёлғонми? (*Исабек, Мирзо Ғани ўрниларидан саччиб турадилар. Дехқонали ҳам ўрnidан туриб, кетмоқчи бўлади.*)

ДЕХҚОНАЛИ. Тўхтанглр, тўхтанглр, жанжаллашманглр, мен кетдим. Мен кайф қилдимми? Уят, уят. (*Шоғуломга*) Жон ака, кечиринг. Туғилган куним... Раҳмат, энди бизлар ишчи одам... Хайр, ака. Кечирасиз-а? (*Ўпади.*)

САИД ҚАРИМ. Суйкалма!

ДЕХҚОНАЛИ. Биз айбдор! (*Кетади.*)

ҚУЧҚОР. Шошилманг, келиноий! Тўхтанг!

ТОЖИХОН. Хотинингни чақириб келамак! Ҳамма гап сенлардан чиккан! (*Шовқинга уйдан ўгли чиқади.*)

МИРЗО ҒАНИ. Аблах!

ИСАБЕК. Ха, нонкўр!

ШОҒУЛОМ. Тўхтанглр, тўхтанглр!

САИД ҚАРИМ. Подани булғатган буни таъзирини ўзимиз берамиз! (*Қўчқорнинг ёқасидан олади.*)

ҚУЧҚОР. Тухмат, бўхтон! Мен ўзим бузукман! Мен ўзим ифлосман!

ИСАБЕК. Сиримизни очадиган сен бўлдингми?

МИРЗО ҒАНИ. Нонкўр, нонкўр!

ШОҒУЛОМ. Бас қилинглр, бас қилинглр!

САИД ҚАРИМ. Буни тириклайин шу ерда кўмиб ташлаймиз!

ҚУЧҚОР. Хой-хой, хой-хой! (*Бирдан қаҳ-қаҳ уриб кула бошлайди. Ҳамма ҳайрон. Ашула айтади.*) «Хо қарғалар, хо қарғалар...» (*Бир дам ҳушга келиб*) Менга нима бўлди? Ҳаммага тухмат-арз қилган мен эмас! (*«Гулолим»ни айта бошлайди.*)

ШОҒУЛОМ. Бунга нима бўлди?

ИСАБЕК. Эсан оғди, эсан оғди!

ТОЖИХОН. Муғамбир, муғамбир!

ҚУЧҚОР (*ҳаммага тикилиб*). Сенлар, сенлар, сенлар!..

Мени суд қилманглр. Қорадори, наша... мен сотган эмасман! Сени ҳаммаларинг қасал, дори йўк, — бошқа аптекага борларинг! (*Ўзига келиб*) Менга нима бўлди, кайфим ошдимми? Е тавба, ё тавба!

ШОҒУЛОМ. Бунга тегманглр! (*Хотинига*) Кўзига кўринмай тур. (*Тожиҳон кетади.*)

ИСАБЕК. Гуноҳи миясига урди!

МИРЗО ҒАНИ. Ҳамма айб шунда!

САИД ҚАРИМ. Бир сир ташқарига чикмасин!

ШОҒУЛОМ. Спиртни кўп ичганидан, мияга тепиб алахлади, бу — алахлаш!

САИД ҚАРИМ. Бир хафта «бешинчи» трамвайнинг йўлида ётиб чикса, ўзига келади.

МИРЗО ҒАНИ. Бу ёмон одаммас, газабидан сафро мияга урди.

ИСАБЕК. Бу, акамга қилинган тухмат, арзлар кимдан чиккан бўлади, а, кимдан?

ШОҒУЛОМ. Ҳайронман, ҳайронман.

МИРЗО ҒАНИ. Саид Қарим, сени чойхонанга шахарнинг тўрт томонидан одам келади. Яна, одам ҳодисе, бизни Шоғулом акадек суянчингиз бор, бизга ундай қилганлар, фалончига бундай меҳрибонлик қилганлар, деб мактаниб, оғзингиздан гуллаганинг йўкми?

САИД ҚАРИМ. Хой-хой, ўлган илонни бошини кўзга-манг, энди менга ёпишманглр!

ШОҒУЛОМ. Қош қўяман деб, кўз чиқарган бўлсанг...

ИСАБЕК. Детективни кўрабериб, сизлар ҳам детектив қилиб юбординглар-ку!

ШОҒУЛОМ. Ҳайронман, ҳайронман.

МИРЗО ҒАНИ. Йўк, ҳайрон бўлманг, ака, ҳайрон

бўлманг! Айбдорни топиш керак. Бу иш очилса... (Ўйлашиб юра бошлайди.)

САИД КАРИМ. Стол катта, бизлардан бошқа келади-ганлар ҳам бордир, шулардан бир маслаҳат чикар!

ҚҶЧҚОР. Танишларни йиғиб гап оладиган бўлсалар, бутун шаҳар — таниш!

ИСАБЕК. Худо кўрсатмасин, сиз амалдан кетгудек бўлсангиз, холимиз нима кечади?

МИРЗО ҒАНИ. Буни ўйлаш керак!.. Унда, бизлар ҳам-чи... Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр! (Жиддий тус олади.)

САИД КАРИМ. Нафасингизни иссиқ қилинг! (Тожиҳон билан Жаҳонгир бир чеккада, кузатадилар. Бошини ушлаганча жим ўтирган Қўчқор ўзига келади.)

ҚҶЧҚОР. Мазам қочди, мен кетдим, кетмасам бўлмайди.

МИРЗО ҒАНИ. Йўк, Қўчқорвой, гап энди бошланади!

САИД КАРИМ. Яна гапни кавламанг, ишларим қолиб кетди.

ШОҒУЛОМ. Нима гап, айтаберинг, айтинг!

МИРЗО ҒАНИ. Оғайнилар, бунга шунчаки гап деб қараманглар!..

САИД КАРИМ. Ваҳима бўлиб қолдингизми?

ИСАБЕК. Туғилмаган болага олдиндан от қўйманг!

МИРЗО ҒАНИ. Боши кўриниб қолди, бундай ўти-ринглар. Оғайнилар, ҳаммамизни илдизимизга болта урилди! (Ҳамма ҳайрон) Энди буни очди қилиб олмасак... (Жимлик) Акамга бир гап бўлгудек бўлса, ўйлаясизлар-ми?.. Мен ҳам, сен ҳам... ҳаммамиз кетамиз!

ШОҒУЛОМ. Нима деясиз?!

МИРЗО ҒАНИ. Оғайнилар, ўйлаясизларми, бу дахшат!

Бу кишига бир гап бўлса, бизлар бемалол юраберамиз деясизларми? (Шоғуломга) Ҳаммамиз тамом бўламиз.

ШОҒУЛОМ. Мақсадга кўчинг!

САИД КАРИМ. Эй, ваҳима қилманг, Мирзо!

МИРЗО ҒАНИ (Шоғуломга). Сиз билан биз бегона одамлар эдик, шундайми? Мени эшитинглар. (Шоғуломга)

Сиз ишга янги тайинланганингизда олдингизга кириб, очикчасига ишлаберайми, хўжайини, ёки жойни бўшатиб қўяйми, деганман-а? Ишлайберинг, кўрамиз, дегансиз?

Бегоналар эдик, тил топдик, ишлаб кетдик.

ИСАБЕК. Ҳаммамиз ҳам шундай қилганмиз!

ШОҒУЛОМ. Гапни айлантирманг, мақсад нима, Мирзо?!

МИРЗО ҒАНИ. Энди, ака, кўнглингизга келмасин-у, бу ёғини эшитинг. Бизларни чақирганингиз учун раҳмат! Бу ёғига ҳайронман, деманг. Бизларни тинч қўйинг! Гап шу!

ШОҒУЛОМ. Мен сизни танимайман, демокчимисан?

МИРЗО ҒАНИ. Хафа бўлманг, ҳозирча йўли шу!

ШОҒУЛОМ. Номард!

МИРЗО ҒАНИ. Ҳурматингиз бор, ака!

ИСАБЕК. Йўк, хўжайини, янги ишга келганингизда мен ҳам сизни табриқлаб, Мирзо айтган гапни айтганман. Бирга ишлашга рози бўлгансиз.

САИД КАРИМ. Ҳаммамизнинг бола-чақамиз бор!

ШОҒУЛОМ. Хали гап шуми?

ҚҶЧҚОР. Мен ҳеч нарсани билмайман, мен ҳеч кимни танимайман!

ШОҒУЛОМ. Ўз қорингни ўзинг қура демокчимисанлар?

МИРЗО ҒАНИ. Бизларни аралаштиришдан фойда йўк, ўйланг!

ШОҒУЛОМ. Ифлос!

ИСАБЕК. Ўзингизни босинг! Энг тўғри йўл шу. Сиз нима қилгансиз — бизлар билмаймиз, бизлар нима қилганмиз — сиз билмайсиз. Сиз олмагансиз, биз бермаганмиз!

ЖАҲОНГИР. Шундай бўлишини билардим!

ШОҒУЛОМ. Жўналаринг, кўзимдан йўқолларинг!

МИРЗО ҒАНИ. Маслаҳат шу, ака, ўйланг!

ИСАБЕК. Сувдан тирик чикаман деган одам, чўккан вақтида бошқанинг оёғидан тортмайди!

САИД КАРИМ (Шоғуломга). Сир очишга ўтсангиз... ШОҒУЛОМ. Менда сир йўк! Менда ҳеч қандай айб йўк!

МИРЗО ҒАНИ. Бу тўғри. Бизда ҳам айб йўк! Ора очик, агар сир очилса...

ШОҒУЛОМ. Қўрқитмоқчимисан?

ИСАБЕК. Кемага тушганини жони битта. Бизларни аралаштирманг. Бир-биримизни аяш йўк! Бизлар кўпчи-ликмиз.

ШОҒУЛОМ. Гап шунга келдимиз?

МИРЗО ҒАНИ. Бир товоқдан еганмиз, ха, тенг бў-лишганмиз!

ИСАБЕК. Подани сиз булғаяпсиз! Шалтоғингизни бизларга сачратманг!

ШОҒУЛОМ. Аблахлар, аблахлар!

ИСАБЕК. Бизлардан ундирганингиз камлик қилди, ҳаддан ошдингиз, бегонани аралаштирдингиз!

ШОҒУЛОМ. Йўқолларинг, йўқолларинг!

САИД КАРИМ. Қилганларингизни биз ҳам қайтарган-миз!

ТОЖИХОН. Мана, дўст деб чақирганларингиз!.. Мана... ҚҶЧҚОР. Келинойи, ёмондигимиз йўк!

ШОҒУЛОМ. Бас қил!

ТОЖИХОН. Керагида оёғини ялаб, ким яхшию сиз яхши деб, энди...

МИРЗО ҒАНИ. Бошдан-оёк дуру олтинга буркаб ташладик, авлод-авлодингизга етади!

ЖАҲОНГИР. Энди адамни сансанлайдиган бўлиб қол-дингларми?

ТОЖИХОН. Арслоннинг ўлиги, сичқоннинг тириги... ШОҒУЛОМ. Қўй, ўғлим, қўй, хотин!

ЖАҲОНГИР. Булар жон эмас, мол дўсти бўлишини билардим.

ИСАБЕК. Қўлимиздан келган яхшиликни қиламиз, лекин — ёпиғлик қозон ёпиғлик! Хайр!

ТОЖИХОН. Қилғиликни қилиб-а?!

МИРЗО ҒАНИ. Оловни эрингиз ёқди, оловига ўзларинг исинларинг!

ЖАҲОНГИР. Ҳозиргина отамсиз, оёғингизни ўчишга розиман, деган сенлар эмасми?

ТОЖИХОН (Мирзо Ғанига). Ҳозиргина, хотиним талоқ бўлсин, деган, кўр бўлай, шол бўлай, деган сен эмасми?

ШОҒУЛОМ. Қўйларинг, бас қилларинг! Булардан инсоф кутма!

ТОЖИХОН. Шармандалар, ноинсофлар!

ҚҶЧҚОР. Хали мен очмадим. Шармандаликни эрингиз-дан сўранг, ҳар шаҳарда биттадан жоюонлари бор!

ШОҒУЛОМ. Йўқол, аблахлар, йўқолларинг!

ТОЖИХОН. Йўк, ҳозир исботлаб кетасан! Энди мен ҳам ҳеч қайсингни аямайман!

ЖАҲОНГИР. Энди уйимизни ҳам бузиб кетмоқчимиз-санлар? Бузғунчилар!

ТОЖИХОН (Қўчқорга ёпишмоқчи бўлади). Бу иснодга чидамайман! Ҳозир исбот қилиб кетасан! (Улар кетмоқчи бўлади.)

ЖАҲОНГИР. Тўхта, онажон, тўхта! Сизга исботи керак бўлса, мен айтаман! (Ҳамма тўхтади, жимлик.)

Мана, ота, булар менинг энг яқин дўстларим, сирдошларим, деб чақирганларингизни қандай эканликларини ўз кўзингиз билан кўриб, ҳақоратларини қулоқларингиз билан эшит-дингиз! Мен шундай бўлишини билган эдим. Бу аҳвол биринчи бўлиши эмас. Бу кирдикорларни ким очмоқчи бўлганини, арзни ким ёзганини билмоқчи бўлсанглар, у шу ерда турибди! У — мен! Ҳа, мен!

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

Учинчи кўриниш

Шоғуломнинг ҳовлиси. Кечаси. Жаҳонгир ўтирган жойи-да жим. Шоғулом бошини ушлаганча ўйга толган. Тожиҳон бесаранжом, стол атрофида айланади. Биринчи кўринишдаги меҳмонлар Жаҳонгирга ташланишади.

МИРЗО ҒАНИ. Қайси фарзанд отасини устидан арз ёзади?!

ИСАБЕК. Отанг сенга нима ёмонлик қилувди?

ТОЖИХОН. Мақсадингни айт!

ШОҒУЛОМ. Номусга ўлдирма, гапир, ўғлим, гапир!

ҚҶЧҚОР. Ота-онангдан юз ўгириб кетмоқчимисан?

САИД КАРИМ. Бизлар ҳам фарзанд ўстирганмиз, чизган чизгимиздан чиккан эмас!

ЖАХОНГИР. Мен ҳам ота-онамнинг сўзини икки қилган эмасман.

МИРЗО ҒАНИ. Сенга шундай бўл деганмиди?

ШОҒУЛОМ. Қани, гапирсин, гапир!

ЖАХОНГИР. Отам менга инсофни, ҳалолликни ўргатган!

ИСАБЕК. Ҳалоллигини шуми?

МИРЗО ҒАНИ. Нодон, нодон!

САИД КАРИМ. Шу инсофни?

ЖАХОНГИР. Инсофдан сиз гапирманг!..

ШОҒУЛОМ. Бас қилинглр, бас қилинглр!

ҚУЧҚОР. Нонқур!

ТОЖИХОН. Эл ичида нима деган одам бўлдим!

ЖАХОНГИР. Элни, номусни ўйлаш бундай бўлмайди.

ШОҒУЛОМ. Қани, билганингни гапир!

ТОЖИХОН. Бу уй сенга ҳаром!

ЖАХОНГИР. Гап шу бўлса, мен бу уйдан кетаман!

ШОҒУЛОМ. Ҳеч қаерга бормайсан!

ТОЖИХОН. Мени ўлдириб кетасан!

ЖАХОНГИР. Мени сизлар ўлдиришглр, ўлдиришглр!

ШОҒУЛОМ. Ҳамма қилғиликни қилган сен эмасми? Сен-ку!

ЖАХОНГИР. Ота, сиз ёшлигимдан менга ҳалолликни, тўғрисўз бўлишни ўргатдингиз! Пияниста, хотинбоз бўлмадим. Мартабангиздан фойдаланиб, одамларга озор етказмадим, безорилик қилмадим. Инсофли бўлишимни тилдингиз. Хатто, одамлар ҳаромхўрлик, нопоклик, хиёнатлардан қазабланиб сўзлаганларини эшитганингизда сиз ҳам кўшилишиб нафратланасиз! Мана энди, раҳбарсиз, бирор одамда хато ёки жиноят содир бўлгудек бўлса, аминманки, чора кўрасиз, хатто судга берасиз! Аммо, ўзингиз-чи!..

ТОЖИХОН. Ўйлаб гапир, ўғлим!

ЖАХОНГИР. Жиноятларингизни ёпиш, ўзингиздан хомий чиқариш учун юридик факультетга кир, деганминдингиз, ада?!?

ИСАБЕК. Сен адажон дема!

ЖАХОНГИР. Сиз сабр қилин!

ШОҒУЛОМ. Ўғлим!

ЖАХОНГИР. Агар менда гуноҳ бўлса, ҳар қандай жазога тайёрман, ада!

МИРЗО ҒАНИ. Отангни бутун обрўйдан маҳрум, эл ичида шарманда қилмоқчи бўлиб, яна отажон дейишга қандай тилингни борди?!?

ЖАХОНГИР. Сизлар энди отамга меҳрибонлик қилманглр!

ИСАБЕК. Ўз отасига қасд қилган сендек фарзандни оқ қилиш керак!

САИД КАРИМ. Ҳеч маҳал беданавоз ўзбекнинг ўғли ҳам отасига қарши чиккан эмас!

ҚУЧҚОР. Бунақа лаънатилар бор, бор! Отаси билан давлат, амал талашадиганлар йўқми?!?

ЖАХОНГИР. Мени тушунинглр, отам билан давлат, амал эмас, инсоф талашман! Виждон жанжалини қилман!

ТОЖИХОН. Сен ёшсан, ўғлим, ёшсан!

ЖАХОНГИР. Мен ёшман, тўғри, хато қиларман, аммо буларнинг ҳатоларини халқ оқлармикан?

САИД КАРИМ. Бундай фарзанд садкаи гап!

ЖАХОНГИР. Ҳозиргина, шу дастурхон устида отамни оёғига таъзим қилиб, аммо ўз нафсларинг деганда уни ҳақоратлаб, ундан юз ўгиришгача борган сзлар энди унга меҳрибон бўлиб қолдингларми?

МИРЗО ҒАНИ. Ота-онанг сени оқ ювиб, оқ тараб, ақлуху шериб ўстиргани етмай, устидан арз ёзиб, қаматиш, шу йўл билан давлатини эгалламоқ бўлдингми? Уят!

ШОҒУЛОМ. Умидим шумиди сендан?

ТОЖИХОН. Онламингга иснод, авлодимизга доғ!

ЖАХОНГИР. Онламингга доғ солган, авлодимизга иснод келтирган мен эмас, аяжон, мана булар! Ха, мана шулар!

МИРЗО ҒАНИ. Бу оилани сирини элга ошқор қилиб, шарманда қилмоқчи бўлган сен ўзинг!

ИСАБЕК. Ха, сен!

САИД КАРИМ. Арз ёзган бизлар эмас-ку, аблах!

ҚУЧҚОР. Отабозори, бизда нима айб?

ЖАХОНГИР. Борди-ю, отамни устидан арз ёзмаганок бўлай, арз ёзганим ёлғонок бўлсин, аммо отамнинг ҳимоячилари, меҳрибон дўстлари ҳозиргина... Сизларни бирингиз кўз олдимизда отамни «хотинбоз» деб ҳақорат қилдингиз, бирингиз уни ҳар қандай ифлосликда айблагингиз, бирингиз «порахўр», бирингиз яна нималар деб ҳақорат қилмадингизлар! Онламингга ҳақорат қилган, онламингга иснод келтирган булар бўлмайин менми, аяжон?!?

ИСАБЕК. Отангни сирини ошқор қилган бизлар эмас, сен!

МИРЗО ҒАНИ. Отангни устидан сен арз ёзмасанг эди, бу жанжаллар ҳам бўлмасди!

САИД КАРИМ. Сен ота ўғли эмассан!

ЖАХОНГИР. Демак, жанжал бўлмаслиги учун бир тўда муттаҳам кишилар етим-есирлар насибасини, эл мулкни, пешона тери билан пул топган меҳнатқашларнинг улушларини ўз айш-ишратлари учун истаганча талаб, жамиятни, келажак авлодни, ўз фарзандларини нопоклик билан қон-қонига бузмоқчи бўлсин-да, улар пок бўлиб, виждон амрини қилганлар, кўпчилик манфаатини ўйлаганлар ёмонотлик бўладими?!?

ҚУЧҚОР. Ешлик қилисан, ешлик!

ЖАХОНГИР. Айбим бўлса, тан оламан, сизлардан узр сўрайман. Мен пияниста, майхўр эмасман, ўзларинг баъзан бир кружка пивони ичолмасдан, ярми сув экан, деб селиб ташлаб, сотувчини муттаҳам, деб сўқиб кетасизлар! Аммо сиз ўладиган беморларга бериладиган дорини йўқ деб, қимматга сотганингизда бошқалар ҳам сизни қарғашини ўйлайсизми?!?

МИРЗО ҒАНИ. Ҳозир ҳеч ким қарғашдан қўрмайди, шаддолик қилма! Фақат Қўчқор эмас!..

ЖАХОНГИР. Аммо сиз ўзингиз, одамларнинг ҳалол топган меҳнат ҳақларидан уриб қолганингизда, бирини ўнга сотганингизда улар ҳам сизни барақа топма, топганин ёмон қунигга буюрсин, дейишини ўйлайсизми? Бу ифлосликлар қачон тугайди, деган уларнинг нолаларини эшитиб турай-да, аммо ўша ҳаром пулдан отамнинг мартабаси учун бизга ҳадя қилган олтин, гавҳарлар ҳақи, сизга ташаккур айтишим керакми?!?

МИРЗО ҒАНИ. Хали бизларни ҳам гуноҳқор, демокчимсан?

ЖАХОНГИР. Мана, отамга меҳрибонлигингиз!..

ИСАБЕК. Сенга лаънатлар бўлсин!

ЖАХОНГИР. Йўқ, сабр қилинглр! Не-не истейдодли йигит-қизлар университет остонасини ялаб, неча йиллардан бери ўз кучи билан ўқишга қиролмасин-да, сиздек пулдорлар даста-даста пул бериб, болаларини бурнидан тортиб олий маълумотли қилмоқчи бўлса-ю, мен юридик факультетда совет қонунчилигини ўқиб туриб, бу жиноятларга бардош беришим керакми?! Шу виждон билан, жиноят курсида ўтирган айбдорларга ёндашишим керакми?!?

МИРЗО ҒАНИ. Қойилман сенга, қойилман! (Ҳамма ҳайрон.) Тўхтанглр! Укам, гапинг ҳақ! Аммо, ўғрилиқ қилган фақат бизлар эмас, ҳамма қилади! Давлат билмайди дейсанми!..

ЖАХОНГИР. Ҳамма эмас, хато қиласиз! Бизга ўхшаганлар бирлашсак!..

ҚУЧҚОР. Отасини аямаган, бундан инсоф қутманглр!

ЖАХОНГИР. Йўқ, сизлар айтгандек, мен оқпадар, лаънати эмасман! Агар чиндан ҳам отага бемехр, нодон фарзанд бўлганимда эди, бир тўда юлғичларнинг тўдасига ташлаб қўйиб, ахийри қамалиб, шарманда бўлганимда ҳам, пешона деб, қолдирган мону давлатида ўз айшу ишратини қилишни ўйлардим. Агар мен бемехр фарзанд бўлсам эди... Йўқ, ха, мен отамни сизлардан, оғир жиноятдан ҳимоя қилмоқчиман!

ШОҒУЛОМ. Бас қил, ўғлим, бас қил!

ТОЖИХОН. Шу гапларингни арз ёзмай, отангни ўзига айтмайсанми?!?

ЖАХОНГИР. Айтганман, айтганман, атрофдагиларнинг таъналаридан қочиб, машина олиб бермоқчи бўлганларида ҳам олмадим. Институтга ҳам ўзим қирдим, уйланиш ҳам!..

ШОҒУЛОМ. Шикоятни кимга ёздинг, кимга?

ИСАБЕК. Бизлар ҳам бормидик?

МИРЗО ҒАНИ. Ростини айтабер!

ҚУЧҚОР. Раҳм қил, укам, раҳм қил!

ШОҒУЛОМ. Кимга ёзгансан, айт!
ЖАҲОНГИР. Керак бўлса айтаман!
ШОҒУЛОМ. Оқибатини ўйламадингми? Хонамиз вайрон бўлади!
ИСАБЕК. Битта отанг эмас, ҳаммамиз кетамиз! Ҳаммамиз қарғаймиз! Кимга арз қилгансан?
ЖАҲОНГИР. Буни ҳам тўғриламакчимисизлар?
ТОЖИХОН. Отангга раҳм қил!
ЖАҲОНГИР. Ая, борди-ю, отам сизга хиёнат қилганини билатуриб, сизни ёнингизни олмай отамни оқласам, сиз мени фарзанд дейсизми? Албатта, йўқ! Отам раҳбар бўлатуриб халкка хиёнат қилса, атрофига бузғунчиларни йиғса, нега сиз мени ёқламай, буларни ёқлайсиз?
ТОЖИХОН. Отангга бир нарса бўлса, халкни олдида, эшитган кулоққа...
ЖАҲОНГИР. Одамлар орқаваротдан ҳаммамизни қаргаб юрибди. Ҳа, қарғишга қолганмиз! Буларнинг жабрини чеккан одамлар мени қарғамас!
МИРЗО ҒАНИ. Бизларга бўлмаса ҳам онангга раҳм қил!
ИСАБЕК. Бешафкат бўлма!
ЖАҲОНГИР. Балки сизларда гуноҳ бўлмас, мен айбдор бўларман!
ИСАБЕК. Балки... Хом ўйлама, укажон, ёрдам бер, бу иш очилса...
ЖАҲОНГИР. Бу жиноят демокчимисиз?
МИРЗО ҒАНИ. Менга кулоқ сол, укам, ўғлимдексан, конунни биласан... Ҳаммамизга завод бўлма!
ИСАБЕК. Жанжални кўйинглар, тўхтаңглар, тўхтаңглар! (Жаҳонгирга) Ўғлим, жон укам, бундай ўтир.
ТОЖИХОН. Шўрим курсин, шўрим курсин!
САИД КАРИМ (Тожиҳонга). Қани, эшитайлик! (Исабекка) Гапиринг. (Жаҳонгирга) Эшит, укам! Бизларни енгдинг!
ИСАБЕК. Отангни хурмати, ўзинг йўл кўрсат!
МИРЗО ҒАНИ. Инсофга кел, укам!..
ҚўЧҚОР. Арз ёзган ўзинг, энди даъвоингдан қайт!
ЖАҲОНГИР. Жиноят очилган!
ТОЖИХОН. Войдод, войдод!
ШОҒУЛОМ. Сени оқ қиламан! Бу иш бошқадан чиқса, чидардим. Аммо!..
ИСАБЕК. Дод солманглар, сабр қилингллар.
МИРЗО ҒАНИ. Онангни кўз ёшига қара, раҳм қил!
ЖАҲОНГИР. Судга бегуноҳ хотинига пичок урганлар ҳам тушади, ўз нафси учун уйи борларга уй берганлар ҳам, ёш қизларга тажовуз қилган шармандалар ҳам келади. Сизларни уйингизни ўғрилаган ўғрилар ҳам... Аммо, ўзларига давлат конунни ишонилган кишилар шу жиноятчиларга раҳм қиленими?!
МИРЗО ҒАНИ. Раҳм қилма, раҳм қилма — шафкат қил!
ИСАБЕК. Тан оляпмиз, кечир!
САИД КАРИМ. Эгилган бўйинни қилич кесмас!
ШОҒУЛОМ. Инсоф ўзингга!
ТОЖИХОН. Раҳм қил, ўғлим, маломатдан қутқар!
ЖАҲОНГИР. Боринг, онажон, сиз аралашманг!
ТОЖИХОН. Жон, ўғлим, мени она десанг...
ИСАБЕК. Сиз аралашманг!
МИРЗО ҒАНИ. Холи кўйинг! (Тожиҳон кетади.)
САИД КАРИМ (Шоғуломга). Ўзимиз гаплашайлик, сиз ҳам аралашманг! (Кўз қисади.)
ҚўЧҚОР. Яхши одамнинг фарзандисан, укажон!..
ЖАҲОНГИР. Бу жиноятлар очилса, конун бўйича, ҳаммаларинг мол-мулкдан, озодликдан маҳрум бўласизлар!
МИРЗО ҒАНИ. Емон нафас қилма!
ИСАБЕК. Тахминан неча йил?
ЖАҲОНГИР. Конун буюрганича!
МИРЗО ҒАНИ. Майли, розимиз!
ҚўЧҚОР. Хой!..
ИСАБЕК. Гапни бўлма! (Жаҳонгирга) Ҳаммамиз гуноҳимизни бўйинимизга оламиз. Отангни хурмати кадрдонлигимиз... гап шу ерда қолсин!.. Бу ишни ўзинг тинчит!
ЖАҲОНГИР. Тинчит?!
САИД КАРИМ. Ҳаммамиз қасам ичамиз...
МИРЗО ҒАНИ. Ҳа, гап шу! Давлатга берадиганимизни ҳаммаси ўзингга! Йўлини топ!
ЖАҲОНГИР. Яна порам?
ИСАБЕК. Илондан кўркандай кўркма! Сени чакса,

олма, кимга берсанг бер, бизни шармандаликдан қутқар!
МИРЗО ҒАНИ. Бошқа қилмаймиз!
ЖАҲОНГИР. У ёқда ювилиторг йўқ, оддий ишчи бўласиз! Шу бугунок ариза бериб ишдан бўшайсиз, коровуллик қиласиз!
МИРЗО ҒАНИ. Хой!
ИСАБЕК. Хўп, де!
ЖАҲОНГИР. Аммо, бола-чақангизни олдида бўласиз! (Атрофдагиларга) Сиз трестни топширасиз, кучингиз бор, ҳаммомда ходимчилик қиласиз!
ИСАБЕК. Шарманда қилма!
САИД КАРИМ. Хўп, деяверинг!
ЖАҲОНГИР. Кўздан йирок бўламан десангиз, судланиб, узокрок жойга юбориласиз!
ҚўЧҚОР. Биз-чи?
ЖАҲОНГИР. Дорихонага яқинлашмайсиз! (Саид Каримга) Сиз — савдо соҳасига!..
САИД КАРИМ. Отанг-чи, отанг?
ИСАБЕК. Хой, бу ёғини кавламанг!
ЖАҲОНГИР. Елиш мени кўлимдан келмайди!
ИСАБЕК. Бизлардан чўчима, дилингдагини айт!
ЖАҲОНГИР. Гуноҳларингга иқро бўлганларинг рост бўлса...
ИСАБЕК. Сочимизга оқ тушган...
МИРЗО ҒАНИ. Қадимгидек сокол кўйсақ, кўксимизга тушарди.
САИД КАРИМ. Қасам ичамиз, ёлғон гапирган...
ЖАҲОНГИР. Сабр қилингллар! Шикоят, устиларингдан тушган арз мени кўлимда!
ИСАБЕК. Барака топ!
МИРЗО ҒАНИ. Йиртиб ташла! Кўз олдимизда йирт!
САИД КАРИМ. Отангни тинчит, ўз кўлига бер!..
ҚўЧҚОР. Екиб ташла!
ЖАҲОНГИР. Бу кўлимдаги-ю!.. (Эшикдан Замон киради.)
ЗАМОН. Ассаломалайкум.
ЖАҲОНГИР. Ҳаммаларинг ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзингллар. (Замонга) Кел, Замон, ўтир. (Уларга) Бизни холи кўйингллар! (Ҳаммаси кетади.)
ЗАМОН. Тинчликми?
ЖАҲОНГИР. Галвага қолдим, галвага!
ЗАМОН (шошилмай). Сен билан мен, дўстим, биласан-ку, совуқкон бўлишимиз керак. Қасбимиз шуни талаб қилади. (Овқат ея бошлайди.)
ЖАҲОНГИР. Бақириб-чақириб олсанг енгил тортасан, аммо газабни ичга солаберсанг, ёрилиб кетар экансан!
ЗАМОН. Сен билан биз қаерга шошамиз, а, қаерга? Шошмай, секин пуфласанг, ҳеч нарса ёрилмайди.
ЖАҲОНГИР. Менга осон тутма!
ЗАМОН. Қопконга тушган жонивор албатта ўзини ҳар ёнга уради-суради, талвасага тушади, нега сен билан биз у билан баробар сакрашимиз керак?!
ЖАҲОНГИР. Ҳозирча фалсафангни кўятур! (Уйга кириб кетганлар ҳар ер-ҳар ердан қулоқ сола бошлайдилар.)
ЗАМОН (яна ҳам вазминлик билан). Йўқ, дўстим, сен билан биз ҳар қандай ҳолатда ҳам жаҳлга берилмай, ақл билан, қопконга тушганлигининг сабаби, унинг тақдири ҳақида ўйлашимиз керак. Чойинг борми? (Деразада турган Исабек Мирзога «бу яхши!» дегандай ишора қилади.)
ЖАҲОНГИР. Чойни кўятур.
ЗАМОН. Сен билан бизнинг қасбимиз осон иш эмас, оғайин. Агар юристлар чой ичмай, овқат емай ишласа, унда бир кунда очликдан чўзилиб қолади-ку!.. Ҳатто, ўлиб қолиши ҳам ҳеч гапмас!
ЖАҲОНГИР. Сабр қил!
ЗАМОН. Мана бу сабр, сен билан бизга чойдан ҳам зарур. Хўш, гапир!
ЖАҲОНГИР. Арзни йиртиб ташлашдан бошқа иложим йўқ!
ЗАМОН (ўрнидан туриб). Ҳали топширмаганидинг?!
ЖАҲОНГИР. Ахир, отам-ку! Оқпадар деган ном... Ахир халқимизни одатини биласан-ку!
ЗАМОН. Одатини!..
ЖАҲОНГИР. Бу осон иш эмас, дўстим!
ЗАМОН. Юристлар халқни одатингизга эмас, феъл-атворини ҳам яхши билиши керак. (Атрофдагилар ҳайрон.)

Бизнинг халқимиз ҳамisha харом-харишдан ҳазар қилган, харомдан эмас, ҳалолидан берсин, деган халқ! (*Атрофдагилар таажжубланишади.*)

ЖАХОНГИР. Буни тушунтиргунингча...

ЗАМОН. Тўғри йўлдан кайтапсан! Жиноятларга шерик бўляпсан!

ЖАХОНГИР. Бу ишни мен килолмайман, тушунсанг-чи!

ЗАМОН. Йўқ, хато киласан, одамлар тушунади, тушунади! Шохни ҳам, гадони ҳам корни бир товоқ ошга тўяди. Аммо бу нафси бузуқлар нималар қилаётганини одамлар билмайди дейсанми? Билади. Улардан ғазабланмайди дейсанми? Нафратланади. Сен билан биз одил бўлсак одамлар уларга ачинмайди.

ЖАХОНГИР. Дўстим...

ЗАМОН. Жиноятлардан даҳшатга тушиб қолдингми?

ЖАХОНГИР. Ҳақиқатан, даҳшатли!

ЗАМОН. Бир жиноят иккинчисини туғади. Болалаш — табиат қонуни. Лекин, очилмаган сир йўқ, дўстим!

ЖАХОНГИР. Ачинарли, ачинаман!

ЗАМОН. Сени тушунаман. Сен отанга ачинапсан.

Кечагина ўз кўзинг билан бир ишчи одамни неча йилдан бери қонуний уйни ололмай, сарсон-саргардон бўлгани-ю, аммо бир муттаҳам харомхўрни пора бериб ўз ўглига уй устига уй олиб судланганини кўрдинг, ғазабландинг! Ахир, сен билан бизга ноз-неъмат бераётган бир дехқон боласини уч йилдан бери институт оstonасини ялаб, ўқишга киролмай қилган нолаларини эшитдинг! Аммо, болаларини пул билан ўқишга жойлаб сирлари очилган кишиларнинг суд қилинганини кўриб нафратландинг! Бир бу эмас, бир ёш йигитни, ҳалол ишлагани учун тухмат қилиб, ўз жиноятларини яширмоқчи бўлганларнинг судларида ўзинг иштирок этдинг! Нафратга келдинг! Залда ўтирган халойикнинг нафрат-ғазабини, қарғишларини кўрдинг, эшитдинг! Ана шунда нопокликка қарши сенда ҳам бир тугён уйғонди. Мен сени тушунаман! Албатта, сен отанга қарши чиққанинг билан жиноятлар тамом бўлармиди, дейдиганлар йўқ эмас!

Лекин мен — тоғамга, сен — амакингга, жиноятларини кўратуриб ачинсак, бу мараз бизга, ундан авлодларимизга юкаберса, ҳалол одамларнинг авлодларини бу офатдан ким кўриклайди?! Халқнинг нафрати, қарғиши-чи?..

ЖАХОНГИР. Билолмайман, билолмайман!

ЗАМОН. Сенда виждон уйғонган эди! Келажак олдида масъулиятни ҳис қилган эдинг! Мана, сенда ҳам нафс ғолиб чиқяпти!

ЖАХОНГИР. Нафс эмас, номус!

ЗАМОН. Йўқ, бу номус эмас! Қандайдир бир нафс парастлар ниманидир таманда одамларнинг қонуний талабларини ойлаб-йиллаб галга солиб, сарсон-саргардон қилиб, пешона тери билан топган пулларини шилиб олишга мажбур қилсин-да, сен билан биз кўратуриб, бу ифлосликлар қачон тугаркан, деб ўтаберсак, бу номусга қирадимми? Езилган арзни менга бер!

ЖАХОНГИР. Тўхта! Ўйлаш керак, ўйлаш!..

ЗАМОН. Нафсинг билан эмас, виждон билан ўйла!

ЖАХОНГИР. Ҳозиргина ўзинг сабр ҳақида гапирдинг, энди-чи?..

ЗАМОН. Аён бўлган нопокликлар, жиноятлар олдида сабр-тоқат қилиб бўлмайди. Ахир, ўзинг, сен ёнмасанг, мен ёнмасам, у ёнмаса, ким зулматни ёритади, деган гапларни эшитгансан-ку!

ЖАХОНГИР. Улар ҳаммаси ўз айбларига иқроқ бўлди, ариза ёзиб ишдан бўшашга рози!

ЗАМОН. Уларга ишониб бўлмайди! Агар гап шу бўлса, унда сен ҳам юристликка ярамайман, деб ариза ёз! Бўлди, мен кетдим!

ЖАХОНГИР. Ўйлаш керак, ўйлаш... (*Уйда қутиб турганлар югуришиб чиқади. Ҳаммаси «Ўйла, раҳм қил! Ўйла!» дейди. Эшикдан Дехқонали кириб келади.*)

ДЕҲҚОНАЛИ. Узр сўрагани келдим, ҳали жанжалнинг устидан чиқиб назаримда жанжаллашдим, кайф қилибман. Жанжал тугадими?

ПАРДА

Ўқувчиларга бадний ва эстетик тарбия беришни анча яхшилаш жуда муҳим вазифадир. Гўзаллик туйғусини ривожлантириш, юсак эстетик дидни шакллантириш, санъат асарларини, тарихий ва архитектура ёдгорликларини, жонажон табиат гўзаллиги ва бойлигини тўғри тушуниш ва кадрлаш маҳоратини ривожлантириш зарур. Шу мақсадда ҳар бир ўқув предметининг, айниқса, адабиёт, музика, тасвирий санъат, эстетиканинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин, бу предметлар билим доирасини кенгайтириш билан бирга катта тарбиявий кучга ҳам эгадир... Ешлар орасига ғоясизлик, ахлоқсизлик, сийқаси чиққан маънавий маҳсулотлар суқулиб киришига мутлақо йўл қўйилмасин.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»дан

Афшонадаги Ибн Сино ҳайкалига

Буюк ҳаким ўйланиб қолди
Афшонанинг қоқ ўртасида —
гўё ушлаб жон томирини
қулоқ солар
ернинг сасига...
Саратоннинг осмони эзган,
ҳолдан тойган,
Далв ойидай
ранги рўйи қумдай бўзариб
ер ётади
ҳаким пойида.
Минг йилки ер
бор орзусини,
бор ҳавасини кўксига ёқди,
қаро терга ботиб минг йилки
диёнатсиз касларни боқди...
Ўз ҳолига қўйсалар агар,
қилмасалар зўрлигу зино,
туғармиди тўлғоқдаги ер
ҳар йилида
биттадан Сино.
Тилсиз ернинг азобларини
сиғдирилсам қанийди шеърга —
ҳамон кўплар тупуриб юрар
буюкларни яратган ерга.
Бу кимсалар сувнинг ўрнига
заҳар-заққум бермоққа ярар,
ернинг дарди шу қадар оғир,
ҳатто етди
Синога хабар.
Мана, ҳаким...
Нечун ҳаяллар,
нечун узоқ тинглар сасини,
қай усулда даволай олар
ернинг буюк хотирасини.
Юз йил, минг йил,
балки узоқроқ,
керак бўлар мангулик балким —
ушлаб ернинг жон томирини,
хаёл сураб нуроний ҳаким.

* * *

Умр — қумсоат ҳам
яримлаб қолди...
Кўнглим тўлгани йўқ билганларимдан.
Ёдимни оғритар кечирганларим,
кўпдир қилмаганим қилганларимдан.
Кечалар тобора ойдинлашади,
кўзингда қуёшнинг чечаги сўлмас,
яшагинг келади,
фақат умрни
қумсоат сингари тўнкариб бўлмас.
Гўзаллар ёдимдан ўчдилар бир-бир,
дўстларим бағримдан кўчдилар бир-бир,
йилларим узилиб тушдилар бир-бир,
фақат бу кўнглини
тўлдириб бўлмас.
Кун келди,
оҳларинг учадиган кун,
юрагинг оламга сиғмайдиган кун,
юзингни босганча ернинг юзига,
силкиниб-силкиниб



**Шавкат
Раҳмон**

йиғлайдиган кун.
Кимни бахтли қилдим,
кимни умидвор,
кимларга кўнглимни ёриб сўйладим.
Мен нима беролдим мозий қаъридан
чўзилган саноқсиз ожиз кўлларга?
Қуёш даласида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини,
айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,
кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини.
Кун келди,
бошингни эгадиган кун,
ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун
юзингни босганча ернинг юзига
силкиниб-силкиниб
йиғлайдиган кун.
Мендан нима қолур
абадий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?
Уриниб, суришиб сира тўлмаган
бир кўнгли қолади
қолса ҳам мендан.

* * *

Мурса, мадора ташвишлари-ла
кўз очиб, юмгунча ўтади фурсат.
Ажабланиб юрманг, башарангизга
эртага биронта бола тупурса.
Чунки сиз —
ўсишдан тўхтаган одам,
дидига оламни мослаган кимса,
келажак ташвиши бир ёқда қолиб,
ўзининг ташвишини ростлаган кимса.
Биламан,
бу хилда ҳақоратланмоқ
барча нохушликдан оғир нохушлик.
Бироқ болаларни тўхтатиб бўлмас —
чунки болаларнинг кўзлари кучли.
Йиртилур чиройли сўзлар ниқоби,
сизга наф бермайди қувлик, овсарлик —
болалар ёдида қаерда, қачон

каззоблик қилгансиз,
қилгансиз ғарлик.
Болалар ёдида —
аждодлар ёдин
қаердадир булғаб ташлаганингиз,
ё умум бахтидан сафсата сотиб,
чўнтак қаппайтириб яшаганингиз.
Демак, сиз,
келажак — болалар учун
кўп қинғир йўлларни тузатмадингиз.
Демак, сиз,
келажак чўкётган маҳал
кучли қўлингизни узатмадингиз.
Ажабланиб юрманг, эртага агар,
дидига оламни мослаб олган зот,
биронта ўспирин башарангизга
осиб қўядиган бўлса мукофот.
Шундоқ қилмасалар агарда улар,
билингки,
орқалаб ўз юкларини —
ё сизга эргашган ва ёки сиздан
қизганган ҳаттоки тупукларини...

* * *

Орият,
андиша феълимда кучли,
кардан-да бадтарсиз, дегим келмади,
атай олиб қочдим нигоҳларимни,
ғардан-да бадтарсиз, дегим келмади.
Аблаҳсиз, демадим,
ростини айтсам,
бу сўзни шунчаки дегим келмади.
Ассалом, дедиму
сиздай кимсанинг
қўлига қўлимни бергим келмади.



Кузги ер кўриниши

Қуриган,
баҳайбат япроқдир ерим,
ерим,
ўзим каби гиёванд ерим,
ётибман кузакнинг бир парчасидай,
ётибман,
бағрингга бағримни бериб.
Тагимда сомондай сарғайган майса,
кузатдим бўзарган осмонларингни,
хотирлаб жаннатий гиёҳларингу
бағрингда бўғилган
ўрмонларингни.
Зилол сувларингни қўмсаб ётаман,
қўмсайман ранг-баранг чечакларингни,
қушлар, ситоралар, саратонларга,
эртақларга тўла
кечаларингни.
Ногоҳ садо келди
қалбинг қаъридан:
интизор турибди поёнсиз олам
майсамни ҳидлама,
ичма сувимни,
сарғайган бағримда ётмагин, болам.
Ерим,
бор будидан айрилган ерим,

жоним жонингдадир —
ўжар болангман,
мен сенинг осмонга етмасдан тагин
бағрингга гуп этиб тушган нолангман.
Кечмоқ ва унутмоқ
мумкиндир балким
кичкина касларнинг шаҳарчасидан,
Сендан кетиб бўлмас,
ётмасам бўлмас
бағрингда кузакнинг бир парчасидай.
Шу маҳал
чечаклар излаб топмаган,
қачондир бир ваҳший гўзал қаҳримдан
яралган жон ўғлим —
осмонга қадар
ўстирган бир орзум ётди бағримга.
«Болакай,
ҳидлама гиёҳларимни,
сувларимни ичма,
дунёлар гўзал,
кимсасиз бағримда ётмагин», — дедим, —
бағримга қаттиқроқ ёпишди ўжар.

Ётибмиз,
еримнинг қоқ ўртасида,
ётибмиз еримнинг парчаларидай,
тинимсиз чорласа ҳамки юлдузлар —
ўзга дунёларнинг даричалари...

Баланд дарахтлар...

Баланд дарахтлар бор,
Баланд дарахтлар —
ернинг юрагидан куч-қувват сўрган,
бақувват, чапишган шаббаларида
Фурубу Пўйроз йўлини тўсган...
Чексиз ғам-ғуссалар келтирар Фуруб,
мислсиз қийноқлар келтирар Пўйроз.
Пастда, паст дарахтлар ораларида
Самум Сабо билан ўйнашади соз...
Самум — олов шамол,
Сабо нафисдир,
кезаркан водийнинг боғ-роғларини,
ҳарорат, нафосат домида тоблар
пастак дарахтларнинг ғўр шохларини.
Паст дарахтлар эса
кунни тўсди деб,
эгаллаб олди деб, юксак оламни,
баланд дарахтларнинг ғийбатин қилар
ҳар ўтган йўловчи елга зорланиб.
Шўрликлар,
билмаслар ўша юксакда
ёвуз шамолларга тутиб бошларин,
водийда гул туккан паст дарахтларнинг
умрини асраган мард қардошларин.
Осмон — қасирғалар,
музлар маскани,
буюк олишувлар қизиган майдон,
дунёда бор экан баланд дарахтлар
юртимиз боғлари бўлмайти вайрон.
Баланд дарахтлар бор,
қулаганда ҳам
ҳеч кимга айтмаслар қийноқларини,
Ҳеч кимса эшитмас,
эшита олмас
баланд дарахтларнинг ингроқларини...





Фаффор
Хотамов

Қудуқ тепасидаги ой

ҚИССА



Кайдасан! Қайдасан, улим Ҳақимбой!! Овоз бер, қайдасан!»
«Ҳақимбой қудуқда-а!»
Қудуқ супанинг этагида эди: оғзига беш-олти боғ маккажўхори ташлаб қўйилган. Едгор калта жонҳолатда уларни бир четга итқитди, энгашиб, пастга қаради. Қудуқ саёз, туби кенг, ўглининг қулоғидаги ортиғиғача аниқ кўриниб турар эди. Епирай! Ҳақимбойми шу! Нега юзлари сарғайган! Нега сартахтада чўзилиб ётибди у! Бўйниғача сўзана ёпилганми! Манглайига босилган пахтадан силқиётган... қон шекилли!

«Ули-им!»

Унинг ноласи таъсир қилдими, ё Едгор калтага шундай туюлдими, ишқилиб, Ҳақимбекнинг кўзидан тирқираб ёш чиқди ва чаккасини ювиб тушди.

«Ули-им!»

Едгор калта ночор зорланганча... уйғониб кетди. Тирсағига таяниб, шошапиша қаддини кўтарди, теваракка аланг-жалаң қаради. Бўсағада нийманиб турган набираси — Адолатга кўзи тушди-ю, беҳол ютинди. Хайрият, кўрганлари туш экан!

— Эна қизим, отанг келдими!

Адолат сезилар-сезилмас бош ирғади: ҳа. Едгор калта оғир тин олди. Кейин имиллаб-симиллаб ўрнидан турди-да, ровонга чиқди. Бир ҳолатда эди. Ҳозир ўғлига рўпара бўлишга ҳам, у билан очиқ-ойдин сўзлашишга ҳам рўйхуш сезмасди. «Қўй, тинчгина ётиб, дамнини олсин. Гаплашиш қочмас. Эрта бор, индин бор», деб қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин, «Ҳақимбекка бир фалокат ёпишган ўзи!» деган иштибоҳ кўнглидан кечдию бу ишни орқага суршига сабри етмади. Аттанг деб қолмасин тагин! Уғли босар-тусарини билмаса! «Орқа-олдинга қараб юргин, хўй!», деса, жеркиб ташласа. Кимга тортиди падарқусур!

Меҳмонхона даҳлизига етмаёқ босинки ғовур қулоғига чалинди. Уғлининг: «Эй, киши ялоғини ялашдан, қарғишга қолишдан ҳайиқмайсанми сен!!», деганини эшитдию юраги сирқиради. Кимга дағдаға қиляпти у! «Эна, энажон!», деб сиқтаган келиними! Ундан не хатолик ўтди экан! Ҳақимбой повуллаб тургандир! Шу тобда меҳмонхонага бостириб кирса, юзингда кўзинг борми, демай ўғли уни қайириб ташласа, нима деган одам бўлади!

Расмин Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

Едгор калта ўғил ўстириб, унинг бирор ишига тумшук тикмаган. Шу боис нима қиларини билмай, каловланди. Ним қоронги даҳлизда жунжайиб турган набирасини кўриб, ичидан зил кетди.

— Сен қачон келақолдинг, эна қизим! — деб унинг бошини силади. Шу чоқ меҳмонхона эшиги ланг очилиб, изиллаган келини кўринди. Кўрқиб кетган Адолат уввос тортиб йиғлаб юборди. «Ота бўлмиш болани ҳам зада қилиб қўйди!»

— Тинчликми, келин!

— Вой, отажон! Уғлингизга бир бало бўлибди! Кассирнинг қарз гапини айтсам, харомхўрдан олиб ялоқхўрга солди мени, ота!

Едгор калтанинг баданига титроқ кирди. «Мундай эмасда энди! Кетидан борсанг — тепса, олдидан борсанг — тишласа. Тоza, қон қилди-ку бу!»

— Э, садқан сар, менга деса, ўлиб кетмайдими! — У қарсиллатиб эшикни ёпди. Аччиқ устида яктаги барини бир силкиди-да, изига қайтаберди. «Қандай кунларга қолдим! Бу нима деган гап ўзи — на еганинг татимаса, на ичганинг! Мен тенгилар ётибди-ку — оёгини узати-иб! Бола эмас, бошга бало ўстирган эканман!»

Едгор калта тупуриниб, тўрдаги уйга кирди. Равоқдан носқовоғини олиб, бир чеким нос отди-да, бурунги жойига ёнбошлади. Беҳаловат эди: турди, тмирскиланиб дастўйини ахтарди, тополмагач, ўтирди, тагин ёнбошлади. «Э-э, одам бўлмай кет-э!» Унинг бароқ қошлари уюлди. «Ҳа, Едгор, Едгор, энди бошингни тошга ур — бефойда! Улимда бувасининг келбати бор, деб вақтида керилиб юрдинг. Муштдайлигидан ўт билан ўйнашди, тергамадинг, мана оқибати! Мулла Суяра айтувди-я!»

Ҳакимбек ўт билан ўйнашмади, рост, лекин илон билан ўйнашди.

Авжи баҳор эди. Қизғалдоқзор дашт алвондек чўғланиб ётарди. Мурти сабза урган йигитлар, бўй етган дуркун қизлар шувоқ чопиб, дастлашди. Кун тиккада. У — Едгор самоварчи офтобтиғадаги тезағу хас-хашакни йиғади. Тушликка чой қайнатмаса, битта-ярим хўл ўтиндай тутайди. Таши тушган бўз бола — Ҳакимбеги лозазор ўнгирда учиб-қўниб юрибди: кўрсанг, капалакми, дейсан.

— Ҳакимбой! — дея овоз бериб қўяди у. — Ҳаяллаб кетма, болам!

Шу чоғ бир қиз чўғни босиб олгандек чинқирди:

— Ило-он!

Едгор калта бошини илкис кўтарди, кафтини соябон қилиб қаради: чийиллаган — мулла Суярининг пучуқ қизи Сафаргул экан. Боёқиш полиздаги қўриқчидек қотиб қолибди. Едгор калта ҳовлиқиб, ҳой қизим, анқаймай нарига қочсанг-чи, дегандек қўл сермади. Анави Бўри маймоқни қара; кесак бўл-э! Садқан йигит кет! «Улдир! Бошига ур!», дейди-я! Ҳакимжон, улим, бу нима қилганинг, қайт! Об-бо, шумтака-е. Бир ғалвани бошламасанг, гўрга эди.

Ҳакимбек чопқиллаб, Сафаргулнинг ёнига етди. Чап қўлида ҳамон гулли чангаллаган қўйи қанот кериб, ярим айланди ва бирдан энгашиб, илонга чанг солди. Унинг думидан тутиб, азот кўтарди: бўйи баробар экан, чипор экан. Чипорни у боши узра чмр айлантирди. Бўри маймоқ қийшанглаб унга ақиллашди, кейин кетмонини ҳам ташлаб, ҳайҳайлаганча тисарилди:

— Ҳо-ов, бу нима қилиқ! Илон билан ўйнашма, чақади! Калласини тошга ур! Ия, ия!..

Қий-чувланган шувоқчилар тариқдек тирқираб кетди. Бўри — маймоқ-да, ғилдираги тоб ташлаган аравадек чайқалиб қочаберди. Ҳакимбек унинг изидан қуваберди. — Едгор бува-ей! Манави касофатга қаранг! Айтнинг, қўйсин!

Едгор калта кўрдикки, иш чатоқ — маймоқ ўсал бўпти! Уни қаранг, қоқсуяк оёғига тиринка шими чиппа-чиппа ёпишяпти! Об-бо-о! Уятга қолди-ку, а!

У соқолини селкиллаб, бегараз кулди.

Ҳакимбек, ўнг қўлида илон, чап қўлида гул, ҳамон маймоқни чирқиратиб қувар эди. «Муқбил Тошотар бўл-э! Туф-туф, кўз тегмасин! Қўлингдаги сабил палахмонмиди, мунча силқийсан, улим!» Ҳайҳайламади у, индамади, койисам боланинг шашти синади, деди. Кўкламининг маҳо-

батли, тиниқ осмонига, ўзича, арши аълога ихлосманд юзланди. Фалак қопқасининг қибла буржидаги бир тутам парқу булут офтоб тиғида айрича ёғдуланиб, кўзларини қамаштирди. Шунга термулганда бағри тўлиб кетди, шукрона айтди: «Парвардигори олам, падарим армони кўксиде кетди. Арвоҳлар ҳазир, дейдилар, тойчоғимда бувасининг келбати бор! Мен-ку, икковнинг бирови бўлолмадим. Энди... Гўрўглининг ўрнини Авазбек босар! Ҳей, юрагининг ёлидан отанг!.. Узингга минг қатла шукр, яратган эгам! Ишқилиб, умрини бер! Тупроқ олса, олтин бўлсин!..»

Парқу булут бодраб тошди, Едгор калтанинг назарида, фарзандига меҳри ийган онанинг юзларидек товланди.

Кечқурун дастурхон устида у кампирини аста нуқиди-да, кўнглига келган гапдан ўзи ҳам чўчинқираб, тайинлади: «Мулла Суярга борсанг, тумор ёзиб, дам солиб беради, шунга қўшиб бир-иккита кўзмунчоқни улингнинг каллапўши астарига қадаб қўй! Ҳакимбой кўзга яқин бўп қолди, кўзикмасин!»

Е Ҳакимбек кўзикдимикан!!

...Бултур, йўнғичқа кўклаган кезлар. Едгор калта ўтпояга сув тараб қўйиб, ариқ ёқалаб юрган эди. Мулла Суяра гузардаги чорпояда халачўпдек оёқларини қучиб, тумшайиб ўтирган экан. У Едгор калтага бундай қайрилиб қарамади, қонталаш шафаққа кўз тиккан қўйи тикрайиб, совуқ нафас қилди:

— Ҳей, Едгорбой! Мунингги тий! Шу кетиши бўлса, Қилич қоровулбегининг ёшигаям етмайди бу!

Едгор калта дилда бир оғриниш туйиб, деди:

— Э, биродар, нимасини айтасан, улғайган ул — қўлдан кетган лочинакан...

Едгор калтанинг отаси — Қилич қоровулбегини ўттизида давра кўтаришган. Эскиларнинг нақлича, у хўп келбетли киши экан. Раҳим бой унинг соясиздан ҳайиққан. Бурунги замон олатасир эди-да. Шундай замонда қоровулбеги одал қуригандек шу бой билан ўчакишадими; элни талама, де шунга от қўядими! «Қилич, сен ўрнингги билиб ўтир! деган Раҳим бой. Қоровулбеги тутган жойидан кесгич эка; босган изидан қайтмаган. Ахийри, бой италоқ қўйган италоқлар қора хуфтонда қоровулбегиникига бостири-боришган. Намозхонлар мачитдан қайтаётган палла экан Қарашсани...

— Қилич, чиқ бу ёққа!

Қоровулбеги кифтга чопонини илиб, девдек гувранил чиққан, изидан аёли чирқираб қолаберган: «Менин бўйимда бўлса... Булар сизни бир бало... нетаман! Қайтинг! Қоровулбеги аёлининг изиллашига кулоқ солмаган, чиққан Тантилиги бошига етган. Узини ҳам етмиш икки томирди қони қотгунча қарсиллатиб отишган-ов. Э-э, бурунгинини оти ўчсин!

Жони узила туриб, қоровулбеги аёлининг қаппайга қоринини силаган: «Энаси, кўрар куним йўқ экан! Едгорбой қўй, мендан ёдгор...»

Бошга тушганини кўз тортар, Едгор калта жонидан ўтти ситамин ўзи билади.

«Ҳа-а, бу мулла! Бир балони сезмаса, бундай демасди Яқин бир ҳафтадирки, Едгор калтанинг чап қабоғи ўчад «Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да», деб киши билмас хайр эҳсон қилди. Юрагидеги ғашлик барибир тарқамад Уғлининг оёқ олиши бежо. Едгор калта шундан хавотирд

Бугун, кечки пайт, тоқати тоқ бўлди. Сабри чидаи кўчага чиқди — йўл қаради. Қани энди Ҳакимбеги кел қолса! Лаънати мотоцикл ҳам бошга битган бало бўлди. Шунини молхонага тикиб ташламаса, Едгор калтанинг кўнгли тинчмайди. Пиёда юрса, тўбиги тушмас! Оқсуяк қилди бу — ўғил!

Едгор калтанинг шашти баланд эди, Ҳакимбекни ўбда. «Ийламоқчи» эди. Кўрдикки, у мотоциклни шамолдек учириб келяпти! На ўнгу сўлига қарайди, на кўчада юрганни одам ўрнида кўради! «Ҳе, нодон! Шундай қилиб йўқ гурбатни сотиб олсан-да!»

— Ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жоникмасанг! — Едгор калтанинг ўғлига гинаси шу бўлди.

Ҳакимбек кўкарди, бўзарди, номис гап қилди:

— Ҳа, ажал қувиб келяпти!

Едгор калта бўзгадовур қоқ ерга кириб кетди-ёв. «Ундай дема-е, ули!»

Ҳакимбек кажавали мотоциклини ўннга бурди-ю, билкилаган тупроқ йўлининг чангини чиқариб кетди-борди. Боёқиш Едгор калта жунжайиб, буруқсаган чангга кўмилиб қолаберди.

— Ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жониқмасанг?! Ҳакимбек моторни ўчириш ниятида энди калитга узалган эди, бу койиш томдию дил касасида чилпиллаб турган зардоб тошди. «Падаринг ёмонлик соғинса-я, Азроилни пеш қилса-я!»

У оғриниб, отасига маломат билан қаради, сўнг зардали овозда:

— Ҳа, ажал қувиб келяпти! — деди. Дедию бетоқат, газ дастагини тоблади. Мотор қақшаб ўкирганидан тутқа дириллаб кетди. У муфтани сиқатуриб, рулни ўнглади-да, бирдан қўйиб юборди: мотоцикл жойидан сапчиб кўзғалди. Ғужбоғнинг сертупроқ йўли тор ҳам нотекис эди.

Кунчиқардан пода чувалиб келаберди. Ҳакимбек йўлнинг четини олиб бораберди. Поданинг чанги қурсин, шом палласи ҳавода тутун янглиғ қалқиб туради, йўлингни тўсиб қўяди.

Йўлнинг кунгай бетӣ — жарлик. Пода йўлнинг нариги биқинига четланди, жар ёқдан «йўлак» очилди. Ҳакимбек, жиндак бўлсин, тезликни сусайтирмади. У амин: кетма-кет рўй бераётган бугунги дилсиёҳликларда қандайдир боғлиқлик, нохуш, хосиятсиз оқибат қутқуси ботин. Ахир, подақайтар маҳалга эрта-ку, атай қилгандек, бу ҳам лоп этиб оёқостидан чиқди. Шунгами, моллар қўзига арвоққа-палаклардек кўринди. Айниқса, чамбаршоҳ қора говмиш шохлашгудай қийшанглаб, тикка келаберди, Ҳакимбек унинг тимсолида бошига кулфат солғувчи ҳамлакорни кўрдию алланечук сесканди ва ўзича ёвлашиб, суръатни оширди. Қора говмиш билан беомон тўқинишини, чирпирак бўлиб жарга қулашини — муқаррар юз беражак мудҳиш фалокатни сабрсиз кутди. Парвонадек ўртаниб, балойи азимга ўзини урсаю баъдига теккан бу жаврлардан биратўла қутулса!

— Ҳай-ҳай-ҳай! Ҳавор-э, Ҳаким язна!

Койинган — Салим гуппи эди, подачи-да, поданинг оёғида уради. Ҳакимбек фаҳмлади, бу галча фалокат ундан юз ўгирди. Бироқ, таскин топмади у; дилидаги гидир тарқамеди.

Худудсиз ёвонни иккига айирган асфальт йўлга чиқди: йўл сувилоннинг пўстидек чўзилиб ётар эди.

Қўштутга етай деганида бирдан кўзғалган шамолдан гутларнинг заъфарон барглари шовуллаб тўкилди, гала юмчуқ каби чирпираган хазонлар йўлни тўсиб қўйди. Бу ўюндан ўтган замони тарғил таначани кўрди. Танача ираниб, йўлни кесиб чиқаберди. Иштончан болакай «зиллаб чилвирни тортади, тана бўйин тоблайдди, питирлайди, диконглайди; чилвирни қўйиб юборишга — болакайнинг, бўйин беришга таначанинг раъйи йўқ.

Ҳакимбек чамалади: улгуради, бедаво таначани четлаб ўтиб кетади. Э, сабил-э, иргъшлаб... Йўқ, Ҳакимбек кечикди: чап қанот таначанинг гарданига бақамти келди.

— Илҳ! — У қўйи лабини қаттиқ тишлади. Ажабки, шу сония танача ҳуркиб, ўзини орқага ташлади.

«Буни қара! Шундай бўлар деб ким ўйлабди. Е пирим-эй, асради-я, бир эмас, икки марта. Бирор инояти бордир-да? Энди кўзингга қара, Ҳакимбой, бу ёғига хушёр бўл!» Шундагина умид куртақлаб, дилига ҳаловат инди. Гуё сарин шамол тафтини олди, у энгил тортиб бир хўрсинди, рулни қўйиб юборди-да, манглайдаги совуқ терни сндирди.

«Кўзбойлогич ҳам бундай найранг қила олмас... Бу йўлда нега сандирақлаб юрибман? Э-э, уйга борувдим-а? Нега? Идорадан бўлак хаёл билан чиқмовдимми? Айтганча, директор: «Бурунги ишхонангиздан йўқлашди, ҳозирча йўлиқар экансиз», деди. Кейин йўлга чиқди. «Суриштирган ким? Муроди нима?» Гумонгир бўлди, кўнглига ёмон ўй

келди, кириб уйдан анави қўрғурни олсамми, яроғлансамми, деди! Тагин алланимабалонинг аҳдида эди-ю, дарвоза-хонани супуриб-сидираётган кинг Адолатни, қўлини орқасига бериб, тумшайиб турган отасини кўргач, фикрлари тўзғиб кетди. Кўнгли тилаган нарса бу ерда эмасдек туюлди. Ана, ичкарига кирди, дейлик, лекин барибир уйга сиғмасди. Ҳувиллаган кўчага жонсарак аланглади, назарида, нимадир қайдадир йўлига кўз тикиб турибди, шунга эмас экан, ором билмайди, шунга етмас экан, кўнгли тинчимайди. Ўзини қўярга жой тополмай, жиғибийрони чиқиб турганида отаси койиди:

— Ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жониқмасанг?!

Шунда нимадир совуқ башарасини Ҳакимбекка аён кўрсатди... Унинг аъзойи-баданига муз югурди. Қўллари шалвараб тушди. Ич-ичидан бир қаҳр тошиб келди: «Э, Ҳакимбек, бунча қалтирамасанг! Бир бошга — бир ўлим, шундай экан...»

«Йўқ, ажалнинг етган бўлганида эди, оёқ остидан чиққан фалокатдан икки дунёда ҳам қочиб қутулолмасдинг. Ҳўп, майли, отам «Кўзингга қарасанг-чи!», деб ўпкалангандир, лекин анави-чи? Е унинг дилига солдимикан-а?»

...Тушлик чоғи эди. Тошбевникидан келаётувди. Ошхона биқинидан ўтаётганида биров овоз бергандек туюлдию ҳовуз гирдидаги супага бирров кўз ташлади. Ҳеч ким қақирмабди. Лекин Ҳакимбек илғади: серкокил мажнун-толлар соясидаги чорпояда уч-тўрт киши оёқларини айкаштириб ўтирибди. Уларни таниди: анави чой хўплаётгани — дўсти, район газетасининг муҳаррири Саид Маҳсум. Ҳакимбек кўз узатуриб, Саид Маҳсумнинг «Бу ёққа кел!» дегандек қўл силкиганини кўрди. Ҳакимбекнинг димоғи чоғ эди. Борди. Одатича, дилозорлик қилди — тикка Маҳсумнинг кўзойнагига чанг солди.

— Балдоғи амири тилладан бўлсаям, шунингни опқўй! Кўнглингдагини тўсгани тўсган. Маҳмуд кўрдай кўзойнак таққанинга куяйми!

Маҳсум оёғини чалиштириб ўтираберди. Энасиси қотди чоғи, бетакаллуф:

— Утир, ўтир, — деди, сўнг оғир чайқалди ва қўлларини кўкрагига чалиштириб, кўз учиди жой кўрсатди: — Утир!

Маҳсум — қув-да, куйган кулчага ўхшаш юзига ташвиш кўлага солди: «Оғзимга қараган манави жужуқлар қошида қилиқ қилма!»

«Э, Маҳсум, соянгдан ўлардай кўрқасан, Маҳсум! Шумлигинг етти эшакка юк бўлади-ку. Майли-да. Бир майзини қирқ бўлардик, энди мавке сақлайсан, мартабангни кўндаланг қўясан! Ҳов ўша кеча ҳам кенгаш тилаб, бўсағанга бош урганман. Йиқилатуриб, суянай деганимда думингни хода қилгансан. Қўй-э!.. Маҳсум туғул расул бўлганинга ҳам, ёқангдан олиб, ҳовузга чалпақ қилардим-у, мавриди эмас-да. Азмойиш олиб қарайсан менга? Бу тентак аравани дамбага элтиб қопламасайди деб ҳадиксираясанми?»

— Нима, хода ютганмисан, Ҳаким, ўтирсанг-чи!

— Дастурхонинг қуруқ-ку?

— Шу зормандадан бўлак дардинг йўқми, дейман?

— Бозоринг касод бўлган бўлса, айт, қарз-ҳавола қилармиз!

— Қўймадинг-қўймадинг-да! Шокирвой, тур, яримта опке! Томоғини хўлламаса, бу хумсанинг гапи гапига қовушмайди. — У Ҳакимбекнинг қўлтиғидан олди-да, супанинг нариги четига бошлади. — Бири камсан-да, Маҳмуд кўр, дейсан, Шокирвой — унинг ўртанчаси-ку!

— Бўлса бўлар. Кўрни кўр дейди-да.

— Ха-а... Йўлингга қараб турувдим. Гап бор, оғайни!

— Нима дейсан?

— Ҳанифа сендан хафа. Уйга йўламаётган эмишсан. Энди, жўра, Маҳмуд кўр ҳам ҳассасини бир йўқотган... Анави сатанга илакишдинг, буд-шудингдан айрилдинг. Шилмагани — теринг қолди. Сени чув тушириб, Ажамга жуфтаникни ростлади.

— Нима деб валдираяпсан ўзи?

— Гавҳарингни айтаман-да.

— Гавҳар Ажамга кетди, деб сенга ким айтди?

— Э, қўй! Ҳаммани аҳмоқ қиламан, дема. Сабил, энди

Ойбарчинни тусабди-да. «Волга»ниям сотибсанми? Ҳанифани чирқиратиб, топган-тутганини Ойбарчинга тиқиштирав-вер. Ошнам, газетачилар тилида бу «ўтакетган риёкорлик» дейилади. Террор-ку бу! Оқибати вой лекин. Са-ал ўпкангни бос, ўйлаб кўр, шу қилмишинг инсофданми? Болачақангни ҳам ўйла-да, биродар! Рўзгорим, деб, бир нимали бўлайин, деб одамлар етти пуштини сотяпти-ю, сен тентак ризку рўзингга тупурясан!..

Маҳсумнинг паст-баланд гаплари Ҳақимбекка малол келди. Маҳсум унинг дунесига бундай бесўроқ кириб, қилмишини ўз майлича муҳокама этмас, Ҳақимбек юрак ёрганда ҳам муносабат билдирмай тайсаллаб тургич эди. Ҳозир эса бурунги истиҳолани бир четга йиғиштириб, дабдурустан бетга чопди, Ҳақимбекнинг қитқилатиға тегишни билатуриб, бузуқи деган шаъмада журтгага Ойбарчинни гапга суқди. Бу ҳам камдек уни риёкорга чиқарди; кўзига сурган хилқатиға тил текизди. Хусусан, оилавий ишларига аралашуви, Ҳанифига ошкора муруввати, шунинг замиридаги маломат Ҳақимбекнинг дарди-дунесини элак-элак қилиб юборди. Жаҳли чиқса, кўзлари қисилар, бурун парраклари кенгай эди. Ҳозир чап қабоғи пир-пир уча бошлади. У кибр билан тумшугини кўтарди-да, бас қил, дегандек хезланиб, Маҳсумга тепадан қаради.

— Менинг ишларимга тумшугингни тикма!

Ҳаволиб турган Маҳсум тутдай тўкилди. Қаловланиб:

— Ичим ачиганидан айтдим-қўйдим-да, — деди. Бошини қаший-қаший йўлнинг кунчиқарига — девори оқланган пастак, кўрмисиз идорага тикилди. Хийла вақт ўйловда қолди. Кейин кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, кўзойнагини жиндак кўтарди ва идора томон ишора қилиб, деди: — Ҳа, айтгандай, анави ағдар-тўнтардан хабаринг борми?

Буни у деярли шивирлаб сўради. Сўровдаги нохуш оҳанг, оҳангдаги қандайдир офатга сирли ишора Ҳақимбекни сескантирди. Чорак соат бурун Тошбоев, «Зобитовнингям хонумонига ўт кетди», дея пихиллаб кулган эди, шу гап ялт этиб кўнглидан кечди. Гина-кудуратини ҳам унутди. «Урсур бошланибди-да!» У гап олиш илинжида Маҳсумнинг кўзларига тикилганча тагдор им қоқди: «Нима гап ўзи, тинчликми?»

Маҳсум, иш чатоқ, деган маъно англашиб лабини бурди-да, оғир бош чайқади.

— Салом Ҳаққул даврида кесилган бармоғингга энди йиғламасанг эди, Ҳақим! Асли, ҳо-ов ўшанда — кенгаш сўраб чиққанингдаёқ, бу кунлар ўтар-кетар, лекин Ҳақим тинчимас, ўзини ўтга-сўвга уриб, бир галвани бошлар, деб кўювдим. Айтганим келди-да! Ишқилиб, хотимаси хайрли бўлсин! Икки тепонгич от ўртасида қолган эшакни ҳеч кўрганмансиз? Ҳолага вой унтинг!

— Ҳа, осмон узилиб тушдимми, Маҳсум? Бунча ваҳима қилманг!

— Э, сўрама! — дея Маҳсум қўл силтади. Кейин, юракни қон қилувчи оҳангда деди: — Бу, занғар Тошбоев тагдан кўзгабди-ю. Юқоридан тафтиш келди. Шу кимга ёқади дейсан! Хўжайинлар ҳам оёғи куйган товўқдай питирлаб қолишди. Шу бугун сахаримардонда раисингни элтиб тиқишибди. Ишинг хуржун!

Маҳсум гапларининг таъсирини уқмоқ ниятида унинг юзларига синчидек тикилди. Ҳақимбек сергакланди: Маҳсум бежо, афтидан, у асл муродини яшириб турар, гап ўйирлаб, Ҳақимбекнинг кўнглини билиб олмоқчи эди. Ҳақимбек кувлик қилди — ичидагини ташига чиқармади.

— Э, садқаи сар, менга деса, йўқ қилиб юбормайди-ми! — дея бепарво қўл силтади. Кейин Маҳсумнинг: «Раисингни элтиб тиқишибди. Ишинг хуржун!» деган замзамаси эсига тушдию бўғилиб ўшқирди: — Нега энди у менинг раисим бўларкан? Нега ишим хуржун? А?! Колхозингда ишламасам... Этагимни силкиб кетганимга бир йилда ошди чоғи! Хўш, мудардонг нима! Нега курк товўқдай қақаглаб қолдинг сен?!

— Ҳо-ов, урасанми? «Берди»сини айтмасдан юзга сапчийсан!

— Хў-ўш?

— Чекишинг борми, ол-э, бир тутатайлик.

Ҳақимбек норозиланиб чаппа қаради. Гапни бунча

айлантирмаса? Раис Зобитовнинг, анави можароларнинг унга нима алоқаси бор? Эзмалангани эзмаланган.

— Кеча, жўра, Бўриовой ака катта бошини кичик қилиб эшик қоқиб борибди. Сеникига чиқсак, қизинг, дадам йўқлар, деди. Боёқиш, акаси қамалганига чўкиб қолибди...

«Маҳсум, тилингнидан чопилдинг, жўрам! Боя ўзинг «шу бугун сахаримардонда раисингни элтиб тиқишибди», демангидинг?! Чамаси, анавилар латтабўйини олгану ёнғинни пайқаган. Лўлининг кучугидай зир югуриб қолибди-ку ҳаммаси. Манави ҳам дум берган кўринади. Майли, ёрилсин, тузукроқ ёрилсин-чи».

— ...шу ишда жўрангням қўли бор-ов, арпасини хом ўржбизми, деб гаранг. Сендан гумонгир. Анча-мунча хўжжатар йўқ эмиш. «Касса дафтари»ни Ҳақимбекдан бўлак бирон киши икки дунёдаям ололмайдди, дейди. ишқилиб, ҳазир бўл, қош қўяман, деб кўз чиқарма! Улар ҳам жўжабирдай жон, тирикчилик-да. Энди, жўра, бу кўнга келган тўй, сенинг ҳам «тўй-тўйламай» иложинг қанча? Вақтида «ҳамсоятовоқ» қилгансан, тўғрими?

— ...

— Дуруст, терговда бор айбни Зобитовга ағдарарсан. Унда...

Маҳсумга Бўри маймоқнинг нуқси урган, гапидан ўшанинг ҳиди келарди. Ҳақимбек уни яхши билгани вазидан бунга ажабланмас-да, ўзини ноқулай сезди. «Бу галчага нима? Мунча куйиб-пишмаси? Ҳа, энди кўнгли яримта-да ғарибнинг. Бўрибой акаси «улуғ» бошини эгиб имдод тиланган бу ийиб кетган! — У пинҳона кулиб кўйди. — Нима бўлганда ҳам шундай дейишингга ҳожат йўқ эди, Маҳсум!»

Ҳақимбек индамади, ҳозир оғиз очса, Маҳсумнинг дарди ичида қолади. Хушёр, саволчан зингил солиб қаради: «Давом эт, Маҳсум, хўш?»

— Салом Ҳаққулнинг қавлида кетмасанг деб қўрқаман. — Маҳсум совуқ нафас қилатуриб зигирча хижолат чекмади, юзлари қилт этмади. Аксинча, Ҳақимбекнинг назарида, у бадхоҳлик билан сезилар-сезилмас тиржайди.

— Хўш, кейин?

— Нима, кейин? — «Кейин — оллоху акбар» деган маънода Маҳсум юзига қўл сурди. — Ажал кўмсаган сичқондай мунча ўйнашмасанг! Колхоздан кетаман, дединг, Зобитов рухсат берди. Болапақир қийналмасин, деб «нафақа»ям тайинлаб қўйди. Болачақанинг ризқи рўзи шу-ку, ахир! Ҳой, ношукур банда, нима, яна тувагингга тилла сумак дейсанми? Асли сени, бор-ки мениям, той-тойлаб оёққа тургазган шу одам эмасми, Ҳақим! — Маҳсум қизишиб, кутилмаганда баджаҳл муаллимдек ўдағайлади: — «Касса дафтари»ни сен олдингми?

Анойроқ одам бўлса, додвираб, мен, деб юбориши ҳеч гап эмасди. Ҳақимбек пинагини бузмади. Маҳсумга тешиб юборгудек назар солди. Йўқ! Унинг кўнглида зигирча хайрихоҳлик йўқ. Хаёлидан «Вой пихини ёрган жаллоб-э, мени зрмак қиялсанми?!» деган ўй кечиб юрагини мемираётган гулу ғазабга айланади. Қаҳри келиб, ўзини тутолмай қолди, жазавода Маҳсумнинг «ниқоб»ини юзидан шартта шилиб ташлади:

— Сартахтага олиш келиб-келиб сенинг чекингга тушдимми, Маҳсум? Бўлак қўшмачи қуриб қоптимиз? Бор, жазманларингга айт... Бориб айт ўша Жабраилиннга, ўлигини босиб ўтибгина Зобитовни турмадан чиқаради. Бошқа йўл йўқ! — Тиззаларигача дағ-дағ титраётган Ҳақимбек серрайиб турган Маҳсумни ҳайфсиниб, кўкрагидан итарди-да, бир қадам юриб, кейин тўхтади, бурилиб унга еб юборгудек ўқрайди: — Айтиб қўй! Салом Ҳаққул эмас Ҳақим! Осонликча жон бермайди! Узинг ҳам буни кулоғингга кўрғошиндай қуйиб ол! Шу кунга умримни тикиб, интиқиб яшаган одамман!.. — У дудуқланиб, гапини йўқотиб қўйди, қулт этиб ютинди-да, хийла паст, босиқ овозда давом этди: — Хўжжатар худонинг дастиди! Бандасининг қўли етмайди!

Яна бир таъна Ҳақимбекнинг тил учидеа турар, юрагини оғудек куйдирар, лекин тўкиб солай деса тутқич бермас эди. Чорпояни айланиб ўтаётганида аламдан бағри ўртанди: «Ойбарчинни маломатга қўйди-я бетамиз... Шошмай тур, бир иргиллашларинг ҳаққи кўп ўкинасан ҳали!», дея бир зуғум қилгиси келди-ю, ўзини тийди. Чорпоядаги бесаранжом Шоқирбой оғиз жуфтлаётганини кўриб, уни

Маҳсум ароққа жўнатгани ёдига тушди ва аччиқма-аччиқ қайрилди-да, йигитнинг барра сочига тикилганча бета-каллуф сўради:

— Оқкелган матоҳинг қани?

— Утиринг, ака! — Шокирбой тараддуланиб, кафтини кафтига ишқалади. — Ман айтдим, ҳозир... чойнак чайиб келишин. Ушанга кўйиб...

Шокирбойнинг гапи оғзида қолди. Ҳақимбек узалиб, кўк сатин кўрпача қатига тикиб қўйилган шишани абжирлик билан олди. Олатуриб, терликдек юпка, яғир кўрпачага кўзи тушди, ирганди. «Ман айтдим...» эмиш. Корчалонлиги оламни бузади-ю, ўтирган тўшагини қара!

У шишанинг нуқрасимон қалпоғини бир юлқишда юлиб олди. Ҳазон кўмган ариқчага иргитмоқчи бўлди, лекин тагин қитмирлиги кўзиб, уни Шокирбойга узатди:

— Ма, ука! Туяча ясаб, ўйнайсан!

Шокирбой қизаринди. Бироқ қалпоқчани олмасликка ҳадди сифмади, ҳарқалай, муҳаррирининг девордармиён қўшниси, биродари.

— Икки жуфт гугурт чўпиниям қизғанманг, ака, оёқчасиз туя-туяи! Ишга миниб кетишгаям ярамайди, — дея хиринглади.

Ҳақимбек чўнтагидан оппоқ дастрўмол чиқариб, шишанинг бежирим оғзини ҳафсала билан артди-да:

— Энди, укам, гугурт чўпини ҳурматли каттақонингдан сўра, муштдайлигидан у майда-чуйда йиғиб юргич эди, — деди. Кейин чашма сувидан симираётган ташна каби бир кўтаришда шишани бўшатди...

Мана, ҳозир худо асраб, қўша фалокатдан омон қолгач, хуфтон дили хийла ёришди. Ярим кеча босинқираб ўйғонган киши ваҳму аросат чангалидан теваракка аланг-жалавг қарайди, ниҳоят, шунчаки алаҳлаб, чўчиб кўз очганини, аслида ўз уйи — ўлан тўшагида ётганини идрок этади. Шунга ўхшаб, кўнгли жойига тушгач, не ўй уйга етаклаб борганини Ҳақимбек фаҳмлади. Эсида, бўш шишани атай чорпоядагилар бошидан ошириб, ҳовузга итқитди-да, хайр-хўшни ҳам раво кўрмай, ҳазон кўмган ариқчадан илкис ҳатлаб, йўлакка чиқди.

— Ажал қисятими, дейман, тагида мотоцикл бор-у, ароқдан бош кўтармайди!

«Ҳа, Маҳсумча! Довул қоқавер энди, дов сеники! Гўримга гишт қалаб қол!»

Ё ўша дам, ё кейин — мотоциклини ўт олдира туриб — ногаҳоний бир иштибоҳ кўнглидан кечди: «Бўри маймоқ Маҳсумникига танда қўйибди-да? Нияти нима экан? Булар бир кўрпани тепкилашиб ўсган, ҳамқур; Ҳақимбой Маҳсумнинг чизган чизигидан чиқмайди деган ўйдади? Епирай, Маҳсум бу ишга нега бош суқди, а?...»

Фикри-ёдини нохуш хаёллар булут янглиғ тўсиб қўйди, кўнглида бундай нохуш ўй-хаёлларга мойиллик туйганидан ўзи ҳам уялиб кетди: «Утган ишга саловат: бўлари бўлган, бўёғи синган. Етти йиллик гапни энди кавлаштира, Ҳақим! У номус қилмаса, сен номус қил! Йў-ўқ, шошма, Маҳсумнинг юрагида кин-адоват йўқмикан? Ахир, кўнглисизлик асорати кўкрагида қолмаганими?! Ушанда мен икки ўт орасида буткул гангиб юрүвдим, кўп нарсани назардан қочиргандирман? Ҳарқалай, кечқурун у — зор бўлмаса онасини ҳам йўқламайдиган одам, ўз оёғи билан уйга бежиз кириб келмаган. Аламга ем бўлгач, арзи қолга чиққан у бунга пайқамагандирман. Пайқагулик ҳолим бормиди. «Юр, ошна, Очил писмиқникига куллуқ бўлсинга борайлик, яна ўғил кўрибди», деди. Унамадим, у тирғалиб, ҳол-жонимга қўймади: «Чигилинг жиндай ёзилади, юр!», деди яна.

Очил писмиқ қурумсоқ-да. Нон-туз қўйгач, бақамти ўтирган ўғилчасини илкис жеркиди:

— Гап ўғирлагунча мишигингни артмайсанми, даюс! Писмиқнинг бу қилиғи оғир ботди. Ароқни ҳам қўлида ўн айлантриб, бир томизди. Бўйинга арқон солиб, судраб келган жойингни кўр, деб Маҳсумга итқараш қилдим. Унинг пучуқ кулоғига доғур қизарди.

— Ҳой, писмиқ! Тошни сиқса, сув сирқийди, сендан шуям чиқмайди. Ол бу ёққа савилни!

Маҳсум даврани жиловлади. Пулим — куйган кабогим-да, деб писмиқ босиб-босиб ичди. Кайфи кўнғач, қабоғи ҳам

очилди. Э, бунинг сахийлигини! Топган-тутганини тўкиб ташлади. Кўнглига тирговуч қўйдим:

— Кичкинаглингидаям қўлинг очик эди-да, Очил!

— Сен айтма, мен куймай! Рўзгор — гор-да. Борингни ялмоғиздай ялламай ютаркан! — Писмиқнинг ҳасратидан чанг чиқди.

Шу кеча азонгача Маҳсумнинг кети ер искамади. Писмиқнинг дастурхонига фотиҳа ўқилгач, у: «Салим гуппиникига кетдик!», деб қисталанг қилди. Ярим кеча гуппининг янги уйига кириб бордик. Суққабош-да, у тўрдаги хонада усти очик, ёстиқлари ҳар ёнга сурилган ҳолда, билагига бошини қўйиб, юзтубан ётган экан. «Бўғизланган қўйдаи хирилламай кет-э, тур!» дея ғазаблаб, чотиға тепиб уйғотдик. Юраги кинидан чиқиб кетар, деб ўйламабмиз. Гупписи қурғур довдир-да, «Ҳа-а!», деб салчиб туриб кетди. Бир дам кўзлари манглайига ирғиб, тили осилганча бақрайиб қолди. Узига келгач, қулочини ёзиб, ҳиринглади:

— Э, жўражонлар! Қандай шамол учирди, а!

Гуппи — чапани-да, ҳаялламай дастурхон тузади. Ичкилик устида, Маҳсум, сен айтдинг:

— Ойбарчин, деб елдинг-югурдинг, етолмадинг! Ҳанифанинг доғида куйдинг-ёнддинг, оқибат бундан ҳам айрилиб қопсан-ку, Ҳақимбек!

Эх, Маҳсум, Ҳанифанинг ҳасратида куйган ўзинг эдинг-ку. Алқисса, шундай деддинг, мен ўзимни куйган сиёқладим:

— Ҳей?

— Эртан оқшом никоҳқийди! экан!

Гуппи гап суқди:

— Синфимизнинг олди шу эди, суқсурдай қиз эди! Э, аттанг, қўлдан чиқибди-да? Куёв бўлиш ким экан?

— Э, билмагандай сўрайсан, қовуннинг яхшиси — итнинг ризқи. Маҳмуд кўрнинг чўтири бор-ку, туспачанг ўша, гуппинидам!

— Ҳайф-э! Ойдаи нарса увол бўпти. — Очил писмиқ афсусланиб бош чайқади. — Шотирдай бўлиб юрамыз, қўлимизда бит ўлмайди. Уят! Биримиз олсак, бирақамиз татирди. Ҳалиям кеч эмасдир-ов, али-бали деб ўтирмай опқочадиган мард борми?

Сен айтдинг, Маҳсум:

— Ов-в, Ҳақимбек! Юрагингдаги ўт қани? Босмайсанми қамчини! Ахир, Гўжбоғда ҳам бундай тарихий воқеа бўлсин! Ҳа-а, буруннинг Ҳақимбеклари!..

Гуппи — гўл-да, ниятингни фаҳмламади, менга чаққайди, чағир кўзи чақнаб кетди:

— Ҳой, хунаса, қимирласанг-чи! Кучаладан бўккан кучуқваччадай ётишингни қараю! Соядай эргашиб юрардинг-ку, энди мунча талмовсирайсан? Тур, кетдик! У ёғини аканг қарагайга қўйиб бер!

Мен сенга қарадим, Маҳсум, сен ер чиздинг. Атай текизиб:

— Опқочсак, опқочдик-да, — дедим.

Сен пишанг ташладинг:

— Опқочмаган ҳам номард!

Мен дедим:

— Илтирсак, этагидан тутатқи ҳам тегмас сизга, мулла Маҳсум!

— Ҳалолнинг бўлсин, жўра! — деди Очил писмиқ.

Сендан садо чиқмади.

Шу кеча Ҳанифага синдирилган нон бекор бўлди. Шу кеча у қон йиғлади, бағри хун бўлди:

— Саид Маҳсум сенга кўнгли қўйган, деган сиз эдингиз, нега бундай қилдингиз?

Ҳах, Ҳанифа, ҳах, Маҳсум, ора йўлда мени адо қилдинглар-ку! Аччиқ устида бир нажас едим, захри озгимдан кетмайди. Ҳа, Маҳсум, хурмача қилинг қолмади-да, жўра! Ҳеч эвини қиллолмагач, суйганингдан ўч олишга қасдландинг-а? Тезласам, Ҳақим хиддат опқочади, бунақа қинғирликка суяги йўқ, дегансан-да. Опкелиб қўйингга солар, деб ичкиб ётгандирсан? Номаъқулнинг нонини ебсан! Сен — кофир, суйганингни менга лафз қилдинг, азбаройи пасткашлинг қасдида шу ишга қўл урдим! Ичинг куйиб, ўл энди... Ҳой, Ҳанифа, қўй! Бу не қилиқ? Тишлайве-

1 Никоҳ ўқиш маросими.

риб, лабингни узиб оласан-ку! Маҳсум ҳам одамми, садқайи сиқтавларинг кетсин!

— Бахтиқаро қилдингиз-ку, Ҳақимжон! Қандай кунларга қолдим?

— Э, ўчир овозингни! Маҳмуд кўрнинг чўтири тилло қаср қуриб берармиди сенга? Ҳиқилламай, худо деб ёт! Мениям кўзим учиб турган йўқ эди, пешонага битилгани шу экан-да!

...Эҳ-ҳа, ундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, неча бир уйларга бешик келди, не-не толлар ҳассакашга ҳасса бўлди! Наҳот Маҳсум ҳамон хусумат сақлаб юрган бўлса?! Кеча у бизникига Бўри маймоқни бошлаб чиққани аниқ. Адолат, «Дадам уйда йўқ», деган эмиш. Бўлмаган гап! Улар меҳмонхонага кирган, ўтирган. Ҳанифа чой дамлаган. Чойлашган киши сиёғида булар анчагача мени пойлашган. Ахир, Ҳанифа кўча-кўйда дабдурустдан Маҳсумнинг йўлини тўсиб, дардини дастурхон қилмайди-ку! Тўлиб юрган эди, ёрилган. Бу — Бўри маймоқнинг иши, гапни чувалатган: «Келинпошша, ишқилиб, ул-булга зориқмаяпсизларми? Қийин, қийин, катта еб, катта тишлаб ўрганиб қолганга қийин. Бу, дейман, Ҳақимжон укамиз ҳам...» Ҳанифанинг дийдаси юмшаган, кўзёшини артиб, ҳиқиллаган: «Ҳа, шу экан-да! Айтгулиги бўлса экан, айтсам, амаки. Рўзгорим бордир-ов, деб мундай қайрилиб қарамайди. Топганини совади. Шукр, раис бувам оталик қилиб, шу кишимга ойлик тайинлаган эканлар. Ҳарқалай, кунимиз ўтиб турибди». Маҳсум унинг кўзёшини кўриб, дийдёсини тинглаб, ич-ичида мазахлаб кулган. Ҳузур қилган!

Эх, Ҳанифа, одам деган бу қадар оққунгил бўлмайди-да! Дўстдан душмани фарқлаёлмасанг? Сени ўша... Ҳозир уйга бориб, тилини таг-томири билан суғуриб оламан!»

Борганида-ку Ҳанифани қон қақшатарди. Ҳали ҳам фаромуш тортиб, чалгинибди, тикка идорага — совхозга ўтиб кетибди. Ҳисобчилар хонасида ўтирганида, чўт қоқатуриб, бир нимани унутиб қолдиргандек нуқул безовталанаверди. Лекин, нимани — эслаёлмади. Унутгани гўё шу хонада ётгандек туюлди, тимирилгани билан пол юзасини қараб чиқди, сўнг деразадан ташқарига — шийдам боққа тикилганча уйга толди. Бироқ, Ҳанифанинг тилини таг-томири билан суғуриб оламан, деган ният сирғалиб қўлдан чиққан балиқ каби қаёққадир гум бўлган эди. Энди билса, уни уйга сурғалаган ҳам ўша — кўнгилдаги беқарор ният экан! (Рост, ҳар эҳтимолга қарши анани яроқни ҳам олмоқчи эди.) Аслида, шўрлик Ҳанифанинг гуноҳи нима?! Унга ҳам қийин, рўзгорига Ҳақимбек сариқ чақа кўшмайди. Эринг бор-йўқлигини билинтирмай, уйим-жойим, деб азондан қаро кечгача кирт-кирт кетмон чопадиган шу Ҳанифа-да! Унга осонми, ахир!

Бир гал Ҳақимбек тўлиб кетди: «Кафтимда олиб юргуликсан! Лекин бу қўллар... Равшининг кўриб, кўнглим «жиз» этмайди! У бир парча музга айланган. Сен ўзингни бунча хўрлама, Ҳанифа! Кетгин!», деди.

Ушанда Ҳанифанинг кўзёшлари маржондек тизилган: «Ундай деманг, Ҳақимжон! Гулдай қизимизни тирик етим қилайми? Наҳот кўзингиз қийса?!»

«Майли-да! Адолат ҳам сен тан, олакет!»

«Қайнотам-чи? Қайнонам-чи? Суянчиқларим шулар-ку! Буларсиз менинг, менсиз бу муштипарларнинг ҳоли не кечади?!»

«Мингдан-минг розиман сендан! Истасанг, уларни ҳам эргаштириб кетавер. Ҳувиллаган уйда кўмилиб, бир ўзим қолай».

«Ундай деманг, Ҳақимжон! Борар жойим бўлса экан... Ахир, отам оқ қилган!.. Қўчқордай ўғилга сизни зор қилдим! Нетай, дуоибадга қолганман. Мени кўп топтаманг! Шўришим бор экан, не бўлса шу пешонамдан кўрдим!»

«Упқаланиб юрма унда, мен кетай!»

«Ундай деманг, Ҳақимжон!..»

Ҳанига қаранг! «Кўчқордай ўғилга сизни зор қилдим», дейди-я. Йў-ўқ, менинг қақшаб тилаганим кўзларига кўринмайди! Ҳақимбекнинг ичидан ўтган қириндини билмайсан-да, Ҳанифа!

Мана, салкам бир йилдирки, шу ҳол: на ётганда, на турганда ҳаловати бор! Сурункасиз муроқабалар, пушаймону изтироблар унинг энка-тинкасини қуритган.

Ҳазорез шамолнинг гувиллаши, қулоқларига урилиши сусайди. Муюлишдан ўнгга қайрилиб, катта йўлга чиқди. Шунда манзилидан адашган чопар янглиғ ақли шошиб, юрарини ҳам, тўхтарини ҳам билмай каловланиб қолди. Шаҳарга оёғи тортмади. Қайтсинми? Идорага бориб, ишга овунсинми? Қиламан деса, хомчўт ҳисоб-китоблари тўлиб ётибди...

Ҳисобчилар хонаси кимсасиз эди, қаҳваранг эшикнинг бир табачаси ланг очик. У кирасолиб, ғаладонни очди, очдию сарғимтил дағал қоғозларга кўзи тушиб, ҳафсаласи пир бўлди. Бурчақдаги диванга оғир чўкди, чап ёнидаги тошдек болишга суяниб, лабига сигарет кистирди. Чўғлан-тириши ҳам унутиб, ежо назар билан жиҳозларни кўздан кечира бошлади. Чанг чўккан, ўнгиб кетган пол, ночор, одми иш столлари, стол устида сочилиб ётган рангпар қоғозлар, гезарган қумсувоқ девор... бу қаровсиз кулба Ҳақимбекдан ҳам абгор аҳволда эди, бироқ шу холига у гўё ниманидир пинҳон тутаётгандек кўринарди. «Нимани?» Узу-кун Ҳақимбекни беором қилган дилхоҳиши — нима у? «Нимани ўйлаётувдим-а? Эсим кўрсин, дори ичишни ҳам унутибман — буйрак яна чимилляпти... Боя бир хаёлда... — У қайрилиб, ўтмишига гўё синчвос раэм солди, калаванинг учини топмоқчи бўлди. Афсуски, ўтган дамлар у қолдирган изларни кўюн янглиғ кўмиб кетган эди. — Фаромушлик курсин! Э, ҳа-а! — Ҳақимбек диванинг бесўнақай болишини шаппатиланганча ирғиб туриб кетди. Сўлгин, паришон чехраси ўзгарди, лаблари асабий бурлиди. Гезарган девордаги суратга, суратдаги киши бўйинбоғининг йўғон тугунига тикилганча вазимн мулоҳаза юрита бошлади: — Аждаҳонинг оғзига Маҳсум нега бош сукдид? Қизи-иқ! Менга ақл бўлиш кези келганда бу кишим подага кўшилиб, чанг кўтаряпти! Ҳақим, сен балосан, баланд охурлардан сув ичсан, катталар сўзингни синдирмайди, бир жўралик қил, деб эланиб, оёқларим остида ўралашиб юрадиган мишики кимнинг сармоясига кўкарганини ҳам унутибди-да! Майли, хусумат ўз йўлига, лекин онангалик, отангалик қилганим бор эди-ку, биродар! Бугун қарайсанки, Ҳақимбекнинг аҳволи танг; катталар билан тиллаш, тиллашавер! Аммо, эсингда тут: анавилар дарвазонда елпатак бўлганига омадим чопибди, деб кўп ҳам суюнма! Бировнинг қаро кунига кулма! Кун деганинг ўтар-кетар. Билиб қўй, бу замонда эс-хуши жойида одам кулаётган чинордан қочади, сен — гумроҳ, унга кўтир эчкидай суйкаляпсан. Ҳой каллаварам, сўқир эмассан, мундоқ қарасанг-чи, курғурнинг томирлари чириб битган-ку! Эрта бир кун унинг тагида қолиб, пачағинг чиқади. Ушанда: «Э, Ҳақимбой, жўра, кўр экман!» деб пешонанга шаппатилансан, лекин унда жойига тушмайди. Мен сени кечирмайман, биродар! У дунёю бу дунё икки кўлим ёқангда, Маҳсум!..»

Кимдир қақиргандек бўлди. У истар-истамас бошини кўтариб, деразага бетланди. Ҳамон юз-кўзида хаёл шарпаси кезинар эди. «Бировнинг дилидагини билиш қийин экан-да...» Уйларининг интиҳоси шу бўлди. Кейин хумори тутиб, чўнтагини кавлашга чоғланди, бармоқлари орасидаги сигаретга кўзи тушдию паришонхотирлигидан кулди.

Шу чоқ бузук шақилдоқникидек шиқирлаш эшитилди. Боя ўйини бузган мана шу овоз эканлигини Ҳақимбек англади. «Телефонми? Бу сабил ҳам пугурдан кетибди-ю! Отам замонидан буён шақирлаб ётибди, чоғи?»

У трубкани аста кўтарди. Бироқ дераза ортидаги йўлак бўйлаб ўтиб бораётган бир қизни кўриб, кўз узолмай қолди. «Ойбарчинникидай сочи бор экан! Тақимини ўпади-е! Ҳозир, ҳозир қарайди у!» Чиндан ҳам қиз қия боқди. «Қарашлариям Ойбарчинникидай!..»

Ун уч йил бурун Ойбарчинлар Ғужбоғдан кўчиб кетишди. Кетатуриб, Ойбарчин шундай бир қийғоч қаради, қарашидан Ҳақимбекнинг юрагига ўт тушди. Шу ўт уни куйдирди, йўқ қилди, бор қилди...

— Алё, алё-ё? Нима, тилингизга чечак чиққанми? Гапирсангизчи! Ҳақим борми?

«Ғавҳар».

— Нима дейсан?

— Дамингни ют-э! Нима бало, хотини тепангда ўқлов ўқталиб турибдими?

«Бунча тилига эрк бермаса бу».

— Ҳақимчик, жонгинам, ишонсанг, жуд-даям қийналиб

кетдим. Не балолар кўзимга кўриниб... шу кеча мижжа қоққанми йўқ. Сени кўзим қиймайди-да, бўлмаса, аллақачон анави бақалоқча... — Гавҳар қиқирлади.

«Эшилиб кул-э! Бунинг қичиқлариям зиғирёғдай кўнглимга тегибди». Гавҳар гўё даққионуздан қолган ролни ҳануз ўйнайди, асли сийқа бу ижро ўзининг ҳам жонига теккан-у, бироқ буни пинҳон тутди: иккиюзламачилик қилади. Чунки бўлак илинжи йўқ, мободро ролдан чиқса қандай кун кеиради — буни ақлига сиғдира олмайди. Ҳақимбек эса, баайни нозиктаъб томошабин: зийрак назари Гавҳарнинг истиғносидаги макрни, гўдакона қилиқларидеги ясамаликни илғаб туради ва бу унга эриш туюлади. «Бир пайтлар, тенгу тўшларига аломат кўриниш, назарга тушиш илинжида у бу тахлит риёкорликни ўйлаб топган. Энди тарки одат амримаҳол — шу кўйда ўтди. Бадбахт! Яна ҳам ким билсин, балки шуниси маъқулдир? Ролдан чиқса, туруми бузилар? Ола-а...» Ҳақимбекнинг энсаси қотди. Гавҳарга боғланги қолганига койинди. Жувоннинг: «Анави бақалоқча...», дея теша текизиб ўтгани унда сира ҳам кизганиш туйғусини кўзгамади. Узидан захарханда кулди: «Бугун уни бақалоқ, дейди, эрта бир кун... сенга ҳам ҳўкиз-пўкиз, деб лақаб тақамаслигига имонинг комилми, мулла Ҳақим?!» У ғамбодо хўрсинди ва жеркинган овозда:

— Гавҳар! — дея қайириб ташлади. — Олдимдан ўтмоқчимисан? Шу ниятда кўнгироқ қилдингми? Нима, этагингга ёпишиб ётганмиди мен, тилимни қичитасан? Кимга тегсанг, тегавер-да, бошинг очиқ-ку!

— Вой, тентак, сени қараю! Нималар деб алжияпсан ўзи? Жим, эшитишни ҳам истамайман!

— Менга қара, Гавҳар, биласан, Ҳақимнинг васиқаси йўқ! Шундай экан... нозандай нарсадан, тоқайгача томса ялаб юрасан! Азбаройи, бахтинг очилганини кўрай, деб куйганимдан айтяпман! Бунақа эмас-да энди!..

Чамаси, Гавҳар трубкани улоқтириб юборди: дафъатан тарақлаган товуш, сўнг бир маромда қисқа «ғув-ғув»лаш эшитилди. Ҳақимбек хийла вақт трубкага тикилиб тургач, уни аста ўрнига қўйди. Гавҳар энди ўзини каравотга ташлаб, кинолардаги жабрдийда қариқизлардек ўкраб-ўкраб йиғлаётганди? Нима қилсин, борсинми? Унинг муздай ёноқларини силаб, юпатсинми? «Сочларингдан мойчечанинг ҳиди келар, Гавҳаржон! Билсанг, бу атрга дунёингни тенгситмайман! Қани, нима қилар экан, деб жўрттага тегिशувдим!» У аразлайди: «Бераҳм!» Ҳақимбек тонг отгунча ўрнади, ахир шу азоб кимнинг газзаги дори? Нимага?... Ҳечқиси йўқ, пичадан сўнг яна сим қоқар. «Сен золимсан, бераҳмсан, ўзингдан бошқани ўйламайсан!», деб ҳиқиллаши, захрини сочиши, алампидан чиқиси зарур-ку! Мулла Суяра «Елгон дунё бу!» дегич эди. Мен — шаккок, ичимда мазах қилар эдим. «Қурғур бобойча ҳақини қолдирмади, ёшини яшаб, айшини сурди. Авлиёдай кўр тўкиб ўтириб, қордай соқолини силаб, энди насиҳатгўйлик қилишини қаранг! Кўнглимизни совутмоқчи-да?», дер эдим. Қари билганини пари билмаслиги чин экан, қара алдоқнинг нуқси жонимизга ҳам урган, тинчимизни, ҳаловатимизни кўзлаб... Йўқ, Гавҳар билан ораочди қилиш керак. Бироқ ҳозир мавриди эмас; юрагимга қил ҳам сиймайди. Обидийдага тоқат йўқ. Боя Маҳсум нега уни эслаб, мингирлади? Бирини кўрга, бирини шолга чиқариб, гап ора: «Сабил, энди Ойбарчинни тусабди-да», деб қистирди. Э-э, похол тағида ўра бор экан-ку! Болачақангни чирқиратиб, бор-йўғингни Ойбарчинга тикширтирясан, демоқчи бўлган-да. Далвай қилиб чалғитганини қаранг. Ноўрш таънаси жонимга тигдек бстиб, чарсиллаб олов сачратишимни пайқаган. Мақсади: «Волга»ни нега қуритдим — шуни билиш! Э, Маҳсум-э! Пайшанбалик нонни еб, суягинг қотган-да, бир таъма йўлида... Наҳот Тошбоев икков ҳаминиятнингизми улар сезган бўлса? Йўе-э? Учириндисига қараганда, «Волга»ни бежиз бошидан соқит қилмади бу, деб не номаъқулни тусмоллашган. Пайтаваларига қурт тушган-у, лекин ҳали-ҳозирча Тошбоевнинг ялогини ялашмаган. Тошбоев кўп дажжол-да! Унинг қараш ҳеч ёқмайди, қароғида мингта иблис — бири олиб, бири қўйиб, ўсмоқчилаб туради. Чол тамшаниб, манав қоқади-ю, аслида ҳамнишини билан мунозарачи анавлар. Лекин Маҳсум эмас-да у, шилпик бўлса ҳам етти қават осмонни газлайди кўзи. Эътимодини сотмас. Ахир, у «Тошбоев!» деган овозанинг қули-ку.

«Зобитовдай эррайимни бир чўқишда қочирган ким?»

«Валиеъмат Тошбоев!»

«Ҳақни қарор топтирган ким?»

«Адолатпеша Тошбоев!»

Қулғунадай ўзини четга тортиб, қув-қув йўталиб, бир чеккада гимирлаб юраверди. Дуч келган ғужбоғлик, бувамизнинг қўлини олайлик, деб топинса, атай талмовсирайди. Аммо кўнгли тўқ: эл ҳам, элбоши ҳам соясига салом беради. Э, ғарибим Тошбоев, бувағинам Тошбоев, сен ҳам чумолисиёқсан, қолиб кетадиган бир дон кўйида кечаю кундуз гимирлаганинг гимирлаган. Майли-да, шунинг ҳам бориға шукр!.. Ҳаммаёқнинг шудгорини чиқариб ташладинг, мулла Ҳақим, фирт бетамиз одам экансан! Хўш, энди нима қилдик? Сим қоқмаепти-ку? Ана... — У қитирлаган телефон аппаратиға зада бўлиб, иккиланинқираб тикилди. — Ҳиқиллавериб хун қилади! — Ҳақимбек юраги бетламай, трубкани кўтарди. — Худди ўзи!»

— Алё, Алё-ё, Гавҳар? Бунча ҳиқилламанг? Тўғри гап туққанингга ёқмас экан-да, ўзи!.. Э, қўй, хоҳ шишани тошга ур, хоҳ тошни шишага — бари бир эмасми! Сендан чиқадингани шу-да... Ҳа, этак силкидим... Еш боладай кўп тихирлик қилаверма! Маъқул, борганим бўлсин!

«...Шу йўллар ҳам юрагимга тўкилди». Йўл сувдек оқиб ўтаберди. Кўзи илғанган олам унга бирикиб келди ва асфальт юзида уюрма пайдо этиб, шувиллаб орқага кетаберди. Ҳақимбек жилувчи уюрмадан кўз узмади. «Пича қолди, ўша!..» У ш а жойдан ўтмаганига қўймаган Гавҳардан хафа бўлди. Суяқлари қоқшолниқдек сирқиради. «Ўтдим-ов! Йўқ, нарироқда эди. Ҳу анави ерда ётудай шекилли. Қўллари...» Кўзларига қон кўринди — йўл бетида ивган қон, янчилган бош, чарм камзул...

Ҳақимбек мурдани босиб кетишдан чўчигандек ҳаприқиб, рулни чапга бурди. Шу чоғ гўё алланик бариға чанг солди. У жонсарак, газ дастагини қўйиб юборди-да, ўнгирини човутдан халос этмоқчи бўлиб силкиди ва этагиға ёпишган ғанимига ихтиёрсиз юз бурди. Қараса, баридан тортқилаётган — шамол; тугмалари ечилиб кетган экан. Иттифоқо қабр теласидаги тугга кўзи тушди. Алам боғланган гужум тағидаги авлиё Сўппоқ сағанаси, чангалзорга айланган тумордеккина азиз ер ақлини шоширди. Оқ ялов тўзғиган оқ-оппоқ сочларни эслатди. Мук тушиб, фалакка қўл чўзган ва унсиз фиғон чекаётган муштипар Истарчи¹ момонинг мотамсаро сиймоси йўл тугул оламини ҳам тўсиб қўйди...

Ҳақимбек, куёнчиқлаган, дард ўтиб кетса ҳам, иситмаси босилмаган киши каби анчагача ҳушини йиғиб ололмади. Қизил чироқ йўлнинг берклигидан огоҳ этиб турса-да, у Эски шаҳар чорраҳасидаги айланмага ҳайдади ва кунчиқар тарафдан келаётган «Жигули»га йўл бермай, ўтди-кетди. Айланмадаги назоратчи милиционер ҳуштагини чуриллатди, «Жигули»нинг тажанг ҳайдовчиси чўзиб-чўзиб сигнал берди...

Ана, Гавҳарларнинг муюлиши. Шу халта кўчага бош тикиб нима қилади. Яхшиси, анави ошхонага боргани маъқул. Ойбарчиннинг изидан юрган маҳали ўтганда-қайтганда бу ошхона тупроғини ялаб... «Нимқоронғи бурчакдаги бирон столга эғалик қилиб, тонготаргача, хуморинг тарқагунча ич, Ҳақим! Гавҳарнинг барагига² зоримсан? Қоқи баҳосида турмаган сатанг! Тагин ўзини бозорга солиб, ҳунар кўрсатишини қара! Ошиқи бедавони «бақалоқ» деб ерга ур-э, эрмакла-е! Сочига оқ тушса ҳам қуюлмайди бу. Қаёқдан ҳам чакамўғдай илашдинг унга, Ҳақим!..»

Ҳақимбек ҳақ деса, ҳумо қуши ҳам қафтга кўнган кезлар. Бир кун юмуш билан банкка кирса, суқсурдай жонон ўтирибди. Бориб, пештахтага ўлганини берди. Бир хил умидда томоқ қирди, кейинлаб учиде ҳуштак чалди; ҳавоси баланд экан, жувон назар солмади. Ҳақимбек деди:

— Қулоғингни кемтиб қўяйми?

Қочирими ерда қолди. Бир бўлди бу, икки бўлди,

¹ Истарчи — бригадир маъносида қўлланилган (русча «старший», «старшина» сўзининг бузилган шакли).

² Барак — чучвара.

Ҳакимбекнинг жаҳли чиқди. «Ҳап, сеними, шошмай тур, нархингни бийлаб, бурундикдай илиб қўймасам!..»

Кунларни қувиб, кунлар ўтди.

Қараса, жамғармаси бир кучоқ. Пулнинг майдаси қурсин, солаверган эди, киссаси етмай қолди. «Яхлитлаб олиш керак. Анави хоңқизини ишга соламан. Шу баҳонада тузоққа илинтирмасам...»

Муродига етди ҳам, яхлитланган пулларни қайтариб олатуриб, бир ёғимини кофтасининг кўкрак чўнтагига тикиб қўйди. Жувон кўзларини пирпиратиб тисарилди.

— Вой, бу нима қилиқ? Мен ким деб ўйладингиз? Эс-хушингиз жойидами ўзи? — Юлишгудек важоҳатда шоша-пиша чўнтагидан пулни чиқара бошлади. Бежиримгина бурнининг учигача терлаб кетди.

Аҳвол чатоқ. Ҳали шу танноз кимсан Ҳакимбекни қиёқдек синдирмас! Тешикқулоқ эшитмасми? Кейин у ҳамқурларининг кўзига қандай қарайди? Ҳакимбек шартта унинг билагидан тутди, жиминг, деган ишоратда лабига бармоқ босди.

— Ирим шунанга, ойқиз. Йўқса, манавилар, — дея у чўнтакларига шаппатилаб қўйди, — фақирга ҳам буюрмайди. Майли, тешиб чиқсин десангиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ!

Жувон астойдил ўйловда қолди, ишонқирамади, шубҳаланиб, зимдан ғалати қаради.

— Исиминг нима, сингилжон?

Жувон нозланиб бурилди-да, пиқиллаб кулиб юборди:

— Вой, озғунчаларнинг пири-ей! Тутган жойингиздан узи оларкансиз! Гавҳар исми, нимаиди?

— Гавҳархон, денг. Раҳмат сизга!

Гавҳар лабларини буриб кулган чоғ, яъни таннархига рози бўлган дамдәк, Ҳакимбекнинг наздида, қўлидаги буюмга айланди...

Бултур, шу кунлар, тушида Ҳакимбек Ойбарчинни кўрди. Эртасига Истарчи момо «Қани? Қани?!»лаб, унинг жонижаҳонига ўт қўйди. Шу оқшом Ҳакимбек қаро кунига куйиб, ҳуши оғиб, беванинг уйини қора тортиб борди.

Эсида, хона шинам эди, хона қоронғу, уй ичида гул ифори кезарди. Гавҳар ич қўйлақда, меҳри йайиб, тирғалиб, унинг бўйнидан кучарди. Кўнгли синган боладек ўқсиниб турган Ҳакимбек уни яқин олди, муздай сийнасига юзини суйкаб, қаноқ кўзёшини сурта-сурта ўкраб йиғлади, юрак ёзди. Маст эди.

— Мен Қилич қоровулбегининг неварасиман: гапим— гап, — деди, — шу кечадан менинг аҳдимдасан! Ҳозироқ мулла Суюрга етаклаб бораман сени, никоҳ қияди! Бу дунёдан кўзим очиқ кетмасинда, Рустами дostonдай бир чирогбон туғиб бер! Кейин, кейин... тўлиб кетдим, тўйдим, Гавҳар! Соҳларингдан мойчечакнинг ҳиди келади-я! Бору йўқинг! Баҳридан ўтайми? Сени олиб, тоғ ошиб кетайми? Кўздан панада, овлоқда, Одам Атою Момо Ҳаводай ўз йўриғимизча кун кечирса, нима дейсан, Гавҳар?

— Исимини сўрадинг-у, қорангини кўрсатмай кетдинг...

— Хўп, майли. Юр, десам, кетасанми ҳозир мен билан?

— Тентаккинам, суюклигим! Баданингдан мойчечакнинг ҳиди келади, де!

— Ҳа, силашга ҳам ботинолмаймаман. Қўлларимга қон нуқси урган!

— Қўлинггаги пулнинг ҳиди, Ҳакимчик! Сени қутуртирган — шу! Ноинсофсан. Ҳакимбекнинг тенги бўлай, деган сон-минг. Сен тентак, шаҳарни қўйиб, ҳузурижонингдан кечиб, қай гурларга кетсам дейсан. У ёқда нима бор, давринг кепти, сур, бегим!

«Э, Гавҳар, Гавҳар! Ҳаргиз давру давронни ҳавас қилма! Пулнинг сассиғи димиқтириб, абгор қилади».

Ҳакимбек ўшанда гарчи кайф эди, бироқ, пайқади: Гавҳар кафтига қўнган капалак экан. У ҳатто ўчоқ бошида ҳам: «Дунёга келдик бир карра... Уйна, кул, яйра-а!», дея шигаб роса ўйноқлаган эди. Ҳозир шу ёдига тушдию Ҳакимбек унинг хониш қилишга, ўйинқароқликка даъватманд нотавон кўнглини, ҳавойи ақидасини кафтига олиб кўргандек бўлди, унга ичи ачиди. «Нахот бир умр шу кўйда ўтса?! Бориб, ётиги билан ўқдириш керак. Лекин ҳозир эмас, кейин», дея хаёлидан кечирди. Кайф устиде Гавҳарга оғиз ургани лоп этиб кўнглидан ўтдию орияти қўзиб, жунжикиб кетди, ғашланди. Эшитса, илон пўст ташлайдиган анави гапнинг

ҳам учини чиқарди-я! Сирини, бинобарин, ночрр ҳолатини ошкор этиб қўйгани учун ўзидан норози бўлди. Шундай танг дамларда Ҳакимбек жонини ўтга-сўвга урар, хижолатлазликдан қутулиш чорасини излар эди. Шу алфозда кетатуриб, баноғоҳ қандайдир таҳдид сезди, сесканиб, хаёли чалғиди. Қараса, Эски шаҳар адоғидаги муюлишга етиб қолибди. Гўё аллаким қилич сермаб, изидан от қўйиб келаберди. «Ҳали чорраҳада хуштак чалгандай бўлувди-я, пайимга тушдими дейман?» У мотоциклин серкатнов йўлнинг четидан шиддат билан учириб кетаберди.

Ҳакимбек йўлдан кўз узмай бораркан, туйқусдан хаёлига келган ўйни овоз чиқариб айтди: «Э, Маҳсум-э! Зобитовнинг этагини тутсам, бир нимали бўлиб қоламан, дебсан-да. «Рўзғор бекаларига маслаҳат»ингни ёз, биродар! Сен юзсиз ҳам кўп балодан бохабарсан шекилли? Э, бўлганча бўлар! Қўлдан келганини қилмайсанми!.. Ҳакимбек, шу кунга умрингни тиккан одамсан, сен! Қаёқдаги қаланги-қасангини, бўлмағур ўйларни қўй энди, ширин таоминга заҳар қўшма! Ишинг бароридан келди, Зобитовни кулатдинг! Улар кўнгиини кийгани чин. Лекин сен ҳам қараб турганинг йўқ! Эҳ-ҳ, не-не тилакларинг бор эди, гунчалармай эзгилашди. Умр деганингдан тоғдай армон қолди. Шунинг бадалига татиғулик ўч олдинг! Бу бало хўрларнинг калласини кемирсанг ҳам, асти камлик қилади! Ҳали питирламай туришин! — Ҳакимбек иситмалаб, аъзойи-бадани зир қақшай бошлади. Мияси карахтлашди. — Шоми ўзига ургурларни қўй, энди! Бу ёғини худого сол! Кейин... ишқилиб, охири бахайр бўлсин!»

Ниҳоят, ошхонага ҳам етиб келди. Унга бир бало бўлгандек эди. Туясути ичган касалдай тинкаси қуриб борарди. Мотоцикл кажавасини йўл четидаги дағалпўстлоқ қарағайга тираб, моторни ўчирди-да тушди. Оёқ томирлари тортишган, сочлари тердан жикқа ҳўл бўлган эди. Мияси ўбдан ғовлаган, қўллари бежон, зил-замбил. Бирпас кўзларини чирт юмиб тин олди, иситма элтиб, боши айланди, кўнгли беҳузур бўлди, кейин кўнишганча, Янги шаҳар бўсағасидаги ошхонага қараб юрди. Беш-олти қадам босгач, ошхона тумшугидаги кенг-мўл майдонга эътибор қилди ва мотоциклин гавжум йўл ёқасида нобоб қолдирганини фаҳмлади. Эриноқлиги тутиб, турар, деди-ю, яна кўнгли бўлмайдизига қайтди. Моторни ўт олдира туриб безовталанди, жонини ўртаётган сезги таъсирида орқасига аланглади: ҳу нарида, йўлнинг шу бетида тўрсайиб турган «ЗИЛ»ни кўрди. Совхозники эмас, лекин жўра ҳам таниш! Анйқ, қаердадир кўрган. Унга дахлдор қандайдир нохуш таассуротга эга. Фақат, эслаб ўтиришга ҳозир унинг тоқати йўқ эди: у дилтанг эгарга минди, фаромушлик боис, шу заҳоти «ЗИЛ»ни унутди...

Ошхона доғланган зигирёғ ҳидию тамаки тутунига тўлган. Бу, ирkit пол, бемаъни ғала-ғовур — бари бир бўлиб кўнглини оздирарди. Аксар хўрандалар ишчи шекилли, эгниларида пахталик, букчайиб ўтириб олиб, тановулч қилишар, ора-сира бошларини кўтариб, яғир рўмолча билан бўйинларидеги терни сидирар, бир-бирларига гап қотиб, хахолаб қўйишар эди. Ҳакимбек қўлансиган бу ошхонага кириб янглишганини тушунди. Буд-шуди — уч-ўртта «Чашма»ни столга намойишқорона тизиб, майхўрлик қилаётган анови йигитлар шу ҳолида унга алланечук ғариб, афтоҳахол кўринди. Даврани айланиб ўтатириб, Ҳакимбекнинг таъби хуфтон бўлди. «Энгил-боши не аҳволда-ю, ўлган кунига ичадими булар? Ҳаҳ, дунёи кўтир!»

Йигитлар кўкракларини очиб, стулда ястаниб ўтиришар, мастона витор билан «Уруш бўладими, йўқими?», дея қизгин мунозара юритишар эди. Жайрасоҳ, ўрдакбурун киши ҳўплаган виносини эрмак қилатуриб: «Бўяди!», дея гўлдирарди, ютиниб олгач эса, дўрдоқ лабларини жийириб, яна бир култумини оғзига оларди-да, «Бўяди!», дея тақоррлар эди. У шунчалар лоқайд қиёфада сўзлардики, гапи урушга алоқадорми ёки виногами — англаш маҳол эди! Қаршисида ўтирган ушоққина, қотма йигит эса гўзбўйинини қўзиб, эътироз билдирарди:

— Сиз «Инсон тақдири»ни, «Алвидо, қурол!»ни ўқи-ганмисиз? Уруш нималигини биласизми ўзи? Вабо-ку у! Хемингуэй ҳақ гапни айтган: кимлигидан қатъи назар, урушпарастни шартта отиб ташлаш керак!.. Сиз — ёшингиз бир жойга борган одам, э-э... Уруш жабрини чекканларнинг

кўзи очиқ ҳали, бу вабонинг тарқалишига йўл кўярмиди улар!

Йигит фикрини уқтириш ниятида ҳарчанд таъкид билан қўл силкимасин, бирон улфати унга эътибор қилмас, гапларига қулоқ солмас эди. Ахйир, қотма йигит қарсиллатиб столга мушт урди. «Чашма»ю стаканлар дириллаб учди, кайфи бузилган ўрдакбурун шериги унга кўз сузиб қаради:

— Ҳа-а, Аҳмад? Бу, дейман, Ҳаққа етдингми, а?

— Бўлмайди, дедим, бўлмайди!

— Н-нима?

— Уруш!

— Э-э, жагинг қаришмаганини қараю! Бор, ана, сен айтганча бўла қолсин-э! Куй, обизамзамдан!

«Яна буларнинг жаҳоний савдо доғида мия ачитиларига куяйми? Ҳойнаҳой, бу галвани анави Аҳмад дегани кўзгаган!»

Кўриниб турибдики, Аҳмад бу тоифага бегона эди, уада кўрпадаги оҳорли ямоқдек ботишмай турарди. Ким билсин, мактабни шу ёзда тугатган-у, ўқий деса, имкон бўлмаган. Балки борган-у, киролмай қайтган. Ҳар қалай, тентираб-тентираб, ахйир қурилишдан кўним толгани аниқ. Бугун у эл қатори имзо чекиб, биринчи маошини олгандир, шунинг шарафига «сен же, мен же», деб шоқолбазм қилишгаётган чиқар? Энди анавиларга элакишиб, али-бали, деб кетаберида. Ҳамтовоқларининг сиёғига қаранг! Бунинг ҳам уларнинг қисмати кутяпти! Бунча хуноб бўлмаса? У тириктовонларга нимани уқтирмакчи? Епирай!

Аҳмад ўзи билан ўзи бўлиб қолган улфатларининг боқибегамлигидан ранжиди шекилли, ўриндигини пича орқага сурди ва шерикларига ётсиратганнамо бир-бир гунаги қараб чиқди. Унинг ўқисиб лабидаги тамкин табас-сум, юзларида кезинган хаёл Ҳақимбекнинг дилида адоқсиз ўкинч кўзгади. Дард еганда ҳамдардини кўрган каби у бир хил бўлиб кетди. Бундан роппа-роса етти йил муқаддам, ўша қора кунда, Ҳақимбек она сутти оғзига келгунича ичди, ғирт маст, бўйи баробар тошойна қаршисига борди-да, «Ўз отинг билан Ҳақимбек эдинг, тоғни уриб талқон қилардинг! Кўнгил қосанг синиб, энди ниманг қолди?», дея ойнадаги аксига бир кўр назар солди. Баайни мана шунанга — ҳозир Аҳмаднинг юзиде кўринган аломатлар ўшанда унинг ҳам синиққан чеҳрасида зухурланган эди! «Ўзингни назаркарда билиб юрар эдинг, Ҳақим! Худойим кўшқўллаб урди-ку!», дея инграганча қадаҳни полга тоблаб урган ва унинг чил-чил синиғи устига мук тушиб, ер мушлаган, жаззавада куёничиқлаб қолган эди...

Ҳақимбек қайрилиб яна Аҳмадга қаради, хаёлан кимгадир: «Мана, сенга яна бир «назаркарда!» — дея пичинг уриб, аччиқ тиржайди. — Э, ғарибим, зўр олим чиққулик авзойинг бор экан-у, начора!»

Ошхонанинг тўридаги буфет пештахтасига суяниб турибди-ю, хаёлида яққаш «Боёқшини бу тўпдан ажратиб олиш керак!» деган фикр. Нимта-нимта яхна гўшт терилган ликопчаю ароқли графинчани келтириб стол устига қўяркан, «Болапақир нобуд бўлади, — деб қўйди. — Шу тобда уни анави тўдадан айириб олиш амри маҳол. Сен боғдан келсанг, маст одам тоғдан келади. Худо билсин, улфатлар ўзларида куч сезиб, бир ғавго бошлашга баҳона тополмай, зикланиб ўтиришгандир? Ёнгинг тегиб кетса, лов этиб кўтарилишади. Сабр қил-чи!»

Обиёвгон ҳиди ошхонани босиб кетди, бу ҳид теру тамакининг бўйига қоришиб, янада қуйқалашди. Ҳақимбекнинг яна нафаси қайтди. У, бошим оғиб, қаерга келиб қолдим, дегандек бурнини жийирди-да, ўчоқбошига норози қараб қўйди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келди. Ароқнинг ярмини стаканга қўйди-да, жаҳд билан кўтарди. Сув қўшилган чоғи, ютуми ёқимсиз эди. Бу баттар унинг таъбини хира қилди. Буфетчини чақириб, захрини сочмоқ ниятида энди қайрилган эди, гулдирган овоз қулогига чалинди. Овоз қандайдир таниш, шовқин-сурон ичидан момақалдироқдек гўмбурлаб чиқди:

— ...шу юрак билан ҳали бош кўтариб юрибсизми?!

Ҳақимбек буфетчини ҳам унутиб, бирон турткилагандек, товуш келган тарафга беихтиёр ўтирилди. Юпқа, ҳаворанг тутун пардаси, парда ортида — пойгакдаги столда икки киши ўтирибди. Шангиллайди, ниманидир муҳокама қилади. Бериёқдаги дўнгбўйин, суюги бузуқлиги орқасидан ҳам

кўриниб турган кишининг бошида тўзгиган теллак. Қора пахталигининг барини силкий туриб, у жеркинди:

— Э, қўйсанг-чи, Болтавой! Гапингда туз йўқ. Ава-ламбор, кўрдинг, ўзлари пашшага ем. Иннайкейин, асли сен билан менга нима — бировнинг тойгоғига тойиб, ўшанинг жатиға қолгинг келяптими? Билиб қўй, насияни ўғри чиқарган! Насияга... дунёни ғорат қилмоқчисан?

Девор тагида Ҳақимбекка юз ўгириб ўтирган Болтабой дегани қирабурун, найнов киши эди, ёши ҳам чамаси қирқларда. Шеригининг гапини тинглай туриб, сигаретини столга эзгилаб ўчирди. Кейин бошини кўтарди-да, совуқ иршайди. Тутақди.

— Э-э! Мурув-ватга бало борми, ахир?! — деди у ситамли оҳангда, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб. — Бундай пайт-тда, пашистнинг моягидан тутамлагандай сиқиб... — Болтабой қоқсуяк қўлини олдинга чўзди. Чангаллини кўзгундек ёзган қўйи хаёлан ғанимининг зормандасини тутамлади, сўнг тий қайраб, ўбдан эзгилади. Эзатуриб, шу қадар ҳузур қилдики, ҳатто қийиқ кўзлари юмилиб кетди. Ниҳоят ўзига келиб, муштини ёйиб юборди-да: — ...қаттиғини чиқар-рвориш керак-к! — дея таъкидлади. Сўнг шеригининг авзойига қаради: афтидан, йўлдоши унинг фикрини маъқулламади. Болтабой тутақиб, э, бу эторакдан одам чиқмайди, деган ғинада ноумид қўл силтади. Қилтирикдек оёғини чўзди-да, ўриндиқ суянчиғига ястанди. Унинг сочлари паришон тўзгиган, чаккаларига қиров инган эди — шулар ҳамда эғнидаги қора чарм камзул Ҳақимбекка аллакими эслатди.

Болтабой, ниҳоят, бир нимани сезгандек, шеригининг кифти оша унга вазмин, кузатувчан назар ташлади. Қарашлари тошдек оғир эди. У, лаби ёйилиб, кибр билан хунук тиржайди, негадир, кўз қисиб қўйди.

Ҳақимбек ток ургандай бир сесканди, юраги увишди. Эси жойидами бунинг, дея чаппа қараб олди. Графинча тубида симобдек йилтираётган ароқни силқитди, стаканини қўлга олатуриб, яна найзадек қадалган назар таъқибини туйди. Унгайсизланди, бўғзидаги бўғзида қолди. «Қатта онасининг ҳақи бормикан менда?», дея жаҳли кўзга, ялт этиб Болтабойга қаради. Чиндан ҳам Болтабой ҳамон киприк қоқмай, тигдор кўзларини унга тикиб ўтирар, қарашлари илонникидек аврағич эди. Сиёғида захарханда кайфият кезинар, ҳойнаҳой, машғулотидан — Ҳақимбекнинг қитиқ-патига тегаётганидан димоғи чоғ. Бир хаёл, Ҳақимбек биқинидаги ўриндиқни шартта олиб, унинг башарасига иргитмоқчи бўлди, тагин шайтонга ҳай берди. «Ўзингдан ўтди-да, Ҳақим! Кўриб турибсан — қип-қизил каллакесар! Йўлпашшадай айланиб, гапига қулоқ солиш зарурмиди сенга?!»

«Мурув-ватга бало борми, ахир, бундай пайт-да!..» Бу ғина — ёвуз ниятнинг индаллоси қисматиға дохилдек Ҳақимбекда нохуш кайфият уйғотди.

...Зимзиё кеча. Нам асфальт йўл. Юзтубан ётган лош. Ҳақимбек ўликнинг бош тарафида сумалакдек қотган, бармоқлари қон, қон шилимшиқ. Мурданинг қонга беланган қилтирик бўйни қимирлади. У аввалига мажақланган бошини, сўнгра, тирсагиға таянганича, ўмовини кўтарди. Минг машаққат билан чап биқинига ёнбошлади-да, ҳансираб, қуруқшаган лабини ялади. Қабоғини керди, бироқ кўзи очилмади, қон қотган киприклари бир-бирига ёпишиб қолган эди. Мана, ҳозир... улар ажралади! Ҳақимбекни даҳшат босди. Э, худо, ишқилиб кўзини очолмасин-да, дея зорланди. Шу лаҳза киприклар пирпирлади, Ҳақимбекнинг нигоҳи қонталаш кўзлар билан тўқнашди. Бу назар тигли эди, кинли, маломатли эди. «Умримга завола бўлдинг, баттол! Гуноҳимни айт!» Ҳақимбек ногоҳ:

«Нега бундай қарайсан, Салом Ҳаққул?», деб юборди.

«Э, Ҳақимбек, Ҳақимбек! Дўст бўлиб, душманнинг ишини қилдинг! Қани, айт-чи, еб-еб шохинг чиқдимми? Е, дунёдан умидим йўқмиди менинг? Ҳатто ўлгимиям юз-хотир қилмадинг! Улган ўлди, унинг шўри, энди қайтиб келармиди, тагин, изида йўқловчиси бўлмаса, дегансан-да! Адашсан, хун довланман, ху-ун!» Салом Ҳаққул зўриқиб, узун, қоқсуяк қўлини кўтарди ва Ҳақимбекнинг чотиға узалди. Чангак тиғи янглиғ қадалган тирноқлар захридан...

...аянчли ўкирик бўғзиға тикилдию Ҳақимбек дард тутган дамқисма каби титраб-қақшаб ўрнидан турди, худ-бехуд,

судралиб, ошонанинг чап биқинидаги эшикдан кенг ҳовлига чиқди. Ичбуруқ санчиги жонини қийнаб юборди. Бадҳазм ароқ захру заққумдек халқумини ачиштирди. Қайт қилгач, чарақлаб мияси очилдию ини бузилган арилар янглиғ яна фикрлари тўзғиб кетди. У ҳовли этагидаги тайпоқ ариқчанинг чимтол бўйига бориб чўнқайди. Энгашиб, зилол сувдан ҳовучига олди-да чайинди, барибир оғзида какраники каби тахир ва нохуш таъм қолди. Тошбоевнинг қув кўзларини йилтиллаб: «Зобитовнингиям хонумоига ўт кетди!» дея пихиллаб кулгани ёдига тушдию калакаомуз илжайди. Кейин кўнгил уйининг бир кунжаги ёришиб кела бошлади. Инқиллаб ўрнидан турди. Узида елкасидан босиб турган зил-замбил юкни итқитиб ташлагудек, жисмидаги толғинлиқни енггудек мадор тўйди.

«Манави тошқин босилгунча Нўҳнинг кемасига биқиниб ол! Емон кўздан панада юр!» — Тошбоев шунақа дейди. Меҳрибончилигини қаранг! Ахир, илҳақ кутилган, тантана қилиш мавриди келган интиқом кунда Ҳақимбек кўҳна девор қавагида тухум босиб ётсинми? Шу пайтгача у кечалари мижда қоқмай юлдуз санаб чиқди. Анавлар уни анжирдек эзгилашди. Бугун эса барча кўргилиқларга Ҳақимбек чек қўйди. Елкасига минган найрангбозлар, ана, оёқостида тупроққа беланиб ётибди. Бас, шундай экан, нега у дўпписини осмонга иргитмасин? Кунни туққан бўлса! Ахир бит ташлаб яйрашга, чигилини ёзишга унинг ҳам ҳаққи бордир?

Бултур шу кунлар, шом қоронғиси чўкаётган палла, у — Ҳақимбек, бугун Саид Маҳсум оёғини осилтириб ўтирган чорпояда гўжбоғлиқларга маош улашаётган эди. Эл булутдек ёпирилиб, теваракни тўсган. Кимдир вақтичоғ, қўл қичиса, пул келади, деб қадоқ кафтини ўпади-да, манглайига суради; биров бош бармоғини тупуклаб, пул санайди; бошқиси пешонасини тириштириб, ордона қолгур, хомчўт қилганимдан йигирма сўм кам-ку, а, дея норози тўнғиллайди.

Салим гуппи ўзича давра гирдини айланиб, элни тартибга солиб, бақириб-чақириб юрган эди, бир маҳал Ҳақимбекнинг тепасига келдию қозикдек қаққайиб туриб қолди. У доим, синфдош тушди сенга, энди язнасан бизга, дегич эди.

— Ий-е, Ҳақим язна, — дея уни турткилади, — раҳматли Салом Ҳаққулнинг онасимми?

Ҳақимбекнинг қўлидан мадор кетди. У Очил писмиқнинг моюнасини санаётган эди, иккита уч сўмлик сирғалиб қўлдан чикди-да, шолча юзига тушди. Биров буни пайқамади. Одамлар авжи тўйда шум хабар эшитгандек саросимада Салом Ҳаққулнинг онасига жовдираб қараб туришар эди. Мотамсаро жимлик чўкди. Ҳақимбек қуруқ ютинди, зимдан йўлакка қаради. Белачак кампир имиллаб-симиллаб, шу тарафга келар эди. Кўзлари чўкиб, ёноқлари туртиб чиққан. Увоққина жуссаси қилвираган қўйлагини аранг кўтариб тургандек.

Салим гуппи қайғурди, қайғусини ичига сиғдиrolмай, элдан бурун намойишқорона хўрсинди ва барчага зшитларли қилиб:

— Ҳа, бечора-я! — дея пичирлади. Ҳаялламай саланглаб кампирга пешвоз чиқди: — Қани, келинг, Истарчи момо! Ҳей, эс жойидами, анграймай бир четлик турсанг-чи! Қани, Истарчи момо, ўтинг бу ёққа, манави ерга, ўтиринг! Давлатимиз сосида мундай узаниб дам олинг, тўғрими, Ҳақим язна? Бизнинг давримизда... Салом Ҳаққулга нафақа оляпсизми, момо? Раҳматли тилла одам эди!

«Бу тентакнинг ҳапқиршини! Истарчи моманг сенга нафасини ростлай, деб кептими, гумроҳ!» Бировга шу кампирни кўрсатиб: вақтида гуркираган бригадага бош эди, кўкрагига нишон тақиб, кўча-кўйни тўлдириб юрарди, десанг, кулманг, кулганнинг косаси оқармайди, дейди. Ҳолбуки...

Салом Ҳаққулдан айрилгач, у қарс уриб, соч юлиб идорага келди. Жон куйида: «Шунқоримни топиб бе-е-р!», — дея зор қақшаб, Зобитовни юмдалади, қиёматқойим қилди. — Сен! Се-ен боламнинг бошига етдинг, зойим! Оқ ювиб, оқ тараган тойлоғимни еди-инг!.. Айтдим-а, қўй, шуларга тенг бўлма, олишми, ёзма, деб

худонинг зорини қилдим-а! Йўриғимга юрмади-юрмади! Ҳа-а, қон кўр қилгур Зобитов! Бир ёқангдан оларим бор-ку! Сенинг қаҳринг қаттиқ бўлса, илоҳимники — метин! Сенга ҳам боққан бало бордир? Худога солдим, худоё худовандо, ўнғарилма, кўкрагингдан кўк тош боссин!»

Уддабурро эди Истарчи момо, чарс эди, тиккасидан келди. Зобитов қирриқ-да, қулоғини қар қилди. Инига биқиниб, туйнуқларга пахта тикди. Қараса, бўлмайдиган — момонинг ҳасратидан чанг чиқаётди, майда миш-миш биликсиртир. Ахийри, девонаҳонага сизм қолди: «Алло-ов, Маҳмуд, бачам, ўзингмисан?.. Хай, манга қара, бир мумомиз бориди: калхузни деб кўп заҳмат чеккан! Боёқшинг кў-ўп дуруст бачаси бориди... Ҳа-а, топдинг, ўша. Узимизнинг Салом Ҳаққул-да! Э-э, нимасини айтсан, кайфи тароқ экан, ёнидан ароқ чиқипти!.. А? «Суд экспертиза даъвоси?», дейсанми? Грузовой бачани туртган, бача орқа чингалак тагига тушган, кўзим билан кўрмадим-у... Касофат мошин бадар кетган!.. Шу-шу! Айтганча, Маҳмуд, бачам, тўнғичингни Салом Ҳаққулнинг ўрнига тайинладим! Энди бу ёғини эшит: бачаси куйида мумонинг эси кирарли-чиқарли... Ҳа, юбор, бадбахтни опкетсин!.. Дуруст! Ҳа, энди... дуруст!»

Кейин оқ халатлилар келишган, Истарчи момони машинага тикиб, олишган-кетишган...

Истарчи момо арвоҳдек судралиб Ҳақимбекнинг нақ тепасига келди. Аёл-да, аёллигига борди, ёқоволангарлигидан ийманди, жиякли, унингдан ёқаларини ёжимлади. Тиланчи каби бир қўлини унга чўзди. Ҳақимбек беайни тумшуғи остида турган чангакдек нимёйиқ панжалардан кўз узолмай қолди, улар дарахтнинг қурган шоҳларидек ачинарли эди.

— Қани?

Истарчи момонинг синиқ, шикаста овозидан у сергак торти. Жўрттага қовоқ уюб, тўрсайди, ва зоҳиран ишга андармон бўлди:

— Менда ҳаққинг қолмадими, Очил жўра?

Очил писмиқдан садо чиқмади.

— Ҳақим язна, мунча эловсирасан? — Салим гуппи талпанглаб унинг қабатига келди, хиёл энгашиб, қулоғига шипшиди: — Бошингдан ўгириб, кампирга бир нима бер! — Кейин у дилидаги гумонини элга овоза қилди: — Истарчи момо Салом Ҳаққулнинг ҳаққини сўраяпти!

Дарди ҳаринадан осонгина қутулиш имкони тўғилганига Ҳақимбек суюнди. Шоша-пиша қопчиқдаги пулга узалатуриб, «Нега шу илгарироқ хаёлимга келмади?», дея чандон ҳовлиқди. Азбаройи шошганидан пайпасланиб, аввал уч сўмлик, сўнг беш сўмлик тахламини қўлига олди. Ахийри, уни ҳам қайтариб қопчиққа тикди, типирчилаб, эликталикнинг бойламини чиқарди-да, шартта боғичини узди ва шилдироқ пулдан бир жуфтини сугуриб, Истарчи момонинг ҳовучига қўйди. Кейинчалик шу қилигини эслаганда ўзидан ижирғаниб юрди. Уша дамда эса телба-тескари бир жазму хоҳишдан аранг ўзини тийиб қолди: аввал бойлам-бойлам пулнинг ҳаммасини Истарчи момонинг этагига ташлагиси, бор дунёсини унга қолдириб, одамтопмас жойларга улоқиб кетгиси келди. Шундай қилса, гуноҳдан фориг бўлади-гандек туюлди. Ҳартугул бу майл жунбушга келмаёқ, бўлак нарсани фаҳмлаб қолди: Истарчи момонинг бужур юзлари қилт этмади, демак, Салом Ҳаққулнинг ҳаққини даъво қилиб келмаган! Момонинг «Қани?» деган сўроғида айрича маъно бор. Шу чоғ унинг ҳовучидаги пуллар Ҳақимбекнинг бемаврид севинчлари янглиғ чирпирак бўлиб, наридаги чиринди устига тушди.

— Қани!?

Истарчи момонинг кўнғилтопаридек, ўзини ишбилармон сиёқлаб кайвонилик қилаётган Салим гуппи энди укки каби бош буриб бир кампирга, бир Ҳақимбекка қаққайди-да, нима гаплигини англаёлмай гарансиз тил тишлади.

«Нима, у боласини суриштиряптими?!» — Ҳақимбек дилидан кечган шу иштибоҳ тўғрими, йўқми — шуни билиш ниятида зўрға бошини кўтариб кампирнинг қизилжияк, киртаган кўзларига журъатсиз тикилди. Нигоҳлари тўқинган заҳоти Истарчи момонинг иддаосини укдию ичида гўё ўпқон ўпирилиб тушди. Айбига иқрор мужримгина ҳаққини даъво қилаётган киши ҳузурида зир титраб, шундай ночор ва забун ҳолга тушади. Истарчи момо

қорачиқларининг туб-тубидан аллақим айбситувчи назар солиб, «Чиробоним қани, чиробоним?», дея сўроқ сўрар, бетин зуғум қилар эди. Ҳақимбек унсиз нола чекди: «Нега бундай қарайсиз, момо? Миридан сиригача огоҳсиз-ку! Менинг айбим нима?»

— Э, олмаса, олусиз кетсин, Ҳақим язна! Бир нуқоти камнинг несига хафа бўласан? Юзидан ой кўрувдингми, бор отанга, дел!

Салим гуппининг ноҳўя жеркиниши Ҳақимбекни сескан-тирди. Истарчи момодан кўз узиб, бир нимани пайқашма-димикан, деган ўйда ён-веридагиларни назардан ўтказди. Кишилар қиёфатида ҳадиғини тасдиқловчи бирор маъно уммага, тетикланди. Қалтис, ноқулай вазиятдан сурлик билангина чиқиб кетиш мумкинлигини фаҳмладио гўё «Базмга қиров тушди, хешлар, билмадим, кампиршога хўрознинг сuti керакми?», дея эътирозланиб кифтини қисди, сочилган қоғозларни йиғиштирди-да, қопчиққа жойлади. Кейин тунд киши алфозида издиҳомни ёриб ўтиб, ошхона сари юрди. Ҳангу манг жұбоғликларнинг «Бизнинг ойликни қачон берасиз, ука?», дея ёлвориб сўрашганинио ҳалигина Истарчи момога қайишган тоифа энди уни телбадан олиб нонкўрга, нонкўрдан олиб яна девонага солишганини ҳам, «Эҳ-ҳо, Ҳақимбой бечоранинг қўли очиқ! Бошқа биров бу шўртумшукқа битангаям бермас эди», дейишганини ҳам аниқ эшитди, бироқ мунофиқлик қилди — ўзини карга солди.

«Эх, бу — аам! Оғзини тўлдириб «Ойлик!», дейди-я, ҳаққингни Зобитов кемириб ётибди-ку! Юзхотиригдан-а!.. Нима эмиш, «Ҳақимбек бечоранинг қўли очиқ!» эмиш. Топган экансан қўли очиқни! Бадбахт Салом Ҳаққул шулар ёруғ кўрсин, деб хазонмарг бўлди. Бу тўда бўлса, гўр оғзидан қайтган бечора кампирни мазаҳ қиляпти. Е алҳазар!.. Истарчи момо қайдан келиб қолди ўзи? Бирон қитмир журттага рўпара қилдимикан?...»

Ҳақимбек эзгин кайфиятда ошхонага кирди. Буфетчи Маҳмуд кўр пештахтага ўмганини бериб, пашша кўриб ўтирарди. «Э, Маҳмуд кўр, Зобитовга орқа қилиб, Истарчи момони жиннихонага тикдинг-а, энди келиб турган жойинг шу бўлдимми? Ҳали бу одам чапоғини оламан деб соф кўзингни ҳам кўр қилади. Қайтар дунё-да бу! Эҳ-хе, ҳали...» — дея хаёлдан кечирди. Кейин имлади: «Опкел топган-тутганингни!»

Талабгор чиқса, Маҳмуд кўр ароғини аярмиди! Томоғи қақраб турган эканми, ўзи ҳам Ҳақимбекка шерик бўлди. — Ич, шоввоз, ичавер, — деди у, — бу курғур юракнинг таптини олади!

Шунда Ҳақимбек кўз остида унга ёмон қаради: «Сен бир шабкўр бўлсанг, юрагимдаги тафтни қаёқдан кўра қолдинг?!»

Маҳмуд кўр кўзини олиб қочди, нолинди: — Э-э, Ҳақимжон, ука, сен билан мен — қафасдаги қушлармиз. Патирлаб ўзимизни туйнукка ураримиз бор-у, чиқиб кетаримиз йўқ. Мен-ку, қариганда қармоққа тушдим, жўжабирдай жонман. Лекин сен... Ҳа, майли, ич, ичавер, ичганинг қолади! Мана, мендан қиёс: ичиб-ичиб, «урилиб-сурилиб...» ҳалиям тупроқдан ташқарида юрибман! Ҳи-ҳи...

— Бунча талмовсирайсиз, Маҳмуд тоға? — Талмовсирамай бўладими, шоввоз? Қўй, кел, яхшиси, олайлик: ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин!..

Шу оқшом Ҳақимбек ҳарқанча ичмасин, чигали ёзилмади. Кечаси, не маҳалда жиғилдони қайнаб, уйғонди. Уйғонгач, дафъатан эслагани Маҳмуд кўр бўлди. «Ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин!», дедими? Кимни назарда тутди экан? Кейинроқ яна бир нима деб минғирлади. «Яхшига кун йўқ», деди-ёв? Намунча ўтганларга сизинмаса? Е Салом Ҳаққулни... Буям тавбасига таянибди-да?

Ҳақимбек хит бўлди. Туриб ҳовлига чиққиси, қудуқнинг муздай сувига чайингиси келди. Силласи қурган экан, туришга мадори етмади: гандираклар кетди. Хона оч яшил ёғдуга кўмилган эди. Ҳайрон бўлди. Уйкуси буткул ўчди-ю, хушёр тортиб, шуъла таралаётган бурчакка қаради. Телевизор устидаги вазмин электрон соатнинг йирик-йирик рақамлари совуқ ёғду таратиб турарди.

«Қаер бўлди бу?» Шу сўроқ қутқусида ёнига ўгирилди: Гавҳар кўнишиб ётар эди. «Тавба, шуниси камлик қилиб турувди ўзи!» Усти очилиб қолгач, жувон ҳув-ҳувлаб

дилдиради, оқ жилдли кўрпани қўлтиғигадовур тортиди, кейин Ҳақимбекнинг тердан жиққа ҳўл, майин сочларини тўзғитиб ўйнай бошлади.

— Вой, босмачи-ей! Қарашларинг чатоқ десам... — Унинг тили чучук эди, нози ўртагич; суйса суйгулик эди. Бироқ...

«Куйиқиб ётган экан-да?! — Ҳақимбек Гавҳарнинг оппоқ билагидан тутди-да, бир иддао билан кўрпа устига суриб қўйди. — Ювиқсиз!»

У тирсагига таяниб, ўмганини аста кўтарди ва яланғоч тиззаларини кучди-да, шу кўйда ўй ўйлаб қолди. Қизиқ бункига қандай келиб қолди экан? Ошхонадан юраги тўлиб чиққани эсида. Уйга сира оёғи тортмади. Шу пайт Гавҳарни эслагандай бўлудви-я. Меҳриғиёси тортибди-да! Санқиб, келган жойини қаранг!

Ҳақимбек, қути учиб, ҳамон тиззаларини кучиб ўтирар эди. У, хаёли жойида бўлган дамларни: мастона, ярашиқсиз қилиқларию оғзидан чиқиб кетган тугуруқсиз гапларни бир-бир эслади. Қилмиши кўз ўнгидан ўтгани сайин бўғилди, фарёд солиб юбораёзди: «Келиб-келиб, оби-дийдангни шунга оқиздингми, Ҳақим?! Уйланаман, деб лафз қилдинг-э! «Бу дунёдан наслим узилиб, армонда кетмайин, Рустами дostonдай чиробон тугиб бер», эмиш! Шу гапларинг эл оғзига кўчмайдиими ҳали? Шунчаликкаям бориб етадимки киши? Ҳанифа шўрлик, мундай уйим-жойим, десангиз, Адолатингизга ҳарф ўргатсангиз, деяр-демас оғзидан олиб, ёқасига урасан: «Кўчқордай бир ўғлим бўлганида!..» У: «Шу қиз ҳам пушти камарингиздан бўлган-ку, ахир, тирноққа зорлар қанча?», деб гина қилса, ўрланасан, «Кўтар валадингни, қиз ному нишон қолдиради-ми», дейсан! Яхшиям Ҳанифа бир гапдан қолади. Яхшиям у ичингдагини билмайди, Ҳақим!»

Рост, илгари ҳам Адолат нимаси биландир дилини жунжиткирар эди. Бироқ учиб-қўниб, тантиқланиб тиззасига ўтирса, ачомлашса, жимит кафтчалари бетини силаса... Ҳақимбекка бир давлат эди. Завқи жұшиб, қизалогини тугти олар ва унинг лўппи юзчасига қиртишланган соқолини суйкаларди. Қизча қиқирлаб, ўзини олиб қочар, ундан келаётган сутнинг аломат ҳиди Ҳақимбекни маст қиларди. Ҳидларнинг момоси шу ҳид, мастликнинг ўзи — шу мастлик эди! Энди-чи, Адолатга кўзи тушса — бас, елкаси тиришади. У ҳам бурунги қизалоқ эмас-да, эсга иниб Ҳақимбекдан совуган чоғи, еттиётдек хушламай қарайди. Ҳақимбек жаҳл қилади, қилдан қийиқ қидиради, қизининг ташвишлиниб қолиши, маъно чимирилиши юрагига наштар-дек қадалади. «Нега қовоқ-тумшук қилади у? Зигирча меҳри йўқ менга. Зигирча-я!» Дарди-дунёси қоронғи Ҳақимбек судралиб супага чиқади-да, ғиштин зинага чўнқаяди. Дарвозахонада чанг босиб ётган қаймоқранг «Волга» кўзига балодек кўринади. Ахийри, машинани бошидан соқит қилди. Барибир кўнгли жойига тушмади. Касалхонадан чикди-ю, шу дардга чалинди. Ҳали Ойбарчинини, ҳали Салом Ҳаққулни туш кўрадимми-ей! Арвоҳ чалиб кетдимми ё! Ишқилиб, юраги ҳаприқади, бир нимани кўмсаб, ўртанади. Қани энди бирон ўғри эвини қилса-ю, дабдабали бу кўрғонни буд-шуди билан қўшиб кўтарса-кетса — у азобдан қутулса. Ҳақимбек ҳамма нарсада қон-қатронни, доғ-дуғни кўради, гўё биров қачондир қонга булганган қўлини уй жиҳозларига, ҳатто хонтахтада ёзиғлик дастурхонига ҳам артган.

Ишқилиб, шунча чигаллик бир бўлди, Гавҳарниқига келганино чигал «ёзиб» ўтиргани бир бўлди.

— Отаси ўлганлар ҳам дам олиб йиғлайди, ниманга бунча куясан, Ҳақим? — Гавҳар узади, аста унинг қўлидан тутди. — Уз отинг билан Ҳақим шерсан, ахир, сендай бўлай деганинг сони мингта-ку!

— Э, Гавҳар, дард нелигини дард чеккан билади, сен нимани биласан? Кеча бир туш кўрдим: унақа-бунақа эмас — бир азим дарё лойқаланиб, айқирим оқяпти. Мен — бери соҳилда, кўз тикканим — нари ёқда! Ҳойнаҳой, шу дарёни кечиб ўтиш пешонамда бор. Базмга қиров тушди энди, Гавҳар! — деди у ҳорғин товушда. Уридан турар экан, яна такоррлади: — Базмга қиров тушди. Хуш қол, Гавҳар!

Ҳақимбек, бўйнига тегирмон тоши осилгандек судралиб

кўчага чиқди. Кеча сим-сиёҳ эди. Сомон йўли кул босган чўғ каби хира милтирайди.

У Ғужбоғни четлаб, жар ёқалаб тўғри Қалқонариқ анҳорига чиқиб борди. Анҳор суви қорайиб, сокин оқар эди. Ҳақимбек, бир арава сиққулик анави кўприкдан анҳорга калла ташлаб... улғайган; бугдойзордек чайқалаётган беором тўлқинлар болалигини оқизиб кетган.

Чўмилгач, сувини силқитиб соҳилга чиқди-да, чимзорга узала тушди. Хийладан сўнг, назарида, борлиқ қаттиқ безовталанди, донг қотган дашту далалар узра уйғоқ бир жон сарсари кезинди. Ва у нортуюдек чўкиб ётган Оқтов тўшида, сув юзюда — ҳар нарсада кўриниш берди. Ниҳоят, бесаранжом уфқ сийраи сик-чок ёришди. Оқтовнинг музлоқ чўққилари чўғ бўлиб ёнди. Ҳақимбек ерга қўл тираб бошини кўтарди-да, кунчиқарга термилди. Соҳир кун туғмоқда. Унинг жонбахш нафаси гиёҳларга, тоғу тошга яшноқлик ато этмоқда, оламни сутга чайиб олгандек тозартирмоқда.

Ҳеч ким сенга монелик қилаолмас экан, одамзотнинг кетмас бахти — Тонг, сенинг балқилишиг абадияндир.

Бир замонлар Ҳақимбек Боғи Эрам қиламан деган дашт кўз олдида ҳансираб, тўқсон алпнинг қуршовида Алпомишини кутган Ойбарчин каби ўртанади. Э, Ҳақимбек, Ҳақимбек! Олишиш нима — билмай туриб, белинг синди-я! Бахтиқаро бўлмасанг, ўша фалокатнинг устидан чиқармидинг?! Маҳмуд кўр кеча синамоққа гап ташладимикан? Йўғ-э! Қариганда қармоққа тушдим, деди-ку! Истарчи момога қилганлари қайтди-да. Пушаймони ичда шекилли. «Мен-ку жўжабирдай жон, лекин сен...», деди. Муроди нима? Мен-ку қарғиш урган бир нотавонман, лекин сен-чи; беш-олти қовун пишғидирки ҳамон қилғилиқдан юз ўғирасан, ўзингни қарга, кўрга соласан, демоқчими у? Раҳматли Салом Ҳаққул қилмишидан толгани ростмикан? Е...

Зимзиё кеча эди. Асфальт йўл нам эди. Раҳматли юзтубан, узала тушиб ётган эди. Хўш, ким унинг жонига қасд қилди? Нега? Зобитовнинг тўнғичини маломатга қўйган эмиш! Э-э, элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди! Унда Маҳмуд кўрнинг Шоқирбойига нима экан? Ахир, элга «эрмақ» толиб берган ўша-ку: «Кечқурун кинода қўлтиқлашиб ўтиришувди. Уз кўзим билан кўрдим: Салом Ҳаққул анавининг маммасини анордай эзди-е! Нима, менга ишонмай-сизларми? Ёлғон айтсам, каломулло урсин!»

Бўри маймоқ бўлса, идорага боратуриб, йўл ёқасидаги тутзорнинг шитир-шитиридан чўчиб кетдим, дейди. «Эпирай! Не маҳал эди. Ой тўлин эди. Бир нимани сезиб, кўнглим фашиқди. Аста ўзимни балхитут панасига олдим. Э, бу шармандаликни кўргунча кўзларим ўйилиб тушса бўлмасмиди?!»

Идорага боргач, акаси — Зобитовга таъна қилибди: «Анави манжалақингни тийсанг — тий, эмаса, ўзим кўкнини кияман! Элнинг улуги, деб ким айтади сени? Иснодга қолдик-ку, ака!» «Ҳадеб тупук сачратасан! Упкангни бос! Нима гап ўзи? Бундай ётиги билан тушунтир. Нима, Ғужбоғни сел босдимми? А?» «Э-э, бош кўтариб юргилигимиз қолмади, ака! ...Шундай! ...Шундай!» У ёғи...

Йў-уқ, косанинг тағида нимкоса бор! Билмайсанми, Ҳақим, бўталоқ туяга эргашади: Маҳмуд кўр Зобитовнинг айтганини қиламан деб Истарчи момони сондан чиқарди. Шоқирбой отасининг қилганини қиламан деб Салом Ҳаққулнинг номини бўлғади! Акаси шунинг эвазига бош ҳисобчиликка тайинланди-да! Бошида барининг тили бир бўлган. Маҳмуд кўр ҳассасини йўқотди-да, шунини фаҳмлаб энди изилляпти. Қариганда қармоққа тушдим, деб шиллиқ кўзининг сиёҳини оқизяпти!

Дарвоқе, ўша кеча ой сира ҳам тўлин эмас, ой куйган эди. Гум қилиш мўлжали бурун тузилган. «Оғриқ тиш»ни кўпорлишга қатрон тун қўл келган. Хуфтон клубда кино қўйилганга эл шоҳид. Лекин Салом Ҳаққул сўқатой эмасди-ку, шайтоннинг гижгижига йўлдан озса! Ўша ислиқининг маммасини эзман деб ўлақолса ҳамиятидан кечмасди! Бу дейман, Зобитов ой юзини қизининг этаги билан ёнди чоғи!»

Ўша кун, намозгар, соат бошларида Ҳақимбек бош ҳисобчи — Салом Ҳаққулдан изн сўради:

— Каттакон, бизга рухсат! Бўлғуси бошлиқ йўқлабди, бормасак уятдир.

Салом Ҳаққул деразага бетланиб букчайиб ўтирар, маҳзун нигоҳи боққа — кеч куз шамоли беаёв юлқилаётган ночор ниҳолга қадалган эди. У Ҳақимбекка ўгирилиб лоқайд қаради ва ниҳолга ишора қилиб, деди:

— Чархнинг ўйинини кўр! Кўзинг очигида, кўчат эк, деган... Иннияти шифо, айнияти вабо. Уйлайвериб, тентак бўлиб кетасан киши!

— Хай, бизга ижозатми?

— Қассобга мой қайғуси, эчкига — жон. Э, бор, кет, менга деса, юрт ошмайсанми!

Ҳақимбек каловланиб қолди. У на эшикка чиқарини билди, на бир нима деярини. Салом Ҳаққул қаламининг кети билан столни вазини чертган кўйи ер остидан унга қараб турарди. Ниҳоят, сочилиб ётган қоғозлар устига қаламини ташлади, ўрнидан кўзгалди. Келиб, Ҳақимбекнинг чап қўлтигидан олди-да, ҳовлига бошлади. Унинг ранги синиққан, қотма чакаклари тиришган, қаншарида ҳадсиз чарчоқ муҳри қолган эди.

— Кечқурун уйда бўласанми, Ҳақимали?

— Кўрамиз; ака! Райкомсомолдагилар, бизга ўт деб ҳол-жонимга қўйишмаяпти! Кенгаш беринг: бораёми ё?.. Усиб кетсак, Зобитовнинг қулоқ-чаққасига бир уриб, жиловни қўлга оламиз, ана шунда элнинг кунни туғади! Э, ният катта, ака, шу даштни жаннат қилгим бор!

Салом Ҳаққул ҳасадлангандек синиқ, тағдор қаради.

— Жаржағ бўлма, Ҳақимали, бу даъво учун калланг кетади-я! Вақти-замонда аканг ҳам учирма эди. Ушанда ҳам Зобитов қанотимга қайчи солган. Узим одам қиламан, деган-да. Бало бу, сенга ҳам тузоқ қўйгандир? У элдан бурун гўрини қазиб қўядиганлардан! — Салом Ҳаққул пўрсилдоғ боғлаган ингичка лабини қимтиди-да, бурилиб Бўри маймоққа зимдан қараб қўйди: маймоқ идора боғидаги чорпоёда оёғини айқаштириб, буларни кўрмаганга олиб, тамаки бурқситиб ўтириган эди. — Қисталоқнинг қиладиган иши йўқми? Қачон қарасанг, қулоғи динг, искаланиб, сояда эргашиб юради! — Салом Ҳаққул ҳазин жилмайди-да, ўқсаси қуриган кишидек ҳўрсиниб, ҳорғин уф тортди. — Ёлғизлик қўрсин, Ҳақимали, ёлғизлик! Яққала-ниб қолдим... Ҳалиги ведомостга сен қўл қўйдингми?

— Қайси?

— Айтмоқчи, ундан хабаринг йўғ-а? Майли, ука, боргин, йўлингни берсин! Кечқурун уйда бўл, ўтаман, зарур гап бор! Дурустми?

— Маъқул!

Ҳақимбек бепарво қўл силкиб, у билан хайрлашди. Ахир, қайтиб кўришмасликларини туш қўрибдими. Қизик, Салом Ҳаққул қайси ведомостни назарда тутди экан? Ўша йили плани эртароқ тўлдирайлик, деб озмунча харажат қилинмади. Чикимини қоплаш учун тузилган ведомостга бош ҳисобчи имзо чекмабди, деган шивир қулоққа чалингандек бўлувди-я!

«Айтдим-а, қўй, шуларга тенг бўлма, олишма, ёзма, деб худонинг зорини қилдим-а! Йўриғимга юрмади-юрмади!..»

Демак, Салом Ҳаққул ёзган, олишган, охир-оқибатда яққаланиб қолган. Бундан чиқди, ҳалфана ош экан-да бу? Дўппи тор келган, шериги ўзини четга тортган? Шундай! Ким бўлди ўша шериги? Маҳмуд кўр ўша кезлар Зобитов билан ит-мушук эди, бирдан апоқ-чапоқ бўлиб қолишди. Қоғоз қоралашни у ҳам дўндиради. Кейин гул кесган, шу ҳисобдан тўнғич ўғли Салом Ҳаққулнинг курсисига ўтирган. Бўлса бордир. Кўр Зобитов билан қиқшмагани учунгина бу ишга бош қўшмаган — каттароқ луқмани кўзлаган! Лекин у девор ортини кўрадиганлар хилидан эмас, даққи-ку! Устига-устак, болажон. Салом Ҳаққул, ўғлингни ишга олмайман, деганда юмшоқ-супурғидек эшилвериб... Уни, янглишмасам, Салом Ҳаққулнинг ики сўймас эди. Е Тошбоев аралашганиман? Ўша қоқвошининг қўли бордир? У эски қонунчи, бир ёзса, астар-пахтасини чиқариб юборади! Салом Ҳаққул бориб, унинг оёғига бош урган: «Мана бу ҳужжатлар қалбаки, Тошбоев бўла. Тумшўфингиз тағида шунақа кўзбўямачиликлар бўляпти!» Хулласи калом... Шошма-шошма! Чини-пишиги билан киришса, сувдан ҳам чанг чиқарадиган бу бедаво ўша қотилликдан сўнг нега кўрсикқондай инига уриб кетди? Жилла қурса, йўлига

бирор миш-миш чиқармади? Қизиқ, юраги дов бермадимикан? Йў-ўқ, оғзига талқон солиши бежиз эмас! Нима сир бўлиши мумкин? Ҳозир-ҳозир, хў-ў-ўш... Айтганча, ўша кун Салом Ҳаққул давлатидан айрилгандек хафагазак эди. Кўнглимни билмоқчидек зангил солиб қаради: «Яккаланиб қолди! Елғизлик курсин!» Раҳматли қаттиқ зорланди. Тошбоев лафзидан қайтганмикан? Е Зобитовга дум берганими? Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку! Қилвир чол бир шумликнинг этагини тутиб, ҳамниятини пуфак баҳосига пуллаб юборган. Илоннинг оёғини санаган доғули-да у! Салом Ҳаққул, зарур гап бор, деб эди. Довдирлигинг курсин, Ҳаким, бир оғиз, тинчликми, деганинда тилинг танглайинга ёпишмасди-ку!.. Анали қоқвош миридан-сиригача билади-ёв? Йўлиқиб, қўйнига қўл солиш керак! Булар мени қонимга ташна қилишди. Е шуларни бир ёқли қиламан, ё ўзим!..»

Кечкурун у Тошбоевниқига кириб борди.
— Қадамнингга ҳасанот, отагинам, келгин, келавер. Тўбичоғинг дарвозада тураверади, бола-чақа йўқ, зоғ ҳам тегмайди. Зобитовнинг кассири — Ҳакимбойман, де? Ҳи-ҳи-ҳи! Қулбаю вайронамга қандай қуюн учирди, чироғим?

— Тошбоев бува! Юрт оғзида юрган гап — мулла Суярдан ҳам нафасингиз ўткир эмиш! Салим гуппи қафил: бир дам урган эдилар, Қалқонариқ айқириб терс оқаверди, дейди. Ер тагида илон қимирласа — билар экансиз. Шу овоза чин бўлса, тиккасидан келинг: Салом Ҳаққул қонини ичган ким?

— Ҳой, Ҳаким, отанг валломат одам-ку, сени бало урдими? Е мункиллаган бувангни мазаҳ қилай деб келдингни, а? Бояна худого аён, пири комилинг Зобитов жўнатгандир? Унда, йўлингдан қолма, бор, айт, Тошбоев бувам тилдан қопти, де! Ахйри, дунё биз тан бўпти-да, деб бир суюнсин!

— Олди-қочдини қўйинг, Тошбоев бува! Не-не умидда сизга юкуниб келдим.

— Келганинг тузук, қароғим! Қулғунадай овлоқда яшайман. Кўнгил сўрар бир мусулмон бўсағамни босмайди. Эмаса, шу колхозни тузиб, қулоқларнинг уруғини қуритган, босмачига қафан бичган — Тошбоев буванг бўлади. Энди эса, кимга қарама, Зобитовнинг битини тозаласам дейди. Катта отасига бирон кас қайрилиб қарамайди. Одамнинг тафтини одам олар экан, келиб, зап қилибсан-да, чироғим!

— Энди, бува, бу гапларнинг «берди»си ҳам бор: жаннати Салом Ҳаққулнинг бошига етганлардан бировикковининг изини олганман. Қатрондай кеча эди. Баттоллар раҳматлининг жасадини катта йўлга қайриб ташлашгаётган экан, кўргилик-да, шу фалокат устидан чиқиб қолдим! Шўрлик, қора қонига беланиб ётган экан...

— Кимнинг мурдасини? Нима деб валдираяпсан, Ҳакимжон? Бу Салом Ҳаққулнинг кимнинг ўғли ўзи!.. Қарилик-да, қарилик курсин, болам, қартайганда эсинг кирарли-чиқарли бўлиб қолар экан.

— Тошбоев бува, кўзингиз айтиб турибди — балони биласиз, гўлликка солман ўзингизни! Айлантриб бир ураман, ернинг қомига кириб кетасиз! Ҳакимбек билан кўп ўйнашманг!

— Пишт-э, беҳосият! Буни қаранглар, мовга келипти! Жонивор мовлайвериб, узун кеча уйқу бермади. Товуши хунук-э! Ҳэ, эганнинг бошини е, пи-ишт!

— Бошни қотирманг, бува, бола бўлсам экан, мени чағитсангиз! Бўйнингизга оласизми, йўқми — сиз тан, лекин Салом Ҳаққул билан офтобда қатиқ ялашгансиз, икки орадаги гапдан хабарим бор. Раҳматли айтувдики, Тошбоев...

— Мулла Ҳаким, қани, ўғлим, чойни қайтаринг! Қўйларни саранжомлаб келай, маърайвериб, қулоқ-мияни кемириб ташлади-ку!

— Майлингиз... — «Ҳа, қурмағур чол-а! Бир қувликни ўйлаб кетди. Улган ўлди, шохид йўқ, деб юрганмикан, шошиб, шумшайиб қолди. Тахминларинг ҳақроств чиқди, Ҳакимбек! Бувангнинг ҳадиғи бор!» — ...Келдингизми, бува, қани бундай ўтиринг. Гапнинг пўсткаллеси шу — бир иш кўзгасак! Қозон сабил тагида олиб кетди-ку!

— Э, чироғим, қарқуноқдан булбул чиққанини кўрганми-сан? Шарти кетиб, парти қолган чолга йўқ ердаги гапларни айтасан! Гирттак пинак қилай деб ёнбошласам, ётоқчила-

гандай туролмайман; турсам, юролмайман. Одамни бичиб қўярган-да ўзи!

— Сизни орқа қилиб кекириб юрсаг-у, суюнган тоғимиз бундай деб турса! Уят-э! Адл туринг-да энди.

— Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Зобитовнинг дастёри бўлатуриб, совунига кир ювмабсан! Бувангнинг белини синдирган — шу. Энди қасдланса, ўнгирмайди.

— Мен кўз юмсам, сиз индамасангиз, ҳақ деган хору зор ўлиб кетаверса, бу молумардумхўрлар эл қонини битдай сўри юраверса, итнинг калласи мис товоққа чиқар кун борми, ахир?!

— Оқсоқоллар ҳақинга кў-ўп дуо қилишди, Қалқон отага топиниб борибсан. Юспандингми, қароғим? Азизлар йўлга анча-мунча корихайр қилибсан, эшитиб, аҳволингга ачиндим. Бу бир тўполоннинг бошланишидир, чаккибосар эрта-индин шумшайиб кириб келар, деб турувдим.

— Қийналиб кетдим-да, бува! Тушимда ҳам нуқул бир қоп гўшт ортмоқлаб юраман, десангиз.

— Кўпнинг ҳаққи тешиб чиқади, чироғим!

— Кўргилик. Пешонада бори шу экан!

— Оқанжама қил-э! Бу еганинг — ҳолва! Ҳали Зобитовнинг шалтоғига тоярсан, ишқилиб, кўзим тиригида балога ем бўлиб, кадига қамалганларингни бир курсам эди!

— Менга қара, Тошбоев, кўп вишиллама! Кошки кимлигингни билмасам! Бурунги раис калондинмоғ эди. Зобитов, қўллаб юборинг, ота, деб оёғинга йиқилди, пишанг ташладинг, сўнг биргалашиб тагига сув қўйдинглар! Бориб-бориб, Зобитов ҳам ҳунар чиқарди, шохингни қайирди. Кайвонилик қилиб, яна ошдан куруқ қолгач, аламинг олти бўлди. Пайт пойлаб юрганингда Салом Ҳаққул, эл ризқини бутлайлик, бува, деб келди. Оқибат, у бечора қулоғини ушлаб кетди, сен-чи? Унинг қўли билан Зобитовнинг этагини жиндак кўтардинг, энди ўла-ўлғунингча соянгга у кўрпача тўшайди! Сен — дўзахига тагин нима керак?

— Дилимни оғритма, чироғим! Бу тўқайда сен янгисан. Мен эсам, қашқирдай изғийвериб эгнимда туким, оғзимда тишим қолмади. Баланддан келсам бувамга сичқоннинг ини минг танга, деб ўйлаяпсан шекилли, дўқ урасан! Хў-ўй, қасдланган туядан кўрқ: қиёматда ҳам кечирмайди. Жойини топиб, шундай чаламан... ух, дейсан, додинг худого етмайди! Ундан кўра, иззатинг борида этагингни йиғ. Анали хуржунни кўряпсанми? Сен тугул каттазанг Зобитовниям, ундан улўғиниям думи шу хуржунда! Улар номозини бежиз этагимда ўқимайди! Сулаймон ўлди — девлар қутулди, деган Зобитовмиди? Бир ҳамлада жонини кадига қамадим-ку! Улуснинг улўғи — сиз, пирим, деб тилёғламалик қилди, тўнлар ёпти! Эҳ-ҳэ-э, сен — нима, ҳафтафаҳми?

— Ичиқоралар сизни бир ўламса чол-да, дейди, лекин офатсиз, бува!

— Шу колхозни тузган ким, деб отангдан ҳеч сўрадингми, падарқусур? Тошбоев буванг тузган! Босмачини қон қоптирган ким? Буванг — Тошбоев! Манави, чиноқ қулоғимни Эргаш кўрбоши кесган, уқдингми? Уртоқ Сталиндан раҳматнома олган буванг! Юрибсан-да, ҳэ-э!..

— Мендан ўтди, бува, қўйинг, қизишманг! Асли кенгаш тилаб келувдим.

— Кенгашни, бор, отангдан тила!

— Сиздан бошқаси дардимга малҳам бўлолмайди, бува!

— Ҳали шунақа, де? Унда, нега тилимни қичитасан, зангар!.. Хўш, нима дардинг бор эди?

— Қувсиз-да, бува, гўлликка соласиз, ниятимни пайқаманган бўлсангиз кошки? Кўзларингиз айтиб турибди-ку...

— Ота-буванг темирчи ўтганми, дейман, чироғим, ҳадеб маҳси гичирлатасан? Зобитов билан тилимиз бир, деб танбурни хўтиқнинг қулоғига чертдимми, а? Хол қўйдинг — тилингдан чопилдинг, майли, гуноҳингдан ўтдим, бор, жўна, тошингни тер!

— Зорим бор-у, зўрим йўқ, бува. У ёғи — имонингизга ҳавола. Мен эсам, белни боғлаб майдонга чиқдим! Е енгиб муродимга етаман, ё ўлиб нари-берисидан қутуламан! Ҳазир бўлинг, қўлим баланд келгудай бўлса, сизга ҳам омонлик бермайман, бува!.. — «Мени хўқ урармиди, қароғим!», деди, кўрқди, товуши қалтираб чиқди! Е чиндан Зобитовга ҳамтовоқмикан? У, пирим, деб тўн ёпибди-ю? Энди шошма, Ҳакимбек, сув лойқаланди, али-бали, деб ўтирмай, жон чиқар жойидан тут! Йўқса, ишнинг расвои

чиқади». — ...Узингизни авлиё тарошланган, Тошбоев одамлар анойи эмас! Салом Ҳаққулнинг бошини кундага қўйган — сиз! Е шуни элга овоза қилайми?

— Ҳаёлинг жойидами, тентак? Нималар деясан ўзи?

— Сиз, Зобитов, Бўри маймоқ... айтаверайми?

— Қайгўрдагиларни ким айтди сенга, касофат?

— Осмондан олиб жаврамаётгандирман! Сиз...

— Е раббано! Ут балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан...

— Талмовсираманг, оғизбирларингиз бўлганини бозор қилишди-ку. Эшитмаган тешиккулоқ қолмади Ғужбоғда. Ғафлатда қолибсиз-да, бува!

— Уккағар Зобитов мени ёмонотли қилдими, а?

— Укасиям!.. — «Уйловда қолмайсан-а! Шохига урсанг тўғи зирқирайди. Айтгандай, девнинг жони қўлингга экан-ку, Ҳакимбек! Эсингдами, кассирликка тайинланган кунинг Зобитов, Бўривойни қақир, деб қолди. Уни на молхондан топдинг, на уйдан. Шунда Зобитов қўлингга сўргичланган пакет тутқазди: «Тошбоевга етказ. Бошинг бориб, оёғинг қайтсин, бачам!» Пакетни олатуриб, чолнинг акашак қўли япроқдай титради. Сўнг ҳадик тўла мунчоқдек кўзларига иблисона кулги югурди. Куллук, дея ҳақоратомуз ишшайиб, жўрттага тавозе қилди. Энам қотганини кўриб, баттар эгилиб-букилди, Зобитовга таъзимимизни етказинг, чироғим, деб захаролуд тиржайди. Хўш, нега? Бу макринг тубига етиш керак!» — ...Тошбоев бува, эсингиздами, хўв бирда сизга сўргичланган пакет олиб келувдим. Зобитов уни бературиб: «Ҳакимбой, сен ўзимизнинг одамсан, уруғимиз бир, хулласи, орамизда сир йўқ. Энди, бу, Тошбоев дегани беҳаловат илон, аврагудек бўлса, лаққа тushima! Газанданинг бошини манави сабил билан мажақламасак, захрини сочаверади», деган эди. Ака бўлмишининг бу ҳадиғига Бўри маймоқ иршайган: «Э, ака, қўй, бўлмағур ўйлар билан каллангни қотирма. Сен айтган илоннинг пўсти қолган. Қайтиб инидан чиқмас, ахир унинг ҳам тумшуги қонку», деган.

— Йўғ-э?

— Рост. Елғон айтиб, менинг бошим иккитами, бува!

— Гапинг ишонимли, Зобитов — қавмпараст. Пўсти қолган, деб қайси бири айтди?

— Иккови ҳам!

— Оббо ўлаксахўрлар-э! Шундай дейишдими, а?

— Тап тортмасдан шундай деса бўладими!

— Адашибсан, Зобитов, кўп эсарма: Тошбоев сен ўйлаган илонлардан эмас!

— Ишқилиб, ҳушёр бўлинг-да, бува! Бу ёғи — шудгорчилик. Бирда бўлмаса, бирда Зобитов сизни қақирари, ер илмининг пирисиз, газлаб беринг, шудгор қалай, деяри бор. Тимирскиланиб турганингизда, плугнинг тагига тиқиб юбормасин. Тагин лошингизни тополмай, тўпроқ титиб қолмайлик!

— Э, э, қароғим, қайси бир дардимни айтди? Доғули Зобитов юрақолди қилиб қўйди мени! Уша хуфтон Маҳмуд кўрнинг ифторлигида эдик. Мулла Суярнинг азони тугаб, бир бурда нонни нишолдага энди булаб олаётувдим, Шоқирбой, уйингизга меҳмон кепти, деб қулоққоқти қилди. Бемаҳал келган ким бўлди, деган ўйда гурунгни ташлаб чиқдим. Ҳаққост рост айтдинг, қатрондай кеча эди, кўз курғур оёқостини илгамди. Шабкўрдай қоқиниб-суруниб, фонусни олачикмаганимга пушаймон еб, амал-тақалда дарвозагача етдим-ов. Йўқ, йўқ! Ҳали сен тўбичоғингни қўйган жойга ҳам келмаёқ бир шарпа йўлимни тўсиб қикди. Е ҳаллоқи олам! «Тошбоевмисан?», деди. «Ҳм» деб овоз берарманми, кифтимга қирғийдай чанг солди: болоҳўрнинг тирноғи елкамини уйиб юборди. Нима жоним бор менинг, чироғим? Ҳалиги мени азот кўтарди-да, ҳе йўқ-бе йўқ, бир силтовда мошинга тиқди. Зурға юрак ютиб, «Тинчликми, болам?», деб сўрадим. Қисталоқларнинг бари мум тилшган. Ичим сидирилиб кетди: «Кунинг битган экан-да, Тошбоев!» Дайработга — Куйик лўлиникига элтишди. Етимакдай тепиб-турткилаб оғилга киритдилар. Ичкари ғирашира, пойғадаги охур лабида исчироқ липиллаб турибди. Биров қиличнинг дамидай кескир овозда ўдағайлади: «Ҳой, Салом Ҳаққул, ростиини айт, ҳужжатлар сендами ё Тошбоевдами?!» Дағдағасидан Бўри маймоқ-ов, деб қўйдим... Не кўз билан кўрайки, ўзимизнинг Салом Ҳаққул! Бурчакдан

куни битган сипоҳидай мук тушган. Занғар алп жасад эди-да, чўчишган-ов, қўлларини қайириб боғлашибди. Сенга ёлғон, худога чин, Салом Ҳаққул пинак бузгани йўқ! «Езган ким?», деб сўрашди. У оғринди. «Бунча сиёсат қиласан, Бўри? Қўлингга бўлса, ташлаб юбор осмонни!», деди-я. Ердан чиқидми, осмондан тушидми, бир андисибёқ найнов унинг тепасида ҳозир бўлди. Ҳойнаҳой, бурчакда паналаб турган. Эгнидаги чарм камзул эди-ёв, чироқда энги мумдай йилтиради. Энди бу мингир бир эзмаланди-ей, мижғовлигини чеки йўқ. Туйқусдан у чарсиллаб: «Худой деганингни айт!», дея газабга минди. Касофат нега қўлини орқасига бериб турибди, бавосирмикан ё... деб алағда бўлвдим, бунинг ойболтаси бор экан. Дастанси бир ярим қаричча чиқар, ўбдан чарх еган чоғи, тиғи совуқ ярақлайди. Салом Ҳаққул мундай оқибатни кутмаган эканми, чорасизликдан ачиқ қўлимсиради, ранжиб, «Эс-песини еб қўйганми, десам, соппа-соғга ўхшайсизлар. Бу нима қилиқ ўзи?», деди. Гапи оғзида қолди. Найновнинг қўлидаги ойболта қушнот момонининг алас латтасидай ловуллаб айланди-ю... Э-э, болам, нимасини айтасан! Чархи қачрафтор дегани шу-да. Ойда йигит, кўз юмиб очгунингча қора қонига беланиб турса!.. Е, кудратингдан! Бадбахт ихраниб, жон талвасасида қалқиб оёққа турди. Найнов тисарилди, ваҳму аросатда Салом Ҳаққулнинг бўксасига телди. Салом Ҳаққул ғўладай гурсиллаб оёқостимга кулади. Унг қўли шилқ этиб, айланиб тушди; билагида титиб чилвир... Панжалари юмилди, ахйир, оғилнинг кун тегмаган зах хокини чангаллаганча қотди-қолди. Тавба қилдим, тавба қилдим! Ҳакимбой, болам, қон дегани шириллаб оқар экан, бундай зуғумни кўрсанг, кўзинг кўрқиб қолар экан! Бетийиқ найнов ойболта ўқталиб, менга ҳам хезланди; кўрар куним бор эканми, «Қўй, бунга тегма!», деб Бўри маймоқ орага тушди. Э, чироғим, нарёғини сўрар бўлсанг, аслида Салом Ҳаққулга қўшиб, мени ҳам йўқ қилишган. Бу ёғи етмагандай, уч-тўрт кун ўтар-ўтмас сен ҳалиги пакетни қўлтиқлаб келдинг. Очмай туриб фаҳмладим, «Мен билган Зобитов бўлса, шундай қилар!», деган гумоним бор эди-да. Эсингда чиқар, уни ола-ола аста эзгилаб кўрдим, Ҳаким, болам, у бир нимта лаҳм эди! Ҳойнаҳой, Зобитов раҳматлининг ачиқ тилини суғуриб олган. «Тийил, Тошбоев, эмаса, бошингга шу кунни соламан!», деган замзамада уни сендан бериб юборган. Келтирган матоҳинг ҳали ҳам хуржунда, юрагинг бетласа, ана, очиб кўр! Яшамағурлар мендакин бувагингнинг бошига ит кўнини солди! Зада бўп қолдим, чироғим...

— Қўйинг, бува, ҳиқиллаб бағримни эзманг. Ҳозир йиғи-сиганнинг мавриди эмас. Дунё кўрган одамсиз, энди белли боғлайверинг! Биламан, Салом Ҳаққул анча-мунча маълумот йиққан-у, дасти калта эди-да. Мен эсам, сизнинг тилингни ҳам, қўлингни ҳам узун қиламан, бува!

— Ут билан ўйнашмайдилар, қароғим!

— Элга дўстлигингиз қани, бува?

— Айтишга осон-да! Юрак бетласа экан...

— Эскилар ёмонни ўз ёмонлигига топшир, деган. Тайсаллаб, яна гуноҳга ботамиз.

— Узангига кўз тикканмисан, а? Ниятинг шуми?

— Амалга давъоим йўқ! Майли, авом, адолат бор экан-ку, деб сизни олқаб юрсин; майли, Истарчи момо ер муштлаб мени қарғайверсин, лекин кўнгли чўкиб, армонда кетмасин, бува! Утинчим шуки, қўлансиган ҳаво бир тозарса, ўпкамни тўлдириб смирсам, сўнг... майлига! Бу йўлда не балого дуч келсангиз, балоғардонингиз бўлай!

— Баланд-паст гапни қўй. Аввалоси, бу юмуш сен ўйлаганчалки осон кўчмас, қолаверса, бенаф ғалвага не ҳожат? Билсанг, ҳар йилнинг бир баҳори бўлади. Колхоз тузиб, «Янги ҳаёт» деб от қўйганмиз. У пайтлар тушинга ҳам кирмаган. Эл юпун, нотинч, лекин тилаги улуг эди. Буни қара, қадимда қиз олиб-қиз бермаган тўпорилар апоқ-чапоқ десанг! «Бердиси»ни айтганда, улус бирақайига ловуллаб ёнди, борини хўжаликка бахшиш қилди. «Янги ҳаёт»нинг айна баҳори эди бу! Шу зайл қаҳатчилик, Эргаш кўрбоши тугул, Гитлериям ер қақшатдик, қора кунлар шаштимизини синдирилмади... Зобитовнинг кушандаси сену мен: у — сув, биз чарсиллаб турган ў! Уни анойи санама! Пишиқ ўйлаб, кейин ўлаксахўрлик қилди у; сездми, вақтида яжжиллов қилиб бурмаса, тизгин чўрт узилиб кетадиган.

Ҳали жужуқлигинг бор-да, қароғим! Дунёга келиб, нени кўрдинг?

— Ноумид — шайтон, бува, у ёғини қўйиб беринг, эгаси тафтиш қилар!

— Майли, айтганингча бўлсин. Тадорикингни кўрдингми ҳеч, қазган чоҳингга тойганиб кетаринг бор, чирогим?

— Ҳайит қурбонсиз бўлмас, бува!

— Э-э, Ҳақимбой, келдингми, қароғим? Айни пайтида етказди-да, сени! Буванг ул бўлди, болам, буванг ул бўлди! Шу кеча раҳматли Салом Ҳаққул тушимга кириб юрибди. Уша-ўша оғил, етти йил бурун кўрганымдай... Тонг туғар палла эди. Уйқу-уйғоқ ётган жойим. Кўз ёргандай бирдан ер тўлғоққа тушди, гўё қиёмат қўпди. Кўк қаъридан ҳукмфармо товуш келди:

«Салом Ҳаққул! Тур ўрнингдан!» У ўрнидан туракелди, қоқинмади, ўз кўйича оғилдан чиқиб, катта йўлга қайрилди — ўлаатга¹ қараб кетди... Савоб иш қилдик-да, қароғим, сафар қочди! Раҳматли Салом Ҳаққулнинг арвоҳиям чирқираб юривди, мана энди кўнглидаги кўксидегай бўлди. Мениям қайраб турмаганимда, бу гаплар қаёқда эди? Гўр оғзидан қайтдим, ўлиб тирилдим. Шу, десанг, тўғри қози қуззотининг ўзига рўпара бўлдим. «Э, Тошбоев, келинг, келинг!», деб қучоқ очиб қарши олди. Эмаса, ойлаб кутиб, эшигидан мўралаёлмаганлар қанча. Буванг...

— Илгаридан яқинлигингиз бормиди, бува?

— Ҳа, муғамбир, нега кўзларинг куляпти? Одам бўлмайсан сен! Нега жағ ураётганимни фаҳмладингми ё? Энди, тойлоғим, мен айтсам, ярашмас, сен учирим қил: «Тошбоев чол улугимизнинг эски қадрдони экан! Пичоқ суякка қадалгач, тўғри қошига чиқиб борибди. Зобитовнинг чархини чаппа айлантириб юборибди!», де. Майли, гап орасида «Қариганда охирати ғамини еб, теккина ўтирса-ку, ярашади. Қурмағур чол миясини еб қўйибди. Қилиб юрган ишини қара!», деб яниб қўй. Бу овозадан сўнг эчкини осмонда кўрасан. Ҳа, айтганча, раисликка ким маъқул, Ҳақимбой? Саид Маҳсумни кўз остимга босиб юрибман-у...

— Э-э...

— Нега қўл силтайсан? Айниганими? Мартаба, десанг Маҳсум томдан ташлайди. Ула-ўлгунча эгасига содиқ туради.

— Сизу мендан сўраб ранс қўйишмайди. Узингизни уринтириб, нима қиласиз, бува?

— Катталар Тошбоев бувангнинг олдидан ўтмай кунини кўрсин-чи! Бир аравакашни тайинлатиб, четдан тегирмонни юргизаверсаммикан, а, нима дединг, чирогим? Ҳи-ҳи-ҳи! Майли, йўлингдан қолма! Лекин, хушёр бўл — ўлар хўкиз болтадан қайтмас! Анавилар бир қутуради. Сендан қаттиқ гумонгир. Оқава қурғунча Нўҳнинг кемасига чиққину кўрсичқондай биқиниб кет! Эртан-мертан сени ҳам элиб тиқшар; хатар ўтар, ишқилиб, шунгача ёмон кўздан панада юр, дейман-да! Бола-бақрангнинг қарғишига қолар бўлдим. Мусибатда қийналганда умидсизланма, чида! Эсон-омон чиқиб келсанг борми, муртингни ойболта кесмайди! Даминг пўлатни эритадиган бўлади. Буванг қарағай ҳам қамалиб чиқмагунча яхши-ёмон, фойда-зиённинг фарқига етмаган. Зақунни сув қилиб ич — Ҳожиб бўлганинг шу! Келиб, бувангдай бир гулмихга эски хуржунни илиб қўясанда... Ҳе-хе-хе! Бор энди, борақол! Кўнглингни хушла. Бошинг тошдан бўлсин, чирогим, хайр!..

«Э, Тошбоев, Тошбоев! Беназир иш қилдик! Асли, ният холис эди-да». Ҳақимбек намиққан дастрўмолчасини қатлаб, ён чўнтагига солди, кейин ҳатлаб, ариқчининг нариги юзига ўтди. Чимтол уват момикдек юмшоқ эди, товони ботиб кетди. Оёқлари остида — сарғайган чимзорда қайтадан кўклаган ажриқлар барқ уриб турарди. Уватга туташ ўтпоя чўкиртка билан қопланган, тангақулоқ майсалар, барра йўнғичқалар уларни писанд этмай гурқираб ўсмоқда эди. Йўлакнинг икки ёнидаги қулоч-қулоч кузги оқ гуллар шохлаб, бачки ғунчалар тугиб, чаман бўлиб ётарди. Шипшийдам шотутлар ҳам яна куртак ёза бошлаган, баркут

япроқлари ям-яшил, мўрт, зариф эди. Куз оёқлаган бир пайтда кунлар илиб, табиат қайта-бошдан яшармоқда, бироқ бу яшноқлик замирида кўз илғамас жонсарақлик, безовталиқ ниҳон эди.

Қизлар кўйлак княди,

Жияги йўқ, ёр-эй,

Қилпиллайди қўш анори —

Суяги йўқ, ёр-ёр!

Саккиз-ўн чоғли қиз-жувон, кифтларида кетмон, тутчорвоқ ёқалаб ёвондан қайтишади. Олдинга тушиб, қилпиллаб кетаётган ўспирин чийилдоқ овозини баралла қўйиб, яйраб ўлан айтади, йўлдошларига тегишади, қизлар эса орланиб, ўл-э, беҳаё, дея койишади, унга етиб олиб, тўрткилашади, бунга ҳадди сиғмаганлар ўз ҳолича қиқирлашади. Ўспирин эса нашъа қилиб, оғзида чилдирма чалганча баттар илдамлайди. Улан авжига минади:

Ариқчадан ҳатладим,

Тушди пичоқчам.

Қизлар билан ўйнади-им...

Уланнинг сўнги сатри қий-чувга кўмилиб кетади. Қизлар мушт кўтариб, бақалоқни қувлашади. У калтақдан қочаман деб кирлидек питирлайди, кесакка суришиб, йиқилади. Мўр-малах каби ёпирилганлар уни ерга ағнатиб, келидаги жўхоридек туя бошлади.

Ҳақимбекнинг дили орзиқди, у далиғули гўяндою шовқин солиб уни қувган дилкаш, беташвиш қизларнинг қораси ўчунча кузатиб турди. Гунафша тусли шом қуюлган, осмон нопормон чодирини тортган эди. Уфқ гардишигина оқиш, гўё учқур чавандоз тулпорини елдириб келмоқда-ю, тубёқ остидан бодраган тўзонлар тизимча-тизимча бўлиб, тўзғиб қолмоқда. Ҳақимбек армон тўла нигоҳини уфққа тиккан кўйи маъюз жилмайди.

Бола эди. Сигир боқиб кунни ўтарди. Кунлар яқранг эди. Отаси инқиллаб-синқиллаб хуфтон намозини ўқирди-да, жойнамозни сидириб олиб, тахмонга итқитар эди. Зорлангандек, ё пириим-ай, деб ёнбошлаб мудрайди. Онаси деворга суянган кўйи ёстиқлик қуроқ қўрайди. У жим, Ҳақимбек жим. Сомонсувоқ деворлар баъдига урган, қачон қарама — яқранг, қачон қарама — тунд. Яқранг кечалардан кўнгли қолган: отасининг туриш-турмушидек одатий, она-сидек сукутпараст...

Иттифоқо, шувоқ чопиғида отаси уни даштга эргаштириб чиқди. Ҳақимбек, Алпомишдек ирим қилиб: ху тоғ тепасига чиқсам, нариги қуйруқда қандай элат яшар экан — бир кўрсам, деди. Менинг Барчинойим ҳам шу тоғлар этагида, тўқсон алп сиқувиде йўлимга кўз тикиб ётгандир! Уни кутқарсам, деди. Хаёлида Бойниборни дараларни гумбурлатиб, иркилмай ўрқачларга чиқаберди...

Намозгарга бориб у иситмалади, ўқчиб-ўқчиб, йўталди. Кечга томон онаси унинг баданига қиздирилган думбаёғи сурқади, ўраб-чирмаб бурчақдаги пўстақка ётқизди. Ичи музлаб, суяклари қақшаб, худ-беҳуд ётган Ҳақимбекнинг кўзларига овлоқ тепа, тепа бошига тикилган оппоқ ўтов ва ундан чиқиб келаётган хаёлий Барчинойим кўринди. У Ҳақимбекнинг бош учига келиб ўтирди ва энгашиб, деди: «Мени деб шунча ситам чекибсиз-эй, жон бегим! Сизга қурбон мендай ойимнинг жони!» Барчинойининг кўзёшлари қайноқ эди, қайноқ ёшлар дарё бўлди, шу дарёда Ҳақимбек деганлар ҳам муз каби эриб кетди...

Уша ором унинг жисми-жонини яна банд этди. Ойбарчинни кўмсади. «Поликлиникага ўтсаммикан!» Эзгин кайфиятда у сундек тошиб ётган оппоқ гулларга ўйчан тикилди. Ойбарчинга учрашсами? Ҳарқалай, эрталабоқ шу ниятни кўнглига туккан, йўлиқмаса — бўлмас, кейин қачон кўради уни? Ахир, шу туфайли у онадан қайта тугилди, ҳарқалай, айбини ювди. Кўнгилетари — Ойбарчин-да!..

— Пашистинг моятдан тутамлагандай, де? Хў-хў-хў! Куйик лўли тўрвасидаям йўқ гапларни топасан-э, Болтавой! — Ҳе-хе-хе!..

Ҳақимбек чопилган дарахтдек қалқиб кетди. Гуллардан кўз узиб, ошхона айвонига қаради. Эгнига пахталик кийган боёғи миқти киши асфальт супачада шамолга орқа бериб,

¹ Улаат — юрт, макон (шева).

букчайиб гугурт чақар эди. Сигаретини чўғлантириб олгач, чарм камзулли шериги — Болтабойга, «Кетдик» деган ишорада бош ирғади. Болтабой сўзга чечанлигидан, айниқса, боя гапга тўн кийдириб юборганидан ғурурланиб ўзида йўқ хурсанд эди. У сўроқ аломатидек букилди, эшилиб, товуш чиқармай кўлди; юқори лаби ингичка тортганда қонсиз милклари кўриниб кетди. Унинг узун, озгин жуссаси ҳамда бесўнақай кўллари Ҳакимбекка боя Салом Ҳаққулни эслатган бўлса, бадҳазм ишшайиши ғашига теги; унга нисбатан дилида нафрат тўйди. Бу ёқимсиз тўйғу замирида ғайри шуурий безовталиқ яширин эди. Ва у лаҳза сайин илди эйди, вужудини буткул чулғаб олди, назарида, еру кўк ҳам бадфеъл кампир каби бирдан тўрсайди. Болтабойнинг тўғдор қарашлари... дилгирлигини зиёда қилди. У шоша-пиша марза ёқалаб мотоцикл сари юрди. «Тулкини инлатган тозидай бунча айланишмас!» Дардисарлар бир ғавғони бошламасайди».

Ақсига олиб, ҳадеганда мотор ўт ола қолмади. Ҳакимбек эса нукул шошар, ёв қувғандек юраги ҳаприқар эди. Шу маҳал ошхона эшиги шарақлаб очилди. Мас-аласт бир тўда шовқин-сурон солиб сугага чиқди. «Чашма»хўрлар-ку!» Улар лаб-лунжини йиғиб ололмади, тўлқиндаги хашақлардек чайқалиб, қўлтиқлашиб келаётган эди. Ногоҳ, қилтирдек йигит — Аҳмад тўдадан отилиб чиқди, бир шиша винони боши узра кўтарганча, хирилдоқ овозда куйлаб юборди: «— Уч-чувчи-нинг ор-рзувси бит-та-а — ба-ланд-ли-и-ик!»

Уни кўриб, Ҳакимбек серрайиб туриб қолди. Сўнг, кўнгиелтарининг номатлуб қилигидан оғринган каби хаста-ҳол кулимсиради. Боя-ку Аҳмаднинг анавилардан ажратиб олиш зарур, деб лафз қилувди, йигитни афтодаҳол кўриб, ихлоси қайтди ва у истаги энди қандайдир ҳавойи туюлди. Айни чоқда, уша ниятидан кечшига, ботқоққа чўкаётган гофилни кўра-била туриб кўз юмиб кетишига нимадир йўл бермади. Баайни шу сония йигит қалқиб кетди, сўнг ўққа учган аскар каби гуриллаб тўшди; кўлидаги шиша тошга урилиб, чил-чил синди, қондек вино заиф чанг кўтариб, қақроқ асфальтга ёйилди. Улфатлар алпанг-талпанг қадам ташлаб, Аҳмаднинг тепасига келишди ва оёқ кериб, уймаланиб тураберишди. Ниҳоят, жайрасоч, ўрдакбурун киши оғзидаги папиросини унга қарата тўглаб, ҳиринглади. Бошқалар ҳам тоза ғаройиб ҳодиса рўй бергандек оламни бошларига кўтариб хаҳолаб юборди. Қизиқ устида ўрдакбурун киши Аҳмаднинг кетига ўхшатиб тепди:

— Расво қилдинг, энагар!

Аҳмад туришга уринди, бироқ тинка-мадори қуриган бемордек ўмганлаб қолди. Хийла ўтгач, ҳамон тепасида хирилглаётган тўдага ғарибона илжайиб қўйди. Хўрликдан шекилли, юзи синиқди. Ҳакимбек бориб уни ердан даст кўтариб олмақчи бўлди-ю, қон силқиган ёноғига кўзи тушгач, тайсаллади. «Тошга урилган-да, ёноғи ёрилибди». Аҳмад эса оғриқни ҳам сезмас, кўзларини чирт юмган ҳолда нимадандир беҳад мамнун, илжаймоқда эди.

Ҳакимбек дилтанг, чўнқайди. «Нима жин урди бунди? Бензин тиқилдими ё? — У карбюратор тугмачасини босди. — Эҳ, одамзод, кўрган кунинг курсин сени!»

У, жони ҳалқумига тиқилиб, тепкини босар экан, Аҳмаднинг гумроҳлигидан куйиниш, манови зотларнинг номаъқул хатти-ҳаракатларидан ирганиш ҳисси қатори яна бир тўйғу юрагини кемираётганини тўйди. Кифтида аллақимнинг нигоҳи, гўё уни кимдир таъқиб қилмоқда, пайт пайламоқда... Мана, ҳозир кураги остига пичоқ санчади! Ҳатто этида тўғ даммини сезгандек вужуди жимиллаб, илкис силтанди, лекин ортига ўгирилиб қарамади. Ясама ўктамлик билан эгарга ясланиб ўтирди-да, секин муфтани қисди. «Ким бўлди экан? Нега энди?..»

Катта йўлга чиқаётганида таниш унсур диққатини тортди. Ва беихтиёр йўлнинг чап юзига, у ерда гуриллаб турган «ЗИЛ»га, биратўла кабиного кўз қирини ташлади. Иттифоқо, нигоҳи илонниқидек совуқ назар билан тўқнашди. Миясига қон тепди. Вужуди кўзга айланиб, қаҳру ғазаб билан ўша жонсарак кўзларга қадалиб қаради. Ундаги ҳар бир ўзгариш Ҳакимбекнинг ёдида муҳрланиб қолди: дафъатан таъқибкаш кўзлар қаққайди, сўнг ноҳақлигини ҳис этди чоғи, синиқди, журъатсизланди, серкиприк мижага қасдланиб, хусуматли қисилди.

Ҳакимбек «ЗИЛ»ни ёнлаб ўтгач, нохуш кайфият тўйди: вужудидан иситмадек ёқимсиз ҳовур кўтарилди, кўзлари тинди, кейин ногаҳоний балодан қутулгандек бўшашиб, анча энгил тортди. «Бу олакўзни кўрганим бор-ов? Дабдурустан устимга машина ҳайдамоқчи бўлди-я, тавба! Нега унақа қилди экан? Бир баъра қолди-да. Тагин ҳам кўз кўзга тушганда ҳаросат босди, гангиди. Шашти ёмон! Ҳа, кетимдан тушганлар — шулар. Қизиқ, бу олакўз ким бўлди? — Ҳакимбекнинг кўз ўнгига ошхонада ўзига орқа бериб, букчайиб ўтирган миқти киши келди. — Адашмасам, «Қўйсанг-чи, Болтавой! Сен билан мен ўйиндан четдаги одам», деб жеркингани ўша эди. Олакўз — Болтавой чиқар? «Мурув-ватга бало борми, ахир?!» деб, тўнғиллаётган эди-ку! Нима бало, билиб-билмай, бирда-ярим ўтказган жойим бормикан? Бўри маймоқнинг иши-ёв бу! Ундай десак, Саид Маҳсум нега мурасою мадора қилаётувди? Гап ерда ётмайди, Ҳаким! Маҳсумга айтганларинг Бўри маймоқнинг қулоғига етиб борган; шунинг жазавасидир бу! Ҳали-бери булар менга қўл текизишолмайди. Анави ҳужжатлар билан ўйнашиб бўпти! Ҳозир шуни олиш пайида. Тошбоевнинг хуржунда озмунча нарса борми? Шунга эғалиқ қилмагунча, чертишмайди ҳам! Итининг феъли эгасига маълум. Пўписи бу, шунчаки, йўлига...»

Ҳакимбекнинг суяклари андак оғирлашди. Ортиқ ҳеч вақога қизиқмай қўйди, дардманд хотиржамлик ва ло-ҳаслик боис руҳи чўкди. У на базми жамшидга ва на бўлак кўнгилоғликка хошиш сезди. У поликлиника ёнидан тўхтамай ўтиб кетди, бироқ кўча поёнига етар-етмас рулни кескин бориб, изига қайтди. Поликлиниканинг қўшқават ғиштин биноси рўпарасига келиб тўхтади. Бироқ, моторни ўчирарини ҳам, ўчирмасини ҳам билмай, каловланиб қолди. Ахийри, калитни сугурди-ю... Ойбарчинга йўлиқиш ноқулай. Қандай йўлиқсин? «Йўлим тушувди, сизни кўриб ўтай дедим», десинми? Бу гапдан Ойбарчин кулмайди-ми? Жилай деса, ҳозир унинг на бирор кўнгиелтортари, на эмин-эркин ўтиргулик гўшаси бор. Ойбарчинга тўқинишга эса ҳадди сиғмайди. Ниҳоят, эгардан ириб тушди-да, жаҳд билан моторни ўт олдиришга пешлай бошлади, сўнг ўнг кафтини шокилани мато қопланган эгарга таяб, ўнг оёғининг учини тепкига қўйди. Шунда у тепкини босиш тугул, мотор ўкиригию жонини кўярга жой тополмай бетайин изғишларгача — барчаси бирдек меъдасига урганини ҳис қилди. Ҳасрат тўла кўкрагини ғижимлади. Бир пайт орқароқда «ЗИЛ»нинг мотори зўриқиб гуриллади. «Иҳ! Яна шу товонтешарларми? Бунча зулукдай ёпишиб олмас!» Чаккалари лўқиллаб, бошига оғриқ кирди, зил-замбил мияси босиб кетаётгандек бўлди.

«Шулар ҳам юрагимга тўкилди-да!» Ҳакимбек, кураги ерга теккан ҳамиятли полвондек қони қизиб, олам ва тавадди билан бошини кўтарди-да, тепкидан оёқ олиб, кажавада ётган узун темир калитга узалди. Яроғланиб, Болтабойнинг устига бостириб бормоқчи, «Ҳой, қани, туш буёққа! Онаннинг ҳақи қолган бўлса, ол! Биратўла орани очди қилай», демоқчи бўлди. Калитнинг йўғон тўғасига кўзи тушгач, қирпичоғу тўкилажак қонлар... лоп этиб кўз олдига келди ва яна йўловда қолди. Бирон йил илгари — қўли қичиган кезлар булар қаёқда эди-ю... Эҳтимол, жўрттага қитиқпатиға тегишаётгандир? Ҳали ошхонада ҳам сўнадек қақишди. Анавиниси ҳақоратомуз иршайди, қилиқ кўрсатди. Кейин... тикка устига машина ҳайдади. Жанжал чиқариш пайида. Номига машмага кўзғашаю Ҳакимбекнинг оёғини ерга теккизмай элтиб қамашса; «жабрланувчи» — Болтавой кўрпа-тўшак қилиб, касалхонада ётиб олса, терговчи иш кўзғаса, «даъвогар»лар бирга ўрни қўшиб-чатишса! Қарабсизки, жамоанинг хаёли чалғийди, Зобитовнинг қилмиши эътибордан четда қолади; дунёнинг ишлари чувалашиб, яхшию ёмон, фойдаю зиён аралаш-қуралаш бўлиб кетади, кейин бориб тушингни суга айтасан, мулла Ҳаким! Катта тўлғоқ тутиб, сўроқ бериб ётганинда Зобитовнинг жиноий иши ёпилади: яктанлари унинг сиртига сув юқтирмай олиб чиқиб кетишади. Эл назарида, ким ёмон — Ҳакимбек ёмон; ким бузғунчи — Ташбоев бузғунчи! Ана, сенга ҳангомал Уч-тўрт калла ўбдан кенгашиб, қилинаётган иш-да бу!..

Ҳакимбек ғанимини пайқамган, сезганда назарга илманган киши алфозида мотоцикл калитини сугуриб олди-да,

занжирини шаҳодат бармоғидан ўтказиб, айлантириб ўйнамоқчи, ўзини кўнглихуш кўрсатмоқчи бўлди. Аммо дилидаги қувлик юзага чиқмади: фаромуш, калитни чўнтагига жойлади-да, иситма доғида каловланиб поликлиника сари юрди. Йўл-йўлакай оёқ остидаги қайроқ тошни тепиб юборди, узалиб, чинор чивигида илинибгина турган қонталаш япроқни юлди, бандини чайнади, тахир таъм оғзини ачиштиргач, тупиринди. Зоҳиран Ҳакимбек овуңч истаб юрган дарбадар сиёқида кўринса ҳам, асли беҳад паришон ва дилгир эди. У ҳам тўнган кўзларини йўлдан узмай, йўқотганини излаганнамо бир-бир босиб, мармар пиллапояларига етди. Чанг ўтирган зинадан кўтарилиб эшикка етгач, бир лаҳза эшикланиб турди, сўнг оқ чивақи гул солинган оғоч тусли эшик тутқичига ҳорғин қўл юборди. Табақанинг ошиқ-мушғи зорлангандек гийқиллади.

Нимқоронғи даҳлиз ҳавоси анча оғир эди — дори, атир, кийим-кечак ислари қоришиқ. Унғ тарафда мўъжаз дорихона. Девордаги суратда кўзларига қон қуюлган бир ит тилини осилтириб, сўлаккайини оқизганча гўё ҳансираб турибди. Тепасида: «Кутуриш хавфли!» деган битик. Ҳакимбек ундан кўз узди-да, унингчан одми пойандоз ёзиғлиқ йўлак бўйлаб кетаберди. Йўлак тўри гордек қорайиб кўринар, афтидан, чироқларни ёқиш биронтанинг хаёлига келмаган эди. Адоқдаги қаймоқранг эшик табақаси қия очиқ экан, бўздек девору қирмизи полга ичкаридан ингичка ёғду сўтдек қуюлиб турибди. Ҳакимбек шарпасиз бориб, ичкарига ўғринча мўралади. Деворга бақамти жигаранг жавон, унга тираб қўйилган ва устига оқ чойшаб ёпилган темир каравотча кўзига чалинди. Деразанинг оч яшил сидирға пардалари полга тўкилиб турибди. Ана, сарғимтил стол, унинг устида «касалик варақа»лари, фонендоскопинг тарғил ичаги, ниҳод, оқ энгли тирсақлар...

Ҳакимбек, оёғи мумга ботгандек қимир этмай, пича тараддулланиб турди, кейин аста томоқ кирди.

— Марҳамат, кининг, киривринг!

Ойбарчиннинг майин овози гўё дардини олди — толғин чехрасига нур инди. Бу сас алла каби оромбахш эди.

...Ушанда у худ-бехуд эмасмиди!

Бултур, ёз кунларининг бирيدا, чоғош пайти Ҳакимбек оч биқинида заиф санчиқ сезди. Кўнгли озди. «Ёқмас оғчат едим-ов?!» Салдан кейин томоғидан нон ушоғи ҳам ўтмай қолди. Осмон чатнаб, саратон гармсели ишқом соясига ҳам айланшаётган палла эди. Ҳеч бўлмагач, у кўрпа-ёстигини қўлтиқлаб, сув сепилган салқин меҳмонхонага кирди. Ётса, суюяи чатнаб кетаберди. Устини очиб ташласа, муз қотиб, дилдиради. Турай деса, оғриқнинг зўридан биқинини ололмади. Кечга бориб, ичбуруқ-да, ўтар-кетар, деган умиди узилди. Ичи тандирдек қизиби, лаблари қовжиради. Чидаялмай, кўкрагини намга босди.

Кўнгли алағда бўлди.

Санчиқ забтига олди ва биров гўё ўтмас пичоқни биқинига сўқди-да, ўхшатиб буради. Олов селида қоврилиб, жон аччиғида ўрнidan иргиб турди. Хона ҳавоси сўриб олингандек. У каппа-каппа оғиз очмасин, ҳаво етишмайди, бўғриқади. Ташқарига чиқиб, ёруғ оламни кўргиси, тўйиб нафас олгиси келади. Аммо, шиша синиғидек биқинига қадалган оғриқ қимир этгани қўймайди. Бора-бора у ҳушидан айрилди.

Бир пайт у манглайига муздай томчилар урилайётганини ва шу томчилар жонига ора кириб, нафас олишга имкон туғдираётганини ҳис этди. У дорда мувозанатини йўқотган жонҳалак дорбоз аҳволига тушган эди: ҳу тубанда тош қотган ер, мабодо чаллак бўлиб тушса, омон қолиши душвор; жон сақлай деса, имкон бору мадор йўқ. Мана, ниҳоят пастга қулай бошлади. Вазнсизлик туфайли юраги шигиллаб, ичи сидирилиб кетди...

Ҳакимбек талваса ичра питирлаб, бемажол кўз очди. Оламни гўбор қоллаган эди, тўзон оғушида у оппоқ рўмол тангиган оқ халатли ҳамширани кўрди; қабатыда киши борлигини билиб, кўнгли таскин топди. Енига ағдарилиб, қулала бўлиб ётгиси келди. Бироқ қимирлаётган, кўл-оёғи операция ўриндиғига чандиб боғланган эди. Оч биқинида бир нима мумолидек ғимирлайди, гўё чевар бир неча сўзани бети ўйнатиб, ичакларидан пайпоқ тўқийди. «Кесишяпти чоғи?» Ҳакимбек кўзи очиқ ётаберди; кўзини юмишдан — тагин дордан оғайтган дорбоз аҳволига ту-

шишдан чучиди. Ногоҳ кимдир юрагининг таг-томиридан қулайлаб сиқимлади-да, илкис, беомон тортди. Жони ҳалқумига тикилиб, манглайида кезинган ажал шарпасини аён илғади. Ширин жонидан, биракайига Тириклик дунёсидан ажралиб қолгиси келмади. Ваҳму аросатда инграниб, меҳр-шафқат ҳам юпанч истади:

— Дўхтир... дўхтир! Юрагим кўтарармикан?..

Гўбор янглиғ ҳарир туман оғушидан Ойбарчинни чиқиб келди. Бошида оппоқ рўмол; халати сурпдан эди унинг. Юзлари — гулкосасидан ҳали шабнам аримаган қаймоқранг атиргулнинг нақд ўзи. Меҳрибон нигоҳида бир куюниш: «Кўп азият чекибсиз-да, жон беғим!»

— Ҳаким ака, жиндак чиданг! Дард кўрмагандай бўлиб кетасиз!

Ушанда у худ-бехуд эди, бироқ табибининг жонбахш саси, ундаги ботиний далда руҳини тетиклаштирган, шубҳа-иштибоҳдан дили фориғ бўлган, чидаган. Лекин, барибир, дард кўрмагандек бўлиб кетмади!

...Эшик табақаси ланг очилдию чироқ ёғдуси Ҳакимбекнинг кўзларини қамаштирди.

— Вой, сизмисиз?! Нима қилиб турибсиз бўсағада? Қиравермайсизми, ахир!

Йўқ, бу шоша-пиша айтилган анчайин лутф эмас. Бурч тақозосига кўра табибнинг беоморга одатий марҳамати, мулозимати ҳам эмас! Кўпдан муштоқ бўлган кишига дуч келгандек Ойбарчин ўзини йўқотди, беихтиёр «Вой, сизмисиз!» деб юбориши шундан. Ийманчоқ овози хиёл титраб, суюнгани ошқор бўлди. Унинг чарос кўзларида ҳаяжон учқунлади. Буни кўриб Ҳакимбек ўзини қўрғач жой топа олмай қолди. Юраги тубида тошдек чўкиб ётган гуссани — зикланиш азобини унутди. Яқинидан айрилиб доғу ҳасратда куйиб қолган ўспирин ич-ичидан суйган янғаси билан бағирлашиб, сиқтар экан... қайноқ меҳр оғушида дарди эриб, ўзини, ҳам айрилиқ гуссани бирпас унутди. Шунга ўхшаб Ҳакимбекнинг ўпкаси тўзди. Дийдаси юмшаб, йиғиси қистади.

— Утиринг, Ҳаким ака!

Ойбарчин каравотнинг қатланган чойшабини тўғрилади ва Ҳакимбекни иззатлаб жой кўрсатди. Ҳакимбекнинг маврид-бемаврид қуюндек ёпирилиб келишларини маъносиз кетишлари боисими, ҳозир тўсатдан кириб келиши Ойбарчинни унча ажаблантирмади.

Ҳакимбек унинг сутга чайиб олингандек тиниқ, малоҳатли чехрасида, бодом қовоқларида, доимо намланиб тургучи серкиприк, хуркак кўзларида бир аломат кўрди: одатда, кичкинтойлар чала қолган кечаги ўйинни қайта бошлаб юборишга тутинганларида ўзларида шундай мароқ туюшади. Ойбарчин тирсақларини стол қиррасига таяб юзини қафларига босди ва қизалоқникидек маъсум назар билан Ҳакимбекка қизиксиниб тикилди. Бежирим халати кўкракларини сириб, тўлиша бошлаган қоматиға ярашиб турар, зангори кофтанинг нуқси уриб, халат хиёл қуқимтир тусга кирган ва бу ҳам Ойбарчиннинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборган эди.

«Шунга ўйланганимда нима бўлар эди? Менга ҳозиргидек азиз туюлармиди?»

Рўзгор қурган тақдирларида тотув яшармидилар ё нототув — фол очиш қийин. Лекин шуниси аёнки, Ҳакимбекнинг қисмати бошқача кечар эди. Шу ўй бирдан дилида армон қўзғайди: «Бу қандай кўргилик?! Наҳот унга соядек эргашиб ўтсам? Наҳот энди У мен учун армон — шу ёноқларни силашга ортиқ ҳаддим йўқ?! Мен ҳақимда қандай фикрда экан? Зиғирча кўнгли бормикан, жиллакурса, ҳурматлармикан ё азбаройи ачинганидан меҳр кўрсатармикан? Мен каби унга ҳам қийинмикан ё барчасини аллақачон унутиб юбордимикан? Ҳозир нимани ўйлайётган экан-а?»

Ойбарчиннинг кўзларида у ошқора синчковлик билан тикилди. Қарашида гумонгирлик йўқ эмас эди. Ойбарчин аста кўзини олиб қочди. Чамаси, у Ҳакимбекнинг кўнглидагини уққан, шунинг баробарида бурунги хотиралар, армон бўлган тилақлари дилида бош кўтарган, фақат, буларни ташига чиқаришни, Ҳакимбекка сездириб қўйишни сира-сира истамас эди. Унинг маъсум чехрасидаги бояги яшноқликдан асар ҳам қолмади, қуйи лаби хиёл титраб кетди. Ҳакимбек кечинмалари унга ойдек равшан эканига инонди. Назарида, руҳлари туташ ирмоқлар каби сингишиб

бораётир. У ҳузурбахш изтироб таъсирида мунғайди ва узун кечалар тангридан мана шундай дамларни тилагани ҳақида ўйлаб кетди. «...Бири кам дунё-да бу! Ойбарчин-эй! Бунча ҳам яхшисан, кўрагимдан итармайсан. Бечора мусичадан ҳам увол, бир гап айтиб дилини оғритмай, дейсан-да! Борингга шукр, Ойбарчин! Сени кўрсам, юрагимга мадор киради. Сен бўлмасанг, анави ишга журъат қилармидим?! Бугун...»

Шу асно у Ойбарчиннинг тим қора кўзларида жилваланган шавқ учқунларини илғаб қолди. Бировнинг ҳолига Ойбарчин кулмайди, Ҳақимбек бунга иқрор, бироқ эзгин кайфиятига буткул зид шавқ учқуни унинг туйғулари топтади. Чиндан ҳам Ойбарчин ичида ундан кулаётган бўлса-чи? «Э, Ҳақим, Ҳақим! Сени жин чалди-ёв, қайси эшикни очсанг, бошингда таёқ синяпти! Ойбарчинга суяна деб беҳидай сарғайиб келувдинг! Келган ўз оёғинг, кетган ўз оёғин, қуллук бўлсин еган таёғинг! — У пушаймон бўлиб, Ойбарчиндан кўз узди, деразага қаради. Кўққисдан Салом Ҳаққулнинг, «қассобга мой қайғуси, эчкига — жон», дегани хаёлидан кечди. — Мазэх қил-эй! Ҳа-а, шу экан-да! Мен — нодон... Ҳа, майли, майли, Ойбарчин, сен манглайи ярқироқ қизсан, турмушининг аччиқ-чучугини тотмагсансан. Улоққан кучук остонанга бош уриб келибди, уни тепма, қақшатма! Шўрлик имдод тилайди-да. Елғизлик азобини билмайсан, Ойбарчин, кўнгилетаринг бўлмаса ҳам қийин экан!»

Дераза ортидаги ўрикнинг серпўстлоқ танаси намиққан, у жигартоб кўринарди. Емғир томчилари баргларга шарт-тиллаб урилар, банди куриган япроқлар эса шоҳидан узилиб, пирпираб тушар эди. Йирик бир томчи дераза ойнасига чарсиллаб тегди-да, узум суви янглиғ сачраб кетди. Кейин яна, яна... ниҳоят, томчилар деразанинг ғуборли ойнасида намчил из қолдириб, кўзёшидек сирғалиб туша бошлади.

Ҳақимбек ёзириб, вазмин кўзғалди. Эшикка етай деганда Ойбарчиннинг «Аразладингизми, Ҳақим ака!» деганини эшитди. Тўхтади, ҳа, энди сиздан умидимиз шу эди. Бизга нарёғи ҳам етиб ортади, дея захрини сочмоқчи бўлди, бироқ Ойбарчиннинг гапи шунчаки, кўнгил учун айтилмагандек туюлди. Унинг титроқ овозида ачиниш ҳисси ҳам бор эди. Ҳақимбек ўпкеланганнамо қайрилди.

— Ишингиз тугадими? Энди бўшмисиз, Ойбарчин?

— Нимаиди?

— Улар дунёда бир...

Ойбарчин бир қалқидио шамдек қотди. Анор донасидек ақик, ингичка лабларидан қон қочди. Кечинма майлида эҳтиётсизлик қилиб, хунук гап чиқишига йўл қўйганидан афсусланди шекилли, юзига ташвиш соя солди. Диққати ошганини яширолмаё фонендоскопнинг тарғил ичагини эзгилай туриб шикаста овозда деди:

— Сизни ака ўрнида кўрсам-у... Кўйинг, ундай деманг менга! Худди бир нимадан хафа боладай эшикдан кириб келувдингиз. Энди...

— Гап бундай, Ойбарчин! — Ҳақимбек ҳаяжондан бўғилиб тин олди. Ойбарчиннинг: «Худди бир нимадан хафа боладай эшикдан кириб келувдингиз!» деган гапи яхлаган дийдасини эритди. Бўсағада турганида, кейин каравотда мўлтайиб ўтирганида Ойбарчин уни бир нимадан хафа болакайга ўхшатган, шавқ туйган! Ҳақимбек тўлқинланиб кетди, энтикканча:

— Ойбарчин, билсангиз, бугун менинг туғилган куним! — деди. — Гап шундаки, қиёматлик қарздорингизман! Сиздан кўлдан кўп яхшилик кўрдим, Ойбарчин! Бугун...

Ойбарчин унинг гапини бўлди:

— Вой-буй, шундай дейишга уялинг, Ҳақим ака!

У Ойбарчиннинг гапини тинглашни ҳам истамай, «Бир зум гапимни бўлманг» деган маънода кескин ишора қилди ва кўтаринки оҳангда сўзлай кетди:

— Э, сиз шошманг! Нима яхшилик қилганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, ҳали айтиб бераман, Ойбарчин! Ҳаммасини, батафсил... Гап шундаки, мен барининг баҳридан ўтиб, гарданимдаги қарзни уздим! Асли бу қарз ҳам эмасдир, нима бўлсаюм шундай қилиш зарур эди, қилдим! Қисқаси, бугун — туғилган куним! Аминман, бундай кун қайтиб эшигимни қоқмайди! Ақалли бирор марта мен ҳам

одамга ўхшаб туғилган кунимни нишонласам, бунинг нимаси ёмон? Ойбарчин, сиз бирга бўлинг, жиллакурса, чорак соат... Осмон қулаб тушмас, ахир? Лоақал чорак соатгина-я! Хўп, денг! Сизга ёлғон, менга чин: шу кеча мижжа қоққаним йўқ! Тонг туғмаёқ, насиб этса, бугун базмжамшид қиламан, деб кўнглимга тугдим. Эрта билан Ғужбоғтепага чиқдим, қишлоғимизда шундай тепа бор, ўзиям Оқтовдан чўнгроқ! Шунга чиқиб, чўнқайдим-да, ўлаатга разм соли-иб қарадим, Ойбарчин, ишонсангиз, нортуюдай чўкиб қолдим! На бир дўсту ёрим бор экан, на бирор яқиним! Зарурати бўлмаганида сизни сира ҳам безовта қилмас эдим. Айтар гапим армон бўлиб қолмасин, деб бош эгиб келдим, Ойбарчин!

— Нима қил дейсиз? Ахир, кўрар кунимни билмасангиз экан.

— Ойбарчин! Еттиётни айтмай, тупроғи бўлакнинг — дарди бўлак. Лекин боя отам ҳам, ажал қувиб келяптими, тентак, мунча жониқмасанг деб таъна қилди! Танамга бунда-ай ўйлаб қарасам... майли, ҳар кимнинг ўз шўри!

Ойбарчин ўридан туриб кетган, хона ўртасида қўл қовуштирган кўйи кўрқувдан қалт-қалт титраб, адоий тамом бир қиёфада турар эди. Ҳақимбекнинг, муқаррар қазосига кўзи етгандек безёв, ички бир армон билан сўзлаши, айниқса, охириги илтижоси, гап оҳангидаги таъна-малолат уни беҳад чўчитган эди. Хуррак оху каби у тисланди ва стол эшиги таяниб, ўтириб қолди. Еқасини ғижимлади, Ҳақимбекка бирров кўз ташлаб, оқкўнгилик билан юпатган бўлди:

— Қўйинг, ундай деманг, Ҳақим ака! Мени жудаям кўрқитиб юбордингиз! Сиз... сизга нима бўлди ўзи?!

...Улар ресторан бурчагидаги хилват жойга бориб ўтиришди. Зал гирди алоҳида-алоҳида ёйсимон бўлма-лардан иборат, улар банд этган стол ҳам вассажуфтнамо деворли бўлманинг ичкарасида эди.

Қўббадаги тилла суви юритилган биллур қандилу сернақшин устунлардаги шамсимон чилчиқларнинг аксари атай ёқилмаган, ҳайҳотдек зал нимқоронғи. Ресторандаги энди бўланган шўх-шан, сурурли, «олиймақом» оқшомги ҳаёт ҳали-ҳозирча изга тушмаган эди. Пойгақда турган савлатли киши димоғ-фироғ билан залга назар ташлайди, кўз учида таъбиға мос жой қидиради. Аллаким соядек липиллаб Ҳақимбеклар ёнидан ўтади; кўшни столдаги бесаранжом қиз яланғоч елкаларини қисиб, лабини чўччайтиради; кимдир йўлдошига аччиқ қилиб, ғичирлатиб курсини суради; липопчаларга урилган қошиқ-пичоқлар шақир-шукўр товуш чиқаради.

— Э, э, хуш кўрдик, Шер ака, хуш кўрдик! Офтоб қаёқдан чиқди, десак, ўзлари экан-да! Қамишдан бел боғлаб келдик, хизматингиздамыз! Хўш, нима буюрадилар?

Ҳақимбек ресторан хизматчиларини шарпасидан танир, ҳузурида камондек букилиб турган ингичка мўйловли бақақўз йигитни жини суймас эди. Унинг гапларидан энсаси қотди.

— Менга қара, Мирқобил, — деди у такаллуфсиз, — ўша, нархи ошган коньягингдан — арман коньягидан...

— Сабил, арманский?..

— Менга қара!..

— Анчадан бери курғурнинг ҳидиниям искамадик. Бўлса, нима... Бирда-ярим Ҳақим шернинг гапини ерда қолдирганмидик?

— Топасан! — Ҳақимбек кўрсаткич бармоғини букиб, столни урди. — Ҳали шефинг кетмаган чиқар? Тишининг қавагида асраганлари бор, мени айтди, десанг, беради.

— Хўп, ака, бир оғиз гапингиз...

— Иннайкейин шампан, икра-пикра, бир қути «БТ». У ёғи ўзингга ҳавола.

Чап билагига оппоқ сочиқ ташлаб олган Мирқобил расамадини келтириб, назокат ила таъзим бажо этгач, соқчидек чир айланиб олди, пошналарини бир-бирига уриб, гўё фавқулодда нафис бу ҳаракати билан Ҳақимбекларни, булар тугул, аҳли зални ҳангу манг қолдириб ва шундан ўзи мағрурланиб, шодмон қиёфада нари кетди.

— Э, амманнинг бузоғи-е! Бунча қилиғи совуқ? Кўрсам, елка томирим тортишади. — Ҳануз столни чертиб ўтирган

Ҳақимбек ўз кўйича сўзланди. Унинг ўйчан нигоҳи оёқ учидаги курсида турган қора чарм сумкачага қадалган, гўё бир тилсим ҳикмати илғаб, шунинг назардан қочирмай кузатар эди. Ойбарчин, нимасига бунча маҳлиё бўлиб қолди, дея ажабсиниб сумкасига қаради ва журъат қилиб, уни пананага суриб қўйди. Йўқ, Ҳақимбекнинг хаёл пардаланган маънисиз назари шу ёққа илинганча қолаберди. Ниҳоят, тилсим гўё шарақлаб очилдию ботиндаги иқлим Ҳақимбекни сескантирди. У хиёл ижирғаниб, норизо, бош кўтарди.

— Дунёнинг бўлган-тургани шу-да, Ойбарчин. Бир кун... Ҳа, опкелдинги, Мирқобил! Дуруст, дуруст!

— Ҳақим шернинг кўнгли кушсути тиласа ҳам, топамиз! Мана, армани...

— Менга қара, Мирқобил, кў-ўп чайналма! Қани, коньякни оч, шампаньям. Қадаҳларга куй... Бор энди, ишингдан қолма... Ойбарчин, бир кун десангиз, қарасам, телевизорда Алла куйляпти. Изида кўлагаси пилдирайди. Битта бўлса, қошки, ўнча бор-ов. Телевизордагилар ҳам қилиқ қилишади-да, деб турсам, кўлага деганим зарби отнинг белини синдирадиган шерийгитлар экан: қўшиқча эш бўлиб, муқом қилишяпти. Е алҳазар! Қўшиқнинг номи шунангаки, ишқилиб, ора-сира Алла, эҳ, одамлар, одамлар, деб қўяди. Хай, қани, олдик, Ойбарчин, улар — нима, кўзёшига арзимайди!

Ойбарчин гап қўшмади. Ҳайрат тўла кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон қаради-да, тараддуд ичра нопормон қадаҳнинг «хипча бели»дан тутди. Чўкиштиргач, лабига текизиб, тотинган бўлди. Кейин аста гултувак панасига яширди.

— Ичмайсизми? Раҳмат сизга! Майли, ихтиёрингиз. Лекин бугун мен ичман! — Ҳақимбек коньякнинг сунги қатрасигача симиргач, бежирим қадаҳни тарақлатиб столга қўйди. — Уҳ-ҳ! Шунанга гаплар-да, Ойбарчин! Кўлагалар-ку ўз йўлига, лекин Алла ўшаларнинг аҳволига тушиб қолса, бу — даҳшат! Унда чидаб бўлмайди! Қўшиқни эшитатуриб, раҳматли Салом Ҳаққулнинг ҳасратини эслаб кетдим. Улимидан бурун «инъияти шифо, айнияти вабо», деган эди у. Э-э, минг ўйланманг, бунинг тубига етолмайсиз, Ойбарчин! Сиз — ҳурсиз, сиз... Боягина юз очган, ҳали ел ҳам искамат-ч қизгалдоқсиз... Менинг жажжи қизлогим бор, — Ҳақимбек унг қулочини ёзиб, қўли билан қизининг бўйини чамалаб ҳўрсатди, — худо ҳаққи, ўшанинг ўзгинаси-сиз! Баъзан унинг юзини бетимга босгим келади, қошида тиз уриб, қўлчасидан тутаман-да, ўзимга қаратаман, шунда у «Отажон, нима дейсиз? Қанақа одамсиз ўзи?», деяётгандай хомуш тикилиб тураверади; мунисим-эй, қани энди сенга гап уқдириб бўлса! Оқибат, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Ишонсангиз, уни жеркиб ташлаб, кўчага чиқаман-да, улоқиб кетаман. Э-э!... — У қўл силтаб, бетоқат коньякка узалди. Хаёл билан бўлиб, қадаҳнинг чилпиллаб кетганини, дастурхонга ичимлик тўкилганини ҳам назардан қочирди. Кейин жаҳд билан уни сипқорди; газак қилмади. Сочиқни олиб, лаблари четини сидирди-да, анчагача суратдек қотиб турди. Ниҳоят, узрли жилмайиб, деди:

— Айбга буюрмайсиз, Ойбарчин, анча қийнаб қўйдим-ов сизни.

Зиқлик ва ўша ҳайронлик Ойбарчиннинг юзларини ҳамон тарк этмаган эди. У ўзидан ранжиганнамо, бўшашиб, дастурхон қатимини ўйнаб ўтирар, Ҳақимбек ҳасрат қилиб қийналган кезларгина ичи ачиб, раҳм-шафқат билан унга тикилар эди. Ҳақимбек, қизалогимни гоҳо жеркиб ташлайман, деганида дили огригандек ғалати қараб қўйди, қизчанинг мунгайиб қолишини кўз олдига келтирди чоғи:

— Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик, Ҳақим ака! — дея астойдил уни койган бўлди. Буни у Ҳақимбекни ўзига яқин олиб, дашном беришга ҳаққи бор киши алфозида айтди. Гапнинг оҳангидан силқиб турган таъна Ҳақимбекнинг юрагини ўртаб юборди, у оғир чайқалиб, қоматини орқага ташлади-да, суянчиққа ястанди ва истеҳзо билан Ойбарчинга тикилди: «Шунгаям фаросати етмайди, деб ўйлайсиз шекилли!» Ойбарчиннинг чеҳрасида хаёл кезиниб қолди: маънос тортиб, ресторан саҳнига юзланди. Шунда Ҳақимбек: «Икки дунёда ҳам мени кечирмайди бу!» — деган қатъий фикрга келди. — «Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик» эмиш. Узига шаъма қияпти. Боя, сизни ака

ўрнида кўраман, деб авраган эди. Топган гапини қаранглар бунинг!»

Ойбарчин бир ниманинг мауридини кутаётгандек сергак чимирилди, зиқланиб яна унга қаради. Бу Ҳақимбекка оғир ботди. Юрагини тимдалаган огрикни босиш учун ичишга жазм қилди ва серҳашам ёрлиқли коньяк шишасига қўл чўздди. Ойбарчин қисиниб, деярли пичирлади: «Намунча ичмасангиз, Ҳақим ака?», дегангина нафсини тийди; кўнгли тўлиб:

— Мен сиқилсам, арзийди, — деди. — Шу ёшга кириб, на бир кўчат экдим, на биронинг огирини энгил қилдим! Эссиз, умр чирқира-аб кетди-я! Қачон қарамай, бир фалокатга чалиниб, жабрини тортиб, шунинг ҳасратига ўтпяман. Шу ёққа келатуриб, қўйинг-чи, бугун ҳам битта йигитнинг гули пайхон бўлганининг устидан чиқдим. Е фалак! Жиллақурса кўлтиғидан ололмасдим ғарибнинг! Холбуки... уф-ф, сиз нимага зиқланасиз, Ойбарчин? Ун гулингиздан бир гулингиз очилмаган!..

— Бечорани машина туртиб юбордимми, а?

— Машина туртса-ку, бир нав эди-я...

— Нима бўлди ўзи, Ҳақим ака?

— «Чашма»хўрлик... — Аҳмаднинг тупроққа беланганча супада чўзилиб ётгани кўз олдида келдию юраги жизиллаб, ортиқ бу ҳақда сўзлашни истамади. Ойбарчиннинг, тушунмадим, деганини эшитди-ю, пайқаманга олди, тева-ракка кўз югуртди. Ялли чироқ чарақлаб, зални мунаввар этган, ресторанда ажиб бир файзу тароват, кўтаринкилик ҳўкмрон эди. Шу руҳ аста-секин қонига сизиб кирди, ўзларининг бу тахлит ўтиришлари кўнглига ёқди, нашъу намолти туюлди. Гапини ерда қолдирмай, рўзгорини ташлаб келиб ўтиргани учун Ойбарчиндан минзатдор бўлди. Қуяётган суратдаги хира тасвир янглиғ ўтган дамлар ёди хаёлида тикландию гўё маҳобатли залга яна зимистон чўкди. Ва у пилла ичидаги ғўмбақ каби етти йилнинг нари-бериси хотираларига кўмилиб қолди.

«...Ойбарчин! Аканг қарагай — бўладиган бола-да. Рай-комсомолга ишга чақирисяпти, бугун каттаинг сўхбатидан ўтдим! Қувончимни ичимга сиғдиролмай, тўғри қошигга келдим! Нима дейсан, совчиларни юбораверайми? — Қиз бошини эгди. Ҳақимбекнинг кафтига босган кафти терлаб кетди. — Нима қилай, айт! Е ўқишинг бирёқли бўлсинми?»

Ойбарчиннинг узуклари титраб эди. Ҳақимбекнинг қўлини қаттиқ сиқди. Кейин серкиприк кўзлари мастона сузилди. Толедан энтикканча изили қарашга ботинди: «Ихтиёр сизда!» Унинг киприқлари аста юмилди. Маст оҳудек бўй чўзиб, чўғдек ёноғини Ҳақимбекнинг юзига суйкади...

— Хўп денг, Ҳақим ака, мен қайтай.

Ҳақимбек хаёлини банд этган хотирадан ажралишни истамай, кўзини юмди, афсус чекиб, бошини сарак-сарак қилди. Нотанти тақдир ишидан бўғилиб, Ойбарчинга саволчан хўмрайди: «Хўш?»

— Ҳали ўзингиз айтдингиз-ку?..

Ойбарчин йуриғини топиб, «Поақал чорак соат...», дея ўтинганига шаъма қилди. Буни фаҳмлаб Ҳақимбек зил кетди ва ортиқча гапга имкон қолдирмай, шиддат билан қаддини ростлади-да, ўтиришга руҳ бағишловчи бардам оҳангда:

— Қаёққа шошасиз, Ойбарчин?! Ахир... Сизни қаранг-у! Туз тотмадингиз? Бунақа эмас-да энди! Ахир бугун менинг туғилган куним бўлса! — деди ва, гўё Мирқобилга таассуб қилиб, ярашиқсиз назокат билан коньякни кўлига олди, бежирим қадаҳнинг зарҳал хошиясига довр тўлғазди. Коньяк эриган тилла янглиғ оловланиб, кўзларини қамаштирди. Бу пайт Ойбарчин хиёл нарига сурилди-да, ёнбошидаги курсидан қора чарм сумкачасини олди, стол устига қўйиб очди, ниманидир излаб, кавлаштирди. Ахтаргани топилмагач, бир лаҳза ўйланиб қолди, сўнг бўйинга тақиладиган мўъжазгина соатини чиқарди-да, Ҳақимбек пайқағулик намойиш билан тилла қопқоқчасини очиб, киприк каби нозик милларга тикилди. Ахийри, диққат бўлиб «Сиз менинг қўлу оёғимни ипсиз боғлаб ўтирибсиз!» деган маънода хомуш бош чайқади. Ана, қопқоқча ширқиллаб бекилди. Соат занжири бир ҳовуч тилла сувидек сумка ичига шириллаб тушди. Ойбарчин сумкачани пастга, илгариги жойига эмас, балки дастурхон четига суриб қўйди,

гўё учирим қилди: «Ижозат беринг, мен қайтай, ахир кеч қолдим!» Ҳақимбек гарчи мункайиб коньякка илинди ўтирган бўлса-да, Ойбарчиннинг уринишию имо-ишораси назаридан четда қолмади. Ҳақимият кўзиди: «Ёт кабутардай қочишини! Бировнинг ўлиб-тирилгани билан неча пуллик иши бор бунинг! Клеопатра!..»

Клеопатра! Бу исм Ҳақимбекнинг юрагини тошириб, оламча хотира кўзгади. Етти йил бурун у Ойбарчинга оғиз урди ва розилигини олгач, кечкурун «Клеопатра» фильмини бориб кўришди. Ойбарчин ҳусн бобида Клеопатрадан ўтса ўтқулик эди. Ҳақимбекнинг кўнгли тоғдек ўсди. Ичида деди: «Миср маликасиюм бўлса сенчалик бўлгандир-да!» У Ойбарчинни эркалади, шалоладек сочларини силди.

Ойбарчиндан айри тушгач эса, барчасига қўл силтади. Кўнлар лойқа сувдек оқиб ўтаберди. Бултур, касалхонадан чиққандан кейин, бир кеча уни туш кўрди. Тахтиравонда Клеопатрадек викор билан ўтирган Ойбарчин ҳаммаёқни остин-устин қилиб, дунёсига кириб келди. Эртаси кун Истарчи момо «Қани? Қани?» дея-дея юрагини доғлагач, кўзларидан бутунлай уйқу қочди. Пушаймонини айтай деса, дардини тинглайдиган киши йўқ. Бир оқшом ёнбошлаб ётган Клеопатрани ўйлаб кетди. Фасоҳатли эди у, Ойбарчиндай сулув эди. Хаёлан унга ҳасрат қилди. Шу-шу, хулёси — Клеопатра юрагида жой олди. Назарида, бир уғина Ҳақимбекни тушунади, юз кўришса — бас, сўзсиз, имо-ишорасиз дардини англайди. Ҳозир Ҳақимбек ноғоҳ асл ҳақиқатни идрок этди: шунча вақт сифинган хаёлий санами аслида эл қатори бир актриса — Элизабет Тейлор экан! Унга етишиш, майлича дил ёзиш мумкинди, бироқ у Клеопатра эмас-ку! Ролдан чиққан заҳоти Тейлорга айланган. Гавҳар нега «ролдинан воз кечмайди, деса, бу ёғи чатоқ экан-да».

Нечун хаёлий Клеопатрага бунча ёпишиб олди у? Ахир... Клеопатра минг йиллар бурун ўтган! Кинодаги — арвоҳининг соясими? Вожаба, асли у қандай бўлган экан? Ҳарнечук, маликанинг малоҳату фасоҳати иродасига буй-сунган. Муродим деб не-не саркардалар тугул бир кўкракдан сут эмган жигаргўшасини, охир-оқибат, ҳатто ўз жонини қурбон қилган. Бировнинг дардини тинглашга зағирча фурсат топганмикан у? Барчамиз ҳам бор-йўғи каттаю кичик муродларнинг қулимиз, холос. Шу мурод йўлида изғиб, тилсмли бу хилқатга — ёруғ оламга, ён-веримиздагилар кўнглига бундоқ тўйиб назар ташламай, ҳаю ҳуйт деб ўтиб кетаверамиз! Ойбарчин худкомлик қиляпти, мен-чи?! Меники униқидан минг чандон ошиб тушяпти!

Нафсиламри, Ҳақимбек Ойбарчиннинг бағри бутлигига, айрилиқ жароҳати битиб кетганига имон ўгирди. Лекин унинг ётсираётганини ҳис этди-ю, азоб чекди. Ҳайҳотдек оламда ёлғизланиб қолибди-да! Бундан ҳам даҳшатлироғи — энди у то абад шу қисматга маҳкум! Ҳар ким бир муроднинг қули-ю, Ҳақимбек... Шунинг англагач, қийноқдан вужуди ларзага келди. Момақалди роқ гулдираб, жала қўйгач, тошқин сел туюқорину кўзичоқларни, бешигу ўтовларни ланғиллатиб оқизиб келаберади, қутуриб ўзанини яқсон қилади, шу каби Ҳақимбекнинг кўкрагида чўкиб ётган ҳасратлар қисирлаб кўзгалди, ночор ҳолатидан зикланиш, қисматдан норозилик туйғулари бирдан қўлдую у жаҳд билан қўл кўтарди-да, қарсиллатиб столни муштлади:

— Бас! Барчаси битди! Бу кўргилик менга муносиб эмас! Ахир! Ахир!.. — дея қақшади ва бирдан жимиб қолди. Ойбарчинга ноҳақ зуғум қилаётганини пайқаб, ғазабини ичига ютди. Қўллари дағ-дағ қалабтараб, юзлари бурда-бурда бўлиб кетди. Хийладан сўнг: — Одамгарчиликнинг уруғи қуриган экан асли! Ҳатто сен ҳам жонини эгавлаб юбординг, Ойбарчин! — деди у «сен»сирашга ўтиб. Гарчи Ҳақимбек иложи борича майинлик билан гапирган бўлса-да, товущидаги зардалар оҳанг Ойбарчинни сескантирди. У хиёл четланди, бироқ буни Ҳақимбек пайқамасди. — Талотўпдан қочиб жон сақлаган жойим эди бу ер! Сен... бунча менга ўша кўлаганни пеш қилсан? Борарсан қошига! Ҳозир... — У кифтларини қисиб, ярашимсиз букчайди ва шаҳодат бармоғини эшикка нуқиб, давом этди: Анави гужум эшик ортида ажал пойлаб турибди мени! Эртага йўқман! — Ҳақимбек бу гапим қандай таъсир қилар экан,

деган таъмада Ойбарчинга зехн солиб қаради. Унинг бурунгидан ҳам каттароқ очилган кўзидеги қўрқувни, юзидеги саросимаю лабидеги титроқни кўриб, нафсонияти қонди. Шундагина дилдан тилига кўчган ишорат нечоғли даҳшатли бўлмасин, вужуди жимир этмаганига ўзи ҳам ажабланди. Ва бўлғуси можарою терговларда иштироки қай тахлит кечишини яна бир карра тасаввур қилишга уринди, ҳарчанд тиришмасин, манзарани хаёлида жонландира олмасди. «Ҳойнаҳой ишимга зиён етади — панд беришади ё чиндан ҳам судгача масалам ҳал бўлади...» Шу дилгир иқрорда у: — Ҳа-а, эртага йўқман! — дея хомуш таъкидлади яна. — Кўнгил ёрай деб би-ир келувдим-да, сен... — Ойбарчинга таъна қилган сайин, ғалати ҳузур туйди, бағри эзилди. — Бир йилдирки, аламин орти, бу оқшомни кўзим тешилиб кутдим; бир йил! Ойбарчин, ахир, айтар гапим бўлмас... — Ҳақимбек куйиб-пишиб қўл силтади. Чўнтагини кавлаб, дастрўмолча чиқарди-да, юқори лаби устидаги реза-реза терни сидирди. Ноҳақ қойилган боладек оғриниб, ўзининг ҳақлигини даъво қилиб, кек билан Ойбарчинга қаради. Ноғоҳ унинг: «Қизлар кўнгли чиннигулдан ҳам нозик», дегани ёдига тушдию ихраниди. Бояғи қилмишини, қони қайнаган дамдаги аҳвол руҳиясини ва жаҳлини кўзгаган турткиларни хаёлан бир-бир назардан ўтказди. «...Ўт олиб кетганда ҳам шундай қилмаслиги керак эди-да! — Сумкачасини жўрттага дастурхон устига қўйганлиги учун Ойбарчинга айб тақади. — Жаҳлимни тизгинлаёлмай қолдим. Аслида ўзингдан ҳам ўрни, Ҳақимбек! Кўн кўрмай куйиб-куйиб, кун кўрганнингда, дардинга малҳам топганинда бирдан жудо бўлиш... Шунга тутақдинг-ов. Жонини эгавлаб юбординг, дединг. Тавба, у кетаман дея бошласа, нуқул анави ёдимга тушади». Ойбарчиннинг эри — саратонда ҳам қора костюм-шим кийиб, ингичка бўйинбоғ тақиб, саланглаб юрадиган чиллакдек, рангпар йигит — Ибодин лоп этиб кўз олдига келди. Бир гал Ойбарчинни қўлтиқлаб бораётганини кўрган. Ҳозир шунинг эслади ва яна ғазабга миниб, дағ-дағ титрай бошлади. Қани энди, гирибонидан гиппа бўлсаю... Ер юзидан унинг изини ўчириб юборса ҳам алами босилмас!

Иттифоқо, бултур, тўшақда ётганида Ойбарчин иқови етаклашиб касалхонага боргани ёдидан кечди. Ушанда Ибодин сиполик билан қўл берган. Кейин бўйинбоғини бир оз бўшатиб, қўлини орқасига қилиб, хонада кезинган. Туйқусдан ғўдайиб, деган:

— Хижолатпазликка ўрин йўқ! Ҳа-ҳа, Ҳақим ака, икки орадаги гапдан хабардоримиз. Биз Ойбарчиндан, у биздан сир сақламайди. Тақдирнинг иши! Сизнинг саломатлигингиз масаласига келсак, умид шуки, умид шуки, ҳали-замон отдек бўлиб кетасиз. Биз ҳам бу дардга чалинганмиз. Кўриб турибсиз, мана, ёшларга илм бери-иб юрибмиз...

Шу манзара тағин кўз олдиндан кечдию Ҳақимбек қуйиб лабини қимтиди. Ибодинга қасдланиши адолатдан эмаслиги равшанлашди. «Бу ғарибда нима айб? Ойбарчин мендан кўра унга азиздир? Чиндан бунинг севаманми, а? Чамамда, бир нимасига илҳақман. Гўё ўша нараса менга етишмайди. Қамқон киши қонсирогандек жисми-жоним ўшани тилайди! У — нима ўзи? Муҳаббат — шу эканми ё? Йў-ўқ, агар севганимда... беандиша ўйларга бормас эдим! — Ҳақимбек ижирғанди. — Бўлмагур хаёлга бориш тугул, қуйиб берса, у маҳал ҳар қандай номасқулчиликдан ҳам тап тортмас эдим! Қизик, нега энди бу разиллик бўлиб туюлади? Ҳазар қиламан, кўзларига тик қарашга ботинолмайман — нега! Келиндай сузилиб ўтиришларини-ей! Ийманчоқ шу тобда нимани ўйлаётган экан? Дилини қаттиқ оғритдимми, а?»

— Хафа бўлдингизми, Ойбарчин? — Ҳақимбекнинг овози титраб чиқди. У оғир хўрсинди ва эшитилар-эшитилмас, «сен»сираб: — Мени кечир! — деди. — Ҳали эслаб, даллидевона, деб кулиб юрарсан. Боя ундай демоқчи эмасдим, кечир! Жаҳл чиқса, ақл кетар, дегани шу-да. Чўғда ўтиргандай беоромсан, кетгинг бор — биламан, эл иснодига қолгинг йўқ. Ҳам муродимни англаёлмай, анг-тангсан. Утиндим, йўқ, деёлмадинг: юз амри ширин. Энди кўнгли-чанлигинга пушаймонсан. Шунда ҳам шартта туриб чиқиб кетолмайсин. Ахир, ундай қилолмайсан, Ойбарчин, чунки қизалоғимнинг ўзгинасиан! У ҳам нуқул «Отажон, қанақа одамсиз ўзи?» деяётгандай мўлтирайди. Сизлар тамоми яхшиликсизлар, қай бирларингга дуч келмайин, ўзимдан

нафратланаман! — Ҳақимбек нимадир дейишга оғиз жуфтлаган Ойбарчинни гапиргани кўймади, шоша-пиша давом этди: — Рост! Ишонинг! Мен... — у гапини йўқотиб, тажанглашди. — Ҳали нимаям демоқчи эдим-а... — Ҳақимбек юташиб сигарет чекди-да, ёнига ўгирилиб, тутун қайтарди. Шунда устундаги кўзгуга ва ундаги ўзининг аксига нигоҳи тушди: қонгалаш кўзлари киртайган, юзлари қуруқшаб, тиришган. Чап қабоғидаги «халтача»ни жимжилоғи учиди силади. Боя тутқич бермаган фикр яна шуурида кезинди: — Гоҳо ойнага қараб, ўзимни таниёлмай қоламэн! Қаранг, — дея кўзи четидеги пилта-пилта ажинни чимдиб кўрсатиб, хўрсинди: «Ким айтади мени ўттизга кирган, деб?» Бу ўй тилига кўчмай, хаёли чалғиди. — Расво бўлди! Бой берилди!

Ойбарчин оҳиста кўзғалиб, Ҳақимбек тарафга силжиди ва бахузур ўтиришига бир нима халақит бераётгандек бесаранжомланди. Сўзлашга шайланди-ю, тагин фикрини баён этиш йўлини тополмади чоғи, чимирилди. Зийнатли биллур кўрадаги узум шодасидан тирсиллаган ҳусайни донасини юлиб олди-да, сочиққа арта-арта:

— Сиз... — дея сўз бошлади ва машғулотида чалғиб, ҳусайнини дастурхонда қолдирди. Кўрага яна узалиб, қора мускатдан бир дона олдию сувочан бандига паришон термилди. Операция пайти, кейин ҳам Ҳақимбек иситмалаб, озмунча алаҳламаган. Ҳозирги ҳолидаги бежоллик баайни ўша талвасасига уйғун ва бу Ойбарчиннинг дилидаги «Бирор фалокатга чалиндимикан?» деган иштибоҳни қайта бошдан кўзгаган эди. У Ҳақимбекка тинчлик бермаётган тилсимдан огоҳ бўлишга, жонига оро киришга мойиллик тўйди. Шу боис ҳадик аралаш давом этди: — Ҳақим ака! — Сўнг Ойбарчин, бу гапни кўзгашга ҳаққим бормикан, деган истиҳолада ийманиб қолди, лекин яна жонсўзлиги устун келди. — Эсингизда бўлса, операциядан кейин сизни алоҳида бўлмага жойлаштирувдик. Бирда кирсам, иситмалаб, ёниб-тутаб ётган экансиз. Шу, денг, мотоциклда кетаётгандай кўлни кержансиз. Узингизча, рулни сиқиб тургандирсиз-да. Е тавба! Ҳалиям кўз олдимда: ўнг тирсагингиз букри новдадай қотди. Узиям нуқул шу кўлингизга куч бердингиз. Ахийри, кифтингиз қалт-қалт учди. Қора терга ботиб кетдингиз. Чамаси, ҳеч эвини қилолмадингиз. Бирдан умидингиз узилгандай, оҳ уриб юбордингиз. Э, худойим-эй! Кўлингиз шалвираб тушди, лабларингиз гезарди, қабоғингиз пир-пир учиб, ич-ичингиздан бир ҳайқириқ отилиб чиқди: «Тамом!», дедингиз. Ким билсин, жарга учдингизми, ҳарқалай, шу кеча навбатчи эдим, қошингиздан жилмадим. Иситма юрагига тўкилса, жароҳатини

юмдалайдиганлар бор, шундай қиларсизми, деб чўчудим. Йўқ, тун бўйи ўзингиз билан олишиб чиқдингиз. Не маҳал эди, чақчайиб бирдан бош кўтардингиз, ўнг кафтингизни кўзга тутиб қарадингиз. Кўзингиз қинидан чиқиб кетай деди. Ҳайронлар қолдим. «Во-ей, бу не азоб? Ҳақимжон ака, ўзингизни босинг! Ахир жонингиз қийналиб кетди-ку!» деб кафтимни манглайингизга кўйдим. Тавба, пешонангиз муздай... На овозимни танидингиз, на ўзимни кўрдингиз! Икки кўзингиз — кўлингизда, аъзойи баданингиз қалт-қалт учади. Билониҳоя, сесканиб пичирладингиз. «Қон...» дедингиз шекилли. Юрагим шғиллаб кетди. Бармоқларингизни йириб, баттар ваҳимали овозда зорландингиз: «Қо-он?!» Э, худойим-эй, азбаройи ҳаросат олиб, бўлмадан аста чиқдим. Даҳлизда ўғринча эшик пойлайтуриб не гумонга бормадим, хаёлнинг не кўчасига кириб чиқмадим. Касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилади — ҳаётингиз қил устида тургандай эди. Емон кўрқдим, Ҳақим ака! Олдинга, мен бору йўқ, жавраниб сирини очиб қўймасайди, деб ҳайқидим. Ичингиздаги сиртингизга тепмагач, яна безангладим. Қизамиқнинг юзага тошмагани ёмон! Тагин: «Кечиримсизсан-да, Ойбарчин, эгри кўнгилга бординг!» деб ўзимдан қанча койиндим. Аслида... кечиринг, Ҳақим ака, ўлимдан гап очиб, тоқатимни тоқ қилдингиз! Айтинг, нима бўлди ўзи? Безиллатиб қўйдингиз-ку мени!

Маҳобатли залдаги босинқи шовур жисмига кўнган оғриқдек боягина Ҳақимбекнинг асабини келмираётган эди, энди барини тамом унутди. Унг қўлини курсига тираганча бир оз энгашиб, таажжуб ичра Ойбарчинга кулоқ солди. Гапларини тинглайтириб, бадгумонлиги тутдию ундан шунча гап чиққанига ишонқирамади. Юраги бежо бўлиб, дам-бадам столга узалиб сарғич қоғоз-сочиқдан йиртиб олиб, ямлаб, сақич каби чайнай бошлади. Шунинг баробарида Ойбарчиннинг юзидаги, айниқса, хайрихоҳ кўзларидаги ўзгаришларни таъқиб этиб борди. Ойбарчин аввалдан-охир бирдек: пича ўнғайсизланиб, азият чекиб, тутила-тутила сўзланди, гапирар экан, ўзи уларни яна бошидан кечираётгандек шошиб, энтикиб қолди, буни кўргач Ҳақимбек ортиқ шубҳаланмади. «Кимсанинг оғзидан олиб оёғимга ташлаганида, бунчалик чини-пишиги билан қуйиб-пишмасди. Гапи ишонимли. Тагин шу вақтгача бировга чурқ этмаган кўринади!»

Ниҳоят, Ойбарчин жимиб, «Нима гап ўзи?» деган сўроқда Ҳақимбекка тикилиб қолди.

Охири келгуси сонда

Ешлик чоғиданоқ коллективчилик, ўзига ва бир-бирига талабчанлик, халоллик ва ҳақгўйлик, сахийлик ва принципиаллик, бирдамлик ва характер мардлиги руҳида тарбиялаш жуда муҳимдир.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»дан



Тошкент наҳори

Алвон шафақ ёнар машриқ уфқида —
Тошкент наҳорига сарлавҳаи ол.
Дўстлик ва қардошлик шаҳри устида
Дўстлик ва қардошлик байроғи мисол.

Шаҳар уйғонади — кўчалар дуркун —
Ишлайди, ўқийди, фикр қилади.
Ўзбекининг пойтахти бўлгани учун
Ўзбекдай, кунига шукр қилади.

Гуржиман, айтайин дилдаги борим:
Тошкентим, доимо иқболнинг кўлсин.
Шундай тиниқ бўлсин доим наҳоринг,
Доим бошда дўппинг чамбарак бўлсин!

Шота Руставели кўчасида

Бу кўчанинг файзу тароватини
Чизиб бероларди қайси мусаввир?
Икки халқ қалбининг саховатини
Бир суратга жамлаб бўларми ахир?!

Гуржи номидаги бу ўзбек кўча
Доим очиб турар бизга бағрини.
Пойларга меҳрдан поёндоз тўшаб,
Утинг дер дўстликнинг очик дарсини.

Қани, даврага жам бўлайлик, дўстлар,
Иқбол юлдузини ҳар ким санасин.
Ўртага чиқ, синглим, беназир, Дилбар,
Чилдирма қилиб чал тўлин ойни сен!

«Хамза» театрида

Дўстларим шаҳрини қилишар кўз-кўз,
Юзда мамнуният, қалбда ифтихор,
Тошкентга тобора маҳлиёмиз биз,
Шарқнинг дурдонаси деганича бор!

Хамза театрини зиёрат этмай,
Тошкентда юрдим, деб бўларми ахир!
«Рўё» ни кўраимиз. Нима бу? Бай-бай...
Номи эмас, унинг ўзи рўёдир!

Кўзларда ҳайратдир, лабларда ханда,
Бу самъат олдида турдик масту лол.
Олқишлар учарди беданаларга
Чанг солмоқчи бўлган лочинлар мисол.



Жамол
Инжия
Грузия ССР

Зилзила

Зилзила — тўсатдан юрак ўйноғи.
Томирлар ёрилиб кетсамми... тамоми...
Гарчи бу дарднинг кўп давоси огир,
Унинг чангалидан чиқолдим омон.

Туну кун бошимда бўлди парвона,
Дардимни аритди Халқ деган табиб.
Қайтадан тугилдим — Гўзал кошона,
Оловдан бут чиққан Самандар каби!

Келинг яна баҳор пайтида, меҳмон,
Мен — меҳмондўст Тошкент, чорлайман сизни.
Недир қимирласа қўрқманг ногоҳон,
Бойчечак қитиқлар оёгингизни.

Хотира

Кизгин эди, вақт ўтган сайин
Кизир эди дўстлар суҳбати.
Ўзбек чойи ва гуржи майи...
Менга келди қадаҳ навбати.

Олисдаги Горидан шу зум
Бирдан шивир келгандай бўлди.
У: «Пахтакор» хотири учун
Қадаҳ кўтар, дегандай бўлди.

Ҳушёр тортди мастона кўзлар,
Гусса чирмаб олди хаёлни.
Бир дақиқа дастурхон узра
Сукут тоғи осилиб қолди.

Русчадан
Машраб БОБОЕВ таржимаси



Тўра Сулаймон,
Нурали Қобул

Маслак ва матлаб



Олам ободлиги оиладан бошланади. Оиланинг обод бўлиши эса биринчи гада оила бошлиғининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, тежамли-тергамлиги билан боғлиқ. Катта бир хўжалик — колхоз ёки совхознинг юксалиши, гуллаб яшнаши, ҳар бир хонадоннинг моддий ҳамда маданий жиҳатдан бекаму-кўст бўлиши эса, биринчи навбатда, хўжалик раҳбарларининг ҳалол, диёнатли, ростгўй ва шу каби юксак фазилатлари билан белгиланади. Хўжаликдаги барча хонадонларни ўз уйидай, унинг аъзоларини ўз оила аъзоларидай билган раҳбаргина кўпчилиكنинг «отаси бўла олади.

Халқимизда туси келишгандан чўчима деган гап бор. Ҳаётда шундай одамлар бўладики, ҳар қандай шароитда ҳам тортинмай олдига бораверасан, маслаҳатлашиб, дардингни бўлишасан. Асли даштлик, қалби дарё кишиларнинг вакили Холбек Омонлиқовни бир кўришда ҳеч ким раҳбар деб ўйламайди. У барчага баробарлиги, доимо оддий меҳнат кишиси тарафидалиги, энг аввало оддий одам сифатида атрофидагилар меҳрини қозонганлиги билан элга сингишиб кетган. У кишини районнинг турли бурчагида, мактаб ўқувчисидан тортиб, қишлоқ оқсоқоллари билан қизгин сўхбат, ҳазил-мўтойиба устида учратиш мумкин.

Очик чеҳрали, самимий табассумидан ғайрат, ерга яқинлик, инсонларга чексиз меҳр-муҳаббат акс этадиган Холбек Омонлиқовдаги бу хислатлар уни кишиларнинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатгўйи ва дўстига айлантирди.

Етмиш саккизинчи йили Гулистон райони иккига бўлинди. Область марказининг ғарб томони мавжуд майдонининг қарийб саксон фоизи шўрхок ердан иборат қисми янги ташкил этилган Комсомол районининг чекига тушди. Холбек Омонлиқов район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Уша кунлари деярли ҳамма ерда янги тузилган район, унинг биринчи котиби ҳақида гап кетарди:

— Энди Гулистон районининг тоши ўрга юмалайдиган бўлди. Шўрнинг ғирт уясидан қутулди.

— Бу дейман, янги секретарь ботқоққа ботиб қолган бу аравани торта олармикан!

— Нега энди бу аравани фақат райком секретарининг ўзи тортар экан! Хўжалик раҳбарлари-чи! Район аппарати-чи!

— Мана, мени айтди дейсиз, ҳамма иш райком секретарига боғлиқ. Чунки ҳамма чигал, ночигал, муҳим, номуҳим, мумтоз масалалардан тортиб, ишни ўз ҳаменини тўлдиришдан, ўз хонадонини обод қилишдан, ўз қариндош-уруғларини атрофига тўплаб олишдан бошлайдиган бирон бир хўжалик раҳбарининг танобини тортиб қўйишгача райкомнинг биринчи секретари орқали ҳал бўлади.

— Ҳосилдорлик-чи!

— У ҳам...

Дарвоқе, экин майдонлари ашаддий шўрхок ерлардан, кадрлари кўнимсиз, иқтисодий жиҳатдан тинкаси қуриб қолган хўжаликлардан иборат бўлмиш бу янги районни оёққа тиклаш учун биргина ишчанликнинг ўзи камлик қиларди. Биргина ижрочилик ва шижоат билан иш битмас эди. Юқори ташкилотлардан келадиган топшириқлар, кўрсатмалар билан мурод ҳосил бўлмас эди. Узоқ бош қотириш, изланиш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш, йўқни йўниб, борни ўндириш, югуриб елиш; юқори ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, энг муҳими, ижодий фикрлаш керак эди. Бунинг учун райком секретари принципиалликни камтарлик билан, мурасасизликни меҳрибонлик билан, назарияни амалиёт билан, истиҳолани қаттиққўллик билан қўшиб олиб бориши керак эди. Ўзига билдирилган юксак ишончни сунистеъмом қилмаслиги, юриштиришда, муомалада барчага бирдай ўрнатилган кўрсата билиши керак эди.

Эр йигит — эл кўргони, дейдилар. Дарҳақиқат, хўжалик раҳбарининг баҳосини шу ернинг холис одамлари беради. Ҳар бир картанинг табиатини четдан келган академик ҳам шу ерда ишлаётган деҳқончилик билмайди. Ишни юқоридан қараганда кўзга майда-чуйда бўлиб кўринадиган ана шундай ишлардан бошлашга тўғри келарди. Йиллик план-топшириқларини ҳар йили бажариб келаётган айрим хўжаликларда меҳнат аҳлининг турмуш шароитлари ўрта даражада. Баъзи хўжаликларда эса бунинг акси. Бу энг ишқал муаммолардан бири. Буни қандай таҳлил қилиш керак! Райком секретарининг ўй-хаёлини биринчи навбатда ана шундай жумбоқлар банд қилмоқда эди.

Секретарь ишни хўжаликларни бирма-бир кўриб, далаларни айланиб, кишилар билан сўхбатлашиб, уларни гапга солиб, кўнгил кўчаларига бирма-бир кириб чиқишдан бошлади. Йўл-йўлакай ён дафтарига қилиниши керак бўлган ишларни, кишиларнинг ўзлари яшаб турган хўжалик ҳамда унинг раҳбари ҳақидаги фикрларини қисқартириб қилиб ёза борди: «Коммунизм» колхози, раиси Жавод Кўчев. Хўжалик ҳар томонлама бугунги кун даражасида. Лекин барибир кишиларнинг турмуш даражасини ошириш, маънавий оламини шакллантириш борасида ишлаш керак...»

«Ленинград» совхоз. Бу совхоз ҳақида яхши гапдан кўра нолиш кўпроқ қулоққа чалинади. Ишдан кўра гап кўпга ўхшайди бу ерда.

«Тўртинчи бўлимнинг 80 гектарлик ери илгари Болдиров номи билан аталар эди. Қирқ еттинчи йиллари шу ердан 42 центнердан пахта олардик. Ушанда мен бригадир эдим. Ҳозир бу карталарнинг ҳосили ўттиз центнердан ошмайпти. Ҳозирги имконият билан у вақтлардаги имкониятнинг фарқи ер билан осмонча. У вақтлари ишлардик-да. Ерга қарар эдик-да. Назаримда ҳозир эгри қўл борга ўхшайди. Деҳқончиликка эгри қўл ораладим, деҳқоннинг нони яримта бўлди, дейвер».

[Ҳотам бобо, меҳнат ветерани].

Биринчи секретарь тагин ён дафтарини варақлади: «Москва» совхоз. Утириб қолган хўжалик. Нимага-дир кишиларнинг кайфияти тушкун. Совхоз раҳбарлари устидан райкомга шижоат кўп тушар экан».

— Совхозимизга Ю. Аҳмедов директор бўлиб келиши билан ишмииз ўнгидан келмай қолди. Директоримиз ҳечам деҳқонга ўхшамайди. Маъракаларимизга қатнашмайди. Олифта.

[Эшонқул ота, пенсионер].

«Первомаец» совхози. Ихчам хўжалик бўлишига қарамай йилдан-йилга ҳосилдорлиги камайиб бор-япти.

— Директоримизнинг оиласи Тошкентда. Қатнаб ишлайди. Топганини Тошкентга ташийди. Гапнинг тайини йўқ».

[Емельянов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси].

«Ипакчилик» совхози, директори А. Исмамов. Бу хўжалиқдан ўрганса арзийди».

— Абдусаммад ака — оқсоқол, баракали одам. Бу киши келиб совхозимиз ёмон бўлмади. Сатанг, товламачи, ишқамас, йўли эгри одамни кўрса жон-пони қолмайди. Ҳақиқий деҳқон деб шу кишини айтса бўлади.

[Чахалидзе. Совхоз ишчиси].

Ана шунақа гаплар. Бири — ўргангулик. Бири — ўртангулик. Секретарь узоқ ўйлаб ишни кадрларни малакаларига, маҳоратларига қараб танлашдан, уларни жой-жойига қўйишдан бошлаш керак, деган хулосага келди.

Пахтачилик — район меҳнаткашларининг асосий касб-кори. Пахта майдони ўн беш минг гектардан зиёд. Йиллик ҳосил — ўттиз тўрт минг тонна. Одатда энг қоқоқ деб саналган хўжалик раҳбарлари ҳам «оқ олтин»га тегишли оқсоқликни ўзлари учун завоқ деб биладилар. Шунинг учун ҳам хўжаликнинг бошқа тармоқларини эътибордан четда қолдириши мумкин, пайсалга солиши мумкин. Йилда бир марта курортга боришни канда қилиши, вақтида дам олиб, вақтида овқатланишни унутиши, тунни тонгдан фарқ қилмаслиги мумкин. Бироқ пахта билан боғлиқ бўлган борлиқ ишни қиёмага етказмасдан туриб, йиллик план ҳамда мажбуриятларни ҳар қандай оғирчилик билан бўлса ҳам ўринлатмасдан туриб хотиржам юра олмайди. Бу биргина масъулият нуқтаи назаридан эмас. Одамзод пайдо бўлгандан бери СУВ, ҲАВО, ТУПРОҚ, ЕРУҒЛИК — бу ТҮРТ УНСУР ҳаёт манбаи бўлиб келди. Бу унсурларга, пахта БЕШИНЧИ УНСУР бўлиб қўшилди. Унинг беш чаноқдан иборат эканлигида, аломат рамз мужассам. Дарвоқе, БЕШ ЮЛДУЗ, БЕШ ҚИТЪА, БЕШ ХАЗИНА, БЕШ БАРОМҚ, БЕШ УНСУР, БЕШ ЧАНОҚ... Биргина бу эмас, пахта жонажон республикамизнинг, меҳнаткаш, меҳмоннавоз халқимизнинг муборак номи билан, бугуни, эртаси билан, камоли билан боғлиқ бўлиб қолди. Унинг қадри, қиммати, муқаддаслиги, мўътабарлиги ном, имон, эътиқод мисоли маслак ила матлаб ҳам бўлиб қолди.

Бироқ, чиллални боланинг душмани кўп, дегандай, бирда кўкпанининг кеч келиб, кузнинг эрта тушишидай, бирда йилнинг қурғоқчилик келиб, бирда серсув келишидай, бирда пахтанинг янги навлари ер табиатига қараб танланмаслиги натижасида баъзи хўжаликларнинг панд еб қолишидай, борлиқ шароит, имконияти, ишчи кучи бир хил бўлган икки хўжаликдаги ҳосилдорлиқнинг фарқи ер билан кўкча бўлганидай, юзлаб механизаторлар бир хил маркази пахта териш машинасида, бир хил миқдорда пахта тергани ҳолда худди шундай маркази «Зангория кема»ни бошқарган ва бир неча «азаматининг терган пахтаси ўз ҳамкасбларидан тўрт-беш баробар ортиқ фарқ қилганидай, кўра-била туриб нонни исроф қилганимиздай ишвал масалалар, ҳулласи, пахтачиликнинг бизга боғлиқ бўлган ва бўлмаган муаммолари ҳам талайгина.

Райком секретари дала — тузни айланиб, хўжаликларни бирма-бир кўздан кечириб, кишилар билан сўхбатлашиб, бирда шод, бирда ношод бўлиб маҳкамасига қайтди. Иш столининг устида ўқиб чиқилиши, имзо чектилиши керак бўлган расмий, норасмий хабарлар, қоғозлар:

Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳ. ОМОНЛИҚОВга «Мирзачўл» совхозининг биринчи бўлимидаги бригада бошлиғи, коммунист О. Элтоевдан

ШИКОЯТНОМА

«Бўлимимиздаги бригада бошлиғи Бойқўзиёв билан еримиз туташ. Ер шароитимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам деярлик бир хил. Ҳар кунни биз пахта пунктига неча тележка пахта жунатсак, улар ҳам шунча тележка жунатишади. Эртаси кунни қарасак, улар ҳар кунни 7—8 процент пахта топширган бўлади. Биз эса 4—5 процент. Пахта

пункти билан Бойқўзиёв ўртасида «...шудгорда қуйруқ на қилур» дегандай бир гапнинг борлиги ойдаё равшан бўлиб турибди. Шу иш юзасидан район партия комитети жиддий тафтиш ўтказишини илтимос қиламан.»

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА!

«Сизга бу шикоятни ёзишдан аввал район халқ маорифи бўлимига бир неча марта мурожаат қилдим. Бироқ натижа чиқмади. Гап бундай: биз дарсдан кейин ўқувчилар билан далага чиқамиз. Мени бир нарсга ажаблантиради. Бригада бошлиғи келиб арзимаган нарсга учун бизларни ердан олиб, ерга солади. Бўлим бошлиғи, партком, совхоз директори... Қайсиниси келса таёқ бизнинг бошимизда синади. Лоақал ўқувчиларнинг олдида сизласа ҳам майли эди. Нима бўлганда ҳам мен ўшаларнинг болаларига дарс берман-ку! Ушаларнинг ўзи ҳам бир вақтлари ўқувчи бўлган-ку! Бу ҳам майли. Ўқувчиларни далага олиб бориб-олиб келиш учун машина ажратилган. Кўпинча машинанинг ўрнига тележка келади. Унда юриш хавфли. Шундай вақтлари тележкани қайтариб юбориб, далага ўқувчилар билан пиёда, кечикиб боришимизга тўғри келади. Гапнинг каттасини ўшанда биз эшитамиз. Мен ҳозир биргина ўзим ҳақимда ёзаётганим йўқ. Барча ҳамкасбларимнинг аҳволи шундай. Иш шу йўсинда кетадиган бўлса, касбимни ўзгартиришдан бошқа иложим йўққа ўхшаб турибди.

17-мактаб ўқитувчиси А. ЭРБУТАЕВ».

Райком секретарига «Коммунизм» колхозининг аъзоси Ш. БИНАЛИЕВДАН

АРЗНОМА

«Оиламиз билан яхши ишлаб келаётганимиз учун колхоз правлениеси мени «Жигули» машинаси билан муқофотлаган эди. Бироқ бир ярим йилдан бери райиҷрокомга қатнаяман. Айтишларига қараганда «дўппи»сини бермасам машина тегмас эмиш. Ахири сизга мурожаат қилишга тўғри келди...»

Шу кунни райкомнинг навбатдаги бюроси бўлди. Кўриладиган масалалар:

1. Район хўжаликлариде терим суръатининг бориши.
2. Район халқ контроли комитети раисининг ҳисоботи.
3. Келгуси йил ҳосилига тайёргарлик масаласи.
4. ...

Учинчи масала мунозарага айланиб кетди. «Коммунизм» колхозининг раиси Ленин муқофоти лауреати Жавод Кўчиев сўз олди. Жавод Кўчиевнинг нуқти ўзидай содда, ўзидай самимий, ўзидай «тоши оғир» бўлади.

— Менга қолса ернинг табиатини шу ерда ишлаётган деҳқончалик ҳеч ким билмайди. Бизда эса кўпинча бунинг тескариси бўлади. Райиҷрокомдан келган киши бир хил топшириқ бериб кетади. Қишлоқ хўжалик бошқармасидан келган киши ўзича яна бир кўрсатма бера бошлайди. Райкомдан, облизполкомдан, обкомдан... Бирининг кўрсатмаси иккинчисига ўхшамайди. Деҳқонни қачон ўз ҳолига қўйишади!.. Пахтаги экиб-тикиб, ундирадиган ўзимиз-ку! Деҳқоннинг ердан бўлак таянчи борми!

Жавод Кўчиев хўжалик раҳбарларининг кўпдан бери кўнглиларига тугиб юрган гапини айтган эди. Райкомнинг биринчи секретари ҳам колхоз раиси бўлиб юрган вақтларида юқоридан бериладиган бундай «топшириқ»ларнинг кўпини кўрган, эшитган эмасми, бу ҳақиқий ўзига ишонган, ўз ишини миридан сиригача билган деҳқоннинг сўзи, деган гапни кўнглидан ўтказиб қўйди. Ҳамма Жавод Кўчиевнинг гапини қўллаб-қувватлади.

Районда «Катта карвон» деб ном олган, Мирзачўлда туғилиб,

шу ерда камол топган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Пилла-чилик» совхозининг директори Абдусамад Исмамов сўз сўради:

— Жаводнинг гапи-гап. Деҳқонни ўз ҳолига қўйиш керак. Фақат бировларнинг кўрсатмаси билан иш қиладиган киши ҳеч қачон хўжаликка раҳбар бўлолмайди. Ахир звенонинг ерини биргина звено бошлиғининг ўзи билмайди! Деҳқончилик буйруқ билан эмас, ақл-фаросат, пешона тери билан бўладиган иш.

Яна бир масала бор. Биз ҳар йили тошмириқларга қараб планини уч-тўрт марта ўзгартирамиз. Пировардида калаванинг учини йўқотиб қўяпмиз. Менимча, бизнинг қўлимизда беш йиллик планининг барқарор бор нусхаси туриши керак. Шунга қараб ишимизни планлаштирайлик. Қиладиган ишимиз тайин, мустаҳкам, мустақил бўлади.

Абдусамад аканинг ҳам фикрларига барча бирдай қўшилди. Янги маҳкама, янги мартаба, янги одамлар, илк қадамлар... Секретаринг назарида илк бюро кўнгилдагидек ўтмоқда эди. Одамлар очиқ-ойдин гапиришди, ўткир, долзарб мулоҳазалар ўртага ташланди. Дастлабки кунларда ноқ раёкомга ташаётган юқоридаги шикоятлар, сигналларни эслаб, секретаринг кўнгли гаш бўлди. Ҳали росмана иш бошланмасдан туриб ҳақли талаблар, ўринли эътирозлар, жиддий таклифлар... Секретаринг биринчи бюрони олиб боршига қараб, ўзларча, охири қандай бўлар экан, дегувчилар ҳам йўқ эмас эди... Дарвоқе, охири қандай бўларкин! Район ҳаётида каттаю-кичи юмушлар, ечимини кутиб турган масалалар кўп. Ҳамма ишни бажаришга улгуриш, ҳеч ким ва ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керак. Айниқса, одамларни эздан чиқармаслик, уларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик лозим.

«...партия комитетларида аҳолининг турли гуруҳлари билан — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ёшлар билан идеология ишини ташкил эта биладиган ҳақда шу иш учун жавоб берадиган махсус тайёрланган кадрлар бўлиши керак. Бу кадрлар обрў-эътиборли, ўқимишли кишилар бўлиши лозим...» [КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми материалларидан].

Янги секретаринг кўнглига биз чўллари ўзлаштириб бўлдик, бироқ ҳали одамларни ўзлаштириб бўлганимизча йўқ, деган ҳикматомуз гап келгандай бўлди. У ишни каттаю-кичи раҳбарларни ўрганишдан бошлади.

БАЪЗИ БИРЛАР БОР:

ўзининг босиб ўтган йўли, ўз меҳнати, ўз ўрни, ўз ишига бўлган масъулияти, тажрибакорлиги, ташаббускорлиги билан ўз ўрнига муносиб.

БАЪЗИ БИРЛАР БОР:

амалпарастлиги, сўнадагидан «султони» борлиги, ўз нафси турганда умум манфаатини кўзга илмаслиги, ўзидан қуйидагиларга тўралик қилиб, ўзидан юқоридагиларга ялтоқлик қилиши билан эғаллаб турган мансабига нолайиқ.

Одатда, кейинги тоифадаги раҳбарлар ўта устамон бўлади. Янги секретари ҳар қандай йўллар билан қўлга олишга уринадилар. Ана шундайларнинг аравасига ўтириб, жирини жирламаган, сир бермаган секретаринг эл орасида кунба-кун обрўси оша боради.

Янги секретарь худди шу усулни қўлади. Орадан ҳафталар ўтди, ойлар ўтди. Кимнинг кимлиги билинди-қўйди. «Москва», «Ленинград», «Первомаец» совхозларининг директорлари, районининг айрим раҳбарлари мот бўлиб, чекинишга мажбур бўлди. Донобой Бердибеков, Раҳим Эрбўтаев, Шерқул Олтмишев, Фатхулла Файзуллаев сингари ўз ўрнини тополмай юрган кишилар ўзларига муносиб ишлар билан таъминланди. Арзнома ёзганларнинг ҳам муроди ҳосил бўлди. Думалоқ хат ёзиш билан шугўлланувчиларнинг юзи шувит бўлди.

Райком секретари билан қилган суҳбатимизда гап сулола ҳақида ҳам кетди. Холбек Умирович саволимизга лўнда жавоб килди:

— Менимча сулола икки хил бўлади: меҳнат сулоласи, амал сулоласи. Жавод Кўчиев фарзандларининг бари отасининг изидан бормоқда. Бири бригада бошлиғи бўлса, бири механик-затар. Ана бу ҳалол сулола. Умри боқий сулола. Синдоров билан Мамановлар сулоласини айтмайсизми! Ҳавас қилса арзийди.

Айрим кишилар раҳбарлик курсисига ўтириши билан атрофига таниш-билишларини, қариндош-уруғларини тўплай бошлайди. Бу — сулола эмас, субтсизлик.

— Айтгандай «Ленинград» совхози тўғрисида яхши гапдан кўра ёмон гаплар кулоққа кўп чалинади. Ўзи ҳам совхоз давлатдан кулогигача қарзга ботиб қолганга ўхшайди?

— Тўғри. Бу саволларингизга юқорида жавоб берилди шекилли, бундай сулоланинг ҳам, сулола «султони»нинг ҳам умри қисқа бўлади. Ишни шу йўсинда олиб бориб, беш бармоғини оғзига тикқан хўжалик раҳбарларининг баҳридан кечдик.

— Холбек Умирович. Утган йилнинг баҳор ойларида бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Айни пилла курти тарқатиладиган вақт эди. «Ленинград» совхозининг тўртинчи бўлим бошқарувчиси пўписа билан уйма-уй пилла курти тарқатиб юрибди. Уша кунги кўнгил хираликларни айтиб ўтирмасе ҳам бўлади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу, биринчидан, ўша бўлим бошлиғининг одамлар орасида мутлақо обрўини йўқлигидан дарак беради. Иккинчидан, бу пиллакорларга нисбатан ўта ҳурматсизлик.

— Айтгандай, Холбек Умирович, ҳалиги мактаб ўқитувчисининг шикоятига тўхталсак. Уша муаллим ҳатто ўз касбидан воз кечиш даражасига борибди. Умуман, ўқитувчи, унинг обрўи ҳақида кейинги пайтларда матбуотда ҳам жиддий гаплар бўлди. Умуман мактаб ва муаллимлар ҳақида қандай фикрда-сиз?

— КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар техника мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасининг халқ муҳокамасига қўйилиши партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлодин тарбиялаш, мактаб ва маориф системасига алоҳида эътибор бериси, ўқитувчиларнинг халқ орасидаги иззат-эътиборини тиклаш масаласига жиддий аҳамият бериб келаётганининг ёрқин бир белгиси бўлди. Мен шу ўринда Лениннинг, кичкина ишлардан катта ишлар келиб чиқади, деган доҳиёна сўзларига алоҳида урғу бериб тўхталишни истардим.

Биз мактабда ўқиган вақтларимизда ўз ота-онамизни қандай ҳурмат қилсак, ўқитувчиларимизни ҳам шундай ҳурмат қилар эдик. Бироқ ўша вақтлардаги мактаб ўқувчилари билан ҳозирги мактаб ўқувчиларининг савияларини солиштириб бўладими! Ҳамма гап шунга келиб тақалади.

Менимча, қуруқ фармойишлар орқали ўқитувчининг обрўини ошириб бўлмайди. Ўқитувчининг ўз касбига эътиқоди зўр бўлса, ҳар бир хатти-ҳаракати, билими, дунёқарашини, маънавий қиёфаси ўз ўқувчиларини мафтун эта олса, ўша ўқитувчининг синфда ҳам, мактабда ҳам, жамоат жойларда ҳам мартабаси, мавқеи баланд бўлади. Ҳамма айбни болага юклай бериш эса ожизлик белгиси. Тажрибали педагоглар билан суҳбатлашгудай бўлсак, улар кўпроқ бир нарсадан — ҳозирги ўқув программаларининг чигаллашиб, мураккаблашиб кетганидан, шунинг учун ҳам, айниқса, қўйи синф ўқувчиларининг ўзлаштиришлари пасайиб бораётганидан зорланишади. Бу гапда жон бор. Сўнгра олий ўқув юртлирини тамомлаб келаётган кўпчилик ёшларнинг билим савиялари саёз. Бу сир эмас. Сўнгра, ишдан урилиб, сурилган айрим кишиларнинг бир думалаб ўқитувчи бўлиб қолиши қизиқ. Ваҳоланки ҳар жиҳатдан мукамал кишигина бирова ақл ўргата олади. Тарбиячи бўла олади.

— Энди сизга бироз эриш тўюладиган савол. Нима учун кўпчилик кишилар арзимаган нарса учун ҳадеганданоқ райкомга мурожаат қилишади?

— Бу, менимча, шундан: ўша кишилар ўз арзи бўйича борган маҳкама, муассаса ё орган ходимлари, эрта келинг, индин келинг, деб, ё вақтим йўқ, деб, ишни пайсалга солганликларидан, ўша одамларнинг ишини битириб бермасликларидан. Уша кишиларнинг ўзлари мурожаат қилган маҳкамадан ҳақсалазларининг пир бўлганлигидан.

«...Қишлоқда яшовчи ҳар бир оила томорқа участкасига эга бўлиши, чорва ва парранда боқа олишлари учун шарт-шаронтлар вужудга келтириш иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советининг, район ижроия комитетларининг, хўжаликлар ва корхоналар, касаба союз ташкилотлари раҳбарларининг гоят муҳим вазифасидир».

[СССРнинг Озиқ-овқат программасидан]

Ҳақиқатан ҳам қишлоқда яшаб туриб деҳқончилик қилмаслик, соғин сигир, қўй-эчки тутмаслик, бунинг учун шаронтнинг йўқлиги ёки шаронт яратиб берилмаганлиги чорва аҳли учун, дарё бўйида туриб сувга зор бўлгандай бир гап

эмасми! Ҳозир деярли ҳамма колхоз ва совхозларда чорва моли учун яйловнинг йўқлиги, бунинг устига уларни ем-хашак билан таъминлаб турилмаслиги барча хонадон аъзоларини ташвишга солиб қўймоқда. Айтилик, бир хўжалиқда юз хонадон бўлиб, уларнинг ҳар бири ками билан беш-олти қўй, икки-уч қорамол тугган тақдирда, бир қишлоқда қанча чорва моллари мавжуд бўлади! Тажрибали чорвадорларнинг ҳисоб-китобларига кўра бир қўй учун бир йилга ўрта ҳисобда 2—2,5 гектар, қорамол учун эса 1—1,5 гектар яйловлик ер ажратилиши керак экан. Албатта, Мирзачўл шароитида ҳеч бир хўжалик раҳбарига бу талабни қўйиб бўлмайди. Бу талабни улар қабул қилмайдилар ҳам, ҳазм қилолмайдилар ҳам. Лекин, улар истасин, истамасин аҳолининг талабларини, эҳтиёжларини ўз шароит, ўз имкониятларига қараб ҳисобга олишлари ва қондиришлари керак. Энди уч-тўрт қўй-қўзи, бир ёки иккита қорамол тугган хонадонларнинг кундалик кун кечирешларини олайлик. Колхоз ёки совхоз даласига бориб қолсангиз, зовур бўйида сигир етаклаб, марза четида қўй-қўзиларини олдига солиб юрган кексаларни, бола-бақрани учратасиз. Бу уларнинг баҳордаги, ёздаги тирикчиликлари. Энди улар қишлоқ ем-хашакларини нима қилишади!

Нима қилар эди: ўзлари яшаётган хўжалиқнинг бедапояларидан ўмаришади. Натижада бу номутаносибликнинг охири жанжалга, сену менга бориб тақалади. Энг ёмони бир кунда юзга яқин киши «чўпонлик» қилган бўлади! Чўпон — қишлоқ ярашиги. Чўпонсиз қишлоқ эса боғбонсиз боққа ўхшайди. Ваҳоланки бизда бундай боғбонсиз боғлар йўқ эмас...

Қишлоқ аҳолисини яйловсиз қўйиш — деҳқон зотининг оёғини ердан узиб қўйиш билан баробар эмасми!

Бир вақтлари боғи борларга боғи учун, бир туп мевали дарахти учун солиқ солинар эди. Бора-бора одамлар болга тўла боғларининг баҳридан кечдилар. Бу ҳол эл-юрт учун қанчалар қимматга тушганлиги ҳали эсимиздан чиққанича йўқ. Қишлоқ аҳолини яйловсиз қўйиш ана шунга ўхшаган сохта сиёсатга менгзамайдими!

Ниҳоят, яна СССРнинг Озиқ-овқат программаси ва унда илгари сурилган гоят ҳаётий, гоят зарурий масалалар ҳали айрим хўжалиқларда тўлалигича ижро этилмаётгани кишини ажаблантиради. Юқорида айтилган амалий кўрсатмаларнинг баъзи ношуд раҳбарлар томонидан пайсалга солинаётгани, баъзан эса қозғоздагина «ижро этилаётгани» кишини ҳайратга солади. Уйлантириб қўяди.

Холбек Умировичдан ана шу муаммолар ҳақидаги фикрини сўрадик.

— Кўпчилик хўжалик раҳбарлари тайёр яйловларни экин майдонига айлантираётганликлари рости. Бироқ кейинги вақтларда яйловларнинг йўқлиги сабабли молли-ҳолли хонадонлар билан хўжалик раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтаётган кўнгилихориликлар, аҳолининг ем-хашак билан таъминланмаётганлиги тўғрисидаги гап-сўзлар райкомга ҳам етиб келаяпти. Биз ана шу хат-хабарларни, шикоятларни инобатга олиб ҳар бир хўжалик раҳбарига шу йилдан бошлаб юз ва ундан ортиқ гектар ерга судан ўти экиб, аҳолини хашак билан таъминлаш ҳақида кўрсатма бердик. Судан ўти бир йилда беш-олти марта ўриладиган серҳосил, чорвабон ўсимлик. Улар бу кўрсатмани амалга оширсалар хонадонлар учун ҳам, ўз хўжалиқларини учун ҳам хайрли иш қилган бўладилар. Бу кўрсатмаимизнинг ижросини жиддий назорат қилиб борамиз. Аслида, ҳар бир хонадоннинг ўзи ёрдамчи хўжалик эмасми ахир! Аслида озиқ-овқат программаси бу тўқ хонадон, йирик колхоз, бадавлат совхоз дегани-ку!

— Холбек Умирович, район истиқболи ҳақида нималар дея оласиз?

— Келажак бугундан бошланади, деган гап бор. Бугун ҳам, келажак ҳам, сўзсиз, кадрларнинг соатма-соат, кунба-кун камол топиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда амалий жиҳатдан чиқиққан, коллективни бошқара билиш санъатини эгаллаган, партиявий ишни одамшунослик деб тушунадиган, одамларнинг кўнглидаги гапларни, кайфиятларини уларнинг юзларидан, кўзларидан сезадиган, уларни руҳлантира оладиган кишиларгина келажакка ёруғ юз билан бора олади. Бундай кишилар раҳбарлик қилаётган хўжалиқлар равақ топади. Деҳқон тили билан айтганда ўзлари ҳам барака топади. Уларни бошқараётган ташкилот ва коллективларнинг фахри бўлиб қолган Абдуҳамид Йўлдошев, Кирман Искандаров, Зариф

Давронов, Ботир Холдорев, Норқобил Юсупов сингари кадрларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Районимиз «оқ олтин» хирмонининг йил сайин юксалишида шу ва шу сингари юзлаб ҳалол, ростгўй, билимдон кишиларимиз билан фахрланмай бўладими! Чўлқувар эмас, пулқувор деган лақабини олган Норқул Осмонов, Чингиз Юсупов каби босган қадамидан нарини кўрмайдиган кимсалар эса, кўпнинг назаридан қолади. Узоққа бора олмайди.

— Энди сизга бир норасмий саволимиз бор. Бу сизга суяниб, сизни орқа қилиб иш кўрадиган кишилар ҳақида...

— Тушунарли. Лавозим эгаларига суяниш, уни орқа қилиш одамзоднинг табиатида азалдан бор нарса. Район ташкилотларида, колхоз-совхозларда масъул ёки номасъул вазифаларда ишлаётган, қариндошлик жиҳатдан менга яқин кишилар йўқ эмас, бор. Уз ишига пишиқлиги, меҳнатқашлиги, тўғрисиўзлиги, ҳалоллиги билан ҳар қандай ерда, ҳар қандай шароитда иззат-обрў топадиган яқин кишиларим бу районда ишлади нимаю, бошқа районда ишлади нима! Улар учун барибир. Бундай ақлли, эс-ҳуши жойида, номуқ-орли, покдомон оғайниларим менга ҳеч қачон суянган эмас. Суянайдилар ҳам. Турғун Аҳмедов номли совхознинг бош агрономи Турдибек Омонлиқов кўз ўнгимда ўсиб, камол топган иним. Уни биргина мен эмас, қариндошларимизнинг ҳаммаси яхши кўради. У ҳақида биронта ножўя гап ҳозиргача қулоғимга чалинганича йўқ. Эшитсам кечирмайман. Буни ўзи ҳам билади.

Лекин ҳам қўли, ҳам йўли эгри, нияти ноҳолис, диёнатсиз, нафс қурбони бўлган амалпарастлар ҳам йўқ эмас. Вақти келганда кишининг юзини ерга қаратадиган бундай тўғишган-тўтинганларим ҳақида нима десам экан! Чунки райондаги каттаю кичикнинг кўзи ҳамниша менда. Раҳбарнинг бундай одамларга ён босиши, қусурларини билиб-билмасликка, эшитиб-эшитмасликка олишидан тубан тирикчилик бўлмаса керак. Аслида, обрў деганлари «Отадошим отга мин, отаси бошқа отдан туш» деган гапдан бошлаб тўкилмайдими!

— Китоб ва китобхонлик ҳақидаги ўйларингиз?

— Мирзачўлда ўсиб-ўниб, шу вилоятда вояга етганим учун бўлса керак, шу воҳа ҳақида ёзилган китобларни қанда қилмай ўқиб бораман. Мирзачўлнинг ўтмиши, ҳозирги қиёфаси, унинг қаҳрамонлари ҳақида ёзилган китобларни ким ҳам севиб ўқимайди дейсиз! Абдулла Қаҳҳор «Шоҳи сўзана» асарини ёзиш учун Мирзачўлга неча бор келиб кетган. Ленин номли, «Қизил деҳқон» колхозларида ҳафталаб, оялаб турган ҳам.

Мирзачўл, унинг қаҳрамонлари ҳақида ёзилган бошқа асарлар ҳам йўқ эмас. Бироқ улар қўлма-қўл бўлиб ўқилмайди, ўқиган тақдирда ҳам ўқиб чиққанинга, қанча вақтининг бекорга кетганига ачинасан киши. Яхшилари ҳам бўлса бордир. Лекин инсоф билан айтганда, уларнинг қайси бирини бадий жиҳатдан, теранлиги жиҳатдан «Утган кунлар»га, «Қўтлуғ қон»га, «Юлдузли тунлар»га, «Улуғбек ҳазинаси»га, «Кўкан батрақка», «Зайнаб ва Омонга тенглаштириб бўлади! Холис гапни айтганда чинакам «Мирзачўлнома», «Қаҳрамоннома»лар ҳали яратилганича йўқ. Дастонларда айтилгандай, Мирзачўл бир думалаб Мирзагулистон бўлиб қолгани йўқ. Эҳ-е, меҳнатлар, у машаққатлар, олтинчи қитъанинг олтин тўла, жавоҳир тўла «Олтин сандиғи» ҳали очилганича йўқ. Биз пахтаини олтинга менгзаб ўрганиб қолганмиз. Аслида олтин чин маънода топилма. У излаб, қазиб, баъзан эса соф ҳолида олинади. Пахта эса минг-минг кишиларнинг тинимсиз меҳнати орқали бунёдга келади. Одамзод олтинсиз кун кечирishi мумкин. Навоий бобомизнинг тили билан айтганда, момиқ кишининг то таваллуд топиб, узлат қилган кунигача ишлатиладиган зарурат. Шунинг учун ҳам пахтаини олтинга эмас, олтинни пахтага ўхшатса тўғри бўларди.

Расмий, норасмий савол-жавоблар ҳам, биринчи котиб билан қилган суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди ҳисоб. Бироқ бутун бошлиқ бир районнинг ҳамма жаҳдаларини илғаб олиш, райком секретарининг бутун фаоллигини, қозғога тушган, тушмаган режаларини биргина шу мақолада ифода этиш мумкинми! Юқорида айтганимиздай, бир районнинг кўз илғарилғамас, йирик-нойирик юмушлари, истиқболи, областнинг энг кенжа райони бўлгани ҳолда унинг илғор районлар қаторидан ўрин олиши — биринчи секретарининг тинимсиз изланиши, узоқ-узоқларни ҳозирдан кўра билиши, неча юзлаб кишиларнинг меҳрини қозониши билан боғлиқ эмасми!



**Сирожиддин
Сайдов**

Жароҳат

Сизнинг шавкатли жароҳатларингиз учун!..
Эриест ХЕМИНГУЭЙ

I

У кунларнинг армонлари сўнган йўқ
ҳали,
Ўқсиб-ўқсиб севганинг — шу дунё,
Ўқсиб-ўқсиб севганинг — шу замин —
Жангдан орттирган оғриқларинг билан
Яшаётир бағрингда, ота!

У кунларнинг армонлари сўнган йўқ
ҳали,
Вужудингда ўқлар қолдирган
Жароҳатлардан сенга эшитилар
Ул машғум жангдаги видолар!
Ҳали ҳам бағрингда инграр нидолар!

У кунларнинг армонлари сўнган йўқ
ҳали.
Кўтариб юрибсан вужудингда сен
У кунларни — жанг майдонини.

У кунларнинг тантанаси сўнган йўқ
ҳали,
Сен омон қайтдинг!
Жароҳатли вужудингда эса оғриқлар,
Унутолмайсан!
Оғриқли умрингда эса жароҳат,
Унутолмайсан!
Заминдан олдинг сен у оғриқларни,
Жароҳатлар сенга заминдан
Ушал оғриқлар билан,
У жароҳатлар билан
Ўзинг ўқсиб-ўқсиб севганинг — дунёнинг,
ўқсиб-ўқсиб севганинг — заминнинг
оғригини,
жароҳатларини камайтирдинг сен, ота!

Ота, оғригинг камайдими?

У кунларнинг армонлари сўнган йўқ ҳали
Умрлар камайди, бир умрларки!

Лаблари қайтмади кўз бўлиб
кутаётган ёрлар лабига!
У кунларнинг армонлари сўнган йўқ
ҳали,
Ҳайкаллар кўпайди Ернинг юзиди!
Ота, камайдими оғригинг?

У кунларнинг тантанаси сўнган йўқ ҳали,
Сен омон қайтдинг!
Омон бўлмаса ҳам,
Колган Ватанга!
Оҳ, у тантананинг қувончи
Чексиз заҳмат эди сен учун, ота!
Сен узоқ йўллардан юриб келяпсан,
Йиллар заҳматининг ёриб бағрини.
Сен ўз вужудингда олиб келяпсан
Умр оғригини, аср дардини.
Сени толиқтирди бу узун йўллар,
Сен хануз келяпсан тўхтамай бир зум.
Сени толиқтирди сен кўрган йиллар,
Йилларнинг заҳмати дарёдай узун!
Ўқнинг парчасидир асрнинг дарди —
Сингган вужудингнинг қат-қатларига.
Сен ўзинг шафқатсиз бир ўқсан асти
XX аср заҳматларига!

У кунларнинг тантанаси сўнган йўқ ҳали.
Вужудингда эса оғриқлар —
немис аскарлари қолдирган «мерос».
Бу «мерос»нинг аччиқ азоби
Қирқинчи йиллардан ҳозирга қадар
Қақшатади суякларингни.
Уруш майдонида туғган уруш
давом этар суякларингда,
Сўнгсиз йўларингда давом этар у.
Ота, камайдими оғригинг?

Ота, қувончларинг маҳзундир нега?
Таржимаси шунча оғирми?
Қувончларинг бунча ўхшайди
заҳматларга, ҳасратга, ота?!
Ёдимда — дарс пайти,
Аудиторияда
лекция ўқиган докторнинг
тилида «р» ҳарфи йўқ эди,

Талабанинг «Нега» саволига у:
 — Қолдилиб келганман «л»ни улушда,—
 деб жавоб бердию узоқ жим қолди...
 («Улуш» дегани бу — уруш-да)
 — Нега, — дейман, — нима учун?!
 Оламнинг кулгулар қиличига мен
 «Нега» саволини қалқон қиламан!
 Саратоннинг ойдин тунлари, нега
 сен ухлай олмайсан, бузрук ҳасратим?!
 Ерни ўйлайсанми ёки сувними?
 Боғинг қақрадимми ё бедазоринг?
 Еринг сув дейдими? — Ҳайлама, ота! —
 Олимлар беҳудā кўтармас шовқин,
 Сибирь дарёлари келади ҳали,
 Шунда сув тегади бедазорингга!

Мен сенинг ҳасратли умрингда
 бир бўлак қувончдай дунёга келдим.
 Мана бугун ўқимоқдаман
 Умрингнинг ҳасратли варақларини.
 Мен қувончиманми ҳасратларингнинг,
 Ёки қувончингга ҳасратманми мен?
 Ота, камайдимми ҳасратинг?!
 қани

II

Мана шу Ватанни севаман, ота!
 Сенинг,
 минглаб сенга ўхшаганларнинг
 Умри эвазига,
 дарди туфайли
 Ҳасратли ва дардли тарихдан
 Ватанга айланган Ватанни
 Севишдай нажотим бор менинг, ота!
 Аммо бу нажотим бир куни
 нажотга зор бўлиб қолмасми дейман...
 замоним, армоним, тугёним,
 қани

кашф этгин ўзингнинг боқийлигингни:
 Ватан Соғинч бўлса,
 Ватан Дард бўлса,
 Виждон,
 Хаттоки Ҳаяжон бўлса Ватандир!
 Олисга термулган анов тол — Ватан,
 Сигир соғайтган у аёл — Ватан,
 Келин бўлаётган пок хаёл — Ватан,
 Янги кўйлак кийган қизалоқ — Ватан,
 Ердан униб чиққан исмалоқ — Ватан.
 Кечалари тоғу тошларда
 сокингина ёнаётган гулханлар — Ватан,
 Айтилаётган ўланлар — Ватан...
 Мана шу Ватанни севаман, ота!
 Сенинг,
 минглаб сенга ўхшаганларнинг
 ҳасрати туфайли рўёбга келган,
 Умри эвазига абадийлашган

Мана шу Ватанни севаман!
 Аммо
 Даҳшат босар:
 Қалблар окопида
 қолиб кетмаймизми бир куни?
 Ватан севгисининг гранаталари
 Портламай қоларми қўлларимизда?
 Сен — Ватан аталган оғриқсан, ота,
 Мен-чи, шу оғриқнинг содиқ жангчиси!
 Ота, камайдимми оғригинг?

III

Ота,
 камаймади оғригинг.
 Мана, бугун
 Хавотирлар қалъасида яна нотинчсан.
 Ота, ўтинчсан!
 — Тинчлик бўлсин, — дейди ёд,
 хотирларинг,
 — Тинчлик бўлсин, — дейди
 хавотирларинг.
 Яна изтиробсан,
 уйқусиз ўйсан.

Атомлар ухлаган ушбу Заминда
 Менинг тўйим эмас,
 Ёруғ дунёларнинг ғамини ейсан.
 Сен «Тинчлик марши»нинг

қатнашчисисан.
 Сен инсон бахтининг меҳнатчисисан.
 Улуғ Азоб урушининг иштирокчиси
 Сен — Тинчлик аталган порлоқ ниятсан,
 Ота,
 сен безовта инсониятсан!
 Мен эса,
 Мен эса акс садоман!
 Сен ўтказайтган шу умр,
 Сендан ўтайтган шу аср
 Поёнидан акс садоман!
 Ёдимда:

ҳарбийда, машқ майдонида
 майорнинг оғриқиб айтган гаплари:
 — Йигитлар, бепарво бўлманглар,
 бепарво бўлманглар Ватанга!..
 Мен ўшал майорнинг оғриқларига
 Сендан қоладиган кўнгилли қалқон,
 сендан қоладиган қуролман, ота!
 Кунлар ўтаяпти чарақлаб, гуллаб,
 Бу Ҳаёт — бўстон!
 Бу Ҳаёт — гўдакнинг илиқ нафаси
 гупуриб эшитилаётган ойдинлик.
 Мен акс садоман умрингга, ота,
 Ҳасратлар, оғриқлар, ғалабаларга
 йўғрилиб туғилган акс садоман.
 Бу акс садонинг ёлғиз поёни
 Тинчлик сўзи билан якунланади.
 Бу акс садонинг ёлғиз поёни
 Тинчлик сўзи билан мангуланади!





Нусрат
Раҳматов

КАШФИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА

Ёзувчи, олим, журналист баҳси

Ҳар бир публицист маълум даражада олим

ва ёзувчи ҳам. Лекин биратўла уч киши номидан

сўз юритиш мураккаб, албатта.

Бундай пайтда андак бирхиллик ҳам, тарқоқлик ҳам

содир бўлиши мумкин.

Йўқ, автор фан, адабиёт

ва публицистика муаммоларини чуқур тадқиқ

этноқчи эмас. Шу баҳонада

юрагидаги айрим гапларни айтиб олмоқчи, холос.

* Бу она тупроқ

* Квадрат-уялаб экишининг қисмати

* Сўз сизга, ўртоқ публицист!

* Парранданинг қулоғи ва локатор

* Қайдасиз, халқ селекционерлари?

* Бадиий тўқиманинг тўқималиги

* Кечир бизни, она — табиат!



УРНАЛИСТ. Ҳурматли дўстлар! Давра суҳбатимизда шу куннинг долзарб масалалари, аниқроғи, фан, адабиёт ва публицистика олдига турган муҳим вазифалар, муаммолар тўғрисида бақамти гаплашиб олишимиз керак.

ЁЗУВЧИ. Асосий мавзудан четга чиқмай, фикримизни лўнда қилиб айтсак, дейман.

ОЛИМ. Агар маъқул топсанглар, мен гапни академиямизнинг кечагина бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишидан бошламоқчиман. Чунки у ерда фан ҳақида, кашфиёт ҳақида жуда яхши гаплар айтилди. Республикамизда ўн уч минг фан кандидати, мингдан кўпроқ фан доктори ишлаётганини эшитиб, рост гап, жуда қувондим. Олимларимизнинг кашфиёт ва тавсиялари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, миллион сўмлаб фойда келтиряпти. Бу ва бунга ўхшаган фактлар республикамиз олимларининг илм-фан соҳасидаги изланишлари самарали бораётганини кўрсатади.

ЁЗУВЧИ. Тўғри, илмдаги тараққиётни тан олмаслик мумкин эмас. Республикамиздаги илмий даргоҳларнинг ўзи икки юздан ошди. Аммо ҳали ўз ечимини кўтиб турган муаммолар кўп. Балки бу гапимнинг бугунги суҳбатимизга алоқаси камроқдир. Аммо икковингизни бирга учратсам сўрайман, деб юрган эдим. Бундан тахминан йигирма беш йил илгари олимларимиз чигитни квадрат-уялаб экишни тавсия қилгандилар. Шундан сўнг бу усул пахтачиликда улкан кашфиёт, деб ҳисоблана бошлади. Уялаб олимлар квадрат-уялаб экишнинг афзалликлари ҳақида кандидатлик, докторлик диссертациялари ёқладилар. Мухбирлар ҳам газета-журналлар саҳифаларини тўлдириб, янги усулни мақташга киришдилар. Кейин нима бўлди? Ҳаёт бу усулнинг самарасизлигини исботлади. Ҳозир ҳеч қаерда, ҳеч ким чигитни квадрат-уялаб экаётгани йўқ. Асли бугунги суҳбатимизга деҳқон, раис ва район раҳбарларидан таклиф қилишимиз керак экан-да. Уша «илгор тажриба» усули нимага назардан қолиб кетганини айтиб беришарди.

ОЛИМ. Маълум гап-ку, энди. Нимасини айтади! Хатоимизни тан оламиз.

ЖУРНАЛИСТ. Биз ҳам.

ЁЗУВЧИ. Афсусланадиган жойи шундаки, бундай хатолар такрорланиб турибди ва баъзида халқ хўжалигига каттагина зарар етказяпти.

ОЛИМ. Масалан!

ЁЗУВЧИ. Масалан, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш масаласи. Партиямиз ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу — зарурат эди. Демак, бизнинг олимларимиз ҳам ихтисослаштиришнинг республикамиз шароитига мос бўлган тавсияларидан бир неча вариантини ишлаб чиқишлари лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Кўпгина олимларимиз сувни кўрмай этик ечдилар: ихтисослаштиришни тор маънода тушундилар, номақбул тавсиялар тайёрладилар. Уларнинг бевоқиф аралашуви билан кўплаб колхоз ва совхозлар ихтисослаша бошлади: пахтачилик бўйича, чорвачилик бўйича. Аммо, орадан бирор йил ўтмай, хатоларимиз аён бўлиб қолди. Пахтачиликка ихтисослашган совхозлардаги болалар боғчалари, касалхоналар тухумсиз, сүтсиз қолиб кетди. Чорвачилик бўйича ихтисослашган колхоз, совхозлар сабзавот, мевани бозордан сотиб оладиган бўлдилар. Ҳар қалай республика партия ташкилоти ўз вақтида бу хатонинг олдини олди ва хўжаликлар тағин комплекс тараққиёт йўлига тушдилар. Лекин биз ихтисослаштиришнинг бош йўлидан чекинмадик. Боғдорчилик, майизчилик, ҳатто маккажўхоричилик бўйича ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилди. Уларда эҳтиёжга яраша чорва, сабзавот, ҳатто лимонарий билан асаларгача бор.

ЖУРНАЛИСТ. Нега энди бунинг учун фақат биз айбдор бўлар эканмиз! Хўжалик раҳбарлари, райондаги ўртоқлар-чи!

ЁЗУВЧИ. Даврамизда улар йўқ-ку! Узи йўқнинг кўзи йўқ дегандай, ҳамма айбни уларнинг гарданига тўнкай олмаймиз-ку!

ОЛИМ. Ҳа, қисман биздан ҳам ўтган.

ЖУРНАЛИСТ. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да. Нима, адабиётимизда бундай нуқсонлар йўқми! Дейлик, адибларимиз мазкур камчилик хусусида ўз вақтида гапирмадилар-ку!

Лоқал ундан кейин ҳам бу хатоларнинг сабаблари, оқибатлари акс эттирилган асарлар яратдиларми! Йўқ. Ахир, камчиликлардан сабоқ чиқаришимиз керак. Бу ўринда бадний адабиёт анча иш қилиши мумкин эди. Ёзишпти-ку: Чингиз Айтматов, Валентин Распутин, Даниэл Гранин, Нодар Думбадзе...

ЎЗУВЧИ. Бунга истеъдодли публицистларни ҳам кўшинг: Василий Песков, Юрий Черниченко...

ЖУРНАЛИСТ. Биз тагин мавзудан чиқиб кетяпмиз. Дикқатни асосий масалага қаратиш учун олим дўстинга бир савол бермоқчиман. Айтинг-чи, нима учун марҳум соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамухамедовни, халқ селекционерни, донгдор цитрусчи Зайниддин Фахриддиновни республикамиз, ҳатто мамлакатимизда ҳам яхши танишадими, баъзи олимларни тор даврагина билади!

ОЛИМ. Менимча, Ризамат ота билан Зайниддин аканинг ютуқларига баъзи илмий-текшириш институтлари ҳавас қилса арзийди. Масалан, Ризамат ота республикамиздаги жуда кўплаб боғларни яратишда бевосита иштирок этиш билан бирга, ток навдасини кесишнинг энг мақбул усулини ишлаб чиққанлар. «Ризамат» деган ток навини айримлар ота яратган, деб ўйлашади. Аслида бу навнинг авторини — москвалик профессор Кирилл Владимирович Смирнов. Кирилл Владимирович бир неча бор Ризамат ота ҳузурда бўлиб, у кишининг тажрибаларини ўрганди ва ўзи яратган энг яхши навни отахонинг номи билан атади. Бу — Ризамат отага бўлган эътиром эди.

ЎЗУВЧИ. Мен Зайниддин ака билан бир неча бор гаплашганман. У киши ҳам Ризамат отага ўхшаб жуда камтар, меҳнаткаш одам. Дастлаб Зайниддин ака лимон селекцияси билан шуғулланишнинг бўлганда кўпгина олимларимиз бу фикрга қарши чиқишган: республикамиз шароитида бунинг илжоги ҳам, ҳожати ҳам йўқ, дейишган. У киши илк бор Грузин навлари билан дурагайлаб яратган «Ф-1 Тошкент» навининг ҳар бир меваси олти юз граммга етди. Бу — кашфиёт эди. Зайниддин ака шу билан қаноатланиб қолмади. Халқ селекционерини яқинда яратган лимоннинг ҳар донаси икки килограммга тош босади. Қизиғи шундаки, янги навнинг чиқити йўқ. Пўчоғи ҳам ейлади. Ризамат ота билан Зайниддин ака аудиторларда таълим олмаган, лабораторияларда тажриба ўтказишмаган. Зайниддин ака ҳам Ризамат отадай генетик асосларидан бехабар, ускуналари ҳам жўнгина: ток қайчи билан боғ чопқис. Яна Зайниддин аканинг камтаринлиги шу даражадаки, ўз кашфиётдан ўзи ҳижолат чекиб тургандай. Селекционер олимларимиз-чи! Уларнинг аксарияти билан учрашиб қолсангиз, гапни шикоятю надоматдан бошлашади: «У етишмайди, бу етишмайди, қадримизни билишмаяпти».

ОЛИМ. Халқ селекционерлари рўйхатига тагин икки кишини кўшмоқчиман. Булардан бири — бойсулик Муслима опа Бегимова. У киши ихтиро қилган «Муслимка» буғдойи ўз вақтида жуда ҳам донг таратганди. Давр нуқтаи назардан таққослаганда, Ўзбекистон Ғаллачилик илмий-текшириш институтида яратилган аксарият ғалла нави «Муслимка»чалик оммавийлашган эмас. Эки самарқандлик оддий агроном Шариф Мухиддинов ихтиро этган Самарқанд оқ тарвузини олинг. У ширинлиги, пўстининг юпкалиги билан ажралиб туради.

ЖУРНАЛИСТ. Қизиқ, эшитмаган эканман.

ОЛИМ. Улар лабораториясиз, тажриба участкасиз, ускунасиз шундай кашфиётлар қилишган. Мўкофот ҳам таъма қилишмаган. Аммо ёзувчиларимиз улардан қайси бирининг мўкамал образини яратишди!

ЎЗУВЧИ. Ёзувчилар олдида бундай талаб қўйиб бўлмайди. Улар ўзларини тўлқинлантирган, ҳаёт синовларидан ўтган масалаларни, ажойиб одамларни бадний тўқималарда акс эттирадилар.

ОЛИМ. Нима, булар катта воқеа эмасми! Аслида иродали одамлар деб шуларни айтса бўлади! Бу кашфиётларнинг ҳаёт синовидан ўтганига бир неча йиллар бўлди.

ЎЗУВЧИ. Лекин адабиётимизда селекционерлар ҳаёти ўз аксини топмапти, дейишга асос йўқ. Бу мавзуда анча йирик, бақувват асарлар ҳам яратилди. Масалан, «Гирдоб». Уқидингизми!

ОЛИМ. Телевизорда кўрдим. Менга маъқул бўлди.

ЎЗУВЧИ. Бадний асарни ўқиш керак. Чунки экранлаштириш жараёнида унинг кўп қирралари қолиб кетган бўлиши мумкин.

ЖУРНАЛИСТ. Баъзан бунинг акси ҳам юз беради: кўпгина янги қирралар кўшилиб қолади.

ОЛИМ. Биз нуқул селекция ҳақида баҳслашиб қолдик. Гўёки бундан бошқа мавзу-муаммолар йўқдай. Ҳар ҳолда фан, адабиёт, журналистика олдидаги асосий муаммо селекция эмас-ку!

ЖУРНАЛИСТ. Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки селекция бизнинг республикамиз учун кун тартибидаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қоляпти. Бу ўринда бир воқеани гапириб бермоқчиман. Ғўза муаммолари бўйича ишлайдиган бир селекционер дўстим вильтага чидамли, серҳосил навини яратганини, кўп колхоз ва совхозларда экилаётганини гапириб, мақтаниб қолди. Бу ҳақда худлик билан матбуотда чиқиш қилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаверди. Ниҳоят, иккаламиз Бухорога — янги нав экилаётган колхозга йўл олдик. Селекционер дўстим йўл-йўлакка ўзи яратган навнинг хислатлари ҳақида гапирар, уни ҳатто бир вақтлар Леонид Румшевич яратган «108-Ф» навидан ҳам устун кўярди. Биз бригадирни дала бошида учратдик. Негадир, унинг қовоғидан қор ёғарди.

— Қалай янги нав! — деб сўрадим ундан салом-алиқдан кейин. Бригадир бу саволдан энсаси қотиб, кўл силтади ва нав авторини болаб сўқди.

Биз жуда мулзам бўлдик. Албатта, бригадир нав авторини эканлигидан бехабар эди. Гап шундаки, янги нав серҳосил, бардошли бўлса-да, аммо анча кечки экан. Бошқа бригадалар планни йигирма-ўттиз фоиз қилиб қўйганда, ҳалиги бригада теримни бошламаган экан. Селекционер дўстим ҳижолатдан чиқиш учун бригадирни айблашга киришди:

— Фақат шўхратпараст одамларгина планин эрта бажаришни мақсад қилиб олишади. Сиз унақа қилманг. Ун кун кейин бажарсангиз ҳамки, ҳосил кўп бўлади. Даромад ошади. Гап натижада...

Унинг ҳам далиллари асослидай эди.

Бригадир индамади. Мен ким ҳақлигини биллолмадим. Бултур кузда эса бригадир юз чандон ҳақ эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. Гап шундаки, ўтган йили Сирдарёга теримга кетган ўғлимни кўрган боргандим: болалар озода, иссиқ синфларда ўтириб билим олиш ўрнига кўрак теришарди. Бу манзарага негадир кўнгиб қолган эканмиз. Шундан бери шу хусусда кўп ўйлайман ва фарзандларимизни бу машаққатдан фақатгина селекционерлар халос этиши мумкин, деган хулосага келганман. Бухоролик бригадир кечки ғўза яратган селекционердан норози бўлганда фақат шўхратни ёни ўзи, бригадаси аъзолари манфаатини кўзлаган эмас! У маънавий жиҳатдан ҳақ!

ЎЗУВЧИ. Жуда ҳам тўғри! Ҳозир пахтакор учун камида юз кунда пишиб етиладиган, барги табиий тўкиладиган серҳосил навлар сувдек, ҳаводек зарур! Баъзан ҳайрон қолсан киши: республикамизда Иттифоқ миқёсидаги СоюзНИХИ ишлаб турган бўлса, пахтачилик селекцияси билан ўнлаб илмий даргоҳлар шуғуллансаю, яхши навлар етарли бўлмаса! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Ғўза селекцияси-уруғчилиги ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарориди шундай дейлади:

«Кўпчилик илмий тадқиқот муассасалари тарқоқ ҳолда ишламоқда, улар янги навлар яратиш борасида комплекс тадқиқотлар ўтказмаяпти, ғўза селекциячиларининг турли типдаги тоалар устида олиб бораётган ишлари тегишли тарзда мувофиқлаштирилмаяпти, селекция марказидан методик қўлланмалар юборилмаяпти. Селекция муассасалари билан айрим селекциячилар ўртасидаги ижодий алоқаларни мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлаш... зарур»

Пахтачиликка халқ селекционерларини ҳам жалб этиш зарур деб биламан. Бу ҳамкорлик яхши натижа бериши турган гап. Хуллас, яхши навлар керак. Жуда ҳам керак!

Тўғри биз — ёзувчилар ҳам бир умр Толстой, Достоевский-дай гениал асарлар яратишни орзу қиламиз. Модомки, шох асар ёзиш ҳаммамизга ҳам насиб этавермас экан, қўлимиздан келган юмушни сидқидилдан бажариб, жамиятга кўпроқ фойда етказишни ўйлашимиз керак-да. Лекин ишлаб чиқаришга бир тийинлик фойда бермайдиган ўнлаб диссертациялар ёқланаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас!

ОЛИМ. Начора, шунга ўхшаш романлар ҳам яратилмапти-ку...

ЎЗУВЧИ. Тан олмай илож йўқ. Аммо партияимиз кўп йилга

мўлжалланган фаровонлик программасини қабул қилган экан, олимларимиз аввало ана шу эзгу хизматга камарбаста бўлишлари лозим.

ОЛИМ. Бу — тўғри. Лекин фан ҳам нимаси биландир адабиётга ўхшаб кетади. Ундан ҳамиша ҳам конкрет натижа талаб қилавериш ўринли эмас. Шундай кашфиётлар бўладик, унинг самараси бир неча йиллар ўтгандан кейин намоян бўлади. XVIII асрда яшаган инглиз олими Майкл Фарадей ҳали муқовачига шоғирд бўлган пайтидаёқ магнит кучидан фойдаланишни орзу қилган. У ўн йил давомида чўнтагига магнит парчаси, мих, сим галтаги солиб юрган, бўш қолди дегунча, айлантириб кўраверган. Ниҳоят, кунлардан бирида сим ўралган магнитга бошқа магнитни таъсир этказиб электр заряди олган. Шодлигидан қийқириб юборган. Шунда, одамлар Фарадейнинг устидан кулишган. Нимага керак электр заряди! Бунинг ишлаб чиқаришга қанақа алоқаси бор, дейишган. Ҳозир эса ҳаётимизни электрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фарадейни қўйиб турайлик, бунақа мисоллар ўзимизда ҳам кўп. Бундан бир неча йиллар муқаддам Самарқанд Давлат университетининг биолог олими Абдулла Сағитов парранда қулоғи тузилишининг айрим хусусиятлари ҳақида диссертация ёқлади. Шунда кўпчилик унинг устидан кулди. Бу ҳам етмагандек, сиз, журналист дўстим уни танқид қилдингиз. Қарға қулоғининг ишлаб чиқаришга нима зарурати бор, деб олимга шаъма қилдингиз. Лекин орадан кўп ўтмай бу кашфиёт мамлакатимизнинг йирик физик олимларига жуда асқотиб қолди. Улар диссертациядан фойдаланиб, парранда қулоғига монанд улкан локаторлар яратдилар. Бу техник «қулоқлар» олис масофадаги овозларни ҳам илғаб олиши билан фарқ қилади.

ЖУРНАЛИСТ. Бу англашилмовчилик учун Абдулла Қўмо-вичдан кечирим сўраймиз. Лекин бир қатор зарур кашфи-ётларни ишлаб чиқаришга жорий этмаётган хўжалик раҳбарла-ри, ташкилот ва министрликларни танқид қилишга маънавий ҳақимиз бор.

ЕЗУВЧИ. Танқид қилиш зарур ҳам.

ЖУРНАЛИСТ. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Жало-лиддин Мирзоҳидов республикамиз тоғ ён-бағирларида мевали дарахт билан ток кўкартиришнинг мукамал усуллари-ни ишлаб чиқди. Назарий жиҳати билан қаноатланиб қолмай, Бахмал тоғлари бағрида юз гектарлаб боғлар, токзорлар яратди. Яланғоч ён-бағирлар эса бизнинг республикамизда миллион гектардан кам эмас. Мана сизга Озиқ-овқат про-граммасини...

ЕЗУВЧИ. Кечирасиз, шуни Фаровонлик программаси дейлик. **ЖУРНАЛИСТ.** Хўп... Фаровонлик программасини амалга оширишнинг жуда катта имконияти. Шундай экан, нега энди Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё сингари обла-стлардаги мева-сабзавотчилик трестлари ён-бағирларда ихти-сослашган совхозлар ташкил этмаяптилар! Бу областларда боғ ва токзор барпо этиш мумкин бўлган қиялама ерлар озмунча эмас-ку!

ЕЗУВЧИ. Мен яна бир мисол келтирмоқчиман. Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг ректори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Диамат Абдукаримов аспирантликдаёқ маҳаллий шароитимизга мос эртанги картошка яратишни мақсад қилиб қўйган эди. У ўн йиллар давомида Россиядан картошка ташиб, бизнинг шароитимизга мослаштирди, дура-гайлаштирди. Бир пайтлар Россиядан картошка олиб кела-ётганда чайқовчи, деб ундан шубҳаланишган. У анча овра-гарчиликдан кейин олибсотар эмас, селекционер эканлигини исботлайди. Ҳа, Диамат Тўхтаевич ҳақиқий селекционер олим эканлигини амалда ҳам исботлади. У яратган «Зарафшон» нави атиги олтимиз кунда пишиб етилади. Мартнинг бошида эксангиз, Биринчи май байрами дастурхонини янги картошка безайди. Лекин бундай бўлмаяпти. Картошкачилик билан шугулланадиган хўжалик раҳбарлари бу нави кўпайтириш ўрнига Россиядан келтирилган «Перекульская раная» навиға күз тикиб қоляптилар. Тўғри, «Зарафшон» навини ҳам экишяпти. Лекин оммавий эмас.

ОЛИМ. Балки янги навда бирор иллат бордир!

ЕЗУВЧИ. Йўқ, иллат йўқ. Картошка уруғчилиги қийин. Картошканинг уруғи галла ёки гўзаникидай кўп бўлмайди. Уруғ олиш учун бир йил кутиш керак. Унинг ҳам бир қисми ейилади, чирийди. Шунинг учун ҳам «Зарафшон» анча суст тарқалди.

Мутасаддилар эса бу муҳим иш билан жиддий шугулланишма-япти.

Ўзбекистон ССР Ветеринария илмий-текшириш институ-нинг олимлари Самарқанддаги айрим корхоналарнинг чи-қиндиларидан мол озиғи тайёрлаш усулини ишлаб чиқдилар. Шунингдек, улар гўзапоядан силос бостириш технологиясини ҳам тайёрладилар. У ўз тўйимлиги билан маккажўхори силосидан қолишмайди. Аммо ана шу янгиликлар ҳам ҳаётга татбиқ этилмаяпти. Бу юмуш билан албатта тегишли министр-ликлар, бошқармалар шугулланиши керак; янгиликни олим-ларнинг ўзлари жорий этолмайдилар. Бунинг учун лойиҳалар, ускуналар, маблаг керак! Аслида бунақа имкониятлар эса жуда кўп. Журналистлар ана шундай кашфиётларни амалга татбиқ этмаётган кишиларни танқид остига олиш ўрнига нуқул қовунга маъдан ўғит солган деҳқонларни танқид қилиш билан овора.

ЖУРНАЛИСТ. Бундан кейин ҳам танқид қилаверамиз.

ОЛИМ. Нотўғри қиласиз. Полиэкинларига ҳам маълум миқдорда маъдан ўғит солиш керак! Бу — илмий ҳулоса. Масалан, фосфорли ўғитлар қовун-тарвуз ҳосилдорлигини ошириш билан бирга унинг таркибини яхшилайди. Азотли ўғитлар майсаларнинг тез илдиэ олишига ёрдам беради. Маъдан ўғитсиз қовун-тарвуз етиштириш беморни дори-дармонсиз даволаш дегани. Лекин беморни дорисиз даволаш қийин.

ЖУРНАЛИСТ. Фикрингизга қўшилмайман. Редакцияларга қовун-тарвуз еб заҳарланган кишилардан юзлаб мактублар келаётганлиги ҳам фикрининг далили бўлади. Бу гапни одамлар тўқиб чиқаришяпти деб ўйлайсизми! Йўқ, ундай эмас.

ОЛИМ. Бунга селитранинг тариқча алоқаси йўқ. Тўғри, қовун пишиши олтидан селитрали ўғит солиш мумкин эмас. Бундай пайтда қовун-тарвуз йириклашиб, таъмсиз бўлади. Лекин бу — унчалик ваҳима қиладиган масала эмас. Ҳозир айрим ҳайбаракаллачиларнинг дастидан жуда софдил, ҳалол деҳқон-лар ҳам маломатга қолиб кетяпти.

ЕЗУВЧИ. Нима десам... Икковларинг ҳам ҳақдайсизлар. Кўп йиллар давомида ерга маъдан ўғит солиш оқибатида тупроқда нитратлар кўпайиб қолганини қаердадир ўқигандим. Шунинг учун айрим майдонларга ўғит солмас ҳам қовун-тарвуз йирик, беазаза бўлиши мумкин-ку! Умуман, биз маъдан ўғит ва заҳарли химикатлардан фойдаланишни кескин камайитириш ҳақида қаттиқроқ, дадилроқ гапиршишимиз зарур. Карл Маркс «Капитал»да, «биз ерининг хўжайинлари эмас, ундан атғи фойдаланувчи кишилар эканлигимизни» қайд этган. Биз уни келажақ авлодларга яна ҳам яхшилаган ҳолда етказиб беришга маънавий қарздормиз. Бунинг учун маъдан ўғит ва заҳарли моддаларни мумкин қадар чеклаш керак, деб ўйлайман...

ОЛИМ. Масаланинг иқтисодий томонларини ҳам ҳисобга олиш керак. Шуни эсдан чиқармайлики, Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг нақ ярми, яъни ўч миллион тоннаси маъдан ўғит, пестицидлар (кимёвий моддалар) шарофати. Колхоз раислари, совхоз директорлари билан гаплашиб кўринг, улар нуқул ўғит билан пестицид толиб беришни илтимос қилишади. Чунки Ватанга жуда кўп пахта билан ноз-неъмат зарурлигини қўқур ҳис қилишади.

ЕЗУВЧИ. Биз уларнинг психологиясига ўрнашиб қолган ана шу кўникмага ҳам қарши ўт очишимиз керак. Ҳар ҳолда тупроққа кўпроқ гўнг солиш, биологик кураш усулларини жорий этиш сингари табиий йўллар билан бунга эришиш мумкин. Инсон азал-азалдан табиийликка интилади. Одамлар цивилизациядан, синтетикадан чекиниб, кўпроқ табиат бағрида яшаш, табиий бойликлардан фойдаланишга ҳаракат қилиш-япти.

ОЛИМ. Одамларнинг табиийликка интилишларини ибти-дойликка интилиш деб тушунамаслик керак. Маҳаллий ўғит билан биологик кураш ҳақидаги гап ҳам янги эмас. Юқорида айтганимдай, имкониятдан келиб чиқиб талаб қўйиш керак. Ҳар бир колхоз чорвасидан тўпланган маҳаллий ўғит хўжалик экин майдонларининг ўндан бирига етади, холос. Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир колхоз пахта ва ноз-неъмат етиштириш билан бирга ўзига хос гўнг фабрикасига эга бўлиш зарур. Демак, чорвачилик тагин беш-ўн баравар тараққий этиши, шунга яраша озуқа базаси, мутахассислар, объектлар бўлиш лозим. Хуллас, осон эмас. Бас, шундай экан, биз янада кўпроқ маъдан ўғит олишни планлаштиришимиз, ижодкор дўстларим, сизлар ҳам, ўз ўқувчиларингиз ихлосини маъдан ўғитлардан

совутиш йўлидан бормасликларингиз керак. Улар сиз ўйлаган, тасвир қилган даражада зарарли эмас. Масалан, фосфорли ўғитлар тоғ жинсларидан олинади. Тоғ жинсининг заминга, инсон организмга нима зарари бўлиши мумкин!

ЖУРНАЛИСТ. Фосфорли ўғитларнинг фойдали коэффициентига беш-ўттиз фоиз. Қолганини ўсимлик ҳазм қилолмайди. Тупроқ ўз бағрига сингдириолмайди, ўсимлик фойда ололмайдиган модданинг тўпланиб қолавериши аслида бизни ташвишга солиши лозим. Эллик-юз йилдан кейин замин бетон қотишмасига айланиб қолмайди, деб айтолмаймиз.

ОЛИМ. Майли, бу баҳсимизни ҳам очиқ қолдираемиз. Буёғи ўқувчилар ҳўқмига ҳавола. Балки улар яна ҳам қимматлироқ тақлифларни ўртага ташлашар. Келинглр, зарурроқ масалаларга қайтайлик.

ЖУРНАЛИСТ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида чорвачилик соҳасида ишлайдиган олимларга дахлдор жиддий гаплр айтилди. Бу борада, айниқса, селекция ишлари ўлда-жўлдалиги тўғри. Биз четдан «Санто гертруда», «Красная эстония» каби қорамоллар; меринос қўйлари, род-айланд, русская белая, корниш каби товуқ зотларини олдик ва шу билан қаноатланиб қоляямиз. Фақат қорамол, қўй, паррандагина эмас, фойдали ҳашаротларни ҳам четдан олишга мойилмиз: трихограмма, габрбракон ва ҳоказо. Маҳаллий зот ва навларимизни сақлаб қолиш, кўпайтириш, уларни дурагайлаш борасидаги изланишларимиз етарли эмас. Қорабайир отларимиз, маҳаллий сигирларимиз, ҳисори қўйларимиз, кулангир товуқларимиз йўқолиш арафасида турибди.

ЎЗУВЧИ. Назаримда олимларимиз кучларини марказлаштиришлари, энг актуал мавзуларда тадқиқот ўтказишлари керак. Республика Компартияси Марказий Комитетининг ўша сиз айтган VII Пленуми қарориди шундай сатрлар бор: «Фан ва техника тараққиётини планлаштиришда жиддий камчиликлар бор. Илмий тадқиқотларнинг планларига баъзан истиқболсиз ва ноактуал мавзулар киритилди. Кўпгина муҳим муаммолар бўйича тадқиқот ўтказиш муддатлари чўзиб юборилди.» Мазкур Пленумда, жумладан Урта Осие ўрмончилик илмий-техшириш институти ҳам қаттиқ танқид қилинган. Ана шу танқид жуда ўринли. Оддий бир мисол: республикамиз ўрмон хўжаликларида асрлар давомида кўмлар дайдиб юрган саҳроларга саксовул экишга киришилди. Бу тадбир тупроқни эрозиядан сақлаш билан бирга қоракўлчилигимиз равнақида ҳам катта аҳамиятга эга. Аммо азамат ўрмончиларимизнинг қаҳратон қиш кўмлари саҳро кезиб, қўлда саксовул уруғи йиғиштириб юришлари ачинарли ҳол. Институтининг механизация бўлимида эса не-не олимлар ишлашади. Улар мана шу ибтидий усулни бартараф этишда ўрмончиларимизга мададкор бўлмаптилар. Институтининг экономика бўлими иш ҳақи тўлашининг такомиллашган вариантларини тавсия этиши шарт.

ЖУРНАЛИСТ. Менимча, бу борада ишлаб чиқариш илғорларининг иш тажрибасини ўрганиш, татбиқ этишдан тортинмаслик керак. Яйловларга саксовул экиш тажрибасини биринчи бўлиб, Самарқанддаги Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-техшириш институтининг олимлари бошлаган эдилар. Улар ўз навбатида бу тажрибани Қарноқ қўлидаги илғор чўпонлардан ўргандилар. Энди эса яйловларга саксовул экиш қардош Қозоғистон, Туркменистон республикаларида ҳам давом этипти.

ЎЗУВЧИ. Қоракўлчилик илмий-техшириш институти олимларининг бу борадаги тажрибалари яхши. Аммо улар совлиқларни урчитиш, аниқроғи СЖК препаратини қўллаш масаласида ҳам илғорлар тажрибасини ўрганиб, уни омлаштиришса айна мудоао бўларди. Мен нуроталик машҳур чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуназар Умаров яйловларида бўлиб тураман. Унинг отаси тўқсонни қоралаб қолган, умри яйловда ўтган доно мўйсафиди. Абдуназар аканинг ўғли Қаҳдор ҳам илғор қўйчиов. Бу сулола ҳеч қачон ҳар юз бош совлиқдан икки юз қўзи олиш учун курашган эмас. Улар СЖК препаратини жуда оз миқдорда — фақат соғлом, семиз совлиқларгагина қўллашади. Наслга қолдириш учун фақат соғлом, йирик қўзиларни танлашади.

ОЛИМ. Аслида ҳар юз бош совлиқдан икки юздан кўпроқ қўзини чўпонлар эмас, аксарият ҳолларда газетачи дўстларимиз олишди. Улар бу ташаббусни керагидан кўпроқ тарғиб қилишди. Баъзан ҳайрон қоласан киши — кимга керак бунақа зўрма-зўраки ташаббуслар!! Худди ана шу ўринда тагин бир мисол келтиришим мумкин. Олтмишинчи йилларнинг бошларида сизлар ҳеч зарурати бўлмаган ҳолда кетмонга қарши кураш бошладинглр. Далага кетмон олиб кирган деҳқон маломатларга қоладиган бўлди. Бу эса худди чўпонни тағидан маҳрум қилишга ўхшаш гап эди. Ҳаёт эса ўз ишини қилди: кетмон йўқолмади. Ҳатто келажакда ҳам — механизация анча тараққий этганда ҳам кетмон йўқолмас керак.

ЖУРНАЛИСТ. Тўғри. Бу — ўринли танқид. Лекин мен ёзувчи дўстимнинг фикрини давом эттирмақчиман. Ҳақиқатан ҳам олимларимиз илғорлар тажрибасига таянишса кўп нарса ютишади. Аммо менинг кузатишимча айрим ҳолларда ғурурми, кибрми бунга йўл қўймайди. Мен халқ селекциянери, машҳур Юсупов помидорининг автори Карим ака Юсупов билан учрашиб тураман. Ҳозир Юсупов помидорини таърифлаб ўтириш ортиқча. Бозорда у бошқа помидорлардан икки-уч баравар қиммат. Демакки, у бошқа навлардан икки-уч ҳисса яхши ҳам. Карим ака бундан кўп йиллар олдин бошидан кечирган гапни ҳиқоя қилган эди.

«Юсупов помидори яратилгандан кейин мени Ўзбекистон Полиз, сабзавотчилик, картошкачилик илмий текшириш институтига ишга тақлиф этишди. Аммо у ерга бориб хато қилган эканман. Менга носамимий муносабатда бўлишди. У ердан кетдим. Тўғри, ўша пайтдаги раҳбарларнинг аксарияти аллақачон янгиланди. Аммо бир мақсад учун курашиб, фикримиз бир жойдан чиқмаганига ҳануз ачинаман».

ЎЗУВЧИ. Қанийди, адабиётимиз ҳақида ҳам ана шундай дангал фикрлар айтиб турилса. Чунки бизнинг энг фаол китобхонларимиз — сизлар. Фанимиз сингари адабиётимиз ҳам катта тараққиёт йўлига кириб олди. Аммо камчиликларимиз ҳам анчагина эканлигини тан олмай иложимиз йўқ. Аксарият ҳолларда рус ва бошқа қардош тилларга ўртача ёки ўртачадан пастроқ асарларимиз таржима қилинган, ёзувчиларимизнинг публицистик фаолликлари етарли эмас.

ЖУРНАЛИСТ. Айрим танқидчиларимиз эса ана шу масалаларни чуқур тадқиқ қилиш ўрнига, гоҳ талантили ёзувчи ва шоирларнинг хатоларини излаш билан овора бўляптилар.

ОЛИМ. Балки, тўғри қилишар. Ахир, ёзувчиларни ҳам кимдир танқид қилиб туриши керак-ку! Акс ҳолда улар танқид кўтаролмайдиган жинзаки бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Масалан, олим диссертация ёзса, ўнлаб чиғриқлардан ўтиши керак бўлади. ВАКнинг қаттиққўлигини айтмай қўяқолай. Бу жараёнда қанчадан-қанча ҳақ ва ноҳақ танқидларга тоб беришга тўғри келади.

ЎЗУВЧИ. Бу гаплр тўғри. Аммо олим учун ҳам, ёзувчи учун ҳам беғараз самимий танқидчининг сўзи қимматли.

ОЛИМ. Ёзувчининг сўзи бизнинг жамиятда жуда салмоқли. Масалан, биз олимлар кашфиёт қилсагу, ёзувчи ёки журналистлар бунга эътибор беришмаса, у илмий доиралар даражасида қолиб кетади, жамият бундан ютқизади. Республикамизда «Пахта» деб аталган комплекс тарздаги илмий-тадқиқот ишлари давом этипти. Бунга турли соҳалардаги ўнлаб илмий даргоҳлар ҳисса қўшяптилар. Масалалар ҳам комплекс: селекциядан тортиб — табиат муҳофазасигача қамраб олинган. Ана шу жараёни амалга оширишда ёзувчи ва журналистларимиз ҳам фаоллик кўрсатишларини истардим. Бу — амалий ёрдам бўларди. Ҳаётда нима кўп — муаммо кўп. Улар тўғрисида соатлаб баҳслашиш мумкин. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Уларни тезроқ бартараф этиш учун кучларни бирлаштириш талаб этилади. Айниқса, табиат муҳофазаси масаласида биз — олимлар, сиз — сўз усталарининг мададига жуда-жуда муҳтожмиз.

ЖУРНАЛИСТ. Ҳа, биз ҳаммамиз халқимиздан қарздоримиз. Бу қарзни узиш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз, ютуқ ва камчиликларимизни ошкора айтиб туришимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Зотан партия, ҳўкуматимизнинг ҳам биз — зиёлиларнинг олдига қўйган вазифаси шу.



Абдуваҳоб
Абдуманнопов

Мукофот

Сандро тоғанинг чачаси

Санаторий ҳамшираси Зарина хоним кўйиб кетган ширин тугмача доридан иккитасини тилим остига ташлаб креслога оҳиста чўкдим. Пастдаги панжаранишин айвонча томондан келаётган ҳазин кўшиқ деразадан оқиб кириб палатани тўлдирди.

Висоқни содда ҳақиқатни куйларди.

Бирдан эшик тарақлаб очилди-ю баланд бўйли, кифти кенг, қуюқ киприклари газабдан пирпираган йигит — ҳамхонам кириб келди. Яқин бир ойча бирга яшаб уни ҳеч бу ҳолатда кўрмаган эдим.

Убайдулла костюмини силтаниб ечиб орден ва медалларини шошиб ола бошлади. Ялтироқ нишонлар жаранги ҳовлида таралаётган гитара овозига кўшилиб кетди. Убайдулланинг чўзинчоқ қорача юзи баттар тундлашди. Шартта туриб деразани зичлаб ёпди.

— Тинчликми ўзи Убайдулла!

— Ҳе!.. — қўл силкиди ҳамхонам.

— Бирор нарса бўлдимми!

— Ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчайдиганларни айтман-да!

Убайдулла пахта гулли пиёлага «Боржоми» сувидан тўлдириб ичди.

Воқеа бундай бўлган экан...

Санаторийда дам олиш муддатимиз тугаяптими, эрталаб Убайдулла билан эсдалик учун суратга тушишга келишгандик. Ҳар кунни ёғавериб меъдага теккан ёмғир хайрият бугун салгина севалади-ю тинди. Тўртинчи қават деразасидан қарасак, фотограф чол уч оёқли алпаратини гулзор ёнига аллақачон ўрнатиб бўлибди. Қистовим билан Убайдулла орден ва медалларини, депутатлик нишонини тақиб олди. Пастга тушдик.

Суратга туриб бўлгач, Убайдуллани дам олувчи аёллар ўраб олиб кўксидаги орденларини томоша қила бошлашди.

— Ленин орденини қачон олгансиз!

— Комсомолнинг кумуш медали ҳам бор экан!

— Меҳнат Шўхратини ҳам олишга улгурибди, азамат.

Айтинг-чи, пахтагани саватларга терасизларми ё...

— Пахта йилда неча марта ҳосил беради!

Саволларнинг кети кўринмасди. Кўпдан бери галстук тақмаётганимдан бўйним бўғилиб, нафасим қисилди. Ҳамроҳимни аёллар ихтиёрига қолдирдим-у палатага чиқиб кетдим. Мен кетгач, санаторийга бир ҳафта муқаддам келган, мақтанчоқ, ҳадегач хотин-қизлар кетидан юриб шилқимлик қилаверадиган Гиви исмли олифта ўзига ўхшаш жингалак сочли шериги билан қаёқдандир пайдо бўлиб қолибди. Аёллар унга эътибор бермай дўстимни саволга тутиб туришган экан, Гиви гап ташлабди.

«Нечта қўйинг бор! Орденларга қанча тўлагансан! Бу темир-терсақ сенга нима берди! Барибир соғлигинга путур етказибсан-ку! Орден учун ўлиб тирилибсан-да!...»

Безорилар шу тариқа кишини таҳқирловчи саволлар билан унинг дилини оғритишбди. Аёллардан баъзилари олифта гапларга ҳиринглашибди, бировининг раҳмиям келибди. Убайдулла жаҳлгига чидалмай Гивига ташланибди. Оқибати ёмон бўлишига ақли етибми, ё ҳайиқибми Гивининг ошнаси «Юр кетдик, соат 11, Арсениннинг дўкони очилди» деб даканг хўроздек хужумга шайланаётган шеригини олиб кетибди.

— Мен уларнинг раҳм-шафқатига зор эмасман! — яна тўтоқиб кетди Убайдулла. — Уз ақл-ихтиёрим билан кўнглим ундаган ишин қилганман. Ёмон ишлашни, ўртача кун кўришини ёқтирмайман. Орденниям сўраб олганим йўқ!!! — у сал ҳовуридан тушди, — Эҳ, бунақа одамлар айтганинг билан тушунмайди. Узи бўлса Сибирга мандарин ташиб чайқовчилик қилади. Уша ерда совуқ еб келган. Худо билади, путёвканиям пулга сотиб олган булар...

— Шўям тутқишга арзийдими, Убайдулла. Келинг, яхшиси, бироз дам олайлик. Марго хоним ҳадемай «обход»га киради. Қизиб турибсиз. Пульсингизни эшитиб яна алламбало дориларни ёзиб ташлайди, ё... укол буоради.

Унинг уқолга хуши йўқ эди, маслаҳатимга кўнақолди.

Тушлик олдидан хонамизга қўшни палатадан Сандро тоға бош суқди, биров йўқлигига ишонгач, мени ташқарига имлади. Хонасига кирдик.

— Ол манови капсуладан биттасини, — у ёстиғи остидаги иккита шижани кўрсатди.

— Бу нима, Сандро тоға!

— Тсс, секин, дўхтир эшитмасин. Ол дедим, ол. — Ёлғондан ўкрайди Сандро тоға. — Бўлмаса, нақ адабининг бериб қўяман, — қўлидаги садаф сопли ҳассасини тақ-тақ уриб қўйди. — Юр, сизларникига чиқамиз. Уч оғайни бўлиб бир отайлик. Эрталаб ўғлим келувди. Буни кампиримнинг ўзи бериб юборибди. Уз қўли билан тайёрлаган чача!...

Хиёл ўтмай ўчовлон ўтириб, ўрушдан омон қайтган Александр Андреевич учун, унинг меҳрибон кампири учун, Ўзбекистон учун қадаҳ кўтардик. Убайдулланинг қотма юзлари алланечук ёришиб кетганди.

Убайдулла ҳикояси

...Июнь ойининг охирлари. Қўшни совхоз ўзаро текшириш бригадаси даламизга келди. Улар ғўзамизни кўриб хурсанд бўлишди. Уша кунлари ғўза қатор орасига тўртинчи ишлов бераётган эдик. Даламизда аҳвол дуруст, сувни ўсимлик талабига қараб сарфлаганимиз туфайлими шона ташлаш, жўякларни қатқалоқ босиши каби кўнгилсизликлар йўқ. Энг муҳими, майдонларимизда бегона ўтнинг уруғлаб кетишига йўл қўймасдик. Трактор учта, ҳар биттасидан иложи борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилардик.

Мусобақадоларимиз диққатини тортган нарса — биринчидан, даланинг саришталиги бўлса, иккинчидан шийпонимиздаги тартиб-шаронт бўлди.

Шийпондаги сўрига йиғилишиб эндигина меҳмонларнинг дастлабки таассуротларини эшитиб турган эдик, хирмон этагига сутранг «Волга» келиб тўхтади. Машина кетидан кўтарилган чанг босилишини кутиб, бироз ўтгач, райком опа туриб келдилар.

Биз ҳаммамиз Тамара Қодировнани ўрнимиздан туриб қарши олдик.

— Салом, ўртоқлар!

— Ассалому алайкум, опа келинг.

Опанинг қошлари чилирилиб туришидан унинг нимадандир кўнгли гашигини сезиб олиш қийин эмасди. Опа қўшни совхоз бош агрономга юзланди:

— Гапингизни давом эттираверинг. Нимаики кўрган бўлсангиз рўй-рост ўртага ташлайверинг, ҳеч нарсани яширманг.

Агроном гапни қўшни бўлимда кўрганларини санашдан бошлади. Дарҳақиқат, нарги бўлимда ишлар сустлиги, бегона ўтлар ҳаддан ортиқча кўпайгани, карталарнинг асосан йўл

томонигагина эътибор берилётганлиги бизга ҳам аён эди. Утган оқшом бўлган дирекция ва партия комитетининг кўшма мажлисида ҳам бу тўғрида кескин гап бўлган. Агроном гапирар экан, опанинг юзи таранглашиб, кўзлари каттаиб борарди, гапирувчининг фикрларини тасдиқлаб бошини қимирлатиб кўярди. Биз бўлсак, дамимиз ичимизда, райком опанинг салобати елкамиздан босиб турарди.

Узаро теширувчилар раҳбари ниҳоят бизнинг бригададаги аҳволни шарҳлашга ўтди. Бошимизни биз ҳам секин-секин кўтара бошладик. Уй вазифасини топшириб қўйиб жавобига маҳтал ўқувчилардан бригада аъзолари бир-биримизга жовдирган кўзларимизни тикиб қўйдик.

Райком секретари агрономнинг ҳисоботини тинглаб бўлгач, турганларга қарата:

— Сизлар ўтиринглар, — деди. Сўнг жиддий қиёфада менга юзланди, — сиз менга далангизни кўрсатинг.

— Хўп, — дедим.

Опа қийналмасин учун карталарнинг четидан, ўқариқ ёқасидан бошлардим. У бўлса қутилмаганда майдоннинг ўртасига бурилди.

Бирдан қўшни бўлимдагиларнинг иши эсимга тушиб, нега Қодирова йўлни майдон ўртасига солаётганлигига тушундим. Демак, опа на менга, на қўшни совхоз агрономига ишонаётган экан-да. Ажаб, секретарь ишончини қачон йўқотаёзди, дея ўйлаб кўнглим гаш тортди. Ахир етти йилдан бери коммунистман-а.

Бобом, отам, акаларим бутун умрини дала бағрида ўтказганлари, мен ўзимни ҳалол деҳқон деб юрганам бекор экан-да. Ана шу тўйқус фикрлар таъсириданми, бирдангина менинг кўз ўнгимда опанинг райком секретарилик салобати йўқолиб, у шунчаки бир оддий аёлга айланиб қолди.

Индамасдан боравердим, карта ўртасидан уч-тўрт жойда кесиб ўтган кенг-кенг ўқариқлардан сакраб ўтиб кетаман. Орқамга қарамайман, «майли, бир чарчасин. Деҳқон сўзига ишонмадимми, ажаб бўлсин!»

Уттиз тўрт гектарлик майдоннинг у бошига етиб ортимга қарасам, Қодирова эллиқ қадамча нарида гурс-гурс юриб келяпти. Икки кўзи шохи тиззага уриб турган гўзаларда. У тўхтаб чўнкайди. Чамаси, гўза шохларини, ҳосил тугунчаларини санади. Секин қаддини ростлади. Ҳаворанг ҳарир пешонабоғидан ўтиб юзига тушган қуёш нурлари опанинг юзини товлантириб юборган, кўзларини инимтабассам.

— Убайдулла! Гўзангиз менга ёқди. Аммо биласизми, терлаб ишлаган яхши, қийналиб ишлаган ёмон. Шунини унутманг. Қўл остингиздаги одамлар, биламан, жуда меҳнатқаш. Лекин билиб қўйинг, улар бир йилга керак эмас, ортиқча қийнаманг.

У яна оддийгина район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қодировага айланди. Мен қалбим билан гўзанинг тилини англаسام, у гўзаларга қараб инсон меҳнатининг қадрини англаб етибди. «Терлаб ишлаш» билан «қийналиб ишлашнинг фарқи ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Боя ранжиганимни эслаб ичдан уялиб кетдим. Ҳа, ажабтовур хислатлар жам экан бу аёлда...

Шийпонга қайтиб келсак, мусобақадошлар кетамиз деб туришган экан, опа уларга рўхсат берди. Мен уни бир пиёла чойга таклиф қилдим.

— Сизларнинг чойингиздан ичмай кетиш гуноҳ, — деди у сўри четиға ўтираркан.

Опанинг чеҳраси мулоимлашиб ўзи анча ёшариб иетгандек эди.

Қалб ҳарорати... минус етти

Ноябрь совуқ келди. Убайдулла бригадаси план тугур мажбуриятини ҳам бажарган эсада, ҳамон далада.

Сурункасига ёғаётган ёлғирнинг учинчи кунин кечки пайт бригада аъзолари ўзиб келтирган кўракни шийпонга тўктириб, устига брезент ёпди-да, ҳаммага ўй-уйинга жавоб берди. Қоровулга у-бу ишларни тайинлаб ўзи ҳам уйига кетди.

Хотини болалари билан кўсак чувиеётган экан, «беш кило бўлсаям ҳарна...» Эрининг эрта кириб келганини кўрди-ю, ўрнидан тураркан доғ тушган юзларинида қувонч аралаш ажабланиш белгиси пайдо бўлди. «Қалайсан!»

Убайдулла ўғил-қизлари билан ҳорма-бор бўл қилиб ўчоқ томон ўтди, хотинининг қўлидан сабзи ва пичоқни ўзи олди...

Кеч куз эмасми, бир пасда қоронги тушди. Ярим кечага яқин

совхоз марказий йўлидан келаётган «УАЗ» секинлаб чапга қайрилди. Машинанинг орқа ўриндиғида икки киши. Томоғини белбоғ билан боғлаб олган тикрогининг қовоғи солиқ. Қора плашга ўранган бақалоқроғи дам-бадам машина шифти-брезентдан пешонасига тушаётган томчиларни рўмолчаси билан артади.

Машина Убайдулланинг уйи ёнида тўхтади.

Хотини Убайдуллани елкасига туртиб зўрга уйғотди.

— Туринг, қақиршияпти.

— Ким!

— Овозидан бўлим бошқарувчисига ўхшайди.

Убайдулла пахталигининг тугмаларини қадаб, телпакни қўлоғига бостириб кийди. Печка ёнидан ҳали қуримаган этикларини амаллаб оёғига тортди-да кўчага чиқди.

— Ассалом, келинглар.

— Кечир, Убайд ука, безовта қилдик. Бугун район мажбуриятини бажариши керак. Сендан пахта бормапти. Ана, район вакили ҳам шу ерда.

Вакил машина эшигини очди.

— Шуми орденли бригадир! Нимага пахта босиб ётибсан, бамайлихотир!

— Пахтани ўзи йўқ бугун, ака. Агар эрта...

— Пахта йўқ!! Сувоққада 860 кило кўрак ёзилган, ярми пўчоққа кетса, 430 кило пахта қани!

— Машина чувиеълмаяпти, ака. Эртага қуритиб чувиймиз, ёлғир тинса...

— Ҳа, номерд! Районни орқага тортаётганинг етмагандек, ётишибсан иссиқ уйингда...

Убайдулла бир нима демоқчи эди, бошқарувчи унга «сен жим тур» дегандек қараш қилди-ю, вазиятни юмшатмоқчи бўлди.

— Уртоқ Усанов, бу бригада икки план пахта берди. Яна беряпти.

— Қани бергани! Менга кечагиси эмас, бугунгиси керак. Ошна, — деди бақалоқ киши Убайдуллага ўқрайиб зардали товушда, — ҳозир бундай қиласан, одамларингни уйғот. Шийпонга бошла. Мана шу машинанинг чироғида агрегатни юргизиб кўрак чувийсан. Бир кило бўлсаям харна!

— Ахир...

— Гап тамом!

Убайдулла одам йиғишини ўзига яқинлардан бошлади. Тракторчи акаси даладан алламаҳал қайтиб чарчаган экан, аранг уйғониб чиқди.

Кўрак чувий машинасини тракторга судратиб хирмонга олиб келишди. Иккита ёғочни тиклаб қўйиб брезентдан бошпана ясашди. Соат учга борганда амаллаб машинани юргизмишди. Аммо у пахта чиқармасди. Қўл кўракни чайнаб остига тўкарди, холос. Ҳеч ким чурқ этмади, ёлғир ҳамон эзиб ёғарди.

Вакил ўтиравериб зерикди шекилли, машинадан тушди, плашининг ёқасини кўтариб брезент соябон тагига келди. Вазиятни бир оз кузатиб турди-да:

— Машина ишдан чиқибди-да, — деди лунжини артиб.

Ҳеч ким индамади.

Бошқарувчи сукунатни бузди:

— Йиғиштиринглар. Бўлмайди. Бориб дам олинглар.

Бошқарувчи кетидан вакил ҳам бўйинини қисиб, машинага ўтирди...

— Уша кечаси уйга кирмадим, болаларни уйғотгим келмади. Ҳаммамиз акамникига кириб исиндик, жияним магазин қоровулидан ароқ олиб келди... Ичиб, ичимиз сал илди, кейин ухлаб қолдик. Эрталаб турсак, ҳаммаёқ оппоқ қор. Негадир вужудим жунжикиб, қалтироқ тутарди. Радио «ҳаво ҳарорати минус етти» деди.

Янги йил олдиан йўталиш кучайди. Уч ой область касалхонасида ётдим. Совхоз директори облздравга телефон қилиб шу санаторийга путевка тўғрилаб берди. Ҳозир бригадани вақтинча акам бошқариб турибди.

Яқинда Сирдарё область, Ворошилов районидagi «Социализм» совхозидан хат олдим. Хат дўстим Убайдулла Отақуллардан эди. У бригадир бўлиб ишлаётгани, оиласида саккизинчи фарзанд туғилгани, ишлари бешлиги, бу йилги марраси 50 центнер экани тўғрисида ёзибди...

Ўтан бобо

Тўққиз қизни узатди бобо
Сепларига бир сўзни қўшиб.
Инжу сўзни, дур сўзни қўшиб:
«Болам бўлсанг, хиёнат қилма!»



Эрингга хиёнат қилганинг —
Элингга хиёнат қилганинг,
Киндик қонинг томган
Ерингга хиёнат қилганинг.
Ўтанга хиёнат қилганинг —
ВАТАНга хиёнат қилганинг.»

* * *

Баҳорда кўп оғир
Киқирлаб турса,
Тиззангга суйкалиб лолақизгалдоқ.
Товонсиз, ёшлигинг ўтган ерларда
Кўлтиқ-таёқ билан ҳақкалаб юрмоқ...

Яланғоч новдалар пичирлаб турса
Кузда, сукунатга чўмганда чорбоқ,
Кўп оғир, индамай кетиб бораётган
Мўмин турналарга боқиб йў сурмоқ.

Кўп оғир, беғубор қорлар ёққанда
қишда, дала-даштга чўкканда туман.
Сотқинга тегмаган ўқни сийпалаб,
урушни эсламоқ сандалдан чиқмай
хунук ва вафодор хотининг билан...

* * *

Қодир,
Қалай экан яшамоқ бахти?
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб турганда юрак.
Ўзи билдирмаса меҳрибон доктор,
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...

Ўзича сиғинар тупроққа ҳар ким.
Биров уруғ сочар, биров уй тиклар.
Юмуш билан бўлиб сен ўлсанг балки
Билмай ҳам қоларди марҳаматликлар.

Эшитдим. Жонимни авайлаб мен ҳам,
Қайдадир юрардим лолалар териб.
Кўздан дув ёш келди гулга энгашсам,
Оғрийверди санчиб манови ерим...

Ўзича сиғинар юртига ҳар ким.
Сочлари жингалак, юзлари силлиқ
Учар оғайнилар мансаб илинжида,
Креслоларга қилишар қуллуқ.

Севги изҳор қилар таннозларига,
Суратга тушади бўйдор, баҳодир.
Лекин мен биламан, худо кўрсатмасин,
Бир мушкулот тушса юртим бошига,
Кўкракни тутмоққа фаним тошига
Майиб дўст, мажруҳ дўст — ўзингсан қодир!

Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир.
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж.
Кўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмоқ —
Онанинг алдашдек осон ва жирканч.



Муҳаммад
Юсуф

Севги бу...

Севмоқ бу
Кечирмоқ дегани асли.
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли
Содиқ ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим.
Хўл тупроқ куйдирди товонларимни.
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,
Гоҳи жиққа ёшга тўлганда кўзим.
Ва сени севамоқдан олдин бир кун
Дилдан севиб қолдим ўзимни-ўзим.

Севмоқ бу — ўзингни англамоқ асли.
Токи бу баҳр аро қуёш бор, гул бор.
Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар...

Севгилим, мен сени севаман, тамом.
Ғамгин кўнглинг, ҳадик тўла кўзингни.
Севмоқ бу кунда бир кўрмоқ бахтидир,
Озгин қўлларингни, сепкил юзингни...



Неъмат
Аминов

ОЛАМШУМУЛ ҚАҲҚАҲА



амма замонларда ҳам кулиш осон-у, кулдириш қийин бўлган. Ҳамма замонларда ҳам йиғлаш қийин-у, йиғлатиш осон бўлган. Ана шу икки ҳолат — кулдириш ва йиғлатишни омухта қила олган санъаткоргина улуг саналган. Николай Васильевич Гоголь ана шундай буюк, умрбоқий санъаткордир. Унинг асарларидан биз улуг Руснинг қаҳқаҳасини баралла эшитиб тураемиз. Унинг асарларидаги ана шу қаҳқаҳа замирида биз улуг Руснинг ҳазин-ҳазин йиғиларини, дарё-дарё күзёшларини кўраемиз. Александр Сергеевич Пушкин «Улик жонлар» поэмасини ўқиб чиққач: «Е, парвардигор! Нақадар мотамсаро бизнинг Россия!», дея фйгон чекканида тамоман ҳақ эди. Гоголнинг ўзи ижобий қаҳрамон сифатида, ўз минтақасида собит туриб, қатор-қатор салбий типлар ёрдамида реал ҳаётни ҳаққоний асарларда тасвирлаб берди.

Гоголнинг буюклиги шундаки, у «гўзал Рус»ни севиб туриб, ундан кулди, кулганда ҳам ачиниб, ғам-андуҳга ғарқ бўлиб кулди.

Ўз замонасида Гоголнинг тақдири осон кечмаган. Белинский таъкидлаганидек «Гоголь талантига бирор кимса бефарқ қарай олмасди: уни ё ҳаддан ташқари севишар, ёки кўрага кўзлари бўлмасди». Ҳатто Гоголнинг ҳақгўй сатирасини Пушкиннинг дилбар лирик асарларига қарши қўйишга уринган кимсалар ҳам бўлган. Чор Россияси ва унинг Булгарин, Сенковский, Дружинин сингари гумашталари Гоголь номини ҳаётдан, кейинчалик эса адабиётдан ўчириб ташламоқчи бўлдилар. Лекин улар ниятларига етмадилар. Чунки Гоголь асарлари, унинг олижаноб қаҳқаҳаси ва ғоялари халқ қалбига сингиб кетган эди.

Гоголь ижоди Пушкиндан сўнг рус адабиётини янги босқичга кўтаришда мисли кўрилмаган аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун ҳам Тургенев Гоголь ҳақида «Кўпгина соҳаларда у биз учун Улуг Пётрнинг давомчиси эди», деб ёзган эди. Бундай баҳога ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди. Мамлакат тарихида ўчмас из қолдирган кишиларгина ана шундай юксак баҳога лойиқ.

Николай Васильевич Гоголь реализми ўша давр рус ҳаётининг барча қатламларини чуқур ёритиб берди, ижтимоий-сиёсий ғояларни конкрет, умумлашма образларда талқин этди. Бу реализмнинг ўзига хослиги шунда эдики, унинг ҳаракатлантирувчи кучи, гўзаллиги ва ҳаққоний нияти қудратли кулгида намоен бўлди. Гоголга қадар жаҳон адабиёти унинг кулгисидек бардам, таъсирчан, аини пайтда фаол кулгини кўрмаган эди. У дастлабки асарлари — «Диканка қишлоғи оқшомлари», «Тарас Бульба», «Бурун», «Шинель» повестларидаги беозор, майин юморни «Ревизор»да кучли қаҳқаҳага айлантирган бўлса, «Улик жонлар»да истеҳзоли захарханданиннг ўткир болтасини крепостной тузум илдизига урди. Бу билан у биринчи галда илғор зиёлиларни, бутун мазлум халқни ва ниҳоят, чор Россияси амалдорларини ўз-ўзига разм солишга даъват этди, санъатга бўлган барча қарашларни тубдан

ўзгартириб юборди. «Энди Сиз биз учун яғонасиз, — деб ёзган эди Белинский 1842 йилда — шунинг учун ҳам менинг маънавий ҳаётим, ижодга бўлган муҳаббатим ҳам Сизнинг тақдирингиз билан қаттиқ боғланган; агар сиз бўлмасангиз мен бугунимга ҳам, ватанимнинг бадийи келажигига ҳам алвидо деган бўлардим».

Сатирикнинг қисмати, унинг доврўғи, шон-шўхрати унга бўлган турли-туман таъқиблар билан ҳам баҳоланади. Гоголнинг ўз замонасида катта тўсқинликларга учрагани табиий бир ҳол. Аммо... Яқинда «Иностранная литература» журналидан бир хабар ўқиб қолдим: аввалги йили Африкадаги кичик бир мамлакат театри ўз мухлисларига янги спектакль кўрсатади. Спектакль бир ҳафта-ўн кун давомида катта шов-шув билан давом этади. Унинг кунини шу спектаклга шаҳар мэри ташриф буюради. У ҳам барча томошабинларга қўшилиб қотиб-қотиб кулади, саҳнага чиқиб театр коллективини баландпарвоз сўзлар билан қўтлайди. Лекин эртасига... театрни тарқатиб юбориш ҳақида буйруқ чиқаради, ҳатто комедия авторини зудлик билан қамоққа олишни талаб этади. Бу спектакль Гоголнинг «Ревизор» комедияси эди! Қаранг, адибнинг вафотидан бир юзу ўттиз йил кейин ҳам унга қарши чиқадиганлар, унинг ижодига монелик қиладиганлар топилиб қолибди. Қаерда денг! Африкада! Ана шу фактнинг ўзи ҳам Гоголь асарларининг жуғрофий ҳад билмаслигидан, умрбоқийлигидан дарак бериб турибди.

Гоголнинг қудратли кулгиси ер юзиде токи империализм бор экан, бойликка тузоқ қўйган урушқоқлар бор экан, бизнинг давримизда ҳам таъсир кучини йўқотмайди. Бойликка ружу қўйган товламачи, «силлиқ мулойим»лар Чичиковга қисс қилинади; алдоқчи, мақтанчоқ, аини пайтда кўрқоқ, бетайин «чаққонбой»лар Хлестаковга ўхшатилади; исқирт, каламуш-нуска хасислар — Плюшкин, ваъдабоз, бетайин, вайсақилар — Манилов номи билан юритилади...

Гоголь китобхонни ўзига ичдан разм солишга, ўз-ўзига ҳисоб бериб туршига ўргатади. Маънавий поклигимизни сақлаб қолиш учун ҳамиша бизга энг яқин кишимиздек, доно маслаҳатгўйимиздек «Э, анави Хлестаков-кун», «Эҳтиёт бўл, бу маниловчилик!», «Плюшкиндек хасис бўлма!», «Елгончиликда Ноздревдан ҳам ўтказиб юбординг-да!» дея огоҳлантириб, танбех бериб туради.

Гоголь «Шинель»дан етишиб чиққан» ёзувчилар-чи! Гоголь мактабида Достоевский, Шнедрин, Булгаков, Зошченко, Ильф ва Петров таълим олганлар.

Ўзбек реалистик адабиётининг йирик намояндалари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг ижодида ҳам биз Гоголнинг ҳаётбахш анъаналарини кўраемиз. Гоголь асарлари бугунгача жаҳоннинг 60 тилида юз миллион нусхада чоп этилган. Ўзбек китобхонлари Гоголь асарларини асримиз бошидаёқ она тилида ўқиганлар. Буюк ёзувчининг асарларини Абдулла Қодирий, Санжар Сиддик, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Наби Алимўхаммедов, Кибриё Қаҳҳорова ва бошқалар таржима қилганлар. Ҳамза номидаги академик театр саҳнасида адибнинг ўлмас комедиялари — «Ревизор» ва «Уйланиш» муваффақият билан қайта-қайта намойиш қилиб келинмоқда.

Гоголь ижоди адабий жараёнлар, жаҳон адабиётдаги янгидан-янги ёзувчилар авлодининг мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Чунки унинг мутоз асарларидаги қаҳрамонлар ҳамиша, ҳамма даврларда, токи кишилик олами мавжуд экан, ўз хислатлари, ўз хатти-ҳаракатлари ва ички дунёлари билан янгилиниб турадилар.

Ўз замонасида Гоголнинг номини ҳаётдан, қолаверса, адабиётдан ўчириб ташламоқчи бўлганлар ҳам бор эди, дедик. Лекин меҳнаткаш омма, у севган, у ачиниб кулган, ҳақиқий она Русь унинг томонида эди. Шу сабабдан ҳам улуг адиб: «Номининг бахтиёр бўлишига ишонаман», дея башорат қилган эди. Мана, бугунги кунда у орзу қилган «гўзал Россия», миллион-миллион китобхонлар унинг номини шарафламоқдалар. Унинг бир юзу етмиш беш йиллик тўйи ҳақиқат, гўзаллик, жасорат ва қаҳқаҳа рамзи сифатида бутун жаҳонда тантана қилмоқда.



Аҳмад
Аъзам

Ҳикоянинг ҳиссий кўлами

Абдулла Қаҳҳор поэтикаси
ҳақида ёйлар

Нега киши сув қилиб ичиб юборган шеърини яна овоз чиқариб ўқиса, ўқишидан ўзи таъсирланиб, бағри юмшайди, руҳи тиниқлашади! Чунки бу — шеър, у ёдаки мазмунидан ташқари ички оҳанглари — ботиний сеҳри билан кўнглимизни поклаб, тунгуларимизга батартиб йўналиш, осойишта бир қудрат ато қилади.

Лекин нима учун киши бир ўқиган ҳикоясига қайта-қайта мувожаат қилади ва икир-чикирларигача маълум тафсилотдан зерикмай, ҳудди шу пайтгача бунча воқеани эшитмаган, кўрмаган-билмагандек, янгидан иштиёқ билан ўқийверади! Гап шундаки, таъсир кўлами жиҳатидан ҳикоя ҳам шеърга, ғазалга яқин: ҳар қандай санъат асарни, биринчи галда, уйғунликка асосланади ва инсон кўнглида ўзининг ички тузилишидаги мантиқий-руҳий изчиллик, яхлит мувозанатга мутаносиб бадий борлиқ яратади. Тўғри, бир асардан турли одам турлича таассурот олади, лекин бу хилма-хил таассуротларнинг ҳиссий мундарижаси, фикрий миқёсини шу асарнинг ички тузилиши белгилаб беради.

Бунга эришиш учун адиб юксак санъат — композиция санъатини эгаллаши керак. Абдулла Қаҳҳор эса композиция устаси эди.

«Мен ёзилган саҳифани, ҳатто жумлани ҳам устидан тузата олмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15—16 марта кўчирман, шубҳасиз, ҳар сафар сайқал бераман».

Абдулла Қаҳҳорнинг мазкур сўзлари ҳаммага маълум, унинг сўзга ҳасислиги, ўзига талабчанлиги адабиётшунослигимизда кўп марта таъкидланган. Агар унинг асарлари қисқа, ихчам, лўнда ёзиш мезони, намунаси, деб айтсак ҳам муболага бўлмас. Лекин нега у ҳар бир жумла, сўз устида бош қотирган ва нима учун қисқа ёзган! Гарчи А. Чехов: «Қисқалик — истеъдод ҳамшираси», деб айтган бўлса-да, барибир, бу фикр ёзувчиликнинг ягона қондаси эмас. Агар биз шу талаб билан ёндашадиган бўлсак, эпик саҳналар устаси Ойбекни серсўзликка айблашдек ярашаган ҳолга тушамиз, Бальзак, Достоевский, Марсель Пруст асарларидаги боб-боб кириш, тафсилот, тасвирларнинг нега кераклигини тушунолмайд қоламиз. Узини оқлаган пайтда ҳар қандай «серсўзлик» — кенг кўламли эпик усул ихчам ёзишдан кўп бўлса кўп, аммо кам аҳамият касб этмайди. Нима учун Абдулла Қаҳҳор қисқаликка интилган ва нима учун адиблардан айниқса Чеховни ўзига яқин тутган! Ҳар ҳолда, унинг бу хусусияти фақат ёзувчилик виждони, ўз-ўзига талабчанлигидангина келиб чиқмайди. Виждон кенг маънода инсоннинг мавжуд ҳаёт, кишилар, борлиққа нисбатан ахлоқий позициясини англатади. Адабий ишда ёзувчининг виждони

унинг дунёни идрок этиши, истеъдоднинг имкониятлари ва табиий координатларига мувофиқ бўлади, гарчи умумий ахлоқий принциплари бир бўлса-да, бошқалардан бадий асарда рўёбга чиқиш шакллари билан фарқланиб туради... Абдулла Қаҳҳорда қисқа, ихчам ёзиш виждон, талабчанликдан эмас, аксинча — уларнинг ўзи қисқа ёзиш эҳтиёжидан — истеъдоднинг ўзига хос табиатидан келиб чиқади.

Сўз, жумла, деталь, тафсилот, тасвирларни ўз ўрнида, бир-бирига уйғун меъёрда қўллаш учун биргина талабчанликнинг ўзи кифоё эмас. Бунга эришиш учун ёзувчи нимани ёзиб, нимани ёзмаслигини, қайси жумлани ўчириб, қайси жумлани сайқаллашни юракдан ҳис қилиши, яъни асар ёзилгунча унинг хаёлида тахминан тайёр туриши керак. Агар шундай бўлмаса адиб меҳнатининг ҳусниҳат машқ қилишдан фарқи қолмас, сўз устида ишлаш жумла тарашлашдан нарига ўтмас эди.

Абдулла Қаҳҳор таҳрири эса ҳамма вақт поэтик мушоҳадани, ҳикояда ифодаланмиш бир бутун руҳий кайфиятни тиниқлаш, хомакида садо бермаётган яширин оҳанг йўлларини очишдан иборатдир. Юқорида айтганимиздек, ҳикоя ғазалга қариндош; ғазалининг матлаъи, мақтаъи бўлганидек, унинг ҳам ибтидо ва интиҳоси бор. Ундаги оҳанглр мувозанати ана шу ибтидо ва интиҳодо ўртасида қарор топади. Шу сабабли ҳам адиб ёзилган саҳифани, ҳатто бир жумлани устидан тузата олмайди. Чунки тузатилган сўз, жумла мустақил ҳолида жаранлагани билан, асарнинг умумий мусиқасида баландроқ ёки пастроқ эшитилиши мумкин [Хорда қўшиқ айтаётган бир ижрочи ўзича мустақил бўлолмайди — унинг овози бошқа қўшиқчилар овози сафидан чиқиб кетмаслиги шарт]. Бунга йўл қўймаслик учун ёзувчи яратилаётган асарни қайта бошдан ўқиб чиқади ва поэтик кайфиятдан чиқиб кетмаслик учун ўша саҳифани қайта кўчиради ва шу усул билан ягона мусиқий оқимни тиклаб боради. Бу эса анча оғир усуллар: жумлалар такрор-такрор ёзилади, ҳатто саҳифа охирида қолган тақдирда ҳам унга бегонароқ сўз тушиб қолса, унинг ўрнига кераклисини топшиш учун автор яна шу саҳифанинг бошланмишига қайтади, оҳангдан чиқиб кетмаслик учун саҳифани қайта кўчиради ва шу аснода тайёр жумлаларни ҳам сайқаллаб ўтаверади [Шуни айтиш керакки, бу усул ҳам ягона эмас. Масалан, Л. Толстой аввал ҳамма ўйлаганини қоғозга тушириш, асарни тугатгандан сўнг таҳрир қилишни маслаҳат кўради].

Шунинг учун ҳам Қаҳҳор жумлаларини ўқиганда тил қоқилмайди, ҳар бир жумла ўз ифодаси, жаранги, нафас йўли, айтиш мумкинлиги, ҳаётга эга, айни чоқда асарнинг умумий оҳанг йўлига уйғунлашиб кетади. Қисқаси, жумла ҳикоянинг шеърдагидек муайян сатрига айланади. Прозанинг мусиқийлиги — мансур оҳанг шу тарзда туғилади.

Мана, овоз чиқариб ўқиб кўринг:

«Сотибоддиннинг хотини оғриб қолди. Сотибоддин касални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Беморнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товук сўйиб қонлади...»

Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша гингиллайди, бемор инқиллайди: ҳар замон яқин-йироқдан гадоё товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло баномн олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...»

...Яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади — сахарга бориб узилди...»

Маълумки, шеър одатда тўғри илғаб олинган бир руҳий оҳанг — сатрдан туғилади ва шу сатр унинг ички ритмикаси, фикрий-ҳиссий йўналишини белгилаб беради. Ҳикоя ҳам қарийб шундай: унинг жуда кўп фазилати биринчи жумлага боғлиқ. Айрим ёзувчилар учун эса бошланғич жумланинг топилдиқ бўлиши умуман яратилажак ҳикоянинг оригиналлигини таъминлайди. Чунки бу жумла ҳикоядаги оҳанг, кайфиятни йиғноқ ҳолда, куртак сифатида ўзида мужассам қилади, ҳикоядаги дунёга очилган дарча бўлади. Бошқача айтганда, ҳикоя дархати илк жумладан узиб чиқади. Шунинг учун ҳам биринчи жумлани асарнинг ўзига хос микрокомпозицияси, деб аташ мумкин.

Қаҳҳор ҳикояларининг бошланғич жумласи китобхонни бирданига асарга олиб киради, ўша ҳаво, ўша муҳитнинг

кайфиятига туширади. Бундан ташқари, мазкур ҳикоя нима ҳақда, у кенг оламнинг қайси жиҳатига эътиборни тортади, қайси йўналишда кечади — булар ҳам илк жумладаёқ сезилиб қолади.

«Туробжон эшиқдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг энги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди» [«Анор»].

Камбағал одам, — қалами ятак кийган, — зулфинга илиниб энгидан тирсагигача йиртилган ягона кишилик кийимига ҳам парво қилмайдиган даражада ҳолиқдими, демак, унинг кўнглида қандайдир катта ўзгартиш юз берди — ҳикоя инсон кўнгли ҳақида бўлади...

«Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб ҳўкизидан хабар олди» [«Ўғри»].

Уй-рўзғор ишени кампирнинг ёлғиз ўзи қилади, ёнида унга қарашадиган суякчи фарзанди йўқ, кейин, у қора меҳнат одами, кундузи бошқа ишдан бўшамайди, шунинг учун тонг-саҳарда туриб хамир қилиб олади; хамирга уннамасдан олдин ҳўкизидан хабар оляптими, демак, ҳўкиз уларнинг эшигидаги ягона туёқ, бирдан-бир тирикчилик манбаи — ҳикояда бир фариб оила бошига тушадиган қандайдир фожиа тўғрисида сўз кетади...

Биринчи мисолда аччиқ, ҳамдәрд киноя, иккинчи мисолда эса фожиадан дарак берувчи нидо оҳанглари бор. Ҳар икки йўналиш ҳам ҳикоялар давомида чуқур ижтимоий мазмунга йўғрилади.

Маълумки, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тўғридан-тўғри қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори, туриш-турмушидаги бирон-бир ўзгариш ёки руҳий ҳолатидан, умуман бевоҳита инсоний хислат-хусусияти ҳақидаги жумладан бошланади:

«Сотиб олдинги хотини оғриб қолди...» [«Бемор»].

«Қадақчи Ҳамроқулнинг тоби қочди...» [«Томшоабоғ»].

«Шундай қилиб Аҳмад полвон сўйиладиган бўлди» [«Кўр кўзининг очилиши»].

«Нисо буви эри ўлиб, иккита ёш қизи билан қолди» [«Бошсиз одам»].

«Жонфигонни танисангиз керак...» [«Жонфигон»].

«Ўзининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди...» [«Адабиёт муаллими»].

«Уста Турдиали худо билан илгари дуруст эди, уч ярим яшар қизчаси ўлдию ораси бузилди» [«Қабрдан товуш»].

Кўчирмаларни давом эттириш мумкин, лекин уларнинг аксарияти шундай хулосага олиб келади: Абдулла Қаҳҳор ёниқ экспозицияга камдан-кам мурожаат этади, ҳикоя бошланғичда тафсилот, баён, тушунтиришларни деярли қўлламайди, у кучли таъсир қиладиган, кутилмаган экспрессив ифода билан китобхонни тўғридан-тўғри ҳикоя атмосферасига олиб киради: ҳикоянинг композицияси — ички тарҳи бирдангина тикланади.

Агар биз Қаҳҳор ҳикояларини фақат воқеликни реал тарзда акс эттиради, уларда ҳаётнинг бир парчаси таянлиб, бадний талқин қилинади, дебгина баҳоласак, масалани анча жўнлаштириб қўямиз. Чунки Қаҳҳор ҳикояларидаги бадний борлик реал воқеликдан фарқланади, ундан баландроқ. Ёзувчи таянлаб олган материаллар ҳар қандай ҳаёт ҳодисаси каби ҳикоялардагидек теран ижтимоий мазмунга тўлиқ эмас. Мана, айтилик, бир камбағал одам бошқоронғи хотинига анор топиб беролмай, ёжиллашиб қолибди; гапдан гап чиқиб улар санманга боришди, хотин аразлайди, жиззак эр ғазабга минади, жаҳл ўстида бировнинг боғидан анор ўғирлаб келади. Агар ўша замоннинг одамига бу воқеани бахтсизлик сифатида айтиб берсангиз, у ларзага тушмай, аксинча, қулиб қўйиши мумкин. Чунки у бундан ўн чандон каттароқ фожиялар ичида яшаган, кўникиб кетган. Абдулла Қаҳҳор эса бу воқеани тасвир жараёнида жуда ўзгартиради, ҳар томонлама ўйлаиб-ўлчаиб яхлит композицион қурилишга эга бўлган бадний борлиққа айлантиради. Шунини айтиш керакки, китобхон ҳаёт ҳодисасининг «тахрир» қилинганини умуман сезмайди, чунки унинг табиийлигига путур етмаган, аксинча, теранлашган, юракка яқинроқ олиб келинган.

Ёзувчи ҳикояда ҳаёт материални қандай ўзгартиради, қай йўсинда «тахрир» қилади ва ундаги табиийликини бузмай, теранлаштирган ҳолда қандай қилиб яхлит композицион тус беради! Ахир, ҳар қандай бадний композиция — тўқима, хаёл маҳсули; нечоғли ибратли кўринмасини, ҳаётини ҳодисада тайёр мукамал композиция бўлмайди, уни ёзувчи яратади.

Яна композиция куртаги — биринчи жумлага қайтамыз. Бундан беш йил олдин бир шоир дўстимиз «Даҳшат» ҳикоясининг биринчи жумласини сарбаст шаклида сатрларга бўлиб, қаерданлигини айтмасдан анча кишини янглиштирган эди. Уларнинг аксарияти «шеърини Миртемирга ва Шайхзодага нисбат берган, ҳатто бирови «Авторыни билмадим-у, лекин композицияси зўр экан», деб қойил ҳам қолган эди. Шоир дўстимизнинг мазкур жумлани шеър деб ҳисоблашига, албатта, қўшилиш қийин. Қолаверса, сарбаст вази ҳам юксак шеър маданиятини талаб қилади (айрим тенгдошларимизнинг сарбастдаги нўқоқ уринишлари худди шу шеър маданияти етишмаслиги оқибатида ритмик прозадан унчалик фарқланмайди). Лекин чуқурроқ эътибор берсак, жумлада шеърини оҳангга яқин фазилатлар бор; фикр оқими бир оҳангга кўчади ва тугалланмада яқунланади, унда паузалар тўхтамай — нафас мароми муайян ритмик ҳаракатни рўёбга чиқаради:

«Яқин икки ҳафтадан бери /кўз очирмаётган /кузак шамоли /йайдоқ дарахтлар шоҳида /чийиллайди, /ғувиллайди; /томларда вишиллайди, /ёпиқ эшик /ва дарчаларга бош уриб /уф тортади.»

Балки адиб бунда шамол оқими ҳаракатини беришни мўлжаллагандир, лекин унинг оҳанги ҳам, мантиқий йўналиши ҳам кейинги воқеалар ифодасига асос бўлади, ҳикоя ички тузилишининг дастлабки белгиларини рўёбга чиқаради. Бу ўринда шамол алланарсадан безовта, нотинч, ёпиқ эшикларнинг ичкарисидагиларга қандайдир хавотирли хабарни айтиш учун жон-жаҳди билан имкон ахтараётган тилсиз бир афсонавий жонзотга ўхшаб кетади. Гап китобхоннинг энг аввало «Даҳшат» деган сарлавҳани ўқиб, ҳикоядан фожиа кутиши, асарнинг фожиа билан яқунлигини олдиндан ҳис этишидагина эмас. Шамол, ҳикоя давомида маълум бўладиги, муҳим композицион вазифага эга — у умуман асардаги барча воқеаларни ҳаракатлантириб туради. Яна ҳам аниқроқ айтсак, ҳикоя композицияси биринчи жумла берган тон, кайфият, оҳанг ҳаракатига қурилади ва унда шу ҳаракатни бошлаган шамол умуман ҳикояга руҳий йўналиш беради.

Маълумки, Қаҳҳор асарларида пейзаж жуда танқис. Ёзувчи одатда қаҳрамонлар ички дунёсини янада табиийроқ гавдалантириш, уларнинг ҳис-туйғулари ифодасини ашъвий далиллаш шарт бўлган кезлардагина пейзажга мурожаат қилади. Масалан, унинг «Миллатчилар», «Томшоабоғ», «Кўр кўзининг очилиши», «Майиз емаган хотин», «Иғвогар», «Башорат», «Хотинлар», «Маҳалла», «Думли одамлар», «Нурли чўққилар» ҳикояларида пейзажга жуда кам ўрин берилган, «Ўғри», «Бошсиз одам», «Жонфигон», «Диб кимда», «Санъаткор», «Ўжар», «Тўй», «Қизлар», «Мунофиқ», «Икки ёрти — бир бутун», «Тўйда аза» каби асарларида эса пейзаж мутлақо ишлатилмайди.

Характерлиси шундаки, «Миллатчилар»даги «Кун тикнади. Соя дим. Шаҳар мудрайди» каби икки-уч чизги билан манзарани тўла гавдалантирган ғоятда ихчам ифодани айтмасак, Қаҳҳорнинг фақат иккита ҳикояси — «Даҳшат» билан «Минг бир жон» табиат тасвиридан бошланади. Бу бежиз эмас. «Минг бир жон»даги баҳор тасвири билан ҳикоя қаҳрамони Мастуранинг касаллигини енгган музаффар туйғулари ифодасида, гарчи у қадар бўртиб турмасе-да, муайян уйғунлик бор. «Даҳшат»да эса биринчи жумладан чизилган манзара, табиат стихияси қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради.

Ёзувчи ҳикоянинг навбатдаги — иккинчи жумласидаёқ қаҳрамонларнинг ички дунёси тасвирини шамол ёрдамида оча бошлайди: «Бундай кечаларда одамзод қўймижоз, ғуж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади.» Ўша «ниманидир»нинг нима эканлигини қўймижозларнинг ўзи билмайди, шамол билади. Шунинг учун у «ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.» «Шамол ҳар кеча таровех намозидан сўнг ҳалқага қоладиган» додхони уйга ҳайдайди. Додхо хотинлари паноҳига кириб олгандан сўнг ҳам шамол тазйиқидан қутулолмайди, «дарчани жиндаккина қия қилиб бир кўзи билан ташқарига» ташади; «шамол гоҳ оч бўрндай увиллар, гоҳ ўлим чангалига қураган мушукдай пихиллар, вағиллар, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмас эди». Бу ўринда интроспекция — воқеа-ҳодисаларни муайян бир қаҳрамон таассуротлар орқали ёритиш психологик таҳлил усули бўйича шамол — додхонинг ички дунёсида ҳаракатланяпти, унинг «оч бўрндай увиллаш», мушукдай пихиллаши, вағиллаши шундан. Шунинг учун ҳам додхонинг «бармоқлари тасбеҳ доналарини

тез-тез утказаетган бўлса ҳам, қулоғи шамолда...» Шамол додхонинг ёдига гўристонни солади: «Ҳозир гўристон қанақа ваҳимали бўлса экан...» Ёзувчи шамолнинг таъсирини фақат додхога ўтказди, уйдаги хотинларга қандай таъсир қилганлиги ҳақида гапирмайди. Аёл боши билан хотинлар кўрқмаса ҳам (чунки улар додхога қараганда ёш — гўристон ҳаёлига ҳали эрта), додхо кўрқади, ҳаёлидаги ваҳимадан қутулиш учун «ундан-бундан гапирган бўлади». Шу орада шамол «ниманидир келтириб дарчага» уради-ю «у нарса дарчани тирмалаганча сидирлиб парста тушиб кетади, додхонинг кўрқуви кучаяди — ҳикоянинг асосий воқеалари бошланади.

Ташқарида ҳукмронлик қилаётган табиат хуружи додхо кўнглига ваҳм солиб, уни титратса, унинг ёшгина хотини, маъсума Унсинийнинг юрагига ўзига тенг бир куч, жасорат уйғотади. Энди тасвир оқимида яна бир стихия тугилади. Унсинда қўймажоз биқик ҳаёт, қулликка қарши исён уйғонади. Додхо шамолдан қанча кўрқса, Унсининг қабристонга бориб чой қайнатиб келишидан ҳам шунча кўрқади, гўё ташқаридаги озод, ҳукмрон шамол уйга кириб олгандек туюлади унга: ҳамма вақт «қаеринг қичиди»га соладиган додхо бу гал қамчи кўтаролмай қолади: «Гапни айтган Унсину бошқалар ўтирган жойида ерга қапишиб кетди... Додхонинг дами ичига тушиб кетди».

Шуни унутмаслик керак: ҳали Унсин асл озодликнинг нима эканини билмайди, у ота-онасининг бағридан — нисбатан эркинроқ бўлган жойидан додхонинг даргоҳига ўтган, холос, у озодлиқни фақат бу даргоҳдан қутулиш деб ўйлайди. Бунга имкон туғилгани заҳоти олдинда ўзини нималар кутаётганини фикр ҳам қилмай «худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозор бошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб» гўристонга жўнайди. Лекин бу ўринда ёзувчи Унсининг хатти-ҳаракатига янада теранроқ маъно юклайди. Унсинин додхо даргоҳидан қочиш истаги эмас, балки ҳақиқий исён туйғуси йўлга бошлайди. Шамол бўйрани дарчага урган, «Ҳамма ўтирган жойида гўё бир қарич чўккандай бўлиб, тин олмай бир-бирига» қараган пайтдаёқ бу туйғу Унсининг кўксига бош кўтарган эди. Исён унинг: «Жавоб берсангиз... Ганжиравонга кетсам... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман...» деган сўзларни айтган чоғида баралла авж олган эди. Шунинг учун ҳам додхо унинг сўзини янглиш тушуниб, «Нодирмоҳбегим сандал ичидан оёғини узатиб Унсининг болдирини чимчилаб», «кўзи билан «хайрият тушунмади, бас, гапирма» деб ишора» қилган пайтда ҳам Унсин чекинмай [исён ҳеч қачон ярим йўлда тўхтаб қолмайди, у ё маҳв бўлади, ёки голиб чиқади], «ж о н и д а н кечган кишининг шижоати билан додхога тик» қарайди.

Шунинг учун ҳам Унсин гўристонга «қаршидан эсаётган шамолга буй бермай... борар эди».

Додхон оч бўри бўлиб кўрқитган шамол Унсин йўлга чиққач, увилламайди ҳам, мушукдай вағилламайди ҳам, аксинча, Унсини йўлдан қайтаришга уринади: «... ҳар хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди.» Агар ўликлар маскани гўристонда Унсининг ўлим зарбасига дуч келишини назарда тутсак, ҳикоя бошида шамолнинг «ёпик эшик ва дарчаларга бош уриб» уф тортиши, кейин «одатда тобутда солинадиган» бўйрани дарчага уриши ва Унсининг «қаршидан эсиб», уни орқага, «талай жойга» суриб ташлашларида Унсининг ўлими муқаррарлиги ҳақидаги фаталистик маъно ҳам келиб чиқади. Шамол гўё ҳикоя охирилари — Унсининг пешингача етмай узилишигача фалокат хабаркаши бўлади. Лекин унинг вазифаси шу билан тугамайди: «Шом қоронғисига унинг [Унсининг — А. А.] жасадини қизил кўрпага ўраб аравага солишди. Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарахтларнинг шоҳида чийиллар, гувиллар эди» — ҳали кўплар Унсининг қисматига дуч келади, озодлик қурбонсиз бўлмайди, шамол тингани йўқ, тинмайди ҳам...

Шамол ёрдамда бу ҳикоянинг ташқи фабуласи берадиган мазмундан фарқли ўлароқ, ботин, жуда теран бир рамзий маънони илғаб оламиз: даҳшат — додхонинг даргоҳи эмас, тириклик қабристон эмас, гўристон кечаси эмас, ҳақиқий даҳшат — энди исённинг бешафқат ёғдуси билан нуруланган Унсин, унсинийларнинг додхо каби қўймажозлар дунёсини ларзага солишидир: «Сандалда ўтириб пинакка кетган додхо уйғониб тамшанди, бошини кўтариб Унсинни кўрди-ю...

кўзлари олайди, ундан кўзини олмай секин ўрнидан турди, х ў д д и ў л и м х а в ф и д а н қ о ч г а н д а й, б и р и р ғ и б с а н д а л д а н о ш д и - д а, ў з и н и э ш и к к а у р д и».

Бу инқилобнинг олдинроқ — кишилар қалбида ўт ола бошлаши эди. Абдулла Қаҳҳор буни бир маъсума ўзбек аёлининг қисмати орқали кўрсатиб беради.

Ҳикоя мураккаб муносабатлар силсиласидан, асардаги ҳолат ва ашёлар ўртасидаги чамбарчас алоқадорликдан қарор топади. Бунда ҳар бир иборанинг маъно кўламинан ташқари, унинг гоёвий ният, поэтик қурилманинг қай жиҳатини ёрйтиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қаҳҳор ҳикояларидаги жуда кўп ифодалар луғавий мазмун билан чекланмайди. Улар китобхонинг қувваи мулоҳазасига қараб, ўз функциясидан кенгроқ, теранроқ, ҳикоянинг моҳиятига алоқадор туйғу уйғотади, композицион вазифани бажаради. Мана, «Даҳшат»нинг бошланишларида гўё ахборот тарзида айтиб ўтилган жумлага диққат қилайлик:

«Додхо ҳар кеча таровеҳ намозидан кейин ҳалқага қолар эди, бу кеча эрта қайтди».

Биринчи қарашда поэтик таҳлил, талқин йўқдек. Шунчаки додхонинг уйига қайтганлиги ҳақидаги хабар. Лекин чуқурроқ қарайлик. Айниқса, «таровеҳ намози» билан «ҳалқа»га эътибор берайлик. Маълумки, таровеҳ намози мусулмонларнинг диний туйғулари энг кучайган, бидъат авжга минган рўза пайтида — моҳи рамазонда ўқилади. Таровеҳ — энг узун ибодатлардан бири. Агар бомдод 4, пешин 10, аср 4, шом 5, хуфтон 9 ракаатдан иборат бўлса, таровеҳ 20 ракаатдан иборат. Ундан сўнг албатта хуфтон уланиб кетади — таровеҳ намози ҳаммаси бўлиб 29 ракаатга чўзилади. Энди бунга ҳар тўрт ракаат орасида бўлиниб, дуо ўқилишини ҳам қўшиб ҳисобласак, таровеҳ намози икки соатча чўзилади. Шунча вақт ичида бу дунёси қилтиллаб турган додхонлар учун дорилбақо ваҳми анча тайин бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай ибодат эзми-кўпми нариги дунёда яшашни энгиллатиш гамида бажарилади. Айниқса, бу дунёда қилмаган гуноҳи қолмаган, гўристонни ўйлаганда «типигача совуқ тер чиқади» додхо учун икки соат нариги дунёни ўйлайвериш — оғир иш. Шундан сўнг ҳалқа бўлади, унда ҳам воиз ривоят, ҳадислар мисолида бу дунёнинг бевафоллиги, гўру қиёматнинг муқаррарлигини тайин қилиб қўяди. Албатта, шундай экан, додхонинг таровеҳдан сўнг ҳалқага қолишга юраги бетламай, уйга қочиб қолганини тушуниш мумкин.

Йўл-йўлакай айтиб ўтилган бир жумланинг мазмуни тубида шунча маъно ётади! Энди бу маънони шамолнинг додхо психологиясига кўрсатган таъсири, дарчага урилган бўйра, бўйранинг тобутни, тобутнинг гўристонни эслатиши, гўристондан гап чиқиб Нодирмоҳбегимнинг гўрга пичоқ санчиб келаман деб гаровлашиб, ўша ерда ўлган йигит ҳақидаги ҳикояси ва ниҳоят Унсининг қўлимига боғлайдиган бўлсак, қисқа бир жумланинг ҳикоя композицион тузилишида қандай ўрин тутиши ўз-ўзидан ойдинлашади.

Абдулла Қаҳҳорнинг бир саҳифани 15—16 марта кўчиришининг сабаби ҳам, бизнингча, хасисликдан кўра, саҳийликда — у ҳар бир сўз, иборани тўйинтиришга, уларнинг семантик, ҳиссий кўламини кенгайтиришга интирган. Қисқартиришлари, ихчамлашлари билан эса адиб китобхонга эрк беради, унга муастақиллик ҳада этади ва шу йўл билан унинг эстетик таассуротини бойитади.

«...куйдирриш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт... Ҳис, туйғу кишининг қалбини емириб юборади. Бундай пайтларда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди, ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш хоҳшини кишига азоб бериш даражасига бориб етади, — деган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор. — Шу вақтда қўл қаламга боради.»

Биргина композиция муаммосини очишга уриниш билан ижод дардининг асарда бадиий шаклланиш йўлларини очиб бериш маҳол, албатта. Композиция — бу дарднинг график тарқи, холос. Кардиограмма — юрак ҳаракатининг чизиқлари, у юракнинг ҳаётини, бениҳоя мураккаб фаолиятини бутунлай камраб ололмайди. Худди шунингдек, асар композициясини таҳлил қилиш, унинг поэтикасини тўла очиб бериш эмас. Бу масала поэтиканинг бир соҳаси, холос. Қаҳҳор поэтикасида бундай соҳалар жуда кўп.



Шухрат
Ризаев

Маҳорат етишмагач

Кейинги ҳикояда ўғрилиқ кўчасига кирган Саидмуродни ҳали ўлдириб улгурилмаган, онасининг вафоти ва севгилиснинг садоқати туфайли жонланган виждони қаршисида юзма-юз қўймоқчи бўлади. Инсон учун виждон судининг энг олий ҳакамлигини бадий ифодалашга интилади.

Автор ташқи белгиларга асосланган илк таассурот билан моҳият ўртасида доим ҳам мувофиқлик бўлавермаслигидан, узоқдан бахт бўлиб ялтираган нарса яқинлашгач сароб бўлиб чиқиши мумкинлигидан «Муҳаббат ва ҳаёт» деб номланган сўнгги ҳикоясида огоҳлантирмоқчи бўлади.

Ҳар бир ҳикояда кўзда тутилган мақсадлар жуда ўринли. Бироқ ҳикоя, умуман, бадий адабиёт фикрни бадий ҳаққоний, ишонарли ва таъсирли ифода эта билиш санъатидир. Ҳар қандай ҳаёт факти ўз-ўзидан адабиёт материаллига айланиб кетавермайди. Хусусий ҳаётни кузатишлар муайян бадий умумлашма даражасига кўтарила олинсагина том маънодаги бадий асар майдонга келади. Бу бадий ижоднинг алифбеси. Таассуфки, Ҳ. Убаев ҳикояларини ўқигач, авторнинг бадий ижод алифбесидан ҳам беҳабар экани, унинг ўқувчига айтадиган арзирли гапи йўқлигига амин бўламиз. Тўпламнинг умумий руҳи тамомла китобийлик билан сўғорилган. Адабиёт ҳақида ўзлаштирилган юзаки тасаввурлар авторнинг фикрлаш ва тасвир тарзини бошқаради. Ҳаётнинг умумий оқимидан юлиб-юлиб олинган таассуротлар ҳали ички, маънавий эҳти-ёжга айланмай адабиётимизда мавжуд андоза тусига кирган стандарт тасвир усули асосида қоғозга туширилади...

Дунёдаги энг қадрдон кишиси — она хотираси ва «она вафотига икки йил тўлмасдан уйларига ўғай она кириб келаётгани» ҳақидаги азобли ўйлардан гоёт маҳзун кайфиятда ўтирган Дилдора «хаёлига қўйилиб келаётган сўзларни варақча бита бошлади. Йўқ, бу шеър эмасди, шунчаки мискин юрак қаъридан отилиб чиқаётган сўзлар эди:

«Онажоним!

Сизни эсларкан яна бу тунда
Пора-пора қалбим тилкалар яна
ҳижронда.

Сиз қайтмайсиз, сиз ўчмас хотира,
Унутмасман бу изни, мунис сиймони...»

Езганларини яна бир марта ўқиб чиқиб, ўзидан мамнун бўлди. Дафтаридан варақин йиртиб олиб: «Шу кундан эсдалик», деб столда ётган китоблардан бирининг қатига солиб қўйди».

Мана шу тасвирдан сўнг муқаддас хотирага содиқлик гоёси юклатилган қаҳрамонининг самимиётига ишониб мумкинми! Риторик хитобдан иборат шеър «юрак қаъридан отилиб чиқаётган сўзлар» эканига ишониб қийин. Аксинча ҳикоя қаҳрамонининг қандай бўлмасини ўз сўз бисотини титиб, жимжимадор ифодалар топишга зўрма-зўраки уриниши но-хуш таассурот уйғотади. Руҳий ҳолат аниқ англамаганлиги туфайли бу ўринда изтироб риёкорлик, сохталик билан алмашиниб кетади. Шеърдан кейин келган тасвир ўқувчида пайдо бўлган акс таассуротни янада мустаҳкамлайди. Дейлик, назм кўчасидан ўтмаган кимса ҳам беҳад изтироб дақиқаларида қандайдир поэтик ифодаларга сомеъ бўлсин. Лекин у ёзганидан мамнун бўлиб, шу кундан эсдалик дея дуч келган бирон китоб қатига солиб қўяр экан, демак ундаги изтироб руҳий кечинма эмас. Бу энди изтиробдан кўра кўпроқ ётишдан олдин лаззатли уйқу иштиёқи аралаш шунчаки бир хўрсиниб қўйишга ўхшайди. Мазкур ҳолат қизи тақдирини ўйлаб муқаддас хотирага ҳиёнат қилган отадан кўра, қизнинг сунъийлиги, қандайдир худбинлигига нисбатан ўқувчида нохуш муносабат кўзгатади. Демакки, муаллифнинг қатъий кўрсатмасига биноан зўраки бошқарилаётган мантиқсиз ясама тасвир ҳикояда қузатилган мақсадни тамомла қарама-қарши томонга йўналтиради.

Тўпламдаги «Саидмурод» деб номланган ҳикоя, юқоридека қайд этганимиздек, номақбул қилмишлари туфайли виждони билан ўзлаштирилган йигит ҳақида. Отаси ўлиб, касалманд онасининг қаровисиз қолган пўл сўмир ёмон болалар таъсирида ўғрилиқка ўрганади. Енгил пул топишга тамомла кўниккан

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Еш гвардия» нашриётлари «Авторнинг биринчи китоби» сериясини давом эттириб хайрли ишни анъанага айлантирдилар. Бугунги ёшлар прозасининг тараққиётини таъмин этиб турган аксарият ёзувчилар ана шу серияда чоп этилган асарлари туфайли эл наздига тушдилар. Бироқ мазкур серияда сўнгги пайтларда эълон қилинаётган кўпгина асарлар кутилган натижани берма-япти. Том маънодаги кашфиётлар ўрнига ўртамеъна, баъзан эса ундан ҳам пастроқ савиядаги ҳикоялар тўпламлари чиқиб қолаяпти.

Мана Ҳабибулло Убаевнинг «Авторнинг биринчи китоби» сериясида чоп этилган «Бахтми ё бахтсизлик» номли беш ҳикоядан иборат тўплами. Ҳикояларнинг ҳаммаси манший мавзуларда. Мавзунинг катта-кичиги бўлмаслиги аллақачонлар исбот этилган. Айниқса, инсон, ҳаёт, виждон, бахт, севги, эзгулик каби жуда қадимий ва ҳамisha янги мавзуларни катта-кичikka ажратиш ақлдан эмас. Бинобарин, бу мавзуларда китобхон учун ибрат бўларли янги бир гап айтиш ҳар қандай ёзувчидан ҳам жуда катта масъулият талаб қилади. Афсуски, бир қатор ёш ёзувчи дўстларимиз адабиёт олдидаги, ўқувчилар олдидаги мана шу масъулликни кўпинча ҳис этмасдан ижод қиладилар.

Ҳабибулло Убаев ҳам ана шу мавзуларни қаламга олади. «Кемтик дунё»даги Дилдоранинг оламдан бевақт кўз юмган онаси хотирасини пок сақлаши, шу хотирага ҳиёнат қилган отасининг хатти-ҳаракатларидан изтироб чекишини тасвирлашга уриниб, муаллиф инсонларнинг яқин кишилар хотираси олдида масъулликни, муқаддас туйғуларини фақат соф ва ҳалол йўл билан сақлай олиш мумкинлигини таъкидламоқчи бўлади.

Тўплам номини белгиланган ҳикоя орқали эса китобхонга севган кишиси бахти йўлидаги фидойилик, бахтсизлик эвазига инъом этилган хотиржамлик бахт келтира оладими, деган савол билан мурожаат этади.

пайтда беихтиёр севиб қолади. Шу аснода қўлга тушиб қамалади. Онасининг ўлими ва севган қизининг вафодорлиги сабаб бўлиб, қутулиб чиққач виждонан ҳаёт кечиршига аҳд қилади. Бироқ ўрганган кўнгил... деганларидек «яхши ниятда», яъни севган қизининг туғилган кунига ёқут кўзи узук олиш учун эски «хунарини» ишга солади. Унинг қурбонига айланган аёл эса пировардида ўзининг бўлғуси қайнонаси бўлиб чиқади. Бу эса Саидмуроднинг кейинги хатти-ҳаракатларини оптимистик планда хотималаш учун муаллифга имкон яратади. Воқеа, авторнинг ўзи ҳикояда таъкидлагани каби худди «кинолардагидек». Бундан бир неча йил муқаддам кинотеатрларимизда «Жаноб 420» номли ҳинд фильми кенг намойиш этилган эди. Ҳикоя сюжетини шу фильмининг баъзи деталлари бир оз ўзгартирилган ўзбекча насрий талқини дейиш мумкин. Балки Ҳ. Убаев бу фильмининг кўрмагандир, аммо афсуски тор маиший мазмундаги бир-икки сюжетнинг турли хилдаги импровизацияси тусини олган беҳисоб ҳинд фильмлари ёки шундай асосдаги енгил мушоҳада яқин йнгирма йил ораллигида номи кўринган кўпгина беллитристларнинг ижодига сезиларли таъсир ўтказган. Мазкур ҳикоя ҳам э бевосита ёки билвосита ана ўша таъсир натижасида юзага келган. Ажабланарлиси шундаки, ҳикояда қаламга олинган ўсири тақдирининг белгиловчи нуқталари шу хил мазмундаги асарларда қоллипилаб қолган ишонарсиз, турғун далиллар асосида изоҳланиб кетилверади. Хусусан қиз билан йнгит танишуви ва улар ўртасида муҳаббат пайдо бўлиши учун албатта йнгит қизни «тасодифий» безоридан қўтқариб олиши керак. Ваҳоланки, кимнингдир ҳалол ҳаққини юлиб олиб, қон қақшатиш «оддий бир ҳолга айланган» пайтда Саидмуроднинг дабдурустдан олижаноблик қилишига ишонтириш учун воқеани қайд этишининг ўзи кифоя эмас. Чўқур психологик таҳлил, руҳий кечинмаларнинг теран тадиқи талаб этиладиган ўринларда қуруқ баёнга берилиш муаллиф ижодий имкониятларининг гоят гариблигидан далолат беради. Ҳатто йнгит ҳамтовлоқларининг лақабларига асамалиқдан ҳоли эмаслиги шубҳани янада орттиради. Қолаверса, ҳикоя мантиқи ҳам кишини иккилантиради. Агар «сўнгги қурбон» севган қизининг онаси бўлиб чиқмаганида, демак у сўнггиси эмас, навбатдагиларнинг яна бири бўлиб қолавериши мумкин эди. Бу эса кўпроқ авторнинг моҳиятли таҳлилдан қочиб, тафсилотларни тасодифлар зиммасига махсус юклашига ўхшаб кетади. Ҳикоядан кузатилган асосий мақсад — виждон ҳўкми эса собитликини йўқотиб, жўнлаша боради. Автор позициясининг беқарорлиги натижада китобхонни ҳам аро йўлга солиб қўяди.

«Сўнгган юлдуз шуъласи» деб номланган ҳикоя эса ҳаёт ва адабиёт ўртасига тенглик аломати қўйиб бўлмаслигини, қолаверса бу соҳада муаллиф билимларининг у қадар чўқур эмаслигини, яна ҳам аниқроғи дилетантликни исботловчи яққол намунадир.

Ҳикояда тасвирланишича Юнус Саидович билан Лола бир-бирларини севишгану, қизнинг бевафолиги туфайли ажралиб кетишган. Орадан чорак аср ўтиб Москвада бирга ўқиётган уларнинг фарзандлари топшиб турмуш қўришмоқчи. Шу муносабат билан йўлга чиққан Юнус Саидович илк севиги дамларини хотирга олади. Ҳанузгача бевафога йўйиб келинаётган сирдан эса Москвага келгач, Лоланинг хатини ўқиб воқиф бўлади. Бир-бирларини қаттиқ севган ва бир кунда дунёдан кўз юмган Лоланинг буваси билан бувиси невараларининг Рустам билан бирга бўлишини васият қилиб кетганлар. Энди эса Лола ўз ўтмиш «гуноҳини» ювиш учун фарзандлари воситасида «қонларининг қўшилишини» истайди. Бу тафсилотларни билгач, Юнус Саидович ўзини гуноҳдор ҳис этади.

Ҳаётда [шўрлик ҳаёт] ҳамма нарса бўлиши мумкин. Агар бундай воқеа ҳам ҳаётда учраб туради десак, ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Лекин адабиёт ҳаётининг бўлиши мумкин бўлган бирон кўринишдан нўсха кўчириш эмас. Езувчи истеъдоди эса, юракни, виждонни истисно этиб, тизгинсиз хоҳиш кўчаларида беҳуда кезаверишдан иборат эмас. Табиатда бўлганидек ижодий жараёнда ҳам танлаш-танланиш амал қилади. Бундан мақсад эса ўқувчиларга ижодкор қалб изтироби билан йўғрилган айна зарур ҳақиқатни топиб айтиш [айта билиш], улар кўнглига ҳамоҳанг пардаларда куйлай олиш ва бадий асар воситасида поклик, эзгулик, олижаноблик ҳам маънавий теранлик сари етаклашдир. Мазкур ҳикоядан эса салмоқли фикр у ёқда турсин, мўтлақо

мантиққа зид ҳўлосалар келиб чиқади. Аввало, севишиб турмуш қўрган, қалбларига бўйсуниб яшаган буви ва бува наҳотки суюкли набира қалбига қўлоқ тутмай, ўз истақларича унинг тақдирини ҳал этсалар! Наҳотки, Лола қадрдон юшларни тимсолида муҳаббат қудратига шўхид бўла туриб, ўз севиғисидан [!] осонгина воз кечиб кетаверса! Ахир бу буви ва бувасининг васиятига кўр-кўрона амал қилиш баҳонасида, уларнинг муҳаббатдан мўнававар хотирасига хиенат қилиш эмасми! Энди эса, орадан шўнча вақт ўтиб, ўз қисматини қизи тақдирини тақдорламоқчи. Қизининг врач бўлиш орузсини қарамай уни Юнус Саидовичнинг ўғли билан топиштириш учун Москвага ўқишга махсус юборади. Қизи Юнуснинг ўғлини севадими, йўқми ҳикояда бу мавҳум. Айни ҳолатда қизи ҳам онасининг истагини бажараётгандек таассурот пайдо бўлади. Нега Лола фарзанди бахтини ўйламай, эҳтимолки бахтсизлик ҳисобига ўз айбини ювмоқчи ва шу йўл билан Юнусни ҳам, ўзини ҳам бахтли қилмоқчи! Бу бахт бўла олармикни! Айни вазиятда Лола олижаноб эмас, балки худбин, қўшмачи бўлиб гавдаланмайди!

Ҳикояда ёзилишича Юнус билан Лола муносабати «...ҳаммаси ўша Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кўнлар» китобидан бевозлаганди». Асар қаҳрамонлари ёшини ҳисобга олсак, бу 1952—53 йилларга тўғри келади. Бу йилларда эса «Ўтган кўнлар»ни мактаб кўтубхонасидан бемалол олиб ўқиш мумкин эмаслиги бизларга аён. Демак, «ҳаммаси ўша Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кўнлар» китобидан» бошланиши шубҳали.

Муаллиф ҳикояда 50-йиллар ёшларининг юриш-туришини чизаркан 70—80-йиллар ёшлари кўз ўнгига пайдо бўлаверади. Фақат «Жигули» ёки «ГАЗ-24»ни «Победа» билан алмаштириш лозимлигини унутмайди, холос.

Ууллас, тўпламдаги ҳикояларнинг барчаси ҳам китобхонга бадий асар сифатида тақдим этиш учун ҳали етилмаган илк машқлар. Умумий ва энг катта нуқсон шундаки, уларнинг барчаси фикр тарзидан тортиб оддий деталлар тасвиригача бир хил қолипда: юзакни ва жўн баёндан иборат. Афсуски, бу ҳолини фақат Ҳ. Убаев ҳикояларигагина тегишли деб бўлмайди.

Яна ўша серияда чоп этилган Мирзапўлат Тошпўлатовнинг «Юракдаги сир» тўплами ҳамда уч авторнинг ҳикояларидан иборат «Чопқир кўнлар» номли мажмуадаги Эрмат Али ҳикоялари ҳам шундай таассурот қолдиради.

М. Тошпўлатовнинг «Юракдаги сир» ҳикоясида кўринишдан ҳаётий бир ҳодисанинг гоят жўн ифодасига дуч келамиз. Ҳар жиҳатдан мукамал, аълочи студент ва фаол жамоатчи Нурали билан эрка, такаббур Басира [!] ўртасида «ҳаётнинг енгил, аммо қаттиқ ҳазили» юз беради. Ноқоиний фарзанд дунёга келгач, уларнинг кимлиги яна бир карра маълум бўлади. Нурали олижаноблик қилади, у номард бўлиб қочмайди, аксинча болага кўпроқ қарайди, «ширли сутга» [!] ўргатади. Басира эса ўз фарзандини шафқатсизларча ташлаб қочади. Бунинг устига бор сирни маҳфий тўтиб, агрономнинг ўғли Асадга тегиб олмоқчи бўлади. Сип-симлик ҳикоя, лекин нурсиз. Ҳикоя аввалдаёқ ижобий ва салбийга ажратиб қўйилган қаҳрамонлар бўёқларини бўрттириш ҳисобига аслидагидек қолдирилади, яъни икки карра икки тўрт қабилдаги оддий арифметика образли йўсинда тақдорланади, холос. Ахир, яхши ва ёмон одам деган тушунчалар остида тирки инсон бор. Инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати, бинобарин, бутун тақдирга дахлдор хатти-ҳаракати замирида эса беҳисоб руҳий кечинмалар ётади. Бусиз инсоннинг онгли мавжудот эканлиги, санъат ва адабиётнинг эса инсоншўнослигини тасаввур эта олмаймиз. Ҳолбуки, «Юракдаги сир» ҳикоясидаги қаҳрамонлар руҳий олами ўқувчига қоронғилигича қолаверади. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг конкрет руҳий кечинмалари орқали далилланмайди.

М. Тошпўлатов тўпламидаги аксар ҳикоялар тарихий мавзуларда. Шулардан бири Муқанна ҳаётининг сўнгги дақиқаларини акс эттирувчи «Беором тўлқинлар» номли ҳикоя. Тарихимиз бугунги кун учун ҳам ибрат бўла оладиган воқеа-ҳодисаларга бой. Бироқ ибрат излаб фактларни истаганча талқин этавериш, тарихий шахсларни турли андозаларга солавериш ҳодиса салмоғини оширмайди, аксинча ерга уради. Демокрит, гўзаллики меъёра, деб айтган эди. Езувчи фантазияси ҳам меъёрни сақлагандагина ишонтириш қувватига эга бўлади. М. Тошпўлатов ана шу меъёрни бузади. Тасвир жараёнида Муқаннани халқ манфаати учун мўтлақ фидокор, юксак эътиқодли, романтик пландаги қаҳрамон қиёфасида

кўрсатмоқчи бўлади-ю, бироқ қаҳрамон тилидан ножиоз далиллар келтириб ўқувчи кўз ўнгига унинг мавқеини пастлаштириб юборади. Муқанна мустаҳкам иродали шахсдан кўра, ожиз, заиф кимса тусига кириб қолади. Авторнинг бундай жиддий ўрганишни талаб этадиган мавзуларга тайёр эмаслиги ҳикоя тили ва баъзи фактларга эътиборсизлигига ҳам кўзга ташланади. Хусусан, муаллиф ёдига келган ўринлардагина айрим гаплар кесимига тарихий қўшимчаларни қўшиш билан тил ноқислигини баргараф этмоқчи бўлади. Тарихда Сом тоғи деб аталган жой номини эса Санам тоғи қабиллада ўз билгича қўллайверади.

Эрмат Алининг «Қиш кечаси», «Тоғ олдида» деб номланган ҳикояларида бир-бирдан тамомила фарқ қиладиган воқеалар қаламга олинса-да, мақсад бир. Жирканч манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган манфур шахсларга қарши нисон мродасининг куч-қудратини намойиш этиш. Мақсад яхши, лекин уни амалга ошириш йўллари! Муаллиф мақсад сари шу қадар интиладики, гоё салмоғини, ҳаётийлигини, ҳаққониятини белгилайдиган тафсилотлар назардан четда қолади. Биринчи ҳикояда деталларнинг ноаниқлиги, фактларнинг атрофлича ҳисобга олинмай пала-партиш қайд қилиниб кетилавериши изчил, яхлит тасаввурга путур етказган.

Қор тиззагача етган, изғиринли тунда ҳикоя қаҳрамони ваҳимали саҳрода йигирма чақиримлик йўлни ортиқча қийинчиликсиз оз вақтда ҳеч бир ҳодисага учрамай босиб ўтиши мумкин-у, нега энди айнан қайтишда ўша йўл чўзилиб кетиб, дахшатли ҳодисаларга дуч келиши керак. Авторнинг мақсадга сабрсизлиги билан интилавериши мантиққа зарар етказмаётганимики! Бу эса ўз навбатида ўқувчи ишончини сусайтир-япти. Саргузашт ҳикоя усулида бир неча имкониятдан ягонасигина ажратиб олиниб, изчил далилли тасвир этиб берилсагина китобхон диққатини тўтиб тура олиши мумкин. Драматик вазиятни таъминлаш учун муаллиф таклиф этаётган шароитдан кўра қулайроқ имкониятларни китобхон биллиб турар экан, у ўзини ваҳимали олди-қочдилар билан алдашга уринаётган ҳикоянависнинг беҳуда кўйди-пишдисини жиддий қабул қила олмайди. Мазкур ҳикояда, яна, тил ғализликлари, тасаввурга сиғмайдиган сунъий жумлалар асабга тегади. «Тирқираб-пирқираб тракторнинг уни ўчди», «Қор муңгли жигирлайди» ёки «ўчқур шиша» каби.

Китобийлик юзаси тасаввурнинг бирламчи белгиси. «Тоғ олдида» ҳикоясида шундай ҳолга дуч келамиз. Собиқ безори Акром қамоқдан чиққач, ҳалол йўл билан ҳаёт кечирини истайди. У ҳам Ҳ. Убаевнинг қаҳрамони каби виждон ҳўклмга бўйсунмади. Бироқ Акромни «ўрганган кўнгил» эмас, балки эски ҳамтовоклари аввалги ҳаётга яна қайтармоқчи бўладилар. Ёвузлик олдида дош беролмаган Акром ўзини хавф остига қўйиб, «шерикларига» қарши курашга журъат этади. В. Шукшин ижодининг ёш прозаикларимизга мусбат ва манфий таъсирлари ҳақида танқидчилигимиз муносабат билдирган эди. Айни ҳикоя сюжетига ҳам шундай таъсир, анқирогми тақлид яққол сезилади. Шукшиннинг «Қизил бодрезак» фильми қаҳрамонига атрофдагиларга нисбатан ғазабнинг сўниб, виждонининг ўйгонгунигача кечган воқеалар ва ундан кейинги хатти-ҳаракатлар ҳам ҳаётини, ҳам психологик жиҳатдан мукамал далилланган. Биз таҳлил этаётган ҳикоя қаҳрамони эса, «Роскольников қотилми! Йў-ўқ! Давр, муҳит қотил! У пайтлар бошқача эди. Кунин ўтмаган одамлар ўғрилик, йўлтўсарлик қилишган. Ҳозир-чи! Ҳаёт кечирини қийинми! Ким ишласа тишлайди» ёки «Қайси маҳаллада, оилада ёки коллектида қолоқ шахсга эътибор сусайдими, унга қизиқишмадими, тамом!» қабилда китобий фикр юритиб, ўзини ёмон йўлдан қайтармай, кечки мантабга ўтказган кишилардан хафа. Мушоҳадага эътибор беринг! Қаҳрамон шундай аҳволга тушишининг асосий сабабларидан бири кечки мантабга ўтказилган деб билади. Акс ҳолда ана шу мулоҳазани икки ўринда тақрорламаган бўлар эди. Демак, кечки мантаб ёшларнинг эгри йўлга кириши учун восита бўлиб қолаяпти. Балки муаллиф бундай демоқчи эмасдир, бироқ ҳикояда мантиқан шундай хулосага ишора бор. Автор ўз қаҳрамонини қаердаки, ясама фикр юритишга, жонсиз сўзлашга мажбур этса, шу ерда мантиқ ўз-ўзидан бузилади. Бундай ўринлар эса ҳикояда анчагина. Назаримда, бу ҳол Эрмат Алининг бевосита ўзи билмаган шахсларни, кузатмаган воқеани қаламга олиши, тўқшиши оқибати бўлса керак.

Саммиятдан йироқ, мазмунан саёз тасвир «Шарқ юлдузи»

журналининг 1983 йил 3-сонида эълон қилинган Шоира Юсупованинг «Тўғилган кун» ва «Гулистон» журналининг 1982 йил 12-сонидagi Моҳира Мамадалиеванинг «Кул остидаги чўғ» ҳикояларида ҳам очиқ кўринади.

Бир неча йилдан бери якка-ю ягона қизининг тўғилган кунига ота келмайди. Қиз бу ҳолдан эзланади. Сабаб шуки, қизининг ўн етти ёшини нишонлаш кечасида ота унга оламдан бевақт кўз юлган хотинининг кўйлагини кийдирган ва меҳмонлар олдида кўз ёши тўкиб иккинчи хотинининг бегона эканини юзига солгандек бўлган... «Қиссадан хисса» шуки, ўғай она отани қизиникига юбормайди, демак, ўғай оналар ёмон. Мана «Тўғилган кун» ҳикоясининг бор мазмуни. На ижтимоий ва на маънавий салмоқ касб этмайдиган ана шу воқеа аввалги авторлар ҳикояларидаги каби қолиплаган ифода усуллари орқали баён этиб кетилаверади. Мақсаднинг ноаниқлиги ёки майдалиги туфайли автор мутлақо ноқерак, ноўрин сифатларни персонажларга тақаш билан бир жойда депсиниб қолиш хавфидан қутулмоқчи бўлади. Ҳикоя қаҳрамони Лола-нинг райком секретари эканига урғу бериш, тўғилган кунини тасвирлай туриб отасининг «катта заводлардан бирида цех бошлиғи бўлиб ишлаши»ни қистириш, хотини вафот этгач, иккинчи марта уйланган кишининг «муҳаббатга берилиб, қизини ҳўрлаш ҳақидаги катта амманинг ясама ҳикоятга каби ортиқча тавсифлар ҳеч бир сабабу эҳтиёжсиз ҳикоя таркибига киритилаверади. Оқибат кўзда тутилган фикр янада мавҳўмлашиб, кераксиз деталлар ҳисобига хира тортиб, сийқаланиб кетади. Баъзи ўринларда «доимо жиддий ва соҳибжамол... салобати босиб турадиган» райком секретари «...гоҳо эркаларда умуман хотира деган нарса йўқча ўхшаб туюлади» қабилда асоссиз фикр юритадики, бу энди унинг на жиддийлигидан ва на чуқур мулоҳазалигидан далолат беради. Қолаверса, унинг шундай фикр юритиши мантиққа ҳам эид. Чунки ҳикоядан англашилишича отаси аввалги хотинини унутмаганидан у хабардор.

«Кул остидаги чўғ» ҳикоясини мазмунан икки қисмга ажратиб мумкин. Нигоранинг заводга ишга кириши, қизлар билан танишуви ва оз фурсатда мастер этиб тайинланиши биринчи қисм. Бу ерда жанр табиати тақозо этадиган бирон жиҳат йўқ. Асосий воқеа ва персонажлар кейинги қисмда Муаллиф қаҳрамонини шу заводда ишловчи Сардор билан таништириш учун ҳикояни тенг яримга ажратади. Сардор номи қайд қилингунга қадар кечган тафсилотлар, персонажлар кейинги асосий қисмга ҳеч бир томондан боғланмайди ва уни тўлдирмайди ҳам. Бинобарин, биринчи қисм тўлалгича олиб ташланса, ҳикоя фақатгина ҳамж жиҳатдан ютқазати, холос. Бу жанрнинг катта прозадан кўра мураккаброқлиги эса, айнан, снқик шаклларда улкан маъно ифода эта олишда кўринади. Бу ҳол ҳикояда қаламга олинган воқеа-ҳодисаларнинг мантиқан тугаллигини инкор этмайди. Аксинча, нозик штрихлар, усталлик билан топилган деталлар ҳикоя компонентларининг мукамаллигини, композицион бутунлигини белгилайдиган омиллардир. Айни шу омиллар ҳикоянинг биринчи қисмида умуман кўринмайди.

Энди иккинчи асосий қисмга ўтайлик. Сардор Нигорага бирга турмуш қуришни таклиф этади. Ана шу ерда ўқувчи Нигоранинг эри вафосизлик қилиб аввалги турмуши бузилганлигидан огоҳ бўлади. Орада баъзи тафсилотлар баён қилинган, улар турмуш қурадилар. Фалакнинг гардиши туфайли Сардор касалхонага тушиб қоладию, Нигора шу ерда ҳали ҳам унута олмаган аввалги турмуш ўртоғи, гуноҳидан пушаймон Аъзамни учратиб қолади. Ҳикоя худди шу ерда, айни кулминацион нуқтада кўп нуқталар билан тугатилади. Ечим китобхон ҳўжмага ҳавола. Ўз-ўзидан савол тугилади: мақсад нима! Вафосизлигининг аччиқ қисматини кўрсатишми ёки муҳаббатнинг боқийлигиними! Бир-бирини инкор этадиган икки тушунча. Ана шу ноаниқ оралиқда хулосани ўқувчи чиқариши лозим. Тўғри, фикрлашга мажбур этадиган бадий асар жуда керак. Балки бугунги прозамизнинг энг заиф томони ҳам китобхон тафаккурини ҳаракатга келтирадиган асарларнинг камлигидадир. Бироқ ҳаётнинг жўн талқини билан воқеа тасвирининг қоқ ўртасида осонгина кўп нуқтага мурожаат этиш вазиятдан қутқармайди. Кўп нуқталар салмоқ ва фикр касб этиши учун, аввало, мақсаднинг ўзи аниқ бўлиши, шундан сўнг эса асар таркибини ташкил этувчи ҳар бир аъзонинг муайян йўналишга хизмат этувчи вазифаси, ўрни, мантиқий тугаллиги ва энг кераклиси жонлиги бўлиши керак. Мазкур ҳикояда

ана шу бирламчи талабларга жавоб берадиган хусусиятларин бор деб бўлмайди.

Қандайдир муносабат билан Л. Н. Толстой шундай деган экан: «Менинг назаримда, вақти келиб бадий асарларни мутлақо ўйлаб чиқармай қўядилар... Ёзувчилар, агар улар бўлса, тўқимайдилар, балки ўзлари ҳаётда кузатган аҳамиятли ёки қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб берадилар, холос». Афсуски, ҳозирги бир қатор ёш ёзувчиларимизнинг асарлари билан танишгач, адабиётимизда Толстой орзу қилган давр ҳали анча йироқдек туюлади. Ҳолбуки, ўзбек адабиёти бугунги кунда Иттифоқ миқёсида ҳам салмоқли ҳикояларга эга. Аммо улар билан ёнма-ён юқорида таҳлил этилган каби ҳароратсиз, юзаки ва жўн баёнчиликдан иборат ҳикояларнинг ҳам мавжудлиги, уларнинг тобора кўпайиб кетаётганлиги ташвишланарли ҳолдир...

Муайян соҳа сирларини чуқур билмай туриб, унинг ҳаётин зарурият эканини англамай, вужудингда, руҳингда энг оддий бўлсада кашфиётга қудрат ҳис этмай туриб бирон ишга, хусусан бадий ижодга қўл уриш таҳқирловчи ожизликдир.

Мазкур мулоҳазаларни айтишдан мақсад айрим ҳавасмандларнинг бадий ижодга иштиёқларини сўндириниш эмас. Асло. «Ижоднинг энг олий дақиқалари ёзувчи ўзи учун ёзган дақиқалардир». [Л. Н. Толстой]. Қоғозга тушган ҳар бир нарсани дарҳол эълон қилишга ошиқмаслик даркор. Ёзувчи иш столидан ташқарига ўтолмайдиган нарсалар ҳам ёзиши мумкин. Ёзганларини иш столинда ойлаб, ҳатто, лозим бўлса, йиллаб турсин. [Зотан, самимият инсоннинг абадий интиқ тилаги]. Ҳаётини тажриба ва қарашларини муваққатликларидан сўнг ҳам ўша ёзганларини қўлга олиб, уларга жиддий қарай олсанг, ўзинг ва атрофингдагиларда унга эҳтиёж сезсанг шундагина уни оммалаштиришга ҳақлисан.

Азиз Абдураззоқ

Пахтакор

Оламнинг тоғлари
Тошлари
Бир ерга тўпланса мабодо,
Сен битта елканда бир марта
Қўтарган юкинча бўлмагай.
Сен шундоқ беқис дов полвон.
Ақлимга сизмайсан,
Пахтакор...

Илк очилган пахтага

Богимнинг бағрида гуллади ўрик,
Шоирнинг шеъридай нурли, чарогон.
Ўйлайман... Ўйлайман: «У ҳамон тирик,
Баҳорни куйлаган Ҳамид Олимжон!»

Келинчак баҳорнинг тиккан чодури
Шу ўрик бошимда экан соябон,
Дилларни қўнғироқ каби чалдириб,
Шеър ўқиб тургандай Ҳамид Олимжон.

Шундай-ку, бу сўзлар асли юпанчдир,
Аслида дил тўла минг қават армон.
Яхшиям юпанч бор, юпанч таянчдир,
Юпанч бор, демек бор Ҳамид Олимжон.

Ўрик гулларига боқиб шом, саҳар,
Ичимдан хўрсиниқ келар ногаҳон.
Оҳ, кошки бемаҳал қилмасдан сафар,
Чарақлаб турсайди Ҳамид Олимжон...

Бугунги кунда мактаб парталарида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улғувор вазибаларни ҳал қиладилар. Улар Улуғ Октябрь ишини давом эттиришлари керак, мамлакатнинг тарихий тақдири учун, жамиятни ҳар томонлама тараққий эттириш учун, унинг коммунистик қурилиш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжиб бориши учун масъулият уларнинг зиммасига тушади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан»



Эркин Аҳмадхўжаев

МАВЛОНО ЛУТФИЙ ҒАЗАЛИЁТИДАН

Классик адабиётимиз саҳифаларини оҳиста варақлар эканмиз, инсон қалбини ўз сеҳрли кучи билан бутунлай мафтун этган санъаткорларни кўплаб учратамиз. Шулар орасида «Маликул-калом» — сўз подшоҳи деган юксак ном олган ва ғазалиётда маҳоратга эришган Мавлоно Лутфий шеърини алоҳида ажралиб туради.

Маълумки, Мавлоно Лутфий баракали умр кечириб, 99 ёшида 1465 йилда вафот этди, аммо унинг шеърини асрлар бағрида барҳаёт қолди. Лутфий ижодига бундай барҳаётлик бахш этган ва шоир ижодида салмоқли ўрин тутган унинг «Девон»и бўлиб, ҳозирча «Девон»нинг 29 қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Лутфий «Девон»ининг бу мўтабар нусхаларидан бири Париж «Миллий кутубхона»сидаги «Турк қўлёзмалар бўлими»да 981-рақам остида сақлаб келинмоқда. Яқин-яқинларгача мазкур қўлёзма ҳақида француз олими Эдгар Блошенинг 1932 йилда Парижда чоп этилган «Турк қўлёзмалари каталоги»да зикр этилган маълумотдангина хабардор эдик, холос. Аммо бу «Девон»ни ўзбек олимларидан проф. Ҳ. С. Сулаймонов Парижга бориб, илк бор қўлига олди ва саҳифаларини бирма-бир кўздан кечирди. Проф. Ҳамид Сулаймоновнинг маълумот беришича, «Девон» юпқа новвотранг шалдироқ қоғозга қора сиёҳ билан нафис наставкали хатида битилган. Шеър матни ҳар саҳифада икки устунга, айрим ҳолларда эса баъзи ғазалларнинг мақтаси икки устун ўртасига ёзилган. Саҳифаларни кўрсатувчи пойғир мукаммал берилган. «Девон»нинг биринчи саҳифасига чиройли зарҳал унвон ишланган бўлиб, унинг ичига йирик ҳарфларда «Девони Лутфий» деб ёзилган. «Девон»да бундан бошқа безаклар йўқ бўлиб, ғазаллар одатдаги чизиқ-жадвал ичига олинган.

«Девон»нинг дастлабки чарм муқоваси сақланган бўлиб, унинг биринчи бети юқорисида «Девони Лутфий ва Девони Гадо ба лисони чигатойи» деган ёзув бор. Муқованинг тўртинчи бетига қўлёзманинг инвентарь рақами, варақлар сони ва «26 апрель 1900» деб ёзилган оқ қоғоз ёпиштирилган. Бу ёзув қўлёзманинг «Миллий кутубхона»га келиб тушган вақтига ишорадир. Аммо эътиборлиси шундаки, бир муқова ичидаги бу қўлёзмадан икки табарруқ шоир — Мавлоно Лутфий ва Мавлоно Гадоийларнинг «Девон»и ўрин олган. Қўлёзманинг умумий варақлар сони 161 та бўлиб, шундан 95 вараққа Лутфий «Девон»и битилган. Лутфий «Девон»ининг тугалланганлигини кўрсатувчи «таммат» сақланган, аммо Гадоий «Девон»ининг сўнгги варағи йиртилиб йўқолганлиги сабабли бу қўлёзманинг қаерда, қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Қўлёзманинг хати, қоғози ва бошқа аломатларига кўра уни XV аср охири ва XVI аср бошларида Ҳиротда кўчирилган ва китобат қилинган дейиш мумкин.

Орадан кўп ўтмай, проф. Ҳамид Сулаймон бу қўлёзманинг

микрофильмини олдирди ва шу микрофильмдан унинг фотонусхаси тайёрланди. Биз, мазкур манба асосида 1971 йилда «Девони Гадо» устида илмий иш яратдик, аммо шунинг билан бирга «Девони Лутфий»ни ҳам мавжуд қўлёзмалар билан қиёсий ўрганишда давом этдик.

Бу қиёсий ўрганиш муҳим илмий далилларни аниқлашга имкон берди. Маълум бўлишича, ҳозирча биз танишиб чиққан шоир девонлари нусхаларининг учтаси XV аср иккинчи ярми — XVI асрда, қолган асосий кўпчилиги XVIII ва XIX аср, ҳатто XX аср бошларида кўчирилган бўлиб, уларнинг барчасида ғазаллар сони 200 билан 280 ўртасида, рубоий, туюқ ва қитъалар эса 6 билан 50 ўртасида фарқланиб туради. Фардлар эса умуман учрамайди.

Мазкур девон таркибида Лутфийнинг 311 ғазал, 54 та рубоий, туюқ, қитъа, 31 фарди берилганлиги унинг шоир девони қўлёзмаларининг энг мукаммал нусхаларидан эканлигини тасдиқлайди ва шоир меросини тадқиқ этишда фан учун қимматли манба бўлиб хизмат этиши шубҳасиз.

Қиёсий ўрганиш натижасида Лутфийнинг 100 дан ортиқ ғазаллари, рубоий, туюқ, қитъа ва фардлари бошқа нусхаларда учрамаслиги ва шоир девони нашрларига кирмаганлиги аниқланди. Шу тариқа, ўзбек адабиётимиз Лутфий ижодиётининг янги дурдоналари билан бойиди. Бу янги шеърлар ҳеч шубҳасиз ўзбек адабиётини бойитади, Лутфий ижодини тўлдирди, унинг ҳақидаги тасаввурни янада чуқурлаштиради ва кенгайтиради.

Муҳаббат ва гўзаллик куйчиси бўлган Лутфийнинг барча шеърлари каби бу янги топилган ғазаллари ҳам бадиий гўзалликка эга бўлиб, халқ ижодига яқинлиги, тиниклиги, равонлиги, самимийлиги билан ажралиб туради. Бундаги лирик қаҳрамон — ошиқ севгили машуқа олдида ўзини пастга урмайди, камситмайди. Балки шоир маҳбубанинг латофати, зарофати, занокати каби гўзал хулқ-атворини ҳассослик билан ифодалайди.

Бу ғазалларда табиий соддалик билан бирга, маҳбубанинг инсонга хос, гўзал, олижаноб фазилатлари Лутфиёна тасвирланади. Шоир шеърларида кўпгина маънога эга бўлган, лутф санъатида кам ишлатилиб келинган оригинал усуллар қўлланади. Шоир таърифлаган маҳбуба ҳуснда ҳам, ақлда ҳам, нозик фаҳмилиликда ҳам ягона бўлиши билан бирга лутфда, ҳазил-мудойибада ҳам ўткир эканлиги гавдаланади.

Лутфий ижодиётининг янги маҳсули бўлган бу шеърларнинг кўпгина қисми биз томонимиздан нашрга тайёрланиб, «Адабий мерос» илмий тўплами ва «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида илгари эълон қилинган эди.

Куйида сиз, ҳурматли журналхонлар, Лутфий девонининг Париж нусхаси асосида нашрга тайёрланган янги ғазаллардан намуналарни биринчи бор ўқийсиз.



мактублар... Хилма-хил конвертда, турфа хил сиеҳда, турлича дастхат билан битилган бу мактубларнинг ҳар бирида бедор, беҳаловат қалб туйғулари, ҳис-ҳаяжонлари мужассам. Бу мактублардан бугунги ёшларимиз фақат ўзларининггина эмас, ўзгаларнинг тақдирига ҳам бефарқ, бепарво эмасликларни сезилади.

Мактубларнинг аксарияти Набига мурожаат тарзида ёзилган. Уларнинг мазмуни ҳам деярли бир хил — Набини тўғри йўлга чорлаш, оиласига қайтариш. Хатлар орасида ўғлини мактабни битиргач ошиғич уйлаб қўйган Набининг ота-онасига, суриштириб-нетиб ўтирмай йигитга мойиллик кўрсатган Гўлчеҳрага таъна, маломат сўзлари битилганлари ҳам талайгина.

«Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрадимми! — деб ёзади студентлар — Алқор Эшболтаев, Эркин Болтаев ва Муқим Саидовлар, — ота-онангиз эрта уйлантирган бўлса сизни ширин ҳаётингизни кўргини, жажжи ўғил-қизларингизни эркалатгиси келгандир... Бунинг нимаси ёмон!»

Бизнингча ҳам йигитларнинг бу мулоҳазасида жон бор. Ҳар бир ота-она фарзандининг ҳаётда қўшгани билан қўша қариб кетганини, ўздан кўпайиб, ували-жували бўлишини истайди. Шунга ҳаракат қилади.

Оила бузилишига, болаларнинг тирик етим бўлиб қолишига, нототувликка эса кўпроқ ёшларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қоладилар. Кўнгил кўчасига кириш, ортиқча ҳис-туйғулар, ўринсиз рашиқ охир оқибат оила инқирозига олиб келади. Кўнгилларни вайрон қилади.

Бу ерда ҳам Набининг ота-онасида ҳеч бир гуноҳ йўқ. Аксинча эзгу ният бор, орзу-умид бор. Наби ҳис-туйғуларга берилувчан, беқарор йигит эканлиги унинг ўз мактубида ҳам шундоққина акс этиб турибди.

Онаси бўлажак келиндан гап очганда у ширин хаёлларга берилади:

«Дарҳақиқат, Абдурасул амакиннинг ажойиб қизи бор эди! Оти — Санам! Узиям гўзал, исмиям гўзал! Индамадим. «Бундоқ қизни аянг топмаса, етти иқлимни қидириб ҳам тополмайсан!» деган ўйда ризолик аломати — сукут сақлаб туравердим...»

Бу сатрлардан Набининг Санамга бўлган иштиёқи сезилади. У шу иштиёқ билан қизни севади, унга уйланади, икки йил ораларидан қил ўтмай ахил-иноқ яшашади, иккита фарзандлик ҳам бўлишади.

Аммо Наби техникумнинг иккинчи курсида ўқиётганда Гўлчеҳра исми қизга ўзи «сезмаган ҳолда яқинлашиб» қолади. Уйга камдан-кам борадиган бўлади. Болалар, уй юмушлари, рўзгор ташвишлари билан ўзини олдириб қўйган Санам кўзига хунук кўринади. Гўлчеҳрани ўйлайди. «Қайси томон муқаддас!! Қайси йўлдан борай!!» дейди. Енгил-елпи хаёлларга берилади. Ваҳоланки, уйланган одам учун биринчи гапта оила муқаддас. Бу ерда иккиланиш, таҳликага тушишнинг ўзи ортиқча.

Бундай пайтда одам орқа-олдини ўйлаши, ўзини қўлга олиши, иродали бўлиши керак. Ана шундай пайтда киши кўнгил майлларига, ортиқча ҳис-туйғуга эрк берса ўзини ҳам, қизни ҳам, ота-онасини ҳам бир умрлик маломатга, номусга қўяди.

Бу гапларимиз редакцияга «фалончини яхши кўриб қолдим, нима қилай!», «фалончини яхши кўраман-у аммо унинг оиласи бор» қабилида хатлар йўллаётган баъзи ёшларга ҳам тегишли.

Турмуш — бу мураккаб тушунча, унга қадам қўйиш олдиндан халоллик ва покизаликни қўлдан бермаслик, ифбат ва ҳаёни биринчи ўринга қўйиш, етти ўлчаб бир кесиш керак. Бундай пайтда ён-атрофдаги кўпни кўрган, кўпни билган кишилар билан бамаслаҳат иш кўриш, пирн-бадавлат отахон-онахонларимиз насиҳатларига қўлоқ тутиш, фойдадан холи бўлмайди. Журналхонларимизнинг Гўлчеҳра номига йўллаган хатлари ҳам ибратлидир.

«Ҳурматли Гўлчеҳрахон! Бизлар балки тенгдошлардирмиз, балки ёшимизда фарқ бордир, лекин дугоналармиз. Узингизни қўлга олинг. Тўғри, ҳаётда севган кишингга етиша олмаслик қийин. Набижон мактубида сизнинг севингиздан гап очмаган. Сиз Набижонни яхши кўрган ё кўрмаган тақдирингизда ҳам унга ёрдам беришингиз керак. Бутун бошли оилани бузиб,

Оиладан муқаддас нима бор...

Журналимизнинг шу йил 1-сонида

Жамшид Пиримов ва Шоим Бўтаевнинг

«Икки ўт орасида» сарлавҳали ахлоқий

мавзудаги мақолалари

эълон қилинган эди. Редакция

ана шу мақола

юзасидан 200 га яқин хат олди.

икки норасида болани ва Санамхоннинг кўз ёшларини тўкиб бахтли бўламан деб ўйламанг!

Сизга ҳурмат билан ишчи — студент дугонангиз Гулзода Мамбетова.»

Наманганлик ўқитувчи Мўйдин Маткаримов мактуби эса бирмунча кескин:

«Гулчеҳра! Сен ҳеч бир кечириб бўлмас иш қилгансан. Ахир баъзи йигитлар кўзига яхши кўринган қизга гап ташлайди. Наби ҳам сенга худди шундай қилган. Наҳотки, сен ким билан гаплашаётганингни билмасанг?! Ҳамма айб сенда. Ҳаммасига сен сабабчисан-ку, ахир. Уни уйланганини билмасанг, курсдошларидан сўраб-суриштирмасанг! Ҳаммасини биласан, Наби сен билан гаплашганда унинг кўкрагидан итарганингда иккинчи бор сенга яқинлашмаган бўларди. Шундай эмасми! Сен унга мойиллик қилгансан, кўнгил бергансан. Шундайми! Қани, гапир!»

Бироз дағалроқ бўлса-да, самимий сатрлар. Юракдан чиққан гап юракка тағди дейдилар. Биз ҳам бу сўзлар Набини ҳам, Гулчеҳрани ҳам ҳушёр тортиришини, уларнинг катта ҳаётнинг тўғри, беғубор йўлига тушиб олишларига кўмак беришини чин дилдан истаймиз. Ишонамизки, Наби ўз ҳис-туйғуларининг қули бўлиб қолмайди, у ҳаммасини англаб етади. Бунга унинг чуқур изтиробга тўла мактуби ҳам гувоҳлик бериб турибди.

«Ёшлик» адресига, тўғрироғи «Икки ўт ўртасида» мақоласидаги иккинчи мактуб автори Гуласал номига ҳам анчагина хатлар келди. Бу хатларнинг ҳаммасида ҳам эрининг ўринсиз таъна-ю дўқ пўписаларига дучор бўлиб, ҳаловатидан айрилган келинчакка ҳамдардлик, хайрихоҳлик сезилади. Тинч, тотув ҳаётдан мансабни устун қўядиган, амалга интилиб яшайдиган унинг турмуш ўртоғи қораланади.

«Ҳурматли Гуласал, — деб ёзади Самарқанд области, Жомбой районидан хат йўллаган кутубхоначи қиз Мавлуда Эргашева. — Мактубингиз жуда аянчли. Ҳақиқатан ҳам сизга оғир. Уйлаб кўрсак, турмуш ўртоғингиз иродасиз ва агар айтиш мумкин бўлса ношудроқ экан. Мен кўп оилаларни биламан. Улар беш-олтита фарзандлари бўлишига қарамай институтларда ўқишяпти, аспирантураларни тугатиншяпти. Наҳотки ўқишга кира олмас ҳам хотин сабабчи бўлса! Ахир ўқишга киришнинг ўзи бўлмайди-ку — тинимсиз ўқиш, изланиш керак. Мансабдор бўлиш ҳам осон иш эмас. Бунинг учун ақл, катта тажриба ва билим керак бўлади. Умуман мен ношуд ва ўртамиёна раҳбар бўлгандан кўра юқори разрядли ишчи бўлишни афзал биламан.

Турмуш ўртоғингиз балким ўртоқларига нисбатан ҳавас, ҳасад ва яна аллақандай ҳис-туйғуларга берилиб вақтинчалик тушкунликка тушиб қолгандир. Балким у сизнинг ёрдамингизга, ширин сўзингизга муҳтождир. Сиз яхши муомала билан тушунтиришга ҳаракат қилинг. Эзгуликнинг кечи йўқ дейдилар. Бу йил бўлмаса, янаги йил, ундан кейинги йил уриниб кўрсин...»

Республика яйлов мелиорация қурилиши бирлашмаси Наманган механизациялашган кўчма колоннаси инженери Ойшахон Насриддинова мактуби ҳам Мавлудахон фикрини тўлдиради.

«Менимча, — дейди Ойшахон, — ўқиш учун, олий маълумот олиш учун оиланинг ҳеч қандай тўсиқинлик жойи йўқ... Мен хизмат қилаётган ташкилотда ҳам оилали, фарзандли ёшлар ишлайдилар. Улар ташкилотнинг жамоат ишларида актив иштирок этиш билан бирга олий ўқув юртларининг кечки ва

сиртқи бўлимларида ўз билимларини оширмоқдалар. Мен уларнинг бирор марта оиласидан, ҳаётдан нолиганларини кўрмайман. Аксинча, мақсад сари тоқат билан интилишади. Гуласал, турмуш ўртоғингизга маслаҳатим шуки, ўқиш учун, олий маълумот олиш учун ҳозир ҳам кеч эмас, киши ҳаётда ҳеч қачон тушкунликка тушмаслиги керак.»

Бу хатлар албатта ўринли, жўяли. Шерободлик Шохсанам Пардаеванинг мулоҳазалари эса юқоридаги икки мактуб якунига ўхшайди.

«Мен тушунолмадим, опагон, — деб ёзади у, — наҳотки турмуш ўртоғингизнинг ўқишга киролмаслигига сиз сабабчи бўлсангиз?! Менимча, оила қуриш орзу-умидларни ора йўлда қолдириш эмас, аксинча қўш қанот бўлиб, орзулар сари бирга-бирга парвоз этиш эмасми! Сизнинг умр йўлдошингиз бўлса ўқишга киролмаслик сабабни оилдан ахтарари, сиздан кўради. — Сен туфайли киролмадим, сен сабабчисан, деб дўқ қилади, қўл кўтаришгача бориб етади. — Сиз қилдингиз, қачон уйланасан деб, қўймадингиз деб, — онасини ҳам ўкситади. Бу худбинликдан, ўз-ўзини ўта яхши кўришдан бошқа нарса эмас. Бунинг оқибати эса ёмон бўлиши мумкин.

Ахир уйлаб кўринг ўзини, шахсий манфаатини ота-онадан, оилдан ҳам устун қўядиган одамдан қандай мансабдор-у, қандай раҳбар чиқади!»

Бизнингча, Гуласал мактубидан унинг турмуш ўртоғи қалбда ҳасадгўйлик деган бир хавфли иллат иш отаётганлиги сезилади: «фалончининг ўглини зап калласи бор экан, катта ишга ўтириб олиб, мана, йигирма етти ёшида уйланди.»

Ваҳоланки, орзу-мақсадга бундай ўз-ўзини эзish, ҳасадгўйлик, ноаҳиллик билан эришиб бўлмайди. Тинмай ўқиб, изланиш, ҳалол, фидокорона меҳнат, атрофга, келажакка ёруғ юз, пок ният билан қараш, ён-атрофдагиларга ҳурмат, эътибор одам обрўсини оширади.

Йигитнинг онаси бир жойда ўғлининг ўринсиз эзлишларига жавобан — унинг тинч бўлса — катта давлат шу! — дейди. Жуда тўғри. Ҳаёт киндик қонимиз тўкилган кадрдон хонадонимиз, уйимиз остонасидан бошланади. Севгидан, оила лаззатидан бебаҳра одам ҳар қандай мансаб, дабдабаю асьяса билан бахтли бўла олмайди. Бахт деганлари амалдан, мансабдан нибрат эмас.

Биз «Икки ўт орасида» мақоласи юзасидан редакциямизга келган мактубларнинг айримлари тўғрисида фикр юритдик. Бу мактублар шуни кўрсатмоқдаки, ёшларимиз ҳаётга, турмуш тушунчасига гоятда жиддий қарайдилар, жамият ва оила олдидаги ўз бурчларини тўғри тушунадилар. Фақат ўзларининг эмас, ўзгаларнинг бахти учун ҳам чин кўнгилдан қайғурадилар, ҳамманинг яхши яшашини, бахтиёр ҳаёт кечиршини истайдилар, турмуш чорраҳаларида иккиланаётган тенгдошларига ўз дил сўзларини самимий изҳор этадилар.

Турмуш — мураккаб тушунча. Унинг қувончу шодликлари бисёр бўлганидек, ташвишлари, синовлари ҳам йўқ эмас. Ана шундай пайтда кўнгил майлларига берилмасдан, воқеликка теран кўз билан қараш, виждон амри билан иш туттиш тинч-тотувлик ва хотиржамликни таъминлайди.

Уйлаймизки, икки ўт орасида қолган Наби ҳам, турмуш ўртоғи Гуласалга ўринсиз тана ва маломат ёғдираётган нотаниш дўстимиз ҳам тенгдошлари йўллаган мактублардан тўғри хулоса чиқариб оладилар.

Ижтимоий-сиёсий бўлим



Охунжон Ҳақимов

ҚОРА БАЛО

— Эшитяпман, — овози ғалати қалтираб жавоб берди Йигитали, — эшитяпман... Фақат бу сафар... Ҳали маош чиқмовди-ку. Уч-тўрт кундан кейин бўлганда...

Жувон қўлини шартта тортиб олди.

— Аввалги сафарлари маош-маош деб ҳам ўтирмас эдингиз. Нима бало, битта ғилдирағу, битта шалоқ магнитофони олдириб қўйиб, соб бўлдингизми, йигит!

— Унақа деманг, Тўлқиной, — ўзини босиб деди Йигитали, — ахир, уй-рўзғор, тирикчилик...

— Тирикчилик деган одам шаҳарда чиройли аёлларни овлаш ўрнига далада кетмонини чопади. Вой, келиб қолибмиз-ку! Тўхтатинг, тушаман. Ие, анавилар ким бўлди? Е товба, Алиқ-ку! Устозим! Шу дайдиниям кўрадиган кун бўларкан-а! Тўхтанг дедим-ку, сизга! Ҳа, бояги гап қулоғингизда бўлсин. Энди уйимга кела кўрманг. Бундан буёғига муҳаббатингизни кетмонга изҳор қилиб, ўша эсингиз кетиб мақтайдиган олма дарахтларингизни қучоқланг...

Йигитали жон-жаҳди билан тормозни босди. Машина чанг-тўзон кўтариб, ғийқиллаб тўхтади. Жувон мункиб бориб олдинги ўриндиққа урилди. Йигитали бутун гавдаси билан орқага бурилиб, ҳансираганча ғазаб билан Тўлқинойга хунук тикилди. Утакаси ёрилаётган жувон ўзини орқага ташлаб, кабина эшигини очишга уринаркан, бидиллади:

— Вой, ану кишининг олайишларини... Нега одамга бунақа тикиласиз? Е мени энди кўришингизми?

— Туш машинадан! — бақириб юборди Йигитали.

— Нима?

— Туш деяпман, манжалақ!

Жувон Йигиталининг афтидан кўз узмай, шоша-пиша машинадан тушар экан, секингина «псих» деди ва бурнини жийирганча чап қўлини кўтариб, «чау» дедию ўзини ташқарига олди.

Йигитали машинани шартта орқага буриб, уйига жўнади. Аммо одам бўлиб умрида кўрмаган кунгилсизликларнинг энг хунуги уни уйда кутиб турган экан.

Кўчада «люкс» па-паплаганини эшитиб Озодахон дарвозани очишга ошиқди. Йигитали қовоқларини уйганча машинани ичкарига олиб кирди. «Ҳалиям ёзилмапти, — кўнглидан ўтказди Озодахон, — эрталабки аччиқ-тирсикларни дилидан чиқариб ташлашим керак».

Эри индамай машинадан тушди. Озодахон жинжилоғининг учи билан кабина томини силар экан, деди:

— Вой-бўй, роса чанг босибди, ювиб берсам, нима дейсиз?

— Майли, — деди қовоқ солиб Йигитали.

Озодахон машина артадиган докани олиш учун кабинага бош суқдию, қотиб қолди. Кейин орқа ўриндиққа эгилиб тимискилана бошлади. Йигитали сигаретини энди тутатаман деб турганда, рўпарасида ранг-қути ўчиб, дағ-дағ титраётган хотини пайдо бўлди.

— Нима булар? — Озодахон унинг нақ бурнининг тагида алланималарни силката бошлади, — нима булар? А?!

Йигитали хотинининг қўлидаги атир шиша, лаб бўёғи ва дастрёмолни кўриб, танглайига музлаб кетди.

— Билмасам нимакин... Қаттан, олдинг?

— Нима? Қаттан олдим? Машинага қайси мегажин ўтирган ўзи?

— Қўйсангчи, — ғудранди Йигитали, — битта болали хотин чиқувди, раҳмим келиб... Битта чол ҳам...

— Ҳо, болалик хотин билан чол денг? Болалик хотин чиққан бўлса, сўска билан шиптир хиди гупиллаб турган иштонча қолмайдими машинада? Чолбува чиққан бўлса, носқовоқ билан ҳассасини унутиб қолдирмасмиди? Манавилар кимники деяпман?!

Йигитали бир нималар деб минғиллади, хотинидан кўзларини олиб қочди. Бундан Озодахоннинг баттар жини қўзиди. У қўлида силкитаётган бежирим шичачани зарб билан ерга уриб оёғи билан эзғилай кетди.

— Мана! Мана! Мана!..

Кейин эрининг устига бостириб келиб ўшқирди:

— Ҳу, уйланмаган буз йигит! Ҳали шунақаман денг! Кремплин шим-костюмларга аталган пул қаёқдаги мегажинга кетган денг?! Рўзғорни гўшт-ёғдан, болаларни кийим-бошдан қисиб қилган ҳўнарим шу денг?

Йигитали чап томондаги гап пойлайдиган қўшнилари девор оша секингина муралашаётганини сезиб қолди. У хотинига елворди:

— Бўлди энди, Озоо... Мен... Кейин тушунтираман. Қўшнилар қарашяпти, уят-ку?..

— Ҳо-о, уятниям биламан денг ҳали? Уятни биладиган одам шунақа иш қиладими? Мен ўзим аҳмоқман, — бирдан ҳўнграб йиғлай бошлади Озодахон, — аҳмоқ бўлмасам, шунақа енгил-так эрни ялт-юлт қилган машинага ўтказиб қўяманми? Бурнига сув кирган битта хотин айтган эди-я, «енгилтабиатроқ эр машинани бўлса, хотини тул қолади» деб. Сиз ўшанақалардан экансиз! Эссиз, сиз билан ўтказган ўн бир йилим... Қани, юринглар, болалар, дадаларинг мурод-мақсадига етиб, мана шунақа ўйнаб-қулиб юрсин!

Йигитали дарвозахонага кўндаланг туриб олиб, хотинига ялина бошлади.

— Йўлни бўшатинг. Энди манави қора бало бало яланг. Уйнашларингиз билан даври даврон суринг! Нега анграйиб туришбсан, қани бўлларинг! — бақириб берди у бирдан болаларига.

...Улар чиқиб кетишди. Ҳовли бирдан жимиб, хунук сукутга фарқ бўлди. Йигитали қафтига йиғиб олган атир шиша парчаларини жаҳл билан ҳовли этагига қараб отди. Кейин хотинининг шиппақлари тагида эзилиб, асфальтнинг дўппидек жойини лозазор қилиб юборган лаб бўёғи устида туриб қолди. Бирданга шу қил-қизил доғ ўрнида қоп-қора девор ўсиб чиқиб, хотини иккаласининг ўртасини шартта тўсиб қўйганга ўхшаб кетди. Йигитали сесканиб, кўзларини чирт юмиб олди.

«Ҳа, хунук иш бўлди, — такрор кўнглидан ўтказди Йигитали, — лекин қайнотам тушунади. Яхши одам. Бир-икки кун ўтказиб обкелиб қўяди.»

Аммо бир-икки кун уёқда турсин, орадан икки ҳафта ўтсаямки, Озодахондан дарак йўқ эди. Қайнотасиникига юрак ютиб ўзи боролмади. Йўқ, бети чидамади. Лекин бўм-бўш, ҳувиллаган уйда тун-кунларни дод демоқдан бери бўлиб ўтказди. Минг орзу-умидлар билан олишган анави машинаям кўзига балодек кўринади. Бошига шу кўргуликларни солган аслида шу темиртак эмасми? Уша қон қилиб юборадиган оқшомларнинг бирида Йигитали дарвозахона олдида қоп-қорайиб турган машинага дарғазаб важоҳатда тикилиб туриб, «бирор овлоқ жойга обориб ўт қўйворсаммикин» деб

Охири. Боши 5-сонда



Расми А. ОРИПОВ чизган

кўнглидан ҳам ўтказди. Секин, шайтонга ҳай берди. Эл-юрт хотини билан бўлган гиди-бидини унутиб юбориши мумкин, лекин бу қилигини унутмайди. Бир умр иснодга қолади.

Охири Йигиталининг ўйлагани бўлди. Учинчи ҳафта бошланди, деганда хуфтонларда ишдан келса, ҳар куни зимистон бўлиб ётадиган уйда чироқлар порлаб турибди! Йигитали терисига сиғмай кетди. Ҳовли саҳнида чопқиллаб юрган кенжасининг рўпарасида чўкиб, «қани, кел-чи!» деб қучоқларини очди, аммо ўғли кўришиш ўрнига қочиб кетди. Тўнғичиям, ўртанчасиям у билан ётсираброқ кўришишди. Озодахон ҳам рўйхуш бермайроқ муомала қилди. Бундан Йигиталининг дили оғриган бўлсаям, ўзига-ўзи тасалли берди. Тўғри-да, аразлаб отасиникига кетиб қолган хотин қачон эрининг бўйинига осилиб кўришган?

Эртасига эрталаб нонушадан кейин Озодахон эрига лўнда-лўнда қилиб деди:

— Гап шу: машинани сотасиз. Кўргани кўзим йўқ шуни! Эр маъқул дегандай бош силкиди.

Йигитали ярақлаб артилган машинани азонда юргизиб, бозорга олиб кетди. Аммо тушларга яқин дарвозанинг нарёғидан яна ўша қора балонинг таниш пап-папи эшитилиб қолди. Озодахоннинг жон-пони чиқиб кетди.

— Нархигаям кирмади, — шалвираб деди эр, — бозорга машина демаганим тиқилиб кетибди.

— Бирортасига садақа қилиб бевворсангиз ҳам майлийди, шу палакатни, — деб Озодахон ичкарига йўл олди. У ҳафта охиригача эри билан гаплашмади, ҳисоб. Лекин эртага бозор деган куни кечқурун Йигитали унинг қатъий сўзини эшитди:

— Катта-катта сарфлаб ўрганган очикқўл эркаксиз. Беш-ўн сўмнинг юзига боқмай, тузукроқ даллол топинг. Энди сотмай қайтманг. Акс ҳолда...

Йигитали сесканиб кетди. «Акс ҳолда» нима бўлишини у яхши билади. Буни бир марта кўрган.

Эртасига тонг оқараётганда «люкс» яна энгил гуриллади. Озодахон дарвозани очиб, уни чиқариб юборар экан, «Илоё, қорагинангнинг ўчгани рост бўлсин» деб юзига фотиҳа тортди.

Азон маҳалдаги дуои бад инобатга ўтди шекилли, кун пешинлардан ўтаётганда Йигитали машинасиз кириб келди. У терлаб-пишган; қўлида алланималар билан лиқ тўла иккита тўр халта, эшик олдида илжайиб турарди. Озодахоннинг кўзлари бирдан яшнаб кетди. У машина қанчага кетди деб сўраб ҳам ўтирмади, эр ҳам бу ҳақда оғиз очмади. Йигитали «уфф» деб юкларни айвонга қуяр экан, ўзига қизиқсиниб қараб турган ўғилларини қўли билан имлаб ёнига чақирди ва тўр халталардан бирининг оғзини очди. Бирдан ҳовлини болаларнинг шовқин-сурони босиб кетди. Тўр халтадан бир неча қўйлақ, катта-кичик шим, учта кети ва копток чиқди.

— Қилган ишларингизни қарангу, — эрига ўпкаланиб қаради Озодахон, — энди буларингизни кўчадан тутиб келиб бўлсиз.

— Қўявер, — қўл силтади Йигитали, — сенга бошқа гапни айтмоқчи эдим. Биласан, мол бозори машина бозорининг биқинида жойлашган. Бозорга елинлари челақдек-челақдек сигирлар ҳам чиққан экан. Биттасини етаклаб келгим бор эди-ю, машина кечроқ пул бўлди-да. Лекин келаси бозор албатта обкеламани.

— Бузоқчаси биланми? — аллақачон кетисини кийиб олган ўртанчаси отасига суркалди.

— Бузоқчаси билан!

— Қўзичоқ ҳам обкеласизми? — елкасига тирмашди кенжаси.

— Қўзичоқ ҳам! Биттамас, учта. Учовингга биттадан.

Болалар чувиллашиб, бирин-кетин айвондан сакраб тушиб кетишди.

Йигитали айвон четига ўтирар экан, бурунги замондагидек хотинига ўктам деди:

— Бир коса сув обке, ёниб кетяпман!

— Чой қўйворайми?

— Сув деяпман-ку! Ярим соатдан кейин иккита прицеп келади. Карам юклаймиз.

Йигитали бир коса сувни тик турганча нафас олмай симириди. Кейин шартта бурилиб кўча эшик томон юрди. Озодахон қўлида бўш коса, чуқур тин олганча эрининг орқасидан тиқилиб қолди. У ўн йилнинг нарёғидаги соддагина, тўғрисиёз, тўпори Йигиталини қайтадан кўриб тургандай эди.

АВТОРЛАРИМИЗ

Гаффор ҲОТАМОВ. 1953 йили Навоий районида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битирган. «Хат та-шувчи бола» ҳикоялар тўплами ва «Қайтиш» қиссаси нашр этилган. СССР Езувчилар союзининг аъзоси. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида хизмат қилади.

Шухрат РИЗАЕВ. 1958 йили Тошкентда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетини тамомлаган. Адабий-танқидий мақолалари матбуотда эълон қилинган. М. Т. Ойбек уй-музейида катта илмий ходим бўлиб ишлайди.

Абдуваҳоб АБДУМАННОПОВ. 1950 йили Фарғона областининг Қува районида туғилган. 1976 йилда ТошДУ журналистика факультетини битирган. Халқ депутатлари Фарғо-

на область Совети ижроия комите-тида хизмат қилади.

Сирожиiddин САИДОВ. 1958 йили Сурхондарё область, Сарийосиё районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини 1979 йили битирган. Шеърлари матбуотда кўплаб эълон қилинган. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Руҳим харитаси» илк шеърый мажмуаси нашрга тайёрланмоқда. «Тошкент оқшоми» газетаси редакциясида хизмат қилади.

Шавкат РАҲМОН. 1950 йили Уш областида туғилган. Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтини тамомлаган. «Рангин лахзалар» (1978), «Юрак қирралари» (1981) шеърый мажмуаларнинг муаллифи. СССР Езувчилар союзининг аъзоси. Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи аппаратида хизмат қилади.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» [«Молодость»] — ежелесяный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: **Ҳ. СОЛИҲОВ**
Техник редактор: **В. УРУСОВА**
Корректор: **Ф. ФАЙЗИЕВ**
Журнал макетини
М. ОВСЯНИКОВ тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П
Ленин кўчаси, 41
Телефонлар:
Бош редактор ўринбосари —
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърят, адабий танқид ва санъат бўлимлари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар кўлөзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар кўлөзмаларинингига қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ешлик» дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 24.04.84 й. да туширилди. Босишга 25.05.84 й. да рухсат берилди. Р—13705. Қогоз формати 84×108¹/₁₆. Қогоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 149133. нусха. Буюртма № 3405. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент, 70 «Правда Востока» кўчаси, 26



Расмин Б. ТОЖИЕВ чизган

© «ЕШЛИК» № 6, 1984,
«Еш гвардия» нашриёти